

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби**

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР ТЎПЛАМИ

*(Судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар
ҳодимлари учун қўлланма)*

Тошкент – 2023

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар тўплами. Судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун қўлланма. – Тошкент: Lesson press, 2023. – 193 бет.

Тўплам Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази илмий-маслаҳатлашув Кенгашининг қарори (2023 йил 21 сентябрь 11-сон) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби Кенгашининг қарори (2023 йил 31 май 6-сон) билан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир: ю.ф.д., профессор, академик А.Х. Саидов

Тузувчилар: ю.ф.д., профессор М.А. Тиллабаев
ю.ф.н., доцент Ҳ.-М.И. Исоқов
ю.ф.ф.д., доцент З.А. Амиров

Мазкур қўлланмада инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш, рағбатлантириш ва уларга риоя қилинишини таъминлаш борасидаги одил судловга оид халқаро шартномалар тўпланган.

Қўлланма судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, илмий тадқиқотчилар, талабалар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда инсон ҳуқуқлари масалалари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	5
Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси	8
Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт	14
Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт	33
Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир Факультатив баённома	44
Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга доир ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган иккинчи Факультатив баённома.....	48
Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция.....	51
Қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция	64
Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция.....	Ошибка! Закладка не определена.
Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга Болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив баённома	100
Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив баённома.....	106
Болаларни халқаро ўғирлаб кетишнинг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатлари тўғрисидаги конвенция.....	115
Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция	127
Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция.....	140
Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция.....	143
Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари	171

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги баённома.....	175
Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг ролига тааллуқли Раҳбарий принциплар.....	185

КИРИШ

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик асослари ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий стандартлар билан уйғунлаштиришга доир тизимли қонун ижодкорлиги жараёни давом этмоқда ҳамда бу борада самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 майда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги фармонида белгиланган “Инсон қадри учун” тамойили асосида халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ҳамда давлат органлари фаолиятига тизимли ва босқичма-босқич жорий этишга қаратилган туб ислохотлар самарали амалга оширилмоқда. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек жамият ва ҳар бир фуқаро ҳаётига уларни татбиқ этиш Янги Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида марказий ўринни эгаллаб келмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг 7 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив баённомасига қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий кўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

Хусусан, бунинг ёрқин ифодаси сифатида умумхалқ референдуми асосида 2023 йил 30 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини мисол қилиб келтириш мумкин.

Янги Конституция инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очик ва адолатли жамиятни барпо этиш борасида ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятимизни англаган ҳолда “инсон-жамият-давлат” парадигмасига асосланганлиги билан амалий аҳамиятга эга. Аввалги Конституциядан фарқли ўлароқ, янги таҳрирдаги Конституцияда шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар боби 13 қисмдан 38 та қисмга ортди. Конституцияда Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат, деб белгиланиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади, дея эълон қилинар экан, унда инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 баравардан кўпроққа ошди.

Конституцияда давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун

етарли бўлиши кераклиги мустаҳкамланди. Қонунчиликда белгиланмаган мажбурият ҳеч кимнинг зиммасига ўз розилигисиз юклатилиши мумкин эмаслиги қайд этилдики, ушбу норма одамлар ҳаётини янада енгиллаштиради.

Бундан ташқари, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмаслиги, ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилиши белгиланди. Яъни, шахснинг эркинлигини чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат фақатгина суд қарори асосида амалга оширилиши шарт. Ушбу қоида тергов органлари томонидан инсонларни ноқонуний ҳибсга олиш, асоссиз қамоққа олиш ва сақлашга йўл қўймасликка қаратилгандир. Бу орқали халқаро эътироф этилган “Хабеас корпус” институтининг қўлланиш кўлами янада кенгайди.

Шу билан бирга, янги Конституцияда биринчи мартаба ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли эканлиги белгиланиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида мутлақо янгича ёндашув – халқаро ҳуқуқий институтларига мурожаат қилиш имконияти яратилди. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси нафақат миллий қонунчиликда белгиланган нормалар, балки халқаро ҳуқуқ асосида ҳам ҳимояланишини таъминлайди ҳамда мамлакатимизнинг халқаро мажбуриятларга содиқлигининг ифодасидир. Конституцияда белгиланган ушбу қоида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат ҳиссининг шаклланиши, халқаро мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилиши учун миллий ҳуқуқ нормалари билан бирга халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳам ўрганиш лозимлигини англади.

2020–2024 йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бериш орқали ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичи амалга оширилмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ҳам ҳар бир фуқаронинг инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматини рағбатлантириш ва унга ҳар томонлама риоя этилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, зўравонлик ва низоларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга. Бу борада, Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-46-сон қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни янада ривожлантиришга, аҳолининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги саводхонлигини оширишга, уларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат ҳиссининг шаклланишига, шунингдек давлат хизматчиларининг инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошишига хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан белгиланган асосий вазифалардан бири сифатида судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар нормаларини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланган. Бундан кўзланган асосий мақсад инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришдан иборат. Айни шу ҳуқуқий заруратдан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар тўплами тайёрланди.

Мазкур тўплам инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалардан иборат бўлиб, судьялар, судлар аппарати ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ мутасадди ташкилотлар, ҳуқуқшуносликка ихтисослашган олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари, илмий тадқиқотчилар, талабалар ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг ҳуқуқий кафолатлари масалалари билан бевосита қизиқувчи кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

**А.Х. Саидов,
академик, ю.ф.д., профессор**

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ

БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрдаги 217 А (III)-сон резолюцияси билан қабул қилинган ва эълон қилинган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 30 сентябрдаги 366-XII-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган

МУҚАДДИМА

Инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос кадр-қиммат ва уларнинг тенг ҳамда ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчликнинг асоси эканлигини *эътиборга олиб*;

инсон ҳуқуқларини менсимаслик ва уни поймол этиш инсоният виждони қийналадиган ваҳшиёна ишлар содир этилишига олиб келганини, кишилар сўз эркинлиги ва эътиқод эркинлигига эга бўладиган ҳамда кўркув ва мухтожликдан ҳоли шароитда яшайдиган дунёни яратиш инсонларнинг эзгу интилишидир деб эълон қилинганлигини *эътиборга олиб*;

инсон охириги чора сифатида зулм ва истибодга қарши исён кўтаришга мажбур бўлишининг олдини олиш мақсадида инсон ҳуқуқлари қонун кучи билан ҳимоя этилиши зарур эканлигини *эътиборга олиб*;

халқлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш зарурлигини *эътиборга олиб*;

Бирлашган Миллатлар халқлари инсоннинг асосий ҳуқуқларига, шахснинг кадр-қимматига, эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилигига, ўз эътиқодларини Низомда тасдиқлаганликлари ҳамда янада кенгрок эркинликда ижтимоий тараққиёт ва турмуш шароитларини яхшилашга кўмаклашишга аҳд қилганликларини *эътиборга олиб*;

аъзо бўлган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ялпи ҳурмат қилиш ва унга риоя қилишга кўмаклашиш мажбуриятини олганлигини *эътиборга олиб*;

мазкур ҳуқуқлар ва эркинликларнинг характерини ялпи тушуниш ушбу мажбуриятларнинг тўлиқ адо этилиши учун катта аҳамиятга эга бўлишини *эътиборга олиб*;

Бош Ассамблея

мазкур Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини барча халқлар ва давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифа сифатида эълон қилар экан, бундан мақсад ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти доимо ушбу Декларацияни назарда тутган ҳолда маърифат ва таълим йўли билан бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашиши, миллий ва халқаро тараққийпарвар тадбирлар орқали ҳам унинг бажарилиши таъминланишига, Ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ҳамда ушбу давлатларнинг юрисдикциясидаги худудларда яшаётган халқлар ўртасида ялписига ва самарали тан олинишига интилишлари зарур.

1-модда

Ҳамма одамлар ўз кадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин, бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак.

2-модда

Ҳар бир инсон ирқи, танасининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликка эга бўлиши зарур.

Бундан ташқари, инсон мансуб бўлган мамлакат ёки ҳудуднинг сиёсий, ҳуқуқий ёки халқаро мақомидан, ушбу ҳудуд мустақилми, васийми, ўз-ўзини идора қиладими ёки бошқача тарзда чекланганлигидан қатъи назар бирор бир айирмачилик бўлмаслиги керак.

3-модда

Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир.

4-модда

Ҳеч ким қулликда ёки эркисиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас; қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқланади.

5-модда

Ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак.

6-модда

Ҳар бир инсон қаерда бўлишидан қатъи назар, ўзининг ҳуқуқ субъекти сифатида тан олиниш ҳуқуқига эга.

7-модда

Барча одамлар қонун олдида тенгдирлар ва ҳар қандай тафовутларсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга. Барча одамлар ушбу Декларацияга зид бўлган ҳар қандай камситишдан ва бундай камситишларга ундайдиган ҳар қандай фитнадан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

8-модда

Ҳар бир инсон унга Конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда ваколатли миллий судлар томонидан ҳуқуқларининг самарали тикланиши ҳуқуқига эга.

9-модда

Ҳеч ким асоссиз ҳибсга олиниши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмас.

10-модда

Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг асосли эканлигини аниқлаш учун унинг иши тўлиқ тенглик асосида ошкора ва адолатнинг барча талабларига риоя қилган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

11-модда

1. Жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон, унинг ҳимоя қилиниши учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, унинг айби очиқ суд муҳокамаси йўли билан қонуний тартибда аниқланмагунга қадар айбсиз деб ҳисобланиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳеч ким жиноят содир этилган вақтда миллий қонунлар ёки халқаро ҳуқуқга кўра жиноят деб топилмаган ҳар қандай ҳаракат ёки фаолиятсизлиги асосида содир этилган жиноят учун жазога ҳукм қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, жиноят содир этилган вақтда қўлланиши мумкин бўлган жазога нисбатан оғирроқ жазо берилиши мумкин эмас.

12-модда

Ҳеч ким бировнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашishi, унинг уй-жойи дахлсизлигига, ёзишмаларидаги сирларга ёки унинг номуси ва обрўсига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиши мумкин эмас. Ҳар бир инсон мана шундай аралашув ёки тажовуздан қонун томонидан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

13-модда

1. Ҳар бир инсон эркин ҳаракатланиш ва ўзига ҳар бир давлат доирасида турар жой танлаш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон хоҳлаган мамлакатини, хусусан, ўз мамлакатини тарк этиш ва ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқига эга.

14-модда

1. Ҳар бир инсон таъқиб туфайли бошқа мамлакатлардан бошпана излаш ва ўша бошпанадан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

2. Бу ҳуқуқ сиёсий бўлмаган жиноятни содир этганда ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларига зид бўлган хатти-ҳаракатларга асосланган таъқиб ҳолатларида қўлланилмайди.

15-модда

1. Ҳар бир инсон фуқаро бўлиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳеч ким ўз фуқаролигидан ёки ўз фуқаролигини ўзгартириш ҳуқуқидан ўзбошимчалик билан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

16-модда

1. Балоғат ёшига етган эркаклар ва хотин-қизлар ирки, миллати ёки диний белгилари бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз никоҳдан ўтишга ва оила

қуришга ҳақли. Улар никоҳдан ўтишда, никоҳда турган вақтларида ва уни бекор қилиш вақтида бир хил ҳуқуқлардан фойдаланади.

2. Никоҳдан ўтаётган ҳар икки томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги асосидагина никоҳ тузилиши мумкин.

3. Оила жамиятнинг табиий ва асосий бўғини саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақли.

17-модда

1. Ҳар бир инсон ҳам якка ҳолда, ҳам бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳеч ким ўз мулкидан ўзбошимчалик билан маҳрум этилиши мумкин эмас.

18-модда

Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат-ибодатда ҳамда диний расм-русум ва маросимларни оммавий ёки шахсий тартибда бажариш орқали ўз дини ёки эътиқодига ҳам якка, ҳам бошқалар билан биргаликда амал қилиши эркинлигини ўз ичига олади.

19-модда

Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ тўсиқларсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни давлат чегараларидан қатъи назар, ҳар қандай воситалар билан излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади.

20-модда

1. Ҳар бир инсон тинч йиғинлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш эркинлиги ҳуқуқига эга.

2. Ҳеч ким бирор бир уюшмага киришга мажбур қилиниши мумкин эмас.

21-модда

1. Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар орқали ўз мамлакатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ўз мамлакатада давлат хизматидан тенг фойдаланиш ҳуқуқига эга.

3. Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим; бу ирода ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқидан яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказилиши керак бўлган даврий ва сохталаштирилмаган сайловларда ўз аксини топиши керак.

22-модда

Ҳар бир инсон жамият аъзоси сифатида миллий сабъ-ҳаракатлар ва халқаро ҳамкорлик воситасида ҳамда ҳар бир давлатнинг тузилиши

ва ресурсларига мувофиқ ижтимоий таъминотга ва ўз қадр-қимматини қўллаб-қувватлаш ҳамда шахсининг эркин ривожланиши учун зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқларини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

23-модда

1. Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, меҳнатнинг адолатли ва қулай шароитига ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ҳеч бир камситишсиз тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

3. Ҳар бир ишловчи киши ўзи ва оиласи учун инсонга муносиб яшашни таъминлайдиган адолатли ва қониқарли ҳақ олишга ҳамда зарур бўлганда, ижтимоий таъминотнинг бошқа воситалари билан тўлдирилган даромад олиш ҳуқуқига эга.

4. Ҳар бир инсон касаба уюшмалари тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эга.

24-модда

Ҳар бир инсон дам олиш ва бўш вақтга эга бўлиш, жумладан, иш кунини оқилона чеклаш ҳуқуқи ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эга.

25-модда

1. Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан, кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмайд қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга.

2. Оналик ва болалик алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Барча болалар никоҳда ёки никоҳда бўлмаган ота-оналардан туғилишидан қатъи назар, бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши керак.

26-модда

1. Ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Таълим олиш, ҳеч бўлмаганда, бошланғич ва умумий таълим текин бўлиши лозим. Бошланғич таълим мажбурий бўлиши керак. Техник ва касбий таълим ҳамманинг имкони етадиган бўлиши, олий таълим эса ҳар кимнинг қобилиятига асосан ҳамма учун бир хил имконият даражасида бўлиши керак.

2. Таълим инсон шахсининг тўлиқ ривожланишига ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига ҳурматни оширишга йўналтирилган бўлиши лозим. Таълим барча халқлар, ирқий ва диний гуруҳлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, сабр-тоқатлилиқ ва дўстликка ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш бўйича фаолиятига кўмаклашиши лозим.

3. Ота-оналар кичик ёшдаги болалари учун таълим турини танлашда устуворлик ҳуқуқига эгадир.

27-модда

1. Ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этиш, санъатдан баҳраманд бўлиш, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самарасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон, у муаллифи бўлган илмий, адабий ёки санъат асарларининг натижасида ўзининг маънавий ва моддий манфаатларининг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига эга.

28-модда

Ҳар бир инсон ушбу Декларацияда баён этилган ҳуқуқ ва эркинликлар тўлиқ амалга оширилиши мумкин бўлган ижтимоий ва халқаро тартиб ҳуқуқига эга.

29-модда

1. Ҳар бир инсон ўз шахсининг эркин ва тўлиқ ривожланиши мумкин бўлган жамият олдидагина мажбуриятга эга.

2. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда демократик жамиятда бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби, умумий фаровонликнинг адолатли талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши керак.

3. Ушбу ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалга оширилиши ҳеч қандай ҳолатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларига зид бўлмаслиги керак.

30-модда

Ушбу Декларациядаги ҳеч бир нарса бирор бир давлат, шахслар гуруҳи ёки алоҳида шахсларга мазкур Декларацияда баён этилган ҳуқуқ ва эркинликларни йўқ қилишга йўналтирилган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ёки ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқини бериш каби талқин этилиши мумкин эмас.

ФУҚАРОВИЙ ВА СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТ

*БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йил 16 декабрдаги 2200 А (XXI)-сон
резолуцияси билан қабул қилинган*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги
127-И-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган*

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида эълон қилинган тамойилларга мувофиқ, барча инсоният оиласининг аъзоларига хос кадр-қимматни ҳамда уларнинг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини тан олиш озодлик, адолат ва ялпи тинчликнинг асоси эканлигини *эътиборга олиб*,

бу ҳуқуқлар инсон шахсига хос бўлган кадр-қимматдан келиб чиқишини *тан олиб*,

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига мувофиқ кўрқув ва муҳтожликдан озод бўлган, фуқаролик ва сиёсий эркинликдан фойдаланувчи озод инсон шахси идеали ҳар бир одам ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин бўлган шароит яратилгандагина рўёбга чиқиши мумкинлигини *тан олиб*,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига асосан давлатлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ялпи ҳурмат қилиш ҳамда уларга риоя этилишини рағбатлантириши шартлигини *эътиборга олиб*,

ҳар бир алоҳида инсон бошқа одамлар ва ўзи мансуб бўлган жамоага нисбатан мажбуриятларга эга бўлган ҳолда ушбу Пактда тан олинган ҳуқуқлар рағбатлантирилиши ва риоя этилишига эришиши лозимлигини *эътиборга олиб*,

қуйидаги моддалар тўғрисида келишиб олдилар:

І ҚИСМ

1-модда

1. Барча халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эгадир. Ушбу ҳуқуқ асосида улар ўз сиёсий мақомларини эркин белгилайдилар ва ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишларини эркин таъминлайдилар.

2. Барча халқлар ўз мақсадларига эришиш учун ўзаро манфаатдорлик принципига асосланган халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва халқаро ҳуқуқдан келиб чиқадиган бирон-бир мажбуриятга зиён етказмасдан ўз табиий бойликлари ва ресурсларини эркин ҳолда тасарруф этиши мумкин. Ҳеч бир халқ ҳеч бир ҳолатда ўзига тегишли тирикчилик воситаларидан маҳрум этилмаслиги керак.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи барча давлатлар, жумладан, ўзини ўзи бошқара олмайдиган ва васийликка олинган ҳудудларни бошқариш учун жавобгар бўлган давлатлар ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг

Устава қоидаларига мувофиқ, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга оширишни рағбатлантириши ва бу ҳуқуқни ҳурмат қилиши лозим.

II ҚИСМ

2-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз ҳудудида турган ва ўз юрисдикцияси остида бўлган барча шахсларнинг ушбу Пактда эътироф этилган ҳуқуқларини ҳеч бир айирмачиликсиз, жумладан, ирқи, танасининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, туғилиши ёки ўзга ҳолатидан қатъи назар ҳурмат қилиш ва таъминлаш мажбуриятини олади.

2. Агар бу нарса ҳали мавжуд қонун ҳужжатларида ёки бошқа чоралар орқали назарда тутилмаган бўлса, ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўзининг конституциявий тартиб-таомилларига ва мазкур Пакт қоидаларига мувофиқ ҳамда унда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур бўлиши мумкин бўлган шундай қонун ҳужжатларини ёки бошқа тадбирларни қабул қилиш учун зарур чораларни кўриш мажбуриятини олади.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат қуйидаги мажбуриятларга эга:

а) ушбу Пактда тан олинган ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган ҳар қандай шахсни, агар бу бузилиш расмий сифатда ҳаракат қилган шахслар томонидан содир этилган бўлса ҳам, ҳуқуқий ҳимоянинг самарали воситаси билан таъминлаш;

б) ана шундай ҳимоя талаб қилувчи ҳар қандай шахс учун юридик ҳимоя ваколатли суд, маъмурий ёки қонун чиқарувчи ҳокимиятлар томонидан ёки давлатнинг ҳуқуқий тизимида назарда тутилган бошқа ваколатли органлар томонидан таъминланиши ва суд орқали ҳимояланиши имкониятини ривожлантириш;

с) ҳуқуқий ҳимоя воситалари берилганда, ваколатли ҳокимиятлар томонидан бунинг қўлланилишини таъминлаш.

3-модда

Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар эркаклар ва хотин-қизлар учун ушбу Пактда кўриб чиқилган барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан бир хилда фойдаланилишини таъминлаш мажбуриятини олади.

4-модда

1. Давлатда фавқулодда ҳолат юз берган вақтда, миллат ҳаёти таҳдид остида қолган ва бу ҳолат ҳақида расмий равишда эълон қилинганда ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар мазкур Пакт бўйича олган ўз мажбуриятларидан чекиниш учун чоралар кўриши мумкин, лекин бу чекинишни аҳвол кескинлиги талаб этган бўлиши ҳамда бу чоралар халқаро ҳуқуқ бўйича бошқа мажбуриятларга хилоф бўлмаслиги ва ирқи, танасининг

ранги, жинси, тили, дини ва ижтимоий келиб чиқишига қараб камситишга олиб келмаслиги керак.

2. Ушбу қоида 6, 7, 8 (1 ва 2-бандлар), 11, 15, 16 ва 18-моддалардан бирор-бир чекиниш учун асос бўла олмайди.

3. Ушбу Пактда чекиниш ҳуқуқидан фойдаланувчи ҳар қандай иштирок этувчи давлат ўзи чекинган қоидалар ҳақида ва шундай қарорга келишга олиб келган сабаблар ҳақида дарҳол Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби орқали мазкур Пактда иштирок этувчи бошқа давлатларни хабардор қилиши керак. Шунингдек, ўша воситачи орқали бундай чекиниш тўхтатиладиган сана тўғрисида ҳам хабар берилиши керак.

5-модда

1. Ушбу Пактдаги ҳеч нарса бирор-бир давлат, бирор-бир гуруҳ ёки бирор-бир шахс мазкур Пактда тан олинган, ҳар қандай ҳуқуқ ёки эркинликларни йўқотишга ёки уларни ушбу Пактда назарда тутилганидан кўра кўпроқ чеклашга қаратилган бирорта фаолият билан шуғулланиш ёхуд шундай ҳаракат содир этиш ҳуқуқига эга деб талқин қилиниши мумкин эмас.

2. Ушбу Пактда иштирок этувчи бирор-бир давлатда қонун, конвенция, қоида ёки урф-одат сифатида тан олинган ёхуд мавжуд бўлган асосий инсон ҳуқуқлари, мазкур Пактда шу ҳуқуқлар тан олинмайди ёки қисман эътироф этилади деган баҳона билан бирор-бир тарзда чекланиши ёки камситилишига йўл қўйилмайди.

III ҚИСМ

6-модда

1. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан муҳофаза қилинади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳаётдан маҳрум этилиши мумкин эмас.

2. Ўлим жазосини бекор қилмаган мамлакатларда ўлим ҳукми фақатгина жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган ва мазкур Пакт ҳамда Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги конвенцияга зид бўлмаган қонунга мувофиқ энг оғир жиноятлар учунгина чиқарилиши мумкин. Бундай жазо фақат ваколатли суд томонидан чиқарилган якуний ҳукми ижро этиб амалга оширилиши мумкин.

3. Геноцид жинояти учун ҳаётдан маҳрум этилаётган бўлса, шуни эътиборга олиш лозимки, ушбу моддадаги ҳеч бир нарса мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар учун бирор-бир йўл билан Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги конвенция қарорларига мувофиқ қабул қилинган ҳар қандай мажбуриятлардан чекиниш ҳуқуқини бермайди.

4. Ўлим жазосига ҳукм қилинган ҳар бир киши авф этиш ҳақида ёки ҳукми юмшатиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга. Амнистия, авф этиш ёки ўлим ҳукмини алмаштириш барча ҳолатларда ҳаётияти мумкин.

5. Ўн саккиз ёшдан кичик шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун ўлим ҳукми чиқарилмайди ва ҳомиладор аёлларга нисбатан бу ҳукм ижро этилмайди.

6. Ушбу моддадаги ҳеч бир нарса мазкур Пактда иштирок этувчи бирор-бир давлат томонидан ўлим жазоси муддатини кечиктириш ёки уни бекор қилишга йўл қўймаслик учун асос бўла олмайди.

7-модда

Ҳеч ким қийноқларга ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи муомалага ёки жазога дучор этилмаслиги керак. Жумладан, ҳеч бир шахс устидан ўзининг эркин розилигисиз тиббий ёки илмий тажриба ўтказилиши мумкин эмас.

8-модда

1. Ҳеч ким қулликда сақланмаслиги керак; қуллик ва қул савдосининг барча турлари тақиқланади.

2. Ҳеч ким эрксиз ҳолатда сақланмаслиги керак.

3. а) ҳеч ким мажбурий ёки бажарилиши шарт бўлган меҳнатга мажбур қилинмаслиги керак;

б) жиноят учун жазо тариқасида жуда оғир ишларга жалб этилиш билан боғлиқ озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган мамлакатларда, шундай жазо ваколатли суд ҳукми билан тайинланса, 3“а” кичик банди жуда оғир ишларни бажариш учун тўсиқ бўлмайди;

с) “мажбурий ёки бажарилиши шарт бўлган меҳнат” атамаси ушбу бандда қуйидагиларни қамраб олмайди:

I. “б” кичик бандда қайд этилмаган бирор-бир иш ёки хизмат, қоида тариқасида, суднинг қонуний фармойишига асосан қамокда бўлган шахс ёки бундай қамокдан шартли равишда озод этилган шахс бажариши керак;

II. ҳарбий тусдаги ҳар қандай хизмат, сиёсий ёки диний-этник сабабларга кўра ҳарбий хизматни рад этиш тан олинадиган мамлакатларда худди шундай сабабларга кўра ҳарбий хизматни рад этаётган шахслар учун қонунда назарда тутилган ҳар қандай хизмат;

III. аҳолининг ҳаёти ёки осойишталигига таҳдид солувчи фавқулодда ҳолат ёки фалокат ҳолатларида мажбурий бўлган ҳар қандай хизмат;

IV. одатдаги фуқаролик бурчларига кирувчи ҳар қандай иш ёки хизмат.

9-модда

1. Ҳар бир инсон эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олинishi ёки қамокда сақланиши мумкин эмас. Ҳеч ким қонунда белгиланган асос ва тартибга мувофиқ озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас.

2. Ҳар бир ҳибсга олинувчига ҳибсга олинганида унинг ҳибсга олиниш сабаблари хабар қилинади ва унга қўйилган ҳар қандай айблов зудлик билан маълум қилинади.

3. Жиноий айблов бўйича ҳибсга олинган ёки ушлаб турилган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ҳокимиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ҳамда оқилона муддатда суд муҳокамасига ёки озод қилиниш ҳуқуқига эга. Суд муҳокамасини кутаётган шахсларнинг қамокда сақланиши умумий қоида бўлмаслиги керак, бироқ озод қилиш судга келиш кафолатлари берилишига, суд муҳокамасига унинг ҳар қандай бошқа босқичига келишга ва зарур ҳолларда, ҳукм ижро этилиши учун келишга боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин.

4. Ҳибсга олиниши ёки қамокда сақлаб турилиши туфайли озодликдан маҳрум этилган ҳар бир шахс ўз ишининг судда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга, токи суд унинг ушлаб турилиши қанчалик қонуний эканлиги борасида дарҳол қарор чиқара олсин ва агар уни ушлаб туриш ноқонуний бўлса, озод қилиш ҳақида фармойиш бера олсин.

5. Ноқонуний ҳибсга олиш ёки қамокда сақлаб туриш қурбони бўлганларнинг ҳар бири даъво кучига эга бўлган компенсация олиш ҳуқуқига эга.

10-модда

1. Озодликдан маҳрум этилган барча шахслар инсоний муомала ва инсон шахсига хос бўлган қадр-қимматининг ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

2. а) истисно ҳолатлари мавжуд бўлмаганда айбланувчилар маҳкумлардан алоҳида жойлаштирилади ва уларга судланмаган жазога маҳкум этилмаган шахслар мақомига жавоб берадиган алоҳида режим тақдим этилади;

б) вояга етмаган айбланувчилар вояга етган айбланувчилардан алоҳида қилинади ҳамда қисқа муддатда қарор чиқариш учун судга келтирилади;

3. Маҳбуслар учун пенитенциар тизим билан уларни тўғри йўлга солиш ва ижтимоий қайта тарбиялаш мақсади назарда тутилган. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар вояга етганлардан алоҳида қилинади ҳамда уларнинг ёши ва ҳуқуқий мақомига жавоб берувчи режим тақдим этилади.

11-модда

Ҳеч ким бирор-бир шартнома мажбуриятини бажара олмайдиган аҳволда бўлгани асосидагина озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас.

12-модда

1. Бирор-бир давлат ҳудудида қонуний равишда турган ҳар бир киши ушбу ҳудуд доирасида эркин ҳаракатланиш ва турар жойни эркин танлаш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатни, жумладан, ўз мамлакатини тарк этиш ҳуқуқига эга.

3. Юқорида қайд этилган ҳуқуқлар ҳеч қандай чеклаш объекти бўлиши мумкин эмас, қонунда назарда тутилган давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлиги ёки маънавиятини ёхуд бошқаларнинг ҳуқуқ ва

эркинликларини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган ва ушбу Пактда эътироф этилган бошқа ҳуқуқларга мос келадиган чеклашлар бундан мустасно.

4. Ҳеч ким ўз мамлакатига кириш ҳуқуқидан ўзбошимчалик билан маҳрум этилиши мумкин эмас.

13-модда

Ушбу Пактда иштирок этувчи бирор-бир давлат ҳудудида қонуний равишда турган чет эллик шахс қонунга мувофиқ ҳолда чиқарилган қарор ижро этилиши учунгина чиқариб юборилиши мумкин, ва агар давлат хавфсизлигига боғлиқ қатъий мулоҳазалар бошқача талаб этмаса, ўша чет эллик шахс ўзининг чиқариб юборилишига қарши далиллар тақдим этиши, бу ишни ваколатли ҳокимият томонидан ёхуд махсус тайинланган шахс ёки шахслар қайта кўриб чиқиши ҳамда ушбу мақсадда айна ҳокимият, шахс ёки шахслар ҳузурига кириш ҳуқуқига эга.

14-модда

1. Барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир. Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқиляётганда ёки бирор-бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланаётганида қонунга асосан тузилган ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очиқ ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга. Демократик жамиятда ахлоқ юзасидан, жамият тартиби ёки давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан ёки буни томонларнинг шахсий ҳаёти манфаатлари талаб этганида ёки суд фикрига кўра бу қандайдир даражада қатъиян зарур деб топилганида, яъни омма кўз ўнгида бўладиган жараён судлов манфаатларига ҳалал берадиган алоҳида ҳолларда матбуот ходимлари ва омма барча мажлисларга ёки шу мажлисларнинг бир қисмига киритилмаслиги мумкин; бироқ жиноий ёки фуқаролик иши бўйича чиқарилган ҳар қандай суд қарори ошкора бўлиши керак, вояга етмаганларнинг манфаати бошқа нарсани талаб этган ҳолларда ёки никоҳ борасидаги низолар ёки болаларга васийлик тайинлаш ҳақидаги ишлар бундан мустасно.

2. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахс қонунга мувофиқ айби исботланмагунча айбсиз деб ҳисобланиш ҳуқуқига эга.

3. Ҳар ким ўзига қўйилган ҳар қандай жиноий айбловни кўриб чиқишда тўлиқ тенглик асосида камида қуйидаги кафолатларни олиш ҳуқуқига эга:

а) ўзига қўйилган жиноий айблов хусусияти ва асослари ҳақида у тушунадиган тилда зудлик билан ва батафсил хабардор этилиши;

б) ўз ҳимоясини тайёрлаш ва ўзи танлаган ҳимоячи билан мулоқотда бўлиш учун етарлича вақт ва имкониятга эга бўлиш;

с) асоссиз кечиктирмасдан ишининг судда кўрилиши;

д) ўзининг иштирокида суд қилиниши ва ўзини шахсан ёки ўзи танлаган ҳимоячи орқали ҳимоя қилиниши; агар унда ҳимоячи бўлмаса, бу ҳуқуқ ҳақида хабардор қилиниши ва одил суд манфаатлари талаб қилган ҳар қандай ҳолатда унга тайинланган ҳимоячига эга бўлиши, бу ҳимоячига тўлаш учун

етарли маблағи бўлмаган ҳар қандай ҳолатда унга ҳимоячининг текинга берилиши;

е) унга қарши кўрсатма бераётган гувоҳларни сўроқ қилиш ёки ана шу гувоҳлар сўроқ қилиниши ҳуқуқига эга бўлиш ва унга қарши кўрсатма бераётган гувоҳлар учун мавжуд бўлган шартларда ўзининг гувоҳларини чақириш ва сўроқ қилиш ҳуқуқига эга бўлиш;

ф) агар судда қўлланилаётган тилни тушунмаса ёки бу тилда гаплаша олмаса бепул таржимон кўмагидан фойдаланиш;

г) ўзига ўзи қарши кўрсатма беришга ёки ўзини айбдор деб тан олишга мажбур қилинмаслик.

4. Вояга етмаганларга нисбатан суд жараёни шундай бўлиши керакки, унда уларнинг ёши ва уларни қайта тарбиялашга кўмаклашиш мақбуллиги инобатга олинсин.

5. Бирор-бир жиноят учун судланган ҳар ким унинг судланганлиги ва ҳукм қонунга мувофиқ юқори турувчи суд инстанцияси томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

6. Агар бирор-бир шахс жинояти учун узил-кесил қарор билан судланган бўлса ва агар бирор-бир янги ёки янгитдан аниқланган ҳолатга асосан суд ишида хато борлигини шубҳасиз исботлаши туфайли ҳукм бекор қилинса ёки ўша шахс авф этилса, шундай судлов хатоси сабабли жазоланган шахс, агар юқорида қайд этилган номаълум ҳолат фақат унинг айби ёки қисман айби билан ўз вақтида топилмаганлиги исботланмаган бўлса, қонунга мувофиқ компенсация олади.

7. Ҳеч ким ҳар бир мамлакатнинг қонуни ва жиноят-процессуал ҳуқуқига мувофиқ узил-кесил судланган ёки оқланган жинояти учун иккинчи бор судланиши ёки жазоланиши мумкин эмас.

15-модда

1. Ҳеч ким содир этилган пайтида давлатнинг амалда бўлган ички қонун ҳужжатлари ёки халқаро ҳуқуққа кўра жиноят ҳисобланмаган бирор-бир ҳаракати ёки хато иш қилиб қўйганлиги учун жиноят содир этганликда айбдор деб топилиши мумкин эмас. Худди шунингдек, жиноят содир этилган вақтда қўлланиши лозим бўлган жазога нисбатан оғирроқ жазо тайинланиши мумкин эмас. Агар жиноят содир этилганидан кейин қонун билан нисбатан енгил жазо белгиланса, ушбу қонун мазкур жиноятчига нисбатан қўлланилади.

2. Мазкур моддадаги ҳеч нарса ҳар қандай шахсни содир этилган вақтда халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган умумий принципларга кўра жиноят деб ҳисобланган ҳар қандай ҳаракат ёки хато иш қилиб қўйганлик учун судга беришга ва жазолашга тўсқинлик қилмайди.

16-модда

Ҳар бир инсон қаерда туришидан қатъи назар унинг субъектлик мақоми тан олинishi ҳуқуқига эга.

17-модда

1. Ҳеч ким ўзининг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда аралашинишга, ўзининг уй-жойи ёки ёзишмалари сири дахлсизлигига ўзбошимчалик ёки ноқонуний тарзда тажовуз қилинишига ёки унинг ор-номуси ва шаънига ноқонуний тажовуз қилинишига дучор этилиши мумкин эмас.

2. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовузлардан қонун орқали ҳимоя этилиш ҳуқуқига эга.

18-модда

1. Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ ўз танловига кўра дин ёки эътиқодга эга бўлиш ёки қабул қилишни ҳамда ўзининг дини ва эътиқодига ҳам яқка тартибда, ҳам бошқалар билан биргалликда, ошқора ёки хусусий тартибда сиғинишга, диний ва бошқа маросимларни бажариш ҳамда ўқитиш эркинлигини ўз ичига олади.

2. Ҳеч ким ўз ихтиёрига кўра ўз дини ва эътиқодига эга бўлиш ёки қабул қилиш эркинлигини камситадиган мажбурий ҳолатга дучор этилмаслиги лозим.

3. Дин ёки эътиқодга сиғиниш эркинлиги фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлиги ва ахлоқини сақлаш учун, яъни бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этиш учун зарур бўлган ҳоллардагина чекланиши мумкин.

4. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ота-оналарнинг ва тегишли ҳолларда қонуний васийларнинг ўз болаларини ўз шахсий эътиқодига мувофиқ диний ва ахлоқий тарбиялаш эркини ҳурмат қилиш мажбуриятини олади.

19-модда

1. Ҳар бир инсон ҳеч бир тўсиқсиз ўз фикрида собит қолиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ давлат чегараларидан қатъи назар, оғзаки, ёзма ёки матбуот ёхуд ифодаланишнинг бадиий шакллари орқали ёки ўз ихтиёрига кўра барча турдаги ахборот ва ғояларни бошқача усулларда қидириш, олиш ва тарқатиш эркинлигини қамраб олади.

3. Ушбу модданинг 2-бандида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш алоҳида мажбуриятлар ва алоҳида масъулият юклайди. Бу айрим чеклашлар билан боғлиқ бўлиши мумкин, бироқ бу қонун билан белгиланиши ва қўйидагилар учун зарур бўлиши лозим:

а) бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрў-эътиборини ҳурмат қилиш учун;

б) давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлиги ёки маънавиятини муҳофаза этиш учун.

20-модда

1. Урушни ҳар қандай тарғиб этиш қонун билан тақиқланиши керак.
2. Камситишга, адоватга ёки зўравонликка ундовчи миллий, диний ёки ирқий нафрат руҳидаги ҳар қанақа ҳаракат қонун йўли билан тақиқланиши лозим.

21-модда

Тинч йиғинларга бўлган ҳуқуқлар тан олинади. Ушбу ҳуқуқдан фойдаланишда қонунга мувофиқ ўрнатилган ва демократик жамиятда давлат ёки жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли саломатлиги ва маънавиятини муҳофаза этиш ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлганларидан ташқари ҳеч қандай чеклашларга йўл қўйилмайди.

22-модда

1. Ҳар бир инсон бошқалар билан уюшиш эркинлиги ҳуқуқига, жумладан, касаба уюшмаларини ташкил этиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун уларга қўшилиш ҳуқуқига эга.

2. Ушбу ҳуқуқдан фойдаланишда қонун билан назарда тутилган ва демократик жамиятда давлат ёки жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли саломатлиги ва маънавиятини муҳофаза этиш ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлганларидан ташқари ҳеч қандай чеклашларга йўл қўйилмайди. Мазкур модда қуролли кучлар ва полиция таркибига кирувчи шахслар учун шу ҳуқуқдан фойдаланишда қонуний чеклашлар жорий этилишига тўсқинлик қилмайди.

3. Ушбу моддадаги ҳеч нарса Халқаро меҳнат ташкилотининг 1948 йилги Конвенциясида иштирок этувчи давлатларга уюшмалар эркинлиги ва ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида, мазкур Конвенцияда назарда тутилган кафолатларнинг зарарига қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш ёки ушбу кафолатларга зарар етказадиган тарзда қонунни қўллаш ҳуқуқини бермайди.

23-модда

1. Оила жамиятнинг асосий бўғини саналади ҳамда жамият ва давлат томонидан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

2. Никоҳ ёшига етган эркаклар ва хотин-қизларнинг никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқи тан олинади.

3. Никоҳланувчиларнинг эркин ва тўлиқ розилигисиз бирорта никоҳ тузилмаслиги керак.

4. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар никоҳдан ўтишда, никоҳда бўлган вақтда ва у бекор қилинаётганда эр-хотинларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенглигини таъминлаш учун зарур чоралар қўришлари лозим. Никоҳ бекор қилинганда барча болалар зарур тарзда ҳимоя қилиниши ҳисобга олиниши керак.

24-модда

1. Ҳар бир бола ирқи, танасининг ранги, жинси, тили, дини, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи ёки туғилиши бўйича ҳеч қандай камситишларсиз унинг оиласи, жамият ва давлат томонидан вояга етмаган сифатидаги ҳолатида талаб қилинадиган ҳимоя чораларининг кўрилиши ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир бола туғилгандан сўнг дарҳол рўйхатдан ўтказилиши ва исмига эга бўлиши керак.

3. Ҳар бир бола фуқароликни олиш ҳуқуқига эга.

25-модда

Ҳар бир фуқаро 2-моддада қайд этилганидек, ҳеч бир камситишларсиз ва асосланмаган чеклашларсиз ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлиши керак:

а) ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини юритишда иштирок этиш;

б) ялпи тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловчиларнинг эркин хоҳиш-иродасини таъминлайдиган чинакам даврий сайловларда овоз бериш ва сайланиш;

с) ўз мамлакатида умумий тенглик шартларида давлат хизматига кириш.

26-модда

Барча кишилар қонун олдида тенгдирлар ва ҳеч қандай камситишларсиз қонун томонидан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга. Бу борада ҳар қандай турдаги камситиш қонун билан тақиқлаб қўйилиши керак ва қонун барча шахсларга ирқи, танасининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқоди, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, туғилиши ёки бошқа ҳолатлар каби ҳар қандай белгиларига кўра камситишларга қарши тенг ва самарали ҳимояни кафолатлаши керак.

27-модда

Этник, диний ва тил жиҳатдан озчиликни ташкил этувчи элатлар мавжуд бўлган мамлакатларда, бундай озчиликка мансуб шахсларга ўз гуруҳининг бошқа аъзолари билан биргаликда ўз маданиятидан фойдаланиш, ўз динига сиғиниш ва расм-русумларини бажариш, шунингдек она тилидан фойдаланиш ҳуқуқи рад этилиши мумкин эмас.

IV ҚИСМ

28-модда

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита (бундан буён ушбу Пактда Қўмита деб аталади) тузилади. У ўн саккиз аъзодан иборат ва қуйида келтирилган вазифаларни бажаради.

2. Қўмита таркибига ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларнинг фуқароси бўлган ва юксак маънавий фазилатларга эга бўлган ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида тан олинган билимга эга шахслар киради, айти пайтда

юримдик тажрибага эга бўлган бир неча шахслар иштирок этишининг фойдалилиги эътиборга олинади.

3. Қўмита аъзолари шахсан сайланади ва ишлайди.

29-модда

1. Қўмита аъзолари 28-моддада назарда тутилган талабларга жавоб берадиган ва шу мақсадда ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар томонидан кўрсатилган шахслар рўйхатидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

2. Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат иккитадан ортиқ бўлмаган шахсни кўрсатиши мумкин. Бу шахслар ўзларини кўрсатган давлатнинг фуқаролари бўлишлари лозим.

3. Ҳар бир шахс қайтадан кўрсатилиш ҳуқуқига эга.

30-модда

1. Дастлабки сайлов ушбу Пакт кучга киргач олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

2. Қўмитага ҳар бир сайловдан камида тўрт ой олдин, 34-моддага мувофиқ бўш ўринларни тўлдириш учун эълон қилинадиган сайловдан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларга уч ой ичида Қўмита аъзолигига номзодларни тақдим этиш учун ёзма таклиф билан мурожаат қилади.

3. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби шу тарзда кўрсатилган шахсларнинг ушбу Пактда иштирок этувчи бу шахсларни илгари сурган давлатларни кўрсатган ҳолда алифбо тартибида рўйхатини тузади ва бу рўйхатни ҳар бир сайлов ўтказиладиган санадан камида бир ой олдин мазкур Пактда иштирок этувчи давлатларга тақдим этади.

4. Қўмита аъзоларини сайлаш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби томонидан чақириладиган ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларнинг йиғилишида ўтказилади. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларнинг учдан икки қисмининг ҳозир бўлиши кворум ҳисобланувчи бу мажлисда иштирокчи-давлатларнинг қатнашувчи ва овоз берувчи вакилларининг энг кўп овоз олган ва мутлақ кўпчилик овозларни олган шахслар Қўмитага сайланган ҳисобланади.

31-модда

1. Қўмитага айна бир давлатнинг бир нафардан ортиқ фуқароси кириши мумкин эмас.

2. Қўмита сайловларида аъзоларнинг адолатли жуғрофий тақсимланиши ҳамда цивилизациянинг турли шакллари в асосий юримдик тизимларнинг вакиллари эътиборга олинади.

32-модда

1. Қўмита аъзолари тўрт йил муддатга сайланади. Уларнинг номзоди қайта кўрсатилса, улар қайтадан сайланиш ҳуқуқига эгадир. Бирок биринчи

сайловда сайланган аъзолардан тўққиз нафарининг ваколатлари муддати икки йиллик даврнинг охирида тугайди; биринчи сайловдан сўнг дарҳол ўша тўққиз аъзонинг номи 30-модданинг 4-бандида кўрсатилган мажлис Раиси томонидан қуръа ташлаш билан аниқланади.

2. Ваколатлар тугагандан сўнг сайлов ушбу Пакт мазкур қисмининг олдинги моддаларига мувофиқ ўтказилади.

33-модда

1. Агар бошқа аъзоларнинг яқдил фикрига кўра Қўмита аъзоларидан бири муайян сабабга (вақтинча бўлмаслиги бундан мустасно) кўра ўз вазифасини бажаришни тўхтатган бўлса, Қўмита раиси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига бу ҳақда хабар қилади, сўнг Бош котиб бу аъзо ўрнини бўш деб эълон қилади.

2. Қўмитанинг бирор бир аъзоси вафот этган ёки истеъфога чиққан ҳолатларда Қўмита раиси дарҳол бу ҳақда аъзо вафот этган кундан ёки истеъфога чиқиш кучга кирган кундан эътиборан бу ўринни бўш деб эълон қиладиган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибини хабардор қилади.

34-модда

1. 33-моддага мувофиқ бўш турган ўрин эълон қилинганда ва агар алмаштирилиши керак бўлган аъзонинг ваколат муддати мазкур бўш ўрин эълон қилингандан кейин олти ой ичида тугамаса, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлатга 29-моддага асосан бўш ўринни тўлдириш учун икки ой ичида номзод тақдим этиши мумкинлиги тўғрисида хабар беради.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби шу тарзда кўрсатилган шахслар рўйхатини алифбо тартибида тузади ва бу рўйхатни ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларга тақдим этади. Бўш ўринни тўлдириш учун сайловлар мазкур Пакт ушбу қисмининг тегишли қоидаларига мувофиқ ўтказилади.

3. 33-моддага биноан эълон қилинган бўш ўринни эгаллаш учун сайланган Қўмита аъзоси мазкур модданинг қоидаларига мувофиқ Қўмитада ўрнини бўшатган аъзонинг ваколат муддатининг қолган қисми бўйича лавозимни эгаллайди.

35-модда

Қўмита аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси белгилайдиган тартибда ва шартларда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маблағларидан Қўмитадаги вазифасининг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда Бош Ассамблея тасдиқлайдиган ҳақни олади.

36-модда

Ушбу Пактга мувофиқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Қўмита вазифаларининг самарали амалга оширилиши учун керакли ходимлар ва моддий маблағларни тақдим этади.

37-модда

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Қўмитанинг биринчи мажлисини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида чақиради.

2. Ўзининг биринчи мажлисидан кейин Қўмита ўз тартиб-таомилида назарда тутилган вақтда йиғилади.

3. Қўмита одатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женевадаги бўлимида йиғилади.

38-модда

Қўмитанинг ҳар бир аъзоси ўз вазифасини бажаришга киришишдан олдин Қўмитанинг очиқ йиғилишида ўз вазифаларини холис ва виждонан амалга ошириши тўғрисида тантанали баёнот беради.

39-модда

1. Қўмита ўз мансабдор шахсларини икки йил муддатга сайлайди. Улар қайта сайланиши мумкин.

2. Қўмита ўзининг тартиб-таомил қоидаларини белгилайди, лекин бу қоидалар, хусусан, қуйидагиларни назарда тутиши керак:

а) Қўмитанинг ўн икки аъзоси кворумни ташкил этади;

б) Қўмита қарорлари ҳозир бўлган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

40-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар мазкур Пактда эътироф этилган ҳуқуқларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича қабул қилинган чоратadbирлар ва бу ҳуқуқлардан фойдаланишда эришилган юксалишлар тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиш мажбуриятини олади:

а) ушбу Пакт тегишли иштирокчи-давлатларга нисбатан кучга киргандан кейин бир йил ичида;

б) бундан сўнг Қўмита талаб қилган барча ҳолларда.

2. Барча ҳисоботлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига тақдим этилади, у уларни кўриб чиқиш учун Қўмитага юборади. Ҳисоботларда ушбу Пактни ҳаётга татбиқ этишга таъсир қилувчи омиллар ва қийинчиликлар (агар мавжуд бўлса) кўрсатилади.

3. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Қўмита билан маслаҳатлашувидан сўнг манфаатдор ихтисослаштирилган муассасаларга

ҳисоботнинг улар ваколати доирасига тааллуқли бўлиши мумкин бўлган қисмининг нусхаларини юбориши мумкин.

4. Қўмита ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар томонидан тақдим этиладиган ҳисоботларни ўрганади. У иштирокчи-давлатларга ўз ҳисоботларини ва умумий тартибда мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдиган мулоҳазаларини юборади. Қўмита, шунингдек ушбу мулоҳазаларни Иқтисодий ва Ижтимоий кенгашга мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлардан олинган ҳисоботлар нусхалари билан бирга юбориши мумкин.

5. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар Қўмитага мазкур модданинг 4-бандига мувофиқ қайд қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай мулоҳазалар бўйича ўз фикрини тақдим этиши мумкин.

41-модда

1. Ушбу моддага мувофиқ мазкур Пактда иштирок этувчи давлат исталган вақтда Қўмитанинг бирор-бир Иштирокчи-давлат бошқа Иштирокчи-давлат ушбу Пакт бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлигини даъво қилаётгани тўғрисидаги хабарни қабул қилиши ва кўриб чиқиш ваколатини тан олишини баён этиши мумкин. Мазкур моддада назарда тутилган хабар, агар фақат Қўмита ваколатини ўзи тан олгани тўғрисида баёнот берган Иштирокчи-давлат томонидан тақдим этилган бўлса қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши мумкин. Қўмита, агар шундай баёнот бермаган Иштирокчи-давлатга тегишли ҳеч бир хабарни қабул қилмайди. Ушбу моддага мувофиқ қабул қилинган хабар қуйидаги тартиб-таомилга биноан кўриб чиқилади:

а) агар ушбу Пактда иштирок этувчи бирор-бир давлат бошқа Иштирокчи-давлат мазкур Пакт қарорларини ҳаётга татбиқ этмаяпти деб топса, ўша давлат бу масалани қайд этилган иштирокчи-давлат эътиборига ёзма хабар орқали етказиши мумкин. Ушбу хабарни олгандан кейин уни олган давлат бундай хабарни юборган давлатга уч ой ичида ёзма шаклда тушунтириш ёки мазкур масала бўйича тушунтириш билан бошқа ҳар қандай баёнотни тақдим этади, бунда иложи борича ва мақсадга мувофиқ ҳолда шу масала борасида қабул қилинган, қабул қилинадиган ёки қабул қилиниши мумкин бўлган ички тартиб-таомиллар ва чоралар кўрсатилади;

б) агар масала қабул қилувчи давлат дастлабки хабарни олганидан кейин олти ой мобайнида манфаатдор Иштирокчи-давлатларни қониқтирадиган даражада ҳал этилмаган бўлса, бу давлатларнинг ҳар бири масалани Қўмитани ва бошқа давлатни хабардор қилиш орқали Қўмитага тақдим этиш ҳуқуқига эга;

с) Қўмита ўзига тақдим этилган масалани халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципларига мувофиқ барча имкониятдаги ички воситалар синаб кўрилган ва мазкур ҳолатда тугаган деб ишонч ҳосил қилганидан кейингина кўриб чиқади. Бу қоида ушбу воситаларнинг қўлланиши асоссиз равишда кечиктириладиган ҳолатларда амал қилмайди;

d) ушбу моддада назарда тутилган хабарни кўриб чиқишда Қўмита ёпик мажлис ўтказди;

e) Қўмита “с” кичик банднинг қарорларига риоя қилган ҳолда, ушбу Пактда эътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш асосида масалаларни дўстона ҳал этиш мақсадида манфаатдор Иштирокчи-давлатларга ўз холис хизматини кўрсатади;

f) Қўмита кўриб чиқиши учун ўзига тақдим этилган ҳар қандай масала юзасидан “b” кичик бандда кўрсатилган манфаатдор Иштирокчи-давлатларга илтимос билан ишга тааллуқли ҳар қандай ахборотни тақдим этиш бўйича муурожаат қилиши мумкин;

g) “b” кичик бандда кўрсатилган манфаатдор Иштирокчи-давлатлар Қўмитада масала кўриб чиқиляётганда вакил бўлиш ва оғзаки ва/ёки ёзма тақдимнома бериш ҳуқуқига эга;

h) Қўмита “b” кичик бандга мувофиқ хабарнома олинган кундан бошлаб ўн икки ой ичида ҳисобот тақдим этади:

i) агар “e” кичик банд қарорлари доирасида масала ҳал этилса, Қўмита ўз ҳисоботида далиллар ва эришилган қарорнинг қисқача мазмуни билан чекланади;

ii) агар “e” кичик банд қарорлари доирасида бир қарорга келинмаса, Қўмита ўз ҳисоботида далилларни қисқача мазмуни билан чекланади; манфаатдор Иштирокчи-давлатлар томонидан берилган ёзма тақдимномалар ва оғзаки тақдимномаларнинг ёзиб олинган баёни ҳисоботга илова қилинади.

Ҳар бир масала бўйича ҳисобот манфаатдор Иштирокчи-давлатларга юборилади.

2. Мазкур модда қарорлари ушбу Пактда иштирок этувчи ўнта давлат шу модданинг 1-бандига мувофиқ баёнот берганида кучга киради. Бундай баёнотлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ҳузурида Иштирокчи-давлатлар томонидан сақлаш учун топширилади, у уларнинг нусхаларини қолган иштирокчи-давлатларга юборади. Баёнот Бош котибнинг билдиришномаси билан исталган вақтда қайтариб олинishi мумкин. Бундай ҳаракат мазкур моддага мувофиқ топширилган хабарнинг предмети бўлган ҳар қандай масаланинг кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди; агар манфаатдор Иштирокчи-давлат янги баёнот бермаган бўлса, Бош котиб баёнот қайтариб олингани тўғрисидаги билдиришномани олганидан кейин ҳеч қандай Иштирокчи-давлатнинг кейинги бирор бир хабар қабул қилинмайди.

42-модда

1. а) 41-моддага мувофиқ Қўмитага топширилган бирор-бир масала манфаатдор Иштирокчи-давлатларни қониқтирадиган даражада ечилмаган бўлса, Қўмита манфаатдор Иштирокчи-давлатларнинг олдиндан берган розилигига кўра махсус Келиштирувчи комиссия (бундан буён “Комиссия” деб юритилади) тайинлаши мумкин. Комиссия мазкур Пакт қоидаларига риоя

қилган ҳолда масалани яхшилик билан ҳал этиш мақсадида манфаатдор Иштирокчи-давлатларга холис хизмат кўрсатади.

б) Комиссия манфаатдор Иштирокчи-давлатларга мақбул бўлган беш нафар шахсдан иборат бўлади. Агар манфаатдор Иштирокчи-давлатлар уч ой мобайнида Комиссиянинг тўлиқ таркиби ёки таркибнинг бир қисми борасида келишувга келолмаса, тайинлаш тўғрисидаги келишувга келинмаган Комиссия аъзолари яширин овоз бериш йўли билан Қўмита аъзоларининг учдан икки қисмининг кўпчилик овози билан сайланади.

2. Комиссия аъзолари вазифаларни шахс сифатида бажаради. Улар манфаатдор Иштирокчи-давлатларнинг ёки ушбу Пактда қатнашмайдиган давлатлар ёхуд 41-моддага мувофиқ баёнот бермаган Иштирокчи-давлатнинг фуқаролари бўлишлари мумкин эмас.

3. Комиссия ўз Раисини сайлайди ва ўз шахсий тартиб-қоидаларини белгилайди.

4. Комиссия мажлислари, одатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женевадаги бўлимида ўтказилади. Бироқ улар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотиби ва тегишли Иштирокчи-давлатлар билан маслаҳатлашувида Комиссия томонидан белгиланадиган бошқа қулай жойларда ҳам ўтказилиши мумкин.

5. 36-моддага мувофиқ тақдим этиладиган Қотибият ушбу моддага асосан тайинланадиган Комиссияга ҳам хизмат кўрсатади.

6. Қўмита томонидан олинган ва ўрганилган ахборот Комиссия ихтиёрига тақдим этилади ва Комиссия манфаатдор Иштирокчи-давлатларга илтимос билан ишга тааллуқли ҳар қандай ахборотни тақдим этишлари бўйича муурожаат қилиши мумкин.

7. Комиссия масалани тўлиқ кўриб чиққанида, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам мазкур масала унга топширилгандан кейин 12 ойдан кечиктирмай, у Қўмита раисига уни манфаатдор Иштирокчи-давлатларга юбориш учун ҳисобот тақдим этади:

а) агар Комиссия ўн икки ой мобайнида мазкур масалани кўриб чиқишни тугатмаса, у ўз ҳисоботини ушбу масалани кўриб чиқиш ҳолатининг қисқача мазмуни билан чекланади;

б) агар ушбу Пактда тан олинган инсон ҳуқуқларига риоя қилиш асосида мазкур масалани тинч йўл билан ҳал этишга эришилган бўлса, Комиссия ўз ҳисоботида далиллар ва эришилган қарорларни қисқача мазмуни билан чеклайди;

с) агар “б” кичик бандда келтирилган қарорга эришилмаган бўлса, Комиссия ҳисоботи манфаатдор Иштирокчи-давлатлар ўртасидаги низога тааллуқли барча далиллар хусусидаги хулосадан ва ушбу масалани тинч йўл билан ҳал этиш имкониятлари тўғрисидаги мулоҳазалардан иборат. Ушбу ҳисобот, шунингдек манфаатдор Иштирокчи-давлатлар томонидан қилинган ёзма тақдимномалар ва оғзаки тақдимномаларнинг ёзиб олинган баёнини ҳам ўз ичига олади;

d) агар Комиссия ҳисоботи “с” кичик бандга мувофиқ тақдим этилаётган бўлса, манфаатдор Иштирокчи-давлатлар ушбу ҳисоботни олганидан кейин уч ой ичида Қўмита раисини Комиссия ҳисоботининг мазмуни билан рози эканликлари тўғрисида хабардор қилади.

8. Ушбу модданинг қарорлари Қўмитанинг 41-моддада назарда тутилган мажбуриятларини камситмайди.

9. Манфаатдор Иштирокчи-давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби томонидан тақдим этилган сметага мувофиқ Комиссия аъзоларининг барча харажатларини тенг равишда кўтарадилар.

10. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби, агар зарур бўлса, ушбу модданинг 9-бандига мувофиқ манфаатдор Иштирокчи-давлатлар томонидан қоплангунига қадар Комиссия аъзоларининг харажатларини тўлаш ҳуқуқига эга.

43-модда

Қўмита ва 42-моддага мувофиқ тайинланиши мумкин бўлган махсус Келиштирувчи комиссия аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Имтиёзлар ва иммунитетлар тўғрисидаги конвенциясининг тегишли бўлимларида назарда тутилганидек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан хизмат сафарларига юбориладиган экспертларнинг имтиёзлари, енгилликлари ва иммунитетларидан (дахлсизлиги) фойдаланиш ҳуқуқига эга.

44-модда

Ушбу Пактни амалга ошириш ҳақидаги қоидалар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослаштирилган муассасаларнинг таъсис ҳужжатлари ва конвенциялари томонидан ёки уларга мувофиқ тасдиқланган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тартиб-таомилларга зарар етказмасдан қўлланилади ҳамда мазкур Пактда Иштирок этувчи давлатлар улар ўртасида мавжуд бўлган умумий ва махсус халқаро келишувларга асосан низони ҳал этишнинг бошқа тартиб-қоидаларига мурожаат қилишига тўсқинлик қилмайди.

45-модда

Қўмита Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясига Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш орқали ўз иши тўғрисида йиллик ҳисобот тақдим этади.

V ҚИСМ

46-модда

Ушбу Пактдаги ҳеч нарса мазкур Пакт тааллуқли бўлган мавзулар бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг турли органлари ва ихтисослаштирилган муассасаларнинг тегишли мажбуриятларини белгиладиган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг ва ихтисослаштирилган муассасалар уставлари қоидаларининг аҳамиятини пасайтиради деб талқин қилинмаслиги керак.

47-модда

Ушбу Пактдаги ҳеч нарса барча халқларнинг ўз табиий бойликлари ва ресурсларига тўлалигича ва эркин эгаллик қилиш ҳамда улардан фойдаланишдаги ажралмас ҳуқуқининг чекланиши сифатида талқин қилинмаслиги керак.

VI ҚИСМ

48-модда

1. Ушбу Пакт Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳар қандай аъзо-давлатлари ёки унинг ихтисослаштирилган муассасаларининг ҳар қандай аъзоси, Халқаро Суд Статутининг ҳар қандай иштирокчи-давлати ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан ушбу Пактда иштирок этишга таклиф қилинган ҳар қандай давлат томонидан имзоланиши учун очикдир.

2. Ушбу Пакт ратификация қилиниши керак. Ратификация ёрлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига сақлаш учун топширилади.

3. Ушбу Пакт мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган ҳар қандай давлатнинг қўшилиши учун очикдир.

4. Қўшилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни сақлаш учун топшириш орқали амалга оширилади.

5. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу Пактни имзолаган ёки унга қўшилган барча давлатларни ҳар бир ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилганлиги ҳақида хабардор қилади.

49-модда

1. Ушбу Пакт Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига ўттиз бешинчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилган кундан уч ой ўтгач кучга киради.

2. Ушбу Пактни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат учун ўттиз бешинчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун қабул қилинганидан сўнг мазкур Пакт ўша давлатнинг ўз ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжати сақлаш учун топширилган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

50-модда

Ушбу Пакт қарорлари ҳеч бир чеклашларсиз ёки истисносиз Федератив давлатларнинг барча қисмларига нисбатан татбиқ этилади.

51-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи бирон бир давлат тузатишлар таклиф қилиши ва уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига

тақдим этиши мумкин. Сўнгра, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ҳар қандай таклиф қилинган тузатишларни, ушбу таклифларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан овоз бериш мақсадида иштирокчи-давлатлар конференциясини чақириш тарафдори эканликларини билдиришларини сўраб мазкур Пактда иштирок этувчи давлатларга юборади. Агар иштирокчи-давлатларнинг камида учдан бир қисми бундай конференция чақиришни маъқулласа, Бош котиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида бу конференцияни чақиради. Ушбу Конференцияда ҳозир бўлган ва овоз беришда қатнашувчи иштирокчи-давлатларнинг кўпчилиги томонидан қабул қилинган ҳар қандай тузатиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

2. Тузатишлар уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси тасдиқлагач ва ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларнинг учдан бир қисми томонидан уларнинг конституциявий тартиб-қоидаларига мувофиқ қабул қилингандан кейин кучга кирилади.

3. Тузатишлар кучга кирганда уларни қабул қилган иштирокчи-давлатлар учун мажбурий бўлиб қолади, бошқа иштирокчи-давлатлар учун эса мазкур Пакт қарорлари ва улар томонидан аввал қабул қилинган ҳар қандай тузатишларни бажариш мажбурий бўлади.

52-модда

48-модданинг 5-бандига мувофиқ қилинадиган билдиришлардан қатъи назар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу модданинг 1-бандида таъкидланган барча давлатларни қуйидагилар тўғрисида хабардор қилади:

а) 48-моддага мувофиқ имзолашлар, ратификация ва қўшилишлар ҳақида;

б) 49-моддага мувофиқ ушбу Пактнинг кучга кириш санаси ва 51-моддага мувофиқ ҳар қандай тузатишларнинг кучга кириш санаси ҳақида.

53-модда

1. Ушбу Пактнинг инглиз, испан, хитой, рус ва француз тилларидаги матнлари айнан бир хил бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти архивига сақлаш учун топширилади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу Пактнинг тасдиқланган нусхаларини 48-моддада кўрсатилган барча давлатларга юборади.

ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТ

БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йил 16 декабрдаги 2200 А (XXI)-сон резолюцияси билан қабул қилинган ҳамда имзолаш, ратификация қилиш ва қўйиш учун очиқ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 126-И-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида эълон қилинган принципларга мувофиқ, инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос бўлган кадр-қиммат ва тенг ҳамда бузилмас ҳуқуқларини тан олиш принциплари эркинлик, адолат ва ялпи тинчликнинг негизи эканлигини *эътиборга олиб*,

ушбу ҳуқуқлар инсон шахсининг ўзига хос кадр-қимматидан келиб чиқишини *тан олиб*,

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига мувофиқ кўрқув ва муҳтожликдан ҳоли бўлган эркин инсон шахсининг идеали ҳар бир киши ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларидан, шунингдек ўз фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин бўлган шароит яратилгандагина амалга ошириш мумкинлигини *эътироф этиб*,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига кўра давлатлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига умум рияз этиши ва хурмат қилишини рағбатлантириши шарт эканлигини *эътиборга олиб*,

ҳар бир алоҳида инсон бошқа одамлар ва ўзи тегишли бўлган жамоага нисбатан мажбурияти бўлгани ҳолда мазкур Пактда тан олинаётган ҳуқуқларни рағбатлантириш ва уларга рияз этишга эришиши лозимлигини *эътиборга олиб*,

қуйидаги моддалар борасида келишиб олдилар:

І ҚИСМ

1-модда

1. Барча халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқ орқали улар ўз сиёсий мақомини эркин ўрнатадилар ва ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётини эркин таъминлайдилар.

2. Барча халқлар ўз мақсадларига эришиш учун ўз табиий бойликлари ва ресурсларини ўзаро фойда принципига асосланган халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва халқаро ҳуқуқдан келиб чиқадиган бирор-бир мажбуриятларга зарар етказмасдан эркин эгалик қилишлари мумкин. Ҳеч бир халқ ўзига тегишли бўлган тирикчилик воситаларидан ҳеч қачон маҳрум қилинмаслиги шарт.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи барча давлатлар, шу жумладан, ўз-ўзини бошқара олмайётган ва васий бўлган ҳудудларни бошқариш учун масъул

бўлганлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави қоидаларига мувофиқ, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга оширишни рағбатлантиришлари ва бу ҳуқуқни ҳурмат қилишлари шарт.

II ҚИСМ

2-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат якка тартибда ҳамда халқаро ёрдам ва ҳамкорлик тартибида, жумладан, иқтисод ва техника соҳаларида мазкур Пактда эътироф этилган ҳуқуқларнинг аста-секин тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш учун барча зарур усуллар билан, шунингдек қонуний чоралар кўриш орқали мавжуд ресурсларнинг имкон қадар кенг доирасида чоралар кўриш мажбуриятини олади.

2. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар мазкур Пактда эълон қилинган ҳуқуқларнинг ирқи, танасининг ранги, жинси, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқоди, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, туғилиши ёки бошқа ҳолатларига нисбатан ҳеч қандай камситишсиз амалга оширилишини кафолатлаш мажбуриятини оладилар.

3. Ривожланаётган мамлакатлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда ўз халқи хўжалигини зарур тарзда ҳисобга олган ҳолда, ўз фуқаролари бўлмаган шахсларга мазкур Пактда эътироф этилган иқтисодӣ ҳуқуқларни қандай даражада кафолатлашини белгилашлари мумкин.

3-модда

Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар эркаклар ва хотин-қизлар учун ушбу Пактда кўриб чиқилган барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан бир хилда фойдаланилишини таъминлаш мажбуриятини олади.

4-модда

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар мазкур Пактга мувофиқ у ёки бу давлат тақдим этадиган ҳуқуқлардан фойдаланишга нисбатан ушбу давлат фақат бу ҳуқуқларнинг қонун билан белгиланадиган ва фақат қайд этилган ҳуқуқларнинг табиатига мос келадиган даражада ҳамда демократик жамиятда умумӣ фаровонликка кўмаклашиш мақсадида чеклашларни ўрнатиши мумкинлигини эътироф этадилар.

5-модда

1. Ушбу Пактдаги ҳеч нарса бирор-бир давлат, бирор-бир гуруҳ ёки бирор-бир шахс ушбу Пактда тан олинган, ҳар қандай ҳуқуқ ёки эркинликларни йўқотишга ёки уларни мазкур Пактда назарда тутилганидан кўра кўпроқ чеклашга қаратилган бирорта фаолият билан шуғулланиш ёхуд шундай ҳаракат содир этиш ҳуқуқига эга деб талқин қилиниши мумкин эмас.

2. Ушбу Пактда иштирок этувчи бирор-бир давлатда қонун, конвенция, қоида ёки урф-одат сифатида тан олинган ёхуд мавжуд бўлган асосӣ инсон

ҳуқуқлари, мазкур Пактда шу ҳуқуқлар тан олинмайди ёки қисман эътироф этилади деган баҳона билан бирор-бир тарзда чекланиши ёки камситилишига йўл қўйилмайди.

III ҚИСМ

6-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир инсоннинг ўзи эркин ҳолда танлаган ёки эркин рози бўлган меҳнат орқали ишлаб маблағ топиш имкониятига эга бўлиш ҳуқуқини қамраб олган меҳнат қилиш ҳуқуқини тан олади ҳамда мазкур ҳуқуқни таъминлаш учун тегишли чораларни кўради.

2. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар томонидан мазкур ҳуқуқни тўлиқ амалга ошириш мақсадида кўрилиши керак бўлган чоралар касбий-техник ўқитиш ва тайёргарлик дастурлари, инсоннинг асосий сиёсий ва иқтисодий эркинликларини кафолатлайдиган шароитларда узлуксиз иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётга ва тўлиқ самарали бандликка эришиш йўллари ва усуллари ўз ичига олади.

7-модда

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар кимнинг адолатли ва қулай меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқини, хусусан, қуйидагиларни ўз ичига олган ҳолда тан олади:

а) барча меҳнаткашларга камида қуйидагиларни таъминлайдиган ҳақ:

i) тенг қийматга эга бўлган меҳнат учун ҳеч бир тафовутсиз адолатли иш ҳақи ва тенг мукофотлаш, хусусан, хотин-қизларга эркаклар фойдаланадиганидан кам бўлмаган меҳнат шароити тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш билан кафолатланиши керак;

ii) мазкур Пактнинг қарорларига мувофиқ улар ва уларнинг оилалари учун қониқарли бўлган турмуш;

б) хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берувчи иш шароити;

с) барчага меҳнат стажи ва малака асосида ишда тегишли янада юқорироқ босқичларга кўтарилиш учун бир хил имконият;

д) дам олиш, бўш вақт ва оқилона чекланган иш вақти ҳамда ҳақ тўланадиган даврий таътил, шунингдек байрам кунлари учун ҳақ.

8-модда

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар қуйидагиларни таъминлаш мажбуриятини оладилар:

а) ҳар бир инсоннинг ўз иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш учун касаба уюшмалари ташкил этиш ҳамда шу каби уюшмаларга ўз ихтиёрига кўра тегишли ташкилот қоидаларига риоя қилишнинг ягона шарти билан кириш ҳуқуқи. Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқдан фойдаланишга ҳеч бир чекланиш қўйилмайди, қонунда назарда тутилган ва демократик жамиятда давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартиби манфаатлари

йўлидаги ёки бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини муҳофаза этишдаги ҳуқуқлар бундан мустасно;

b) касаба уюшмаларининг миллий федерация ёки конфедерация тузиш ҳуқуқи ва миллий федерация, конфедерацияларнинг халқаро касаба уюшмалари тузиш ёки шу каби уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи;

c) касаба уюшмаларининг ҳеч бир тўсиқсиз, чеклашларсиз фаолият юритиш ҳуқуқи, қонунда назарда тутилган ва демократик жамиятда давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартиби манфаати ёхуд бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган ҳуқуқлари бундан мустасно;

d) ҳар бир мамлакатнинг қонунларига мувофиқ амалга ошириладиган иш ташлаш ҳуқуқи.

2. Ушбу модда қуролли кучлар, полиция ёки давлат маъмурияти таркибидаги шахслар учун мазкур ҳуқуқлардан фойдаланишда қонуний чеклаш киритилишига тўсқинлик қилмайди.

3. Ушбу моддадаги ҳеч нарса 1948 йилги Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциясида иштирок этувчи давлатларга уюшмалар эркинлиги ва ташкилотлар тузиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш кўрсатилган Конвенцияда назарда тутилган кафолатларга зарар етказган ҳолда қонуний актлар қабул қилиш ёки ушбу кафолатларга зарар етказадиган қонунни қўллаш ҳуқуқини бермайди.

9-модда

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир инсоннинг ижтимоий таъминланиш, жумладан, ижтимоий суғурта ҳуқуқини эътироф этади.

10-модда

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар қуйидагиларни тан олади:

1. Жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси бўлган оилага, айниқса, таълим олишда ҳамда унинг зиммасида мустақил бўлмаган болалар ва уларнинг тарбияси тўғрисида ғамхўрлик қилиш масъулияти бўлганда, иложи борича, кенг қамровли муҳофаза ва ёрдам тақдим этилиши керак. Никоҳ никоҳланувчиларнинг эркин розилигига кўра тузилиши керак.

2. Туғруқдан олдин ва кейинги даврда оналарга алоҳида муҳофаза тақдим этилиши зарур. Бу давр мобайнида ишлайдиган оналарга ҳақ тўланадиган таътил ёки ижтимоий таъминот бўйича етарли нафақа билан таътил берилиши керак.

3. Барча болалар ва ўсмирларга ҳеч бир камситишсиз, оилавий келиб чиқиши ёки бошқа белгиларидан қатъи назар алоҳида ҳимоя чоралари ва ёрдам кўрсатилиши шарт. Болалар ва ўсмирлар иқтисодий ва ижтимоий эксплуатациядан ҳимоя қилинган бўлиши керак. Уларнинг меҳнатини ахлоқи ва саломатлиги учун зарарли бўлган ёки ҳаёт учун хавфли соҳаларда ёхуд уларнинг нормал ўсиши учун зарар келтириши мумкин бўлган соҳаларда қўллаш қонун билан жазоланиши керак. Бундан ташқари, давлат пуллик болалар меҳнатидан фойдаланишни тақиқлайдиган ва қонун билан жазоланадиган ёш чегараларини белгилаши керак.

11-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар кимнинг ўзи ва оиласи учун етарлича озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой ҳамда яшаш шароитларини доимий равишда яхшиланиб боришини ўз ичига оладиган етарли турмуш даражасига бўлган ҳуқуқини эътироф этади. Иштирокчи-давлатлар ушбу ҳуқуқларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун эркин келишувга асосланган халқаро ҳамкорликнинг бу борадаги муҳим аҳамиятини эътироф этиб, тегишли чораларни кўради.

2. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир инсоннинг очликдан озод бўлиш асосий ҳуқуқини тан олган ҳолда, қуйидагилар учун яқка ва халқаро ҳамкорлик тартибида, вазифаларни амалга ошириш учун аниқ дастурларни ўтказишни қамраб оладиган зарур чораларни кўришлари керак:

а) техник ва илмий билимлардан кенг қўламда фойдаланиш, овқатланиш тамойиллари тўғрисидаги билимларни ёйиш, табиий ресурслардан янада самарали фойдаланиш ва ўзлаштириш учун аграр тизимни такомиллаштириш ёки ислоҳ қилиш йўли билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш ва тақсимлаш услубларини яхшилаш;

б) эҳтиёжга мувофиқ ва озиқ-овқат маҳсулотларини импорт ёки экспорт қилувчи мамлакатларнинг муаммоларини ҳисобга олган ҳолда жаҳондаги озиқ-овқат захираларининг адолатли тақсимланишини таъминлаш.

12-модда

1. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир инсоннинг жисмоний ва руҳий саломатлигининг олий даражасига эришиш ҳуқуқини эътироф этади.

2. Ушбу ҳуқуқни тўлиқ амалга ошириш учун мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар томонидан кўрилиши керак бўлган чоралар қуйидагилар учун зарур тадбирларни ўз ичига олади:

а) ўлик гўдаклар туғилиши ва болалар ўлимини қисқартириш ҳамда болаларнинг соғлом ривожланишини таъминлаш;

б) ташқи муҳит гигиенасининг ҳамма жиҳатларини ва саноатда меҳнат гигиенасини яхшилаш;

с) эпидемик, эндемик, касбий ва бошқа касалликларнинг олдини олиш ва даволаш ҳамда уларга қарши курашиш;

д) касаллик ҳолатларида ҳаммага тиббий ёрдам кўрсатиш ва тиббий парваришни таъминлайдиган шароит яратиш.

13-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир инсоннинг таълим олишга бўлган ҳуқуқини эътироф этади. Улар таълим инсон шахсининг тўлиқ ривожланиши ва унинг қадр-қимматини яратишга қаратилган бўлиши ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига ҳурматни мустаҳкамлаш зарур деган фикрга қўшилади. Шунингдек, улар таълим барчага эркин жамиятнинг фойдали иштирокчилари бўлишга имкон яратиши, барча халқлар ва барча irqий, этник ва диний гуруҳлар ўртасида ўзаро тушуниш, хайрихоҳлик ва

дўстликни ривожлантириш ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги ишига кўмаклашиши керак деган фикрга қўшилади.

2. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ушбу ҳуқуқнинг тўлиқ амалга оширилиши учун қуйидагиларни эътироф этади:

а) бошланғич таълим ҳамма учун мажбурий ва текин бўлиши керак;

б) ўрта таълим касбий-техник ўрта таълимни ўз ичига олган ҳолда барча шаклларда ва барча зарур чораларни кўриш, хусусан, аста-секин бепул таълимни жорий этиш орқали ҳамма учун очик бўлиши ва фойдалана олиши керак;

с) барча зарур чораларни кўриш, хусусан, аста-секин бепул таълимни жорий этиш орқали ҳар кимнинг қобилиятини ҳисобга олган ҳолда олий таълимни ҳамма учун бирдек фойдалана оладиган қилиниши керак;

д) оддий таълим бошланғич таълимнинг тўлиқ курсини ўтмаган ёки тугалламаганлар учун имкони борича рағбатлантирилиши ёки кучайтирилиши лозим;

е) барча даражадаги мактаблар тармоқлари фаол ривожлантирилиши, стипендияларнинг қониқарли тизими белгиланиши ва ўқитувчиларнинг моддий аҳволи доимий равишда яхшиланиб бориши керак.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ота-оналар ва тегишли ҳолларда қонуний васийларнинг ўз фарзандлари учун давлат ҳокимияти таъсис этган мактабларнигина эмас, балки давлат томонидан белгиланиши ёки тасдиқланиши мумкин бўлган таълим учун минимал талабга жавоб берадиган мактабларни ҳам танлаш эркинлигини ҳурмат қилиш ва ўз шахсий эътиқодига мувофиқ ўз фарзандларини диний ва ахлоқий тарбия билан таъминлашлари мажбуриятини олади.

4. Мазкур модданинг ҳеч бир қисми айрим шахслар ва муассасаларнинг ушбу модданинг 1-бандида баён қилинган принципларга риоя қилишнинг ўзгармас шарти билан таълим муассасаларини ташкил этиш ва уларга раҳбарлик қилиш эркинлигини камситиш маъносида талқин қилинмаслиги ҳамда ушбу муассасаларда бериладиган таълим давлат томонидан белгиланиши мумкин бўлган минимал талабларга жавоб бериши керак.

14-модда

Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат иштирокчи сифатида киргунга қадар ўз метрополияси ҳудудида ёки унинг юрисдикциясида бўлган бошқа ҳудудларда мажбурий бепул бошланғич таълимни ўрнатмаган бўлса, икки йил ичида мажбурий бепул умум таълим принципини режада кўрсатилган оқилона йиллар мобайнида аста-секин ҳаётга татбиқ этиш учун батафсил чора-тадбир режасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мажбуриятини олади.

15-модда

1. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир инсоннинг қуйидаги ҳуқуқларини эътироф этади:

а) маданий ҳаётда иштирок этиш;
б) илмий тараққиёт ва уни амалда қўллаш натижаларидан фойдаланиш;
с) ўзи муаллиф бўлган ҳар қандай илмий, адабий ёки бадиий меҳнат билан боғлиқ ҳолда юзага келувчи моддий ва маънавий манфаатлар ҳимоясидан фойдаланиш.

2. Ушбу ҳуқуқларни тўла амалга ошириш учун мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар қабул қилиши керак бўлган чора-тадбирлар фан ва маданият ютуқларини муҳофаза қилиш, ривожлантириш ва тарғиб этиш учун зарур бўлган чораларни ўз ичига олади.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар илмий-тадқиқот ва ижодий фаолият учун сўзсиз зарур бўлган эркинликни ҳурмат қилиш мажбуриятини олади.

4. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар илмий ва маданий соҳаларда халқаро алоқалар ва ҳамкорликни рағбатлантириш ва ривожлантиришдан келадиган фойдани тан олади.

IV ҚИСМ

16-модда

1. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ушбу Пактнинг шу қисмига мувофиқ, мазкур Пактда тан олинган ҳуқуқларга риоя этишга эришиш йўлидаги улар томонидан кўрилган чора-тадбирлар ва тараққиёт тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

2. а) Барча ҳисоботлар, унинг нусхаларини мазкур Пакт қоидаларига мувофиқ кўриб чиқиш учун Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга юборадиган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига тақдим этади;

б) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ихтисослаштирилган муассасаларга, мазкур Пактда иштирок этувчи, шунингдек ушбу ихтисослаштирилган муассасаларнинг аъзоси бўлган давлатларнинг ҳисоботларини ёки ҳисоботлар тегишли қисмларининг нусхаларини юборди, чунки бундай ҳисоботлар ёки бу ҳисоботларнинг қисмлари юқорида қайд этилган муассасаларнинг конституциявий ҳужжатларига мувофиқ уларнинг мажбуриятлари доирасига кирадиган ҳар қандай масалаларга алоқадор.

17-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш томонидан мазкур Пакт кучга киргандан сўнг бир йил мобайнида иштирокчи-давлатлар ва ихтисослаштирилган манфаатдор муассасалар билан маслаҳатлашув бўйича ўрнатилиши керак бўлган дастурга мувофиқ босқичма-босқич ўз ҳисоботларини тақдим этади.

2. Ҳисоботларда ушбу Пакт бўйича мажбуриятларнинг бажарилиш даражасига таъсир қиладиган омиллар ва қийинчиликлар кўрсатилиши мумкин.

3. Агар тегишли маълумотлар ушбу Пактда иштирок этувчи бирор-бир давлат томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ёки бирор-бир ихтисослаштирилган муассасага илгарироқ хабар қилинган бўлса, бу маълумотларни қайта баён этишнинг ҳожати йўқ ва шу тарзда хабардор этилган маълумотларга аниқ ҳавола етарли бўлади.

18-модда

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари соҳасидаги Уставига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажариш учун ихтисослаштирилган муассасалар билан уларнинг фаолияти соҳасига тааллуқли бўлган ушбу Пакт қарорларига риоя этилишига эришиш йўлидаги ютуқлар тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиш ҳақида келишиб олиши мумкин. Бу ҳисоботлар шу тарзда амалга ошириш тўғрисида ваколатли органлар томонидан қабул қилинган қарор ва тавсияларининг тафсилотларини ҳам ўз ичига олиши мумкин.

19-модда

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияга кўриб чиқиш ва умумий тавсиялар бериш учун ёки тегишли ҳолларда инсон ҳуқуқларига тааллуқли маълумотлар учун давлатлар томонидан 16 ва 17-моддаларга биноан тақдим этилган ҳисоботларни ҳамда ихтисослаштирилган муассасалар томонидан 18-моддага мувофиқ тақдим этилган инсон ҳуқуқларига тааллуқли ҳисоботларни бериши мумкин.

20-модда

Мазкур Пактда иштирок этувчи манфаатдор давлатлар ва ихтисослаштирилган муассасалар Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга 19-моддага асосан ҳар қандай умумий тавсиялар бўйича ёки Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиянинг ҳар қандай ҳисоботидаги шундай умумий тавсияга ҳавола бўйича ёхуд ҳавола қилинаётган ҳар қандай ҳужжат бўйича изоҳ тақдим этиши мумкин.

21-модда

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш вақти-вақти билан Бош Ассамблеяга ушбу Пактда тан олинган ҳуқуқларга ялпи риоя этилишини таъминлаш доирасида қабул қилинган чоралар ва эришилган натижалар тўғрисида мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳамда ихтисослаштирилган муассасалардан олинadиган маълумотларнинг умумий тусдаги тавсияномалари ва қисқача баёни билан ҳисоботлар тақдим этиши мумкин.

22-модда

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бошқа органлари, уларнинг ёрдамчи органлари ва техник ёрдам кўрсатиш билан шуғулланadиган ихтисослаштирилган муассасаларнинг диққат-

эътиборини мазкур Пактнинг ушбу қисмида эслатилаётган ҳисоботлар туфайли юзага келаётган ҳар қандай масалаларга қаратиши мумкин, зеро, бу ҳол ана шу органлар томонидан ваколатлари доирасида ушбу Пактни аста-секин амалга оширишга кўмаклашиш мумкин бўлган халқаро чоратадбирларнинг қанчалик мақсадга мувофиқлигига тааллуқли қарорлар чиқаришида фойдали бўлиши мумкин.

23-модда

Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар конвенциялар тузиш, тавсиялар қабул қилиш, маслаҳатлашувлар мақсадида техник ёрдам кўрсатиш ва минтақавий ва техник йиғилишлар ўтказиш, шунингдек манфаатдор ҳукуматлар билан биргаликда ташкил этилган тадқиқотларни олиб бориш каби воситаларни қўллашга тааллуқли ушбу Пакт эътироф этилган ҳуқуқларни амалга оширишга ёрдам берувчи халқаро тадбирлар қаторига киради деб келишадилар.

24-модда

Ушбу Пактдаги ҳеч нарса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг турли органлари ва ихтисослаштирилган муассасаларнинг мазкур Пактга тааллуқли масалаларга нисбатан тегишли мажбуриятларини белгилайдиган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми қарорлари ва ихтисослаштирилган муассасаларнинг низоми аҳамиятини камситиш сифатида талқин қилинмаслиги керак.

25-модда

Мазкур Пактдаги ҳеч нарса барча халқларнинг ўз табиий бойликлари ва ресурсларидан тўлиқ ва эркин эгалик қиладиган ва фойдаланадиган ажралмас ҳуқуқини камситиш сифатида талқин қилинмаслиги керак.

V ҚИСМ

26-модда

1. Ушбу Пакт Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бирор бир аъзо-давлатлари ёки унинг ихтисослаштирилган муассасаларининг ҳар қандай аъзоси, Халқаро Суд Статутининг ҳар қандай иштирокчи-давлати ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан ушбу Пактда иштирок этишга таклиф қилинган бирор бир бошқа давлат томонидан имзоланиши учун очик.

2. Ушбу Пакт ратификация қилиниши керак. Ратификация ёрлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига сақлаш учун топширилади.

3. Ушбу Пакт мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган ҳар қандай давлатнинг қўшилиши учун очик.

4. Қўшилиш қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига топшириш орқали амалга оширилади.

5. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ушбу Пактни имзолаган ёки унга қўшилган барча давлатларни ҳар бир ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатнинг сақлаш учун топширилганлиги ҳақида хабардор қилади.

27-модда

1. Ушбу Пакт Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига ўттиз бешинчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилган кундан бошлаб уч ой ўтгандан кейин кучга киради.

2. Ушбу Пактни ратификация қилган ёки унга ўттиз бешинчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун қабул қилинганидан сўнг қўшилган ҳар бир давлат учун мазкур Пакт ўша давлатнинг ўз ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжати сақлаш учун топширилган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

28-модда

Ушбу Пакт қарорлари ҳеч бир чеклашларсиз ёки истисносиз Федератив давлатларнинг барча қисмларига нисбатан татбиқ этилади.

29-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи бирон бир давлат тузатишлар таклиф қилиши ва уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига тақдим этиши мумкин. Сўнгра, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ҳар қандай таклиф қилинган тузатишларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан овоз беришни ўтказиш мақсадида иштирокчи-давлатлар конференциясини чақириш тарафдори эканликларини билдиришларини сўраб ушбу таклифларни мазкур Пактда иштирок этувчи давлатларга юборади. Агар иштирокчи-давлатларнинг камида учдан бир қисми бундай конференция чақиришни маъқулласа, Бош котиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида бу конференцияни чақиради. Ушбу Конференцияда ҳозир бўлган ва овоз беришда қатнашувчи иштирокчи-давлатларнинг кўпчилиги томонидан қабул қилинган ҳар қандай тузатиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

2. Тузатишлар уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси тасдиқлагач ва ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларнинг учдан бир қисми томонидан, уларнинг конституциявий тартиб-қоидаларига мувофиқ қабул қилингандан кейин кучга киради.

3. Тузатишлар кучга кирганда, уларни қабул қилган иштирокчи-давлатлар учун мажбурий бўлиб қолади, бошқа иштирокчи-давлатлар учун эса мазкур Пакт қарорлари ва улар томонидан аввал қабул қилинган ҳар қандай тузатишларни бажариш мажбурий бўлади.

30-модда

26-модданинг 5-бандига мувофиқ қилинадиган билдиришлардан қатъи назар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ушбу модданинг 1-бандида таъкидланган барча давлатларни қуйидагилар тўғрисида хабардор қилади:

- a) 26-моддага биноан имзолашлар, ратификациялар ва қўшилишлар;
- b) 27-моддага мувофиқ мазкур Пактнинг кучга кириш санаси ва 29-моддага мувофиқ ҳар қандай тузатишларнинг кучга кириш санаси.

31-модда

1. Ушбу Пактнинг инглиз, испан, хитой, рус ва француз тилларидаги матнлари айнан бир хил бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти архивига сақлаш учун топширилади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ушбу Пактнинг тасдиқланган нусхаларини 26-моддада кўрсатилган барча давлатларга юборади.

ФУҚАРОВИЙ ВА СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТГА ДОИР ФАКУЛЬТАТИВ БАЁННОМА

*БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йил 16 декабрдаги 2200 А(XXI)-сон
резолуцияси билан қабул қилинган ҳамда имзолаш, ратификация қилиш
ва қўшилиш учун очиқ*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги
128-І-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган*

Мазкур Баённомада иштирок этувчи барча давлатлар,
Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт (кейинги ўринларда –
“Пакт”) мақсадларига келгусида ҳам эришиш ва унинг қарорларини амалга
ошириш учун Пактнинг IV қисми асосида таъсис этилувчи Инсон ҳуқуқлари
бўйича кўмига (кейинги ўринларда – “Кўмига”) мазкур Баённомада
таъкидланганидек, ушбу Пактда ифодаланган ҳуқуқларимиз бузилиб
жабрланаяпмиз, дея таъкидлаётган айрим шахсларнинг хабарларини қабул
қилиш ва кўриб чиқиш имкониятини беришнинг мақсадга мувофиқлигини
эътиборга олиб, қуйидагилар борасида келишдилар:

1-модда

Мазкур Баённома иштирокчиси бўладиган, Пактнинг иштирокчиси
бўлган давлат Кўмитанинг юрисдикциясига кирадиган шахслардан
хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш ваколатини эътироф этади, қайд
этилган шахслар эса Пактда баён қилинган ҳуқуқлардан бири иштирок этувчи
давлат томонидан бузилиб, биз шунинг жабрланувчисимиз дея тасдиқлайди.
Кўмига Пакт иштирокчиси саналган, лекин ушбу Баённома қатнашчиси
бўлмаган давлатга алоқадор бўлган ҳеч бир хабарни қабул қилмайди.

2-модда

1-модда қоидаларига риоя қилинган ҳолларда Пактда қайд этилган
ҳуқуқлардан бирортаси бузилганлигини даъво қилган ва ҳуқуқий ҳимоянинг
мавжуд барча ички воситаларини тугатган шахслар Кўмигага кўриб чиқиши
учун ёзма равишда хабар тақдим этиши мумкин.

3-модда

Кўмига ушбу Баённомага мувофиқ тақдим этилган имзосиз ёки
Кўмитанинг фикрига кўра бундай хабарларни тақдим этиш ҳуқуқини
суиистеъмол қилишни англатадиган ёхуд Пакт қоидаларига мос келмайдиган
ҳар қандай хабарни номақбул, деб эътироф этиши мумкин.

4-модда

1. 3-модда қоидаларига риоя қилган ҳолда Кўмига ушбу Баённомага
мувофиқ ўзига тақдим этилган ҳар қандай хабарни Пактнинг бирор бир

қоидасини бузган, деб даъво қилинган мазкур Баённомада иштирок этувчи давлат эътиборига етказди.

2. Хабарни олган давлат олти ой мобайнида Қўмитага ушбу масаланинг моҳиятини аниқлаштирадиган ёзма тушунтириш ёки баёнотни (агар мавжуд бўлса) ва мазкур давлат томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай чораларни тақдим этиши керак.

5-модда

1. Қўмита алоҳида шахс ва манфаатдор иштирокчи-давлат томонидан тақдим этилган барча ёзма маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу Баённомага мувофиқ олинган хабарларни кўриб чиқади.

2. Қўмита қуйидагилар бўйича тасдиқ олмагунча, шахсларнинг хабарларини кўриб чиқмайди:

а) айти шу масала бошқа халқаро муҳокама ёки тартибга солиш қоидаларига мувофиқ кўриб чиқилмайди;

б) ушбу шахс ҳуқуқий ҳимоянинг барча имкониятли ички воситаларидан фойдаланиб бўлган.

Ушбу қоида бундай воситаларни қўллаш асоссиз кечиктирилган ҳолатларда амал қилмайди.

3. Мазкур Баённомада кўзда тутилган хабарларни кўриб чиқишда Қўмита ёпиқ мажлис ўтказди.

4. Қўмита ўз мулоҳазаларини тегишли иштирокчи-давлатга ва шахсга маълум қилади.

6-модда

Қўмита 45-моддада назарда тутилган йиллик ҳисоботига ушбу Баённомага мувофиқ ўз фаолияти тўғрисида қисқача ҳисобот киритади.

7-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1960 йил 14 декабрда қабул қилинган 1514 (XV)-резолуциясининг Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик тақдим этиш тўғрисидаги декларациясига тааллуқли мақсадларига эришилгунга қадар ушбу Баённома қоидалари мазкур халқларга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган муассасаларининг бошқа халқаро конвенциялари ва ҳужжатлари томонидан тақдим этилган петициялар (илтимоснома) бериш ҳуқуқини ҳеч бир шаклда чекламайди.

8-модда

1. Ушбу Баённома Пактни имзолаган ҳар бир давлат томонидан имзоланиши учун очиқ.

2. Ушбу Баённома Пактни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат томонидан ратификация қилиниши керак. Ратификация ёрлиқлари сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширилади.

3. Ушбу Баённома Пактни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат учун очик.

4. Қўшилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топшириш билан амалга оширилади.

5. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби мазкур Баённомани имзолаган ёки унга қўшилган барча давлатларга ҳар бир ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилгани тўғрисида хабар беради.

9-модда

1. Пакт кучга кирганда ушбу Баённома Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига қўшилиш тўғрисидаги ўнинчи ратификация ёрлиғи ёки ҳужжати сақлаш учун топширилган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

2. Қўшилиш тўғрисидаги ўнинчи ратификация ёрлиғи ёки ҳужжат топширилгандан кейин мазкур Баённомани ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат учун ушбу Баённома қўшилиш тўғрисидаги шахсий ратификация ёрлиғи ёки ҳужжати сақлаш учун топширилган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

10-модда

Ушбу Баённома қарорлари Федератив давлатларнинг ҳамма қисмларига ҳеч бир чеклаш ёки истисносиз татбиқ этилади.

11-модда

1. Мазкур Баённомада иштирок этувчи бирор бир давлат тузатиш таклиф этиши ва уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этиши мумкин. Сўнгра, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ҳар қандай таклиф қилинган тузатишларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан овоз беришни ўтказиш мақсадида иштирокчи-давлатлар конференциясини чақириш тарафдори эканликларини билдиришларини сўраб ушбу таклифларни мазкур Пактда иштирок этувчи давлатларга юборади. Агар иштирокчи-давлатларнинг камида учдан бир қисми бундай конференция чақиришни маъқулласа, Бош котиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида бу конференцияни чақиради. Ушбу Конференцияда ҳозир бўлган ва овоз беришда қатнашувчи иштирокчи-давлатларнинг кўпчилиги томонидан қабул қилинган ҳар қандай тузатиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

2. Тузатишлар уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси тасдиқлагач ва ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларнинг учдан бир қисми томонидан, уларнинг конституциявий тартиб-қоидаларига мувофиқ қабул қилингандан кейин кучга киради.

3. Тузатишлар кучга кирганда уларни қабул қилган иштирокчи-давлатлар учун мажбурий бўлиб қолади ва бошқа иштирокчи-давлатлар учун эса мазкур

Пакт қарорлари ҳамда улар томонидан аввал қабул қилинган ҳар қандай тузатишларни бажариш мажбурий бўлади.

12-модда

1. Ҳар бир иштирокчи-давлат исталган вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби номига ёзма хабар бериш йўли билан ушбу Баённомани бекор қилиши мумкин. Денонсация Бош котиб томонидан бундай хабарномани олинган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

2. Денонсация мазкур Баённома қоидаларини денонсация кучга киргунга қадар 2-моддага мувофиқ тақдим этилган ҳар қандай хабарга қўллашни давом эттиришга тўсқинлик қилмайди.

13-модда

1 Ушбу Баённоманинг 8-модда 5-бандига мувофиқ берилган хабарномалардан қатъи назар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пактнинг 48-моддаси 1-бандида қайд этилган барча давлатларга қуйидагиларни маълум қилади:

- а) 8-моддага мувофиқ имзолашлар, ратификациялар ва қўшилишлар;
- б) 9-моддага мувофиқ ушбу Баённоманинг кучга кириш санаси ва 11-моддага мувофиқ ҳар қандай тузатишларнинг кучга кириш санаси;
- с) 12-моддага асосан денонсация.

14-модда

1. Ушбу Пактнинг инглиз, испан, хитой, рус ва француз тилларидаги матнлари айнан бир хил бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти архивига сақлаш учун топширилади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу Баённоманинг тасдиқланган нусхаларини Пактнинг 48-моддасида кўрсатилган барча давлатларга юборади.

ФУҚАРОВИЙ ВА СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТГА ДОИР ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ БЕКОР ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ИККИНЧИ ФАКУЛЬТАТИВ БАЁННОМА

*БМТ Бош Ассамблеясининг 1989 йил 15 декабрдаги 44/128-сон
резолуцияси билан қабул қилинган*

*Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 10 декабрдаги
ЎРҚ–185-сон Қонунига мувофиқ ратификация қилинган*

Ушбу Баённомада иштирок этувчи давлатлар,
ўлим жазосини бекор қилиш инсон қадр-қимматини мустаҳкамлашга ва
инсон ҳуқуқларининг прогрессив ривожланишига кўмаклашгади *деб ҳисоблаб*;
1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон
декларациясининг 3-моддаси ва 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган
Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 6-моддасига
таъниб;

Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг ўлим
жазосини бекор қилишга тааллуқли 6-моддаси аниқ ифодаланганлиги бекор
қилишнинг мақсадга мувофиқлигининг асосли кўрсаткичи ҳисобланишини
таъкидлаб;

ўлим жазосини бекор қилиш бўйича барча чораларни яшашга бўлган
ҳуқуқни таъминлашдаги тараққиёт сифатида кўриб чиқилишига *ишонч ҳосил
қилиб*;

бекор қилишнинг мақсадга мувофиқлигининг асосли кўрсаткичи бўлган
ўлим жазосини бекор қилишга тааллуқли сиёсий ҳуқуқларда ўлим жазосини
бекор қилиш тўғрисидаги халқаро мажбуриятни ўз зиммасига олиш *истагини
билдириб*,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

1. Мазкур Баённоманинг иштирокчиси бўлган давлатлари юрисдикцияси
остида бўлган ҳеч бир шахс ўлим жазосига тортилмайди.

2. Ҳар бир иштирокчи-давлат ўз юрисдикцияси доирасида ўлим
жазосини бекор қилиш учун барча зарур чораларни кўради.

2-модда

1. Ушбу Протоколга ҳеч қандай қўшимча шарт қўшишга йўл
қўйилмайди, ратификация қилиш ёки унга қўшилиш пайтида қилинган, яъни
уруш вақтида содир этилган ҳарбий характердаги энг оғир жиноятларни
содир этишдаги айбини тан олинганидан кейин уруш вақтида ўлим жазосини
қўллашни назарда тутадиган қўшимча шарт бундан мустасно.

2. Шундай қўшимча шартни киритаётган иштирокчи-давлат
ратификация қилиш ёки унга қўшилиш пайтида Бирлашган Миллатлар
Ташкилоти Бош котибига уруш вақтида қўлланиладиган ўз миллий

қонунчилигининг тегишли қоидалари тўғрисида хабар беради.

3. Шундай қўшимча шартни киритган иштирокчи-давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибини ўз ҳудудига нисбатан ҳар қандай уруш ҳолатининг бошланиши ёки тўхтатилиши тўғрисида хабардор қилади.

3-модда

Мазкур Баённоманинг иштирокчиси бўлган давлатлар Пактнинг 40-моддасига мувофиқ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмига тақдим этадиган маърузаларига ушбу Баённомани амалга ошириш учун улар томонидан кўрилган чоралар тўғрисидаги ахборотни киритади.

4-модда

41-моддага мувофиқ баёнот берган Пактнинг иштирокчиси бўлган давлатларга нисбатан Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг ҳар қандай иштирокчи-давлатнинг бошқа иштирокчи-давлат ўз мажбуриятларини бажармаётганини даъво қилгани тўғрисидаги хабарларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш ваколати, агар фақат манфаатдор иштирокчи-давлат ратификация қилиш ёки унга қўшилиш пайтида бунинг акси тўғрисида баёнот бермаган бўлса, мазкур Баённома қоидаларига нисбатан амал қилади.

5-модда

1966 йил 16 декабрда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга биринчи Факультатив баённомасининг иштирокчиси бўлган давлатларга нисбатан Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитанинг уларнинг юрисдикцияси остида бўлган айрим шахсларнинг хабарларини олиш ва кўриб чиқиш ваколати, агар фақат манфаатдор иштирокчи-давлат ратификация қилиш ёки унга қўшилиш пайтида бунинг акси тўғрисида баёнот бермаган бўлса, мазкур Баённома қоидаларига нисбатан амал қилади.

6-модда

1. Мазкур Баённоманинг қоидалари Пактга қўшимча қоидалар сифатида қўлланилади.

2. Мазкур Баённоманинг 2-моддасига мувофиқ изоҳлар киритиш имкониятига зарар етказмаган ҳолда ушбу Баённоманинг 1-моддаси 1-бандида қафолатланган ҳуқуқ Пактнинг 4-моддасига биноан ундан ҳеч қандай чекинишга йўл қўймайди.

7-модда

1. Мазкур Баённома Пактни имзолаган ҳар қандай давлатнинг имзолаши учун очик.

2. Мазкур Баённома Пактни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар қандай давлат томонидан ратификация қилиниши керак. Ратификация ёрлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибига сақлаш учун топширилади.

3. Мазкур Баённома Пактни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар қандай давлатнинг қўшилиши учун очиқ.

4. Қўшилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни топшириш йўли билан амалга оширилади.

5. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби мазкур Баённомани имзолаган ёки унга қўшилган давлатларни ҳар бир ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат топширилгани ҳақида хабардор қилади.

8-модда

1. Мазкур Баённома Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига ўнинчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат топширилган кундан бошлаб уч ой ўтгандан кейин кучга киради.

2. Ушбу Баённома ўнинчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат топширилгандан кейин мазкур Баённомани ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат учун ушбу Баённоманинг ўз ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат топширилган кундан бошлаб уч ой ўтгандан кейин кучга киради.

9-модда

Мазкур Баённоманинг қоидалари федератив давлатларнинг барча қисмларида ҳеч бир чеклаш ёки истисноларсиз амал қилади.

10-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пактнинг 48-моддаси 1-бандида келтирилган барча давлатларга қуйидагилар тўғрисида хабар қилади:

а) мазкур Баённоманинг 2-моддасига мувофиқ шартлар, хабарлар ва билдиргилар;

б) мазкур Баённоманинг 4- ёки 5-моддаларига мувофиқ қилинган баёнотлар;

с) мазкур Баённоманинг 7-моддасига мувофиқ имзолашлар, ратификация ва қўшилишлар;

д) мазкур Баённоманинг 8-моддасига мувофиқ Баённоманинг кучга кирган санаси тўғрисида.

11-модда

1. Мазкур Баённоманинг инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларидаги матнлари айнан бир хил бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти архивига сақлаш учун топширилади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби мазкур Баённоманинг тасдиқланган нусхаларини Пактнинг 48-моддасида кўрсатилган барча давлатларга юборади.

ИРҚИЙ КАМСИТИШНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ

*БМТ Бош Ассамблеясининг 1965 йил 21 декабрдаги 2106 (XX)-сон
резолуцияси билан қабул қилинган*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги
129-1-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган*

Ушбу Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави ҳар бир инсонга хос бўлган кадр-қиммат ва тенглик принципларига асосланган ҳамда Ташкилотга аъзо барча давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамма учун ирки, жинси, тили ёки динидан қатъи назар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини умумбашарий ҳурмат қилиш ва унга риоя этишни рағбатлантириш ва ривожлантиришдан иборат бўлган мақсадларидан бирига эришиш учун биргаликда ва мустақил ҳаракатлар қилиш мажбуриятини олганлигини *ҳисобга олиб*;

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида барча одамлар ўз кадр-қиммати ва ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилишини ҳамда ҳар бир инсон ҳеч қандай тафовутларсиз, хусусан, ирки, танасининг ранги ёки миллий келиб чиқишидан қатъи назар, унда кўрсатилган барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши кераклиги эътироф этилганини *ҳисобга олиб*;

ҳамма одамлар қонун олдида тенглиги ҳамда ҳар қандай камситиш ва ҳар қанақа камситишга ундашдан қонун билан тенг ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлигини *ҳисобга олиб*;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мустамлакачилик ва у билан боғлиқ ҳар қандай ажратиш ва камситиш амалиётини у қаерда ва қандай шаклда намоён бўлишидан қатъи назар қоралаган ҳамда 1960 йил 14 декабрдаги (Бош Ассамблеянинг 1514 (XV-резолуцияси) Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларация буларнинг барчасига дарҳол ва сўзсиз чек қўйиш зарурлигини тасдиқлаган ва тантанали эълон қилганини *ҳисобга олиб*;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1963 йил 20 ноябрдаги (Бош Ассамблеянинг 1904 (XVIII)-резолуцияси) Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги декларацияси бутун дунёда ирқий камситишни унинг ҳамма шакллари ва кўринишларига зудлик билан барҳам бериш ва инсон шахсининг кадр-қиммати тушунилиши ва ҳурмат қилинишини таъминлаш зарурлигини тантанали тасдиқлашини *ҳисобга олиб*;

ирқий тафовутга асосланган ҳар қандай устунлик назарияси илмий жиҳатдан сохталигига, маънавий жиҳатдан номуносиблиги ва ижтимоий жиҳатдан адолатсиз ва хавфлиликка ҳамда ирқий камситишни қаерда бўлмасин хоҳ назарияда, хоҳ амалиётда оқлаб бўлмаслигига *ишонч ҳосил қилиб*;

одамларни ирқи, танасининг ранги ёки этник келиб чиқиши бўйича камситиш миллатлар ўртасида дўстона ва тинч муносабатларга тўсқинлик қилишини ҳамда халқлар ўртасида тинчлик ва хавфсизлик, шунингдек, ҳатто бир давлат ичида шахсларнинг уйғун тинч-тотув яшашининг бузилишига олиб келиши мумкинлигини *тасдиқлаб*;

ирқий тўсиқларнинг мавжудлиги ҳар қандай инсоний жамиятнинг идеалларига зид эканлигига *ишонч ҳосил қилиб*;

дунёнинг баъзи ҳудудларида ҳамон кузатилаётган ирқий камситишнинг намоён бўлишидан, шунингдек апартеид, ажратиш ёки бўлиниш сиёсати каби ирқий устунлик ёки ирқий душманлик принципига асосланган давлат сиёсатидан *ташвишланиб*;

ирқий камситишни унинг барча шакллари ва кўринишларига тезроқ барҳам бериш ҳамда ирқлар ўртасида ўзаро тушунишга кўмаклашиш ва ирқий ажратиш ва ирқий камситишнинг барча шаклларидан холи халқаро ҳамжамият тузиш мақсадида ирқчилик назариялари билан уларни амалга ошириш амалиётининг олдини олиш ва тугатиш учун барча зарур чораларни кўришга *қарор қилиб*;

Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан 1958 йилда тасдиқланган Ишга ёллаш ва меҳнат соҳасидаги камситиш тўғрисидаги конвенцияни ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1960 йилда таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тасдиқланган Таълим соҳасидаги камситишга барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияни *инобатга олиб*;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги декларациясида баён этилган принципларни амалга оширишни ва шу мақсадга эришиш учун тез орада амалий тадбирлар ўтказишни таъминлашни истаб қуйидагиларга келишиб олди:

I ҚИСМ

1-модда

1. Ушбу Конвенцияда “ирқий камситиш” ибораси ирқ, тананинг ранги, уруғчилик, миллий ёки этник келиб чиқиш белгиларига асосланган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ёки жамият ҳаётининг исталган бошқа соҳаларида тенг асосларда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олиш, фойдаланиш ёки амалга оширишни йўқотиш ёки камситишни мақсад ёки натижа биладиган ҳар қандай тафовут, истисно, чеклаш ёки устунликни англатади.

2. Ушбу Конвенция унинг иштирокчи-давлатлари фуқаролар ва фуқаро бўлмаганлар ўртасида ўтказадиган ёки қиладиган тафовутлар, истиснолар, чеклашлар ёки устунликларга нисбатан қўлланилмайди.

3. Ушбу Конвенцияда ҳеч нарса иштирокчи-давлатларнинг миллий мансублик, фуқаролик ёки натурализацияга тааллуқли қонун ҳужжатлари қоидаларига қандайдир даражада таъсир қилувчи сифатида талқин қилиниши

мумкин эмас, агар бундай қарорларда бирон бир муайян миллатга нисбатан камситиш ўтказилмаган бўлса.

4. Ҳимояга муҳтож айрим ирқий ёки этник гуруҳлар ёхуд алоҳида шахсларни лозим тараққиёт билан таъминлаш мақсадида, яъни бундай гуруҳлар ёки шахсларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан тенг фойдаланиши ва амалга оширилишини таъминлаш учун зарур бўлиши мумкин бўлган алоҳида чораларни қабул қилиш ирқий камситиш деб кўрилмайди, бироқ бундай чоралар турли ирқий гуруҳлар учун алоҳида ҳуқуқларни сақлаш оқибатига эга эмаслиги ва улар амалга оширилган мақсадларга эришилгандан кейин ўз кучида қолмаслиги шарт.

2-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ирқий камситишни қоралайдилар ҳамда ҳамма мумкин бўлган усулларда зудлик билан ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш сиёсатини амалга ошириш ва барча ирқлар ўртасида ўзаро тушунишга кўмаклашиш мажбуриятини оладилар ва шу мақсадда:

а) ҳар бир иштирокчи-давлат шахслар, гуруҳлар ёки муассасаларга нисбатан ирқий камситиш билан боғлиқ бирон бир ҳужжат ёки ҳаракатларни амалга оширмаслик ҳамда ҳам миллий, ҳам маҳаллий бўлган барча давлат органлари ва давлат муассасалари ушбу мажбуриятларга мувофиқ ҳаракат қилишини кафолатлаш мажбуриятини олади;

б) ҳар бир иштирокчи-давлат қайсидир шахслар ёки ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган ирқий камситишни рағбатлантирмаслик, ҳимоя қилмаслик ва қўллаб-қувватламаслик мажбуриятини олади;

в) ҳар бир иштирокчи-давлат ҳукумат сиёсатини миллий ва маҳаллий кўламда қайта кўриб чиқиш, шунингдек ирқий камситиш мавжуд бўлган барча жойда унинг пайдо бўлиши ёки умрбод қолишига олиб келадиган ҳар қандай қонун ва қарорларни тuzатиш, бекор қилиш ёки йўқ қилиш учун самарали чоралар кўриши керак;

д) ҳар бир иштирокчи-давлат барча тегишли воситалардан, жумладан, қонунчилик чораларидан фойдаланган ҳолда, вазиятга қараб, ҳар қандай шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотлар томонидан олиб бориладиган ирқий камситишни тақиқлаши ва унга чек қўйиши керак;

е) ҳар бир иштирокчи-давлат ирқий тўсиқларни йўқотишга йўналтирилган бошқа чоралар сингари тегишли ҳолларда кўп ирқли ташкилотлар ва ҳаракатларни бирлаштиришни рағбатлантиришни ҳамда улардан ирқий бўлинишни чуқурлаштиришга кўмаклашишни қўллаб-қувватламаслик мажбуриятини олади.

2. Иштирокчи-давлатлар айрим ирқий гуруҳлар ёки уларга мансуб шахсларни, уларга инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан тўлиқ ва тенг фойдаланишларини кафолатлаган ҳолда, уларга тегишли ривожланиш ва ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида, вазият талаб қилганда, ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳамда бошқа соҳаларда алоҳида ва аниқ чораларни кўришлари керак. Бундай чоралар, асло, оқибати улар амалга оширилган

мақсадларга эришилгандан кейин турли ирқий гуруҳлар учун тенг бўлмаган ёки алоҳида ҳуқуқларнинг сақланиб қолишига олиб келмаслиги керак.

3-модда

Иштирокчи-давлатлар ирқий ажратиш ва апартеидни алоҳида қоралайдилар ҳамда уларнинг юрисдикциясида бўлган ҳудудларда бундай хусусиятдаги ҳар қандай амалиётнинг олдини олиш, тақиқлаш ва йўқ қилиш мажбуриятини оладилар.

4-модда

Иштирокчи-давлатлар танасининг ранги ёки этник мансублиги белгиланган бир ирқ ёки шахслар гуруҳининг устунлиги ғоялари ёки назарияларига асосланган ёхуд қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, ирқий нафрат ва камситишни оқлаш ёки рағбатлантиришга уринадиган ҳар қандай тарғиботни ва барча ташкилотларни қоралайдилар ҳамда бундай камситишни ёки камситиш ҳаракатларига ҳар қандай фитналарни тугатишга қаратилган шошилинч ва ижобий чоралар кўриш мажбуриятини олади ҳамда шу мақсадда улар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган принципларга ва ушбу Конвенциянинг 5-моддасида аниқ баён этилган қоидаларга мувофиқ, бошқалар қаторида:

а) ирқий устунлик ёки нафратга асосланган ғояларни ҳар қанақасига ёйишни, ирқий камситишни ҳар қанақасига гижгижлашни, шунингдек исталган ирқ ёки бошқа тана ранги ёки этник насабдаги шахслар гуруҳига қарши қаратилган ҳамма зўравонлик ҳаракатлари ёхуд уларни иғво қилишни, шунингдек маблағ билан таъминлашни қўшиб ирқчилик фаолиятини ўтказиш учун ҳар қандай ёрдам кўрсатишни қонунга мувофиқ жазоланадиган жиноят деб эътироф этадилар;

б) ирқий камситишни рағбатлантирадиган ва уни иғво қиладиган ташкилотларни, шунингдек уюшган ва ҳар қандай бошқа тарғибот фаолиятини қонунга қарши деб эълон қиладилар ва тақиқлайдилар ҳамда шундай фаолиятда қатнашишни қонун билан жазоланадиган жиноят деб тан оладилар;

с) давлат ҳокимиятининг миллий ёки маҳаллий органларига ёхуд давлат муассасаларига ирқий камситишни ёки уни иғво қилишни рағбатлантиришга рухсат этмайдилар.

5-модда

Ушбу Конвенциянинг 2-моддасида баён этилган асосий мажбуриятларга мувофиқ, иштирокчи-давлатлар ирқий камситишни унинг барча шаклларида тақиқлаш ва йўқотишга ҳамда ҳар бир инсоннинг ирқи, танасининг ранги, миллий ёки этник мансублигидан қатъи назар, қонун олдида тенг ҳуқуқлилигини, айниқса, қуйидаги ҳуқуқларни амалга оширишни таъминлаш мажбуриятини оладилар:

а) суд олдида ва одил судловни амалга оширадиган бошқа органлар олдида тенглик ҳуқуқлари;

b) ҳукумат мансабдор шахслари каби қандайдир алоҳида шахслар, гуруҳлар ёки муассасалар томонидан етказиладиган зўравонлик ёки тан жароҳатлари давлат томонидан шахсий хавфсизлик ва ҳимоя қилиниш ҳуқуқи;

c) сиёсий ҳуқуқлар, хусусан, умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи – овоз бериш ва ўз номзодини кўрсатиш, ҳар қандай даражадаги давлат ишларига раҳбарликдаги каби мамлакатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи, шунингдек давлат хизматидан тенг фойдаланиш ҳуқуқи;

d) бошқа фуқаролик ҳуқуқлари, жумладан:

i) давлат ичида ҳаракатланиш ва яшаш эркинлиги ҳуқуқи;

ii) бирон бир мамлакатни, шу жумладан, ўз мамлакатини ташлаб кетиш ва ўз мамлакатига қайтиш ҳуқуқи;

iii) фуқароликка бўлган ҳуқуқи;

iv) никоҳга кириш ва жуфтини танлаш ҳуқуқи;

v) мулкка ҳам яққа, ҳам бошқалар билан биргаликда эгалик қилиш ҳуқуқи;

vi) мерос олиш ҳуқуқи;

vii) фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқи;

viii) эътиқод эркинлиги ва уларни эркин ифода этиш ҳуқуқи;

ix) тинч йиғилишлар ва уюшмалар эркинлиги ҳуқуқи;

e) иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқлар, жумладан:

i) меҳнат, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай меҳнат шароитлари, ишсизликдан ҳимояланиш, тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш, адолатли ва қониқарли рағбатлантириш ҳуқуқи;

ii) касаба уюшмалари тузиш ва уларга қўшилиш ҳуқуқи;

iii) уй-жой ҳуқуқи;

iv) соғлиқни сақлаш, тиббий ёрдам, ижтимоий таъминот ва ижтимоий хизмат кўрсатиш ҳуқуқи;

v) таълим ва касбий тайёргарлик ҳуқуқи;

vi) маданий ҳаётда тенг иштирок этиш ҳуқуқи;

f) жамоат фойдаланиши учун мўлжалланган, масалан, транспорт, меҳмонхоналар, ресторанлар, кафе, театрлар ва оромгоҳлардан исталган жойда ёки бирон бир хизмат кўрсатиш туридан фойдаланиш ҳуқуқи.

6-модда

Иштирокчи-давлатлар ўз юрисдикцияси доирасидаги ҳар бир инсонга ушбу Конвенцияни бузиб, унинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига тажовуз қиладиган ирқий камситишнинг ҳар қандай ҳаракатлари содир этилган ҳолатларда ваколатли миллий судлар ҳамда бошқа давлат институтлари орқали самарали ҳимоя ва ҳимоя воситаларини, шунингдек мазкур судларга бундай камситиш оқибатида етказилган ҳар қандай зарар учун адолатли ва тенг ундириш ёки қондириш тўғрисида даъво қилиш ҳуқуқларини таъминлайди.

7-модда

Иштирокчи-давлатлар, жумладан, ўқитиш, тарбия, маданият ва ахборот соҳасида ирқий камситишга қарши кураш, миллатлар ва ирқий ёки этник гуруҳлар ўртасида ўзаро тушуниш, чидамлилиқ ва дўстликни рағбатлантириш, шунингдек БМТ Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, БМТнинг Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги декларацияси ҳамда ушбу Конвенция мақсади ва принципларини оммалаштириш мақсадида кечиктириб бўлмайдиган ҳамда самарали чоралар кўриш мажбуриятини оладилар.

II ҚИСМ

8-модда

1. Ирқий камситишга барҳам бериш бўйича қўмита (кейинги ўринларда – “Қўмита”) ташкил этилиши керак ва у ўн саккиз экспертдан иборат бўлиб иштирокчи-давлатлар томонидан ўз мажбуриятларини шахс сифатида бажарадиган ўз фуқаролари орасидан сайланадиган, юксак маънавий фазилатларга эга ва холис деб тан олинган, қолаверса, адолатли жўғрофий тақсимлаш ва цивилизациянинг, шунингдек асосий ҳуқуқий тизимларнинг турли шаклларида вакиллар бўлишига эътибор қаратилади.

2. Қўмита аъзолари яширин овоз бериш йўли билан иштирокчи-давлатлар томонидан илгари сурилган рўйхатга киритилган шахслар орасидан сайланади. Ҳар бир иштирокчи-давлат ўз фуқаролари орасидан бир шахсни кўрсатиши мумкин.

3. Дастлабки сайлов ушбу Конвенция кучга киргандан кейин олти ой ўтгач ўтказилади. Ҳар сафар сайлов санасидан камида уч ой олдин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотиби иштирокчи-давлатларга икки ой ичида улар томонидан кўрсатилган шахсларнинг исmlарини тақдим этишини таклиф қилган ҳолда хат билан мурожаат қилади. Бош қотиб шу тарзда кўрсатилган барча шахслар рўйхатини уларни илгари сурган иштирокчи-давлатларни кўрсатган ҳолда алифбо тартибида тайёрлайди ҳамда ушбу рўйхатни Конвенциянинг иштирокчи-давлатларига тақдим этади.

4. Қўмита аъзоларини сайлаш Бош қотиб томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида чақириладиган Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари йиғилишида ўтказилади. Иштирокчи-давлатларнинг учдан икки қисми кворумни ташкил этадиган ушбу йиғилишда энг кўп овоз олган ва Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари вакилларининг овоз беришда ҳозир бўлган ҳамда иштирокчиларининг мутлақ кўпчилик овозини олган номзодлар Қўмита аъзолари этиб сайланган бўлади.

5. а) Қўмита аъзолари тўрт йилга сайланади. Бироқ дастлабки сайловда сайланадиган тўққиз аъзонинг ваколат муддати икки йиллик давр охирида тугайди; дастлабки сайловдан кейин дарҳол шу тўққиз аъзонинг номлари Қўмита раиси томонидан қуръа ташлаб аниқланади.

б) Конвенциянинг иштирокчи-давлати қутилмаган бўш иш ўринларини тўлдириш учун бундан буён Қўмита аъзоси бўлмаган эксперти ўрнига Қўмита маъқуллаган тақдирда ўз фуқаролари орасидан бошқа эксперт тайинлайди.

6. Иштирокчи-давлатлар Қўмита аъзолари томонидан Қўмита вазифаларини бажариш давридаги харажатларни қоплашни ўз зиммаларига оладилар.

9-модда

1. Иштирокчи-давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига Қўмита томонидан кўриб чиқилиши учун ушбу Конвенция қоидаларининг ҳаётда татбиқ этилишига кўмаклашувчи қабул қилинган қонунчилик, суд, маъмурий ёки бошқа чора-тадбирлар тўғрисида ҳисобот бериш мажбуриятини оладилар:

а) мазкур давлат учун ушбу Конвенция кучга киргандан кейин бир йил мобайнида;

б) кейинчалик ҳар икки йилда ва ҳар гал Қўмита буни талаб қилганда.

Қўмита Конвенциянинг иштирокчи-давлатларидан қўшимча ахборот сўраши мумкин.

2. Қўмита ҳар йили Бош котиб орқали Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади ҳамда Конвенциянинг иштирокчи-давлатларидан олинган ҳисобот ва ахборотларни ўрганишга асосланган таклифлар ва умумий тавсиялар бериши мумкин. Бундай таклифлар ва умумий тавсиялар Бош Ассамблеяга, агар мавжуд бўлса, Конвенция иштирокчи-давлатларининг мулоҳазалари билан бирга хабар қилинади.

10-модда

1. Қўмита ўзининг тартиб-таомил қоидаларини белгилайди.

2. Қўмита ўзининг мансабдор шахсларини икки йил муддатга сайлайди.

3. Қўмита котибияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби томонидан таъминланади.

4. Қўмита йиғилишлари одатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида ўтказилади.

11-модда

1. Агар бирон бир иштирокчи-давлат бошқа иштирокчи-давлат Конвенциянинг қоидаларини бажармайди деб ҳисобласа, у бу ҳақда Қўмитага хабар бериши мумкин. Сўнгра, Қўмита ушбу хабарни манфаатдор иштирокчи-давлатга етказди. Уч ой мобайнида хабарнома олган давлат Қўмитага ушбу масала ва мазкур давлат томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган чораларни ёритувчи ёзма тушунтириш ёки аризаларни тақдим этади.

2. Агар масала бундай давлат томонидан дастлабки хабарнома олингандан кейин олти ой мобайнида икки томонлама музокаралар ёки улар учун бирон бир бошқа қулай йўл билан иккала томонни қаноатлантириб ҳал этилмаса, ушбу икки давлатдан бири бу масалани Қўмитанинг, шунингдек

бошқа давлатнинг тегишли хабарномаси орқали қайта кўриб чиқиш учун Қўмитага топшириш ҳуқуқига эга.

3. Қўмита унга берилган масалани ушбу модданинг 2-бандига мувофиқ халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципларига кўра мазкур ҳолатда ҳуқуқий ҳимоянинг барча қулай ички воситалари синаб кўрилганлиги ва тугаганлигини белгилаганидан кейин кўриб чиқади. Марзкур қоида бу воситаларни қўллаш ниҳоятда чўзилиб кетганида амал қилмайди.

4. Қўмита унга кўриб чиқиш учун тақдим этилган ҳар қандай масала бўйича манфаатдор иштирокчи-давлатларга ишга тааллуқли исталган ахборотни тақдим этишларини тақлиф қилиши мумкин.

5. Агар ушбу модда қоидаларидан келиб чиқадиган бирон бир масалани Қўмита кўриб чиқаётган бўлса, у ҳолда манфаатдор иштирокчи-давлатлар ўз вакилларини ушбу масалани кўриб чиқиш даврида овоз бериш ҳуқуқисиз Қўмита йиғилишларида иштирок этиш учун юбориш ҳуқуқига эга.

12-модда

1. а) Қўмита зарур деб ҳисоблаган барча ахборотни олган ва синчковлик билан текширгандан кейин, Раис Қўмита аъзолари бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин бўлган беш нафардан иборат махсус Келишув комиссиясини (кейинги ўринларда – “Комиссия”) тайинлайди. Комиссия аъзолари баҳсда томонларнинг яқдил розилиги билан тайинланади ҳамда Комиссия манфаатдор давлатларга мазкур масалани Конвенция қоидаларига риоя этиш асосида тинч йўл билан бартараф этиш мақсадида ўзининг эзгу хизматларини тавсия қилади.

б) Агар баҳсда томонлар бўлган давлатлар ўртасида уч ой мобайнида Комиссиянинг бутун таркибига ёки таркибининг бир қисмига нисбатан келишувга эришилмаган бўлса, у ҳолда баҳсда томонлар бўлган давлатлар ўртасида тайинланиш тўғрисида келишувга эришилмаган Комиссия аъзолари Қўмита аъзолари таркибидан яширин овоз бериш йўли билан учдан икки кўпчилик овоз билан сайланади.

2. Комиссия аъзолари ўз мажбуриятларини шахс сифатида бажарадилар. Улар баҳсда томонлар бўлган давлатларнинг ёки Конвенцияда иштирок этмайдиган давлатнинг фуқаролари бўлмаслиги керак.

3. Комиссия ўз раисини сайлайди ва ўзининг тартиб-таомил қоидаларини ўрнатади.

4. Комиссия йиғилишлари, одатда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида ёки Комиссия қарори бўйича исталган бошқа қулай жойда ўтказилади.

5. Конвенциянинг 10-моддаси 3-бандига мувофиқ таъминланадиган Котибият агар Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари ўртасидаги баҳс Комиссия тузишга олиб келса, шу Комиссияга ҳам хизмат қилади.

6. Баҳсда томонлар бўлган давлатлар Комиссия аъзоларининг барча харажатларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби томонидан тақдим қилинган сметага мувофиқ тенг даражада қоплайдилар.

7. Бош котиб Комиссия аъзоларининг харажатларини (агар бунга зарурат бўлса) ушбу модданинг 6-бандига мувофиқ улар баҳсда томонлар бўлган давлатлар томонидан қопланишидан олдин тўлаш ҳуқуқига эга.

8. Қўмита томонидан олинган ва ўрганиб чиқилган ахборот Комиссия ихтиёрига тақдим этилади ҳамда Комиссия манфаатдор давлатларга ишга тааллуқли исталган ахборотни беришни таклиф қилиши мумкин.

13-модда

1. Комиссия масалани тўлиқ кўриб чиққач, Қўмита раисига томонлар ўртасидаги баҳсининг ҳақиқий фактларига тааллуқли барча масалалар бўйича ўзининг хулосаларини ва баҳсни тинч ҳал қилиш учун зарур деб тан олган тавсияларни ўз ичига олган ҳисоботни тайёрлаши ва тақдим этиши керак.

2. Қўмита раиси баҳсда иштирок этаётган ҳар бир давлатга Комиссия ҳисоботини юбориши керак. Уч ой мобайнида бу давлатлар Қўмита раисига Комиссия ҳисоботида келтирилган тавсияларга рози ёки йўқлиги тўғрисида хабар беришлари керак.

3. Ушбу модданинг 2-бандида назарда тутилган давр тугашига кўра Қўмита раиси Комиссия ҳисоботи ва манфаатдор иштирокчи-давлатларнинг аризаларини Конвенциянинг бошқа иштирокчи-давлатларига юбориши керак.

14-модда

1. Иштирокчи-давлат исталган вақтда Қўмитанинг юрисдикцияси доирасида бўлган ўзларини ушбу Конвенцияда баён этилган бирон бир ҳуқуқларининг мазкур иштирокчи-давлат томонидан бузилиши қурбони деб тасдиқлайдиган алоҳида шахслар ёки шахслар гуруҳларининг расмий хабарларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш ваколатини тан олишини арз қилиши мумкин. Қўмита ҳеч қандай расмий хабарларни, агар улар шундай баёнот бермаган Конвенциянинг иштирокчи-давлатига тааллуқли бўлса, қабул қилмаслиги керак.

2. Ушбу модданинг 1-бандида назарда тутилган баёнотни берган ҳар қандай иштирокчи-давлат ўзининг миллий ҳуқуқий тизими доирасида ўз юрисдикциясида ушбу Конвенцияда баён этилган бирон-бир ҳуқуқларининг бузилиши қурбони деб ва ҳуқуқий ҳимоянинг бошқа мавжуд маҳаллий воситаларидан фойдаланиб бўлган алоҳида шахслар ва шахслар гуруҳларининг аризаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш ваколати бўлган органни таъсис этиши ёки кўрсатиши мумкин.

3. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ берилган ариза, шунингдек ушбу модданинг 2-бандига биноан таъсис этилган ёки кўрсатилган ҳар қандай органнинг номи тегишли иштирокчи-давлат томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилиши керак, у уларнинг нусхаларини қолган иштирокчи-давлатларга жўнатади. Ариза исталган вақтда Бош котибни бу ҳақда хабардор қилиш орқали қайтариб олиниши мумкин, лекин бу асло Қўмита кўриб чиқаётган расмий хабарларга таъсир этмаслиги керак.

4. Арзнамаларнинг рўйхати ушбу модданинг 2-бандига мувофиқ таъсис этилган ёки кўрсатилган орган томонидан тузилади, бу рўйхатнинг тасдиқланган нусхалари ҳар йили тегишли йўллар орқали Бош котибга топширилади, бунда уларнинг мазмуни ошкор қилинмаслиги керак.

5. Агар аризачи ушбу модданинг 2-бандига мувофиқ таъсис этилган ёки кўрсатилган орган ҳаракатларидан қониқмаса, у олти ой мобайнида мазкур масалани Қўмитага топшириш ҳуқуқига эга.

6. а) Қўмита ўзи олган ҳар қандай расмий хабарни махфий тарзда Конвенция қоидаларини бузишда айбланаётган иштирокчи-давлатга етказди, лекин тегишли шахс ёки шахслар гуруҳи номи унинг ёки уларнинг аниқ ифодаланган розилигисиз айтилмайди. Қўмита аноним хабарларни қабул қилмаслиги керак.

б) уч ой мобайнида билдиришнома олган давлат Қўмитага шу масалани ва мазкур давлат томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган чораларни ёритувчи ёзма тушунтириш ёки аризалар тақдим қилади.

7. а) Қўмита расмий хабарларни унинг ихтиёрига манфаатдор иштирокчи-давлат ёки аризачи томонидан берилган ҳамма маълумотларни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқади. Қўмита агар аризачи ҳуқуқий ҳимоянинг ҳамма мавжуд ички воситаларидан фойдаланиб бўлганлигини аниқламаса, қайсидир аризачидан олинган расмий хабарларнинг ҳеч бирини кўриб чиқмаслиги керак. Лекин мазкур воситаларнинг қўлланилиши ҳаддан ташқари чўзилиб кетган ҳолларда бу қоида амал қилмайди.

б) Қўмита ўзининг таклиф ва тавсияларини, агар улар бўлса, манфаатдор иштирокчи-давлатга ва аризачига жўнатади.

8. Қўмита ўзининг йиллик ҳисоботиغا шундай хабарлар хулосасини ҳамда зарур ҳолларда манфаатдор иштирокчи-давлатларнинг тушунтириш ва аризаларининг қисқача баёнини, шунингдек ўзининг таклиф ва тавсияларини қўшади.

9. Қўмита ушбу моддада назарда тутилган вазифаларни Конвенциянинг камида ўнта иштирокчи-давлатлари мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ ариза берган ҳоллардагина бажаришга ваколатли.

15-модда

1. Бош Ассамблеянинг 1960 йил 14 декабрдаги 1514 (XV)-резолүциясида баён қилинган Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларация мақсадларига эришилгунга қадар ушбу Конвенциянинг қоидалари шу халқларга бошқа халқаро ҳужжатлар ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари томонидан таъминланган арзнамалар бериш ҳуқуқини чекламайди.

2. а) Ушбу Конвенция 8-моддасининг 1-бандига мувофиқ таъсис этилган Қўмита арзнамалар нусхаларини БМТнинг шу Конвенциянинг принциплари ва мақсадларига бевосита тааллуқли бўлган масалалар билан шуғулланадиган органларидан олади ҳамда уларда кўрилаётган арзнамалар (агар улар васийликдаги ва ўзини ўзи бошқармайдиган ҳудудларда яшайдиган

шахслардан келса, уларга нисбатан 1514 (XV)-резолуция қўлланиладиган бўлса ва бу арзномалар ушбу Конвенцияда назарда тутилган масалаларга тегишли бўлса) бўйича уларга фикр ва тавсиялар беради.

б) Қўмита Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ваколатли органларидан ушбу Конвенциянинг принциплари ва мақсадларига бевосита алоқадор ҳамда ушбу банднинг “а” кичик бандида эслатиб ўтилган ҳудудларда идора этувчи Давлатлар томонидан ўтказилаётган қонунчилик, суд, маъмурий ва бошқа тадбирларга тааллуқли ҳисоботларнинг нусхаларини олади, шунингдек бу борада ўз фикрини билдиради ва ушбу органларга тавсиялар беради.

3. Қўмита Бош Ассамблеяга берган ҳисоботида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органларидан олган мурожаатлари ва маърузаларининг қисқача мазмуни, шунингдек Қўмитанинг ушбу мурожаатлар ва маърузаларга тааллуқли фикр ва тавсияларини киритади.

4. Қўмита Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибидан ушбу Конвенциянинг мақсадларига тааллуқли ва мазкур модданинг 2-банди “а” кичик бандида келтирилган ҳудудларга оид унинг ихтиёридаги бутун ахборотни сўраб олади.

16-модда

Баҳсларни бартараф этишга ёки шикоятларни кўриб чиқишга оид ушбу Конвенция қоидалари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослаштирилган муассасаларининг асосий ҳужжатларида ёки улар томонидан маъқулланган конвенцияларда баён этилган камситиш соҳасидаги баҳслар ёки шикоятларни ҳал этишнинг бошқа усуллари учун зарарсиз қўлланилади ҳамда иштирокчи-давлатларга уларга нисбатан ҳаракатда бўлган умумий ёки махсус халқаро битимларга мувофиқ баҳсларни ҳал этиш учун бошқа усуллардан фойдаланишда халакит бермайди.

Ш ҚИСМ

17-модда

1. Ушбу Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси бўлган ҳар қандай давлат ёки унинг ихтисослаштирилган муассасаларидан бирон бирининг аъзоси, Халқаро Суд Статутининг ҳар қандай иштирокчи-давлати ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан ушбу Конвенцияда қатнашиш учун таклиф этилган бирон-бир бошқа давлат томонидан имзоланиш учун очик.

2. Ушбу Конвенция ратификация қилиниши керак. Ратификация ёрлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибида сақланади.

18-модда

1. Ушбу Конвенция мазкур Конвенциянинг 17-моддаси 1-бандида кўрсатилган ҳар қандай давлатларнинг қўшилиши учун очик.

2. Қўшилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни сақлаш учун топшириш орқали амалга оширилади.

19-модда

1. Ушбу Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига йигирма еттинчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилганидан кейин ўттизинчи куни кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган ёки унга йигирма еттинчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилгандан кейин қўшиладиган ҳар бир давлат учун ушбу Конвенциянинг ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжати сақлаш учун топширилганидан кейин ўттизинчи куни кучга киради.

20-модда

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида давлатлар томонидан қилинган қўшимча шартлар матнини олади ва ушбу Конвенциянинг иштирокчилари бўлган ёки бўлишлари мумкин бўлган барча давлатларга юборади. Қўшимча шартга эътироз билдирган ҳар қандай давлат юқорида кўрсатилган хабар олинган кундан бошлаб тўқсон кун мобайнида Бош котибга мазкур шартни қабул қилмаслиги тўғрисида билдириши лозим.

2. Ушбу Конвенция асосида тузилган қайсидир органлар ишига ҳалақит бериши мумкин бўлган шартлар сингари, ушбу Конвенциянинг мақсад ва вазифаларига мос келмайдиган қўшимча шартларга йўл қўйилмайди. Қўшимча шартлар, агар Конвенция иштирокчи-давлатларининг камида учдан икки қисми унга эътироз билдирса, мос келмайдиган ёки ишга тўсқинлик қиладиган деб ҳисобланади.

3. Қўшимча шартлар исталган вақтда Бош котиб номига тегишли билдиришнома юбориш орқали олиб ташланиши мумкин. Бундай билдириш у олинган кундан кучга киради.

21-модда

Ҳар бир иштирокчи-давлат ушбу Конвенцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига ёзма равишда хабар бериш орқали денонсация қилиши мумкин. Денонсация Бош котиб бу ҳақда хабар олган кундан бошлаб бир йил ўтгач кучга киради.

22-модда

Икки ёки бир неча иштирокчи-давлат ўртасида ушбу Конвенцияни талқиш қилиш ёки қўллашга оид мазкур Конвенцияда махсус кўзда тутилган музокаралар ёки тартиб-таомиллар йўли билан ҳал этилмаган ҳар қандай баҳс, бу баҳсда томонлардан бирининг талабига кўра, агар томонлар баҳсда ҳал этишнинг бошқа усулини келишиб олмаган бўлса, Халқаро суд томонидан ҳал қилиниши учун юборилади.

23-модда

1. Ушбу Конвенцияни қайта кўриб чиқиш тўғрисида талаб исталган вақтда ҳар қайси иштирокчи-давлат томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби номига ёзма хабарнома юбориш орқали илгари сурилиши мумкин.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси шундай талаб билан боғлиқ, агар зарур бўлса, қандай чоралар кўриши тўғрисида қарор қабул қилади.

24-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби, ушбу Конвенциянинг 17-моддаси 1-бандида эслатиб ўтилган барча давлатларга қуйидаги маълумотлар тўғрисида хабар беради:

- a) 17 ва 18-моддаларга мувофиқ имзолаш, ратификация ва қўшилиш тўғрисида;
- b) 19-моддага мувофиқ ушбу Конвенция кучга кириш санаси тўғрисида;
- c) 14, 20 ва 23-моддаларга мувофиқ олинган хабарлар ва декларациялар тўғрисида;
- d) 21-моддага мувофиқ денонсация тўғрисида.

25-модда

1. Мазкур Пакт инглиз, испан, хитой, рус ва француз тилларида тузилган бўлиб, ҳамма матнлар тенг кучга эга, у Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг архивига сақлаш учун топширилиши керак.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу Конвенциянинг тасдиқланган нусхаларини Конвенциянинг 17-моддаси 1-бандида эслатиб ўтилган тоифалардан бирон-бирига тегишли барча давлатларга юборади.

ҚИЙНОҚЛАР ҲАМДА МУОМАЛА ВА ЖАЗОЛАШНИНГ БОШҚА ШАФҚАТСИЗ, ҒАЙРИИНСОНИЙ ЁКИ ҚАДР-ҚИММАТНИ КАМСИТУВЧИ ТУРЛАРИГА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯ

*БМТ Бош Ассамблеясининг 1984 йил 10 декабрдаги 39/46-сон
резолуцияси билан қабул қилинган*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги
130-1-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган*

Ушбу Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида эълон қилинган принципларга мувофиқ, инсоният оиласи ҳамма аъзоларининг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва умумий тинчликнинг асоси эканлигини *эътиборга олиб*;

бу ҳуқуқлар инсонлар шахсиятига мос қадр-қимматдан келиб чиқишини *тан олиб*,

давлатларнинг Низомга, жумладан, 55-моддага мувофиқ, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг ялпи ҳурмат қилиниши ва уларга риоя этилишига кўмаклашиш мажбуриятларини *эътиборга олиб*;

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 5-моддасини ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 7-моддасини, уларнинг иккаласида ҳеч ким қийноққа солинмаслиги ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган муомала ва жазога тортилмаслиги назарда тутилганини *ҳисобга олиб*;

шунингдек, барча шахсларни Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларидан ҳимоя қилиш тўғрисида 1975 йил 9 декабрда Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган декларацияни *ҳисобга олиб*;

бутун дунёда қийноқлар ва шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларига қарши кураш самарадорлигини оширишни *истаб*,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

I ҚИСМ

1-модда

1. Ушбу Конвенциянинг мақсадлари учун “қийноқ” таърифи ҳар қандай шахсга ундан ёки учинчи шахсдан у ёки учинчи шахс содир этган ёки у содир этишда гумон қилинаётган ҳаракатларининг жазоланиши учун маълумотномалар ёки иқрорномасини олишда қасддан жисмоний ёки руҳий кучли оғриқ ёки азоб етказилиши, шунингдек уни ёки учинчи шахсни кўрқитиш ёки мажбурлаш ёхуд бундай оғриқ ёки азоб давлатнинг мансабдор шахси ёки расмий сифатидаги бошқа шахс ёхуд уларнинг ифвогарлиги билан

ёки уларнинг маълумоти ёки индамай розилиги билан бирор бир хусусиятдаги камситишларга асосланган ҳар қандай сабабга кўра етказиладиган ҳаракатни англатади. Бу таърифга фақат қонуний санкциялар натижасида пайдо бўладиган шу санкциялардан ажралмас ёки улардан тасодифан келиб чиқадиган оғриқ ёки азобларни ўз ичига олмайди.

2. Ушбу модда янада кенгроқ қўллаш тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган ёки олиши мумкин бўлган бирон бир халқаро шартномага ёки бирон бир миллий қонунчиликка зарар етказмайди.

2-модда

1. Ҳар бир иштирокчи-давлат юрисдикциясидаги исталган ҳудудда қийноқ ҳаракатларининг олдини олиш учун самарали қонунчилик, маъмурий, суд ва бошқа чораларни кўради.

2. Ҳеч қандай истисно ҳолатлар, улар қандай бўлишидан қатъи назар, уруш ҳолати ёки уруш хавфи, ички сиёсий беқарорлик ёки бошқа ҳар қандай фавқулодда ҳолат, қийноқни оқлашга хизмат қилолмайди.

3. Юқори турувчи бошлиқ ёки давлат ҳокимиятининг буйруғи қийноқни оқлашга хизмат қилолмайди.

3-модда

1. Ҳеч қайси иштирокчи-давлат, агар унга у ерда қийноқлар қўлланилиши таҳдидини тахмин қилишга жиддий асослари мавжуд бўлса, бирор бир шахсни бошқа давлатга жўнатмаслиги, қайтармаслиги (“refouler”) ёки бермаслиги керак.

2. Бундай асосларнинг мавжудлигини аниқлаш учун ваколатли ҳокимиятлар ишга тааллуқли барча ҳолатлар, жумладан, тегишли ҳолларда, ушбу давлатда инсон ҳуқуқларининг доимий кўпол, жиддий ва оммавий бузилишининг мавжудлигини кўшиб эътиборга олади.

4-модда

1. Ҳар бир иштирокчи-давлат ҳамма қийноқ ҳаракатлари унинг жиноят қонунчилигига мувофиқ кўриб чиқилишини таъминлайди. Худди шу нарса қийноққа солишга уриниш ва бирор бир шахснинг қийноққа шериклиги ёки иштироки бўлган ҳаракатларига ҳам тегишли.

2. Ҳар бир иштирокчи-давлат бундай жиноятлар учун уларнинг оғирлик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда тегишли жазоларни тайинлайди.

5-модда

1. Ҳар бир иштирокчи-давлат қуйидаги ҳолларда 4-моддада кўрсатилган жиноятларга нисбатан юрисдикциясини белгилаш учун зарур бўлиши мумкин бўлган чораларни кўради:

- а) жиноятлар унинг юрисдикциясидаги бирор бир ҳудудда ёки ушбу Давлатда рўйхатга олинган денгиз ёки ҳаво кемаси бортида содир қилинганда;
- б) тахмин қилинган жиноятчи ушбу Давлатнинг фуқароси бўлганда;

с) қурбон ушбу Давлатнинг фуқароси бўлганида ва, агар мазкур Давлат буни мақсадга мувофиқ деб ҳисобласа.

2. Ҳар бир иштирокчи-давлат шу тарзда шундай тадбирлар қабул қиладики, улар гумон қилинаётган жиноятчи унинг юрисдикциясидаги бирор бир ҳудудда бўлган ҳолларда шундай жиноятларга нисбатан ўз юрисдикциясини ўрнатиш учун зарур бўлиши мумкин бўлган чораларни кўради ва у 8-моддага мувофиқ уни ушбу модданинг 1-бандида келтирилган давлатлардан ҳеч бирига топширмайди.

3. Ушбу Конвенция ички қонун ҳужжатларига мувофиқ бирон бир жиноят юрисдикциясини амалга оширишни истисно этмайди.

6-модда

1. Унинг ихтиёрида бўлган ахборотни кўриб чиққандан кейин вазият шуни талаб этишига ишонч ҳосил қилгач, ҳар қандай иштирокчи-давлат ҳудудида бўлган 4-моддада кўрсатилган жиноятлардан бирини содир этганликда айбланаётган шахсни ҳибсга олади ёки унинг шу ерда бўлишини таъминлайдиган бошқа юридик чораларни кўради. Ҳибсга олиш ва бошқа шу каби юридик чоралар ушбу Давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади, бироқ бу жинойи-процессуал ҳаракатлар ёки бериш бўйича ҳаракат қилиш учун зарур бўлган вақт мобайнида давом этиши мумкин.

2. Бундай Давлат дарҳол фактлар бўйича олдиндан текширув ўтказди.

3. Ушбу модданинг 1-бандига асосан ҳибсда бўлган ҳар қандай шахсга у фуқароси бўлган давлатнинг энг яқин тегишли вакили билан ёки агар у фуқаролиги йўқ шахс бўлса, одатда, у яшаб турган давлатнинг вакили билан дарҳол алоқа ўрнатишида ёрдам кўрсатилади.

4. Давлат ушбу моддага мувофиқ бирор бир шахсни ҳибсга олса, 5-модданинг 1-бандида қайд этилган давлатларга бундай шахснинг ҳибсдалиги факти тўғрисида ва унинг ҳибсга олиниши учун асос бўлган вазиятлар ҳақида дарҳол хабар беради. Ушбу модданинг 2-бандида назарда тутилган дастлабки терговни олиб борадиган Давлат дарҳол у олган маълумотлар тўғрисида юқорида қайд этилган давлатларга хабар беради ҳамда ўз юрисдикциясини амалга ошириш нияти ҳақида кўрсатади.

7-модда

1. Юрисдикциясидаги ҳудудда 4-моддада кўрсатилган жиноятлардан бирини содир этишда гумон қилинган шахс топилган Иштирокчи-давлат, агар у 5-моддада назарда тутилган ҳолларда жиноятчини бермаса, мазкур ишни суд текшируви учун ўзининг ваколатли ҳукуматларига топширади.

2. Бу ҳукуматлар жиддий тусдаги оддий жиноят ҳолатидаги каби ушбу давлат қонунчилигига мувофиқ қарор қабул қилади. 5-модданинг 2-бандида санаб ўтилган ҳолларда суд текшируви ва қоралаш учун зарур далилларга қўйиладиган талаблар ҳеч бир ҳолатда 5-модданинг 1-бандида кўрсатилган ҳолларда қўлланиладиганига нисбатан камроқ жиддий бўлмайди.

3. 4-моддада кўрсатилган жиноятлардан бири бўйича муҳокама амалга ошириладиган ҳар қандай шахсга нисбатан муҳокаманинг барча босқичларида адолатли муомала қилиш кафолатланади.

8-модда

1. 4-моддада қайд этилган жиноятлар иштирокчи-давлатлар ўртасида мавжуд бўлган экстрадиция тўғрисидаги бирор бир шартномага киритиладиган жиноятлар сифатида киритилиши керак деб ҳисобланади. Иштирокчи-давлатлар бундай жиноятларни ўзлари ўртасида тузиладиган экстрадиция тўғрисидаги бирор бир шартномага киритиладиган жиноятлар сифатида киритиш мажбуриятини оладилар.

2. Агар экстрадиция қилишни шартнома мавжудлиги билан шарт қиладиган иштирокчи-давлат экстрадиция қилиш тўғрисидаги шартномага эга бўлмаган бошқа иштирокчи-давлатдан экстрадиция қилиш тўғрисидаги илтимосномани олса, у бундай жиноятларга нисбатан ушбу Конвенцияни экстрадиция учун ҳуқуқий асос сифатида кўриб чиқиши мумкин. Экстрадиция қилиш тўғрисидаги илтимос билан мурожаат қилинган Давлатнинг қонунчилигида назарда тутилган бошқа шартларга мувофиқ амалга оширилади.

3. Экстрадиция қилишни шартнома мавжудлиги билан шарт қилмайдиган иштирокчи-давлатлар ўзаро муносабатларда бундай жиноятларни экстрадиция тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилинган Давлатнинг қонунчилигида назарда тутилган шартларга мувофиқ экстрадиция қилишга олиб келадиган жиноятлар сифатида кўриб чиқадилар.

4. Иштирокчи-давлатлар ўртасида экстрадиция мақсадлари учун бундай жиноятлар нафақат содир қилинадиган жойда, балки 5-модданинг 1-бандига мувофиқ ўз юрисдикциясини ўрнатиши лозим бўлган давлатлар ҳудудида ҳам содир қилингандек кўриб чиқилади.

9-модда

1. Иштирокчи-давлатлар бир-бирларига 4-моддада санаб ўтилган жиноятлардан бирон бирига нисбатан қўлланилган жиноий-процессуал ҳаракатларни, жумладан, уларнинг ихтиёрида суд текшируви учун зарур бўлган барча мавжуд далилларни тақдим этиш билан боғлиқ энг тўлиқ ёрдамни кўрсатадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар ўз мажбуриятларини ушбу модданинг 1-бандига биноан улар ўртасида тузилиши мумкин бўлган ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги ҳар қандай шартномаларга мувофиқ бажаради.

10-модда

1. Ҳар бир иштирокчи-давлат қийноқларни тақиқлашга тегишли ўқув материаллари ва ахборотларни ҳуқуқни қўлловчи органлар ходимларини, фуқаролик ёки ҳарбий, тиббий ходимларни, давлатнинг мансабдор шахслари ва ҳар қандай шаклда ҳибсга олиш, ушлаб туриш ёки қамоққа олишга дучор бўлган шахсларни қамоқда сақлаш ва сўроқ қилишга ёки уларга муомала

қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган бошқа шахсларни тайёрлаш дастурларига тўлиқ равишда киритилишини таъминлайди.

2. Ҳар бир иштирокчи-давлат бу тақикни бирор бир шу каби шахсларнинг мажбуриятлар ва вазифаларига оид қоида ёки йўриқномага киритади.

11-модда

Ҳар бир иштирокчи-давлат ҳар қандай қийноқ ҳолатларига йўл қўймаслик учун унинг юрисдикциясидаги бўлган бирон бир ҳудудда ҳибсга олиш, ушлаб туриш ёки қамоққа олишнинг ҳар қандай шаклига дучор бўлган шахсларни қамоқда сақлаш ва улар билан муомала қилиш, шунингдек сўроқ қилишга тааллуқли қоида, йўриқнома, усул ва амалиётларни мунтазам кўриб чиқади.

12-модда

Ҳар бир иштирокчи-давлат унинг юрисдикциясидаги бирон бир ҳудудда қийноқ қўлланилган деб тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлганда, унинг ваколатли органлари тез ва холис текширув ўтказишини таъминлайди.

13-модда

Ҳар бир иштирокчи-давлат, ушбу Давлат юрисдикциясида бўлган бирон бир ҳудудда қийноқларга дучор бўлганлигини тасдиқлайдиган ҳар қандай шахсга шу давлатнинг ваколатли органларига шикоят қилиш ҳамда улар томонидан бундай шикоятни тез ва холис кўриб чиқилиши ҳуқуқини таъминлайди. Даъвогар ва гувоҳларни ҳар қандай шакллардаги ёмон муомала ёхуд унинг шикояти ёки ҳар қандай гувоҳлик кўрсатмалари билан боғлиқ кўрқитишдан ҳимоя қилишни таъминлаш учун чоралар кўрилади.

14-модда

1. Ҳар бир иштирокчи-давлат ўз ҳуқуқий тизимида қийноқлар қурбони товон пули олишини ва иложи борича тўлиқ реабилитация учун маблағларни қамраб олувчи, ҳуқуқий санкция билан тўлдириладиган адолатли ва муқобил товон олиш ҳуқуқига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлайди. Жабрланувчи қийноқ натижасида вафот этган тақдирда, товон пули олиш ҳуқуқи унинг қарамоғидагиларга берилади.

2. Ушбу моддада ҳеч нарса қурбон ёки бошқа шахсларнинг миллий қонунчилиқка кўра мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай товон пулини олиш ҳуқуқига дахл қилмайди.

15-модда

Ҳар бир иштирокчи-давлат белгиланганидек, қийноқ остида берилган ҳар қандай ариза исталган суд муҳокамасида далил сифатида фойдаланмаслигини таъминлайди, фақат қийноқлар содир этишда айбланаётган шахсга қарши ариза берилганининг исботи сифатида фойдаланиладиган ҳоллар бундан мустасно.

16-модда

Ҳар бир иштирокчи-давлат юрисдикциясида бўлган бирон бир ҳудудда 1-моддада мавжуд бўлган қийноқлар таърифига кирмайдиган шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазолашнинг бошқа ҳаракатларини, агар бундай ҳаракатлар давлатнинг мансабдор шахси ёки расмий сифатида ёхуд уларнинг ифвогарлигида ёки уларнинг рухсати ёхуд индамай розилиги билан чиққан бошқа шахс томонидан содир этилганда ушбу ҳаракатларни олдини олиш мажбуриятини олади. Хусусан, 10, 11, 12 ва 13-моддаларда келтирилган мажбуриятлар қийноқ тўғрисидаги мулоҳазалар шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазонинг бошқа шакллари тўғрисидаги мулоҳазалар билан алмаштирилган ҳолда қўлланилади.

2. Ушбу Конвенциянинг қоидалари шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазони тақиқловчи ёхуд экстрадиция ёки чиқариб юборишга тегишли ҳар қандай бошқа халқаро шартномалар ёки миллий қонунчиликнинг қоидаларига зарар келтирмайди.

II ҚИСМ

17-модда

1. Қийноқларга қарши кўмита (бундан буён Кўмита дейилади) тузилади, у қуйида назарда тутилган вазифаларни бажаради. Кўмита юксак маънавий фазилатларга эга ва инсон ҳуқуқлари соҳасида ваколатли деб тан олинган ҳамда шахс сифатида чиқадиган ўнта экспертдан иборат. Экспертлар иштирокчи-давлатлар томонидан сайланади, шу билан бирга, адолатли жўғрофий тақсимланишга ва юридик тажрибага эга бўлган бир нечта шахсларнинг иштирок этишининг мақсадга мувофиқлигига эътибор берилади.

2. Кўмита аъзолари иштирокчи-давлатлар томонидан кўрсатилган рўйхатдаги шахслар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Ҳар бир иштирокчи-давлат ўз фуқаролари орасидан битта номзод кўрсатиши мумкин. Иштирокчи-давлатлар, шунингдек Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактга мувофиқ таъсис этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмитанинг аъзолари бўлган ҳамда Қийноқларга қарши кўмитада ишлаш истагини билдирган шахсларни кўрсатишнинг мақсадга мувофиқлигини ҳам ҳисобга олади.

3. Кўмита аъзоларининг сайлови Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби томонидан икки йилда бир марта чақириладиган иштирокчи-давлатлар йиғилишларида ўтказилади. Кворуми иштирокчи-давлатларнинг учдан икки қисмини ташкил этадиган ушбу кенгашларда Кўмитага сайланган номзодлар энг кўп овоз олган ҳамда Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари вакиллариининг ҳозир бўлган ва овоз беришда иштирок этганларнинг мутлоқ кўпчилик овозини олганлар ҳисобланади.

4. Дастлабки сайловлар ушбу Конвенция кучга кирган санадан олти ой ўтгандан кейин кечиктирмай ўтказилади. Навбатдаги сайловлар санасидан

ҳеч бўлмаганда, тўрт ой аввал БМТ Бош котиби иштирокчи-давлатларга уч ойлик муддатда ўз номзодларини тақдим этишлари таклифи билан хат юборади. Бош котиб шу тарзда кўрсатилган барча шахслар рўйхатини уларни илгари сурган иштирокчи-давлатларни кўрсатган ҳолда алифбо тартибида тайёрлайди ҳамда ушбу рўйхатни иштирокчи-давлатларга тақдим этади.

5. Қўмита аъзолари тўрт йил муддатга сайланади. Улар такрор кўрсатилган тақдирда қайта сайланиш ҳуқуқига эга. Бироқ, дастлабки сайловда сайланган беш аъзонинг ваколат муддати икки йиллик давр охирида тугайди; дастлабки сайловдан кейин дарҳол шу беш аъзонинг номлари ушбу модданинг 3-бандида баён этилганидек, кенгаш раиси томонидан қуръа ташлаб аниқланади.

6. Қўмита аъзоси вафот этган ёки истеъфога чиққан тақдирда ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра Қўмитадаги вазифаларни бажариш имкони бўлмаганда унинг номзодини таклиф қилган иштирокчи-давлат ўз фуқаролари орасидан қолган муддатга иштирокчи-давлатлар аксариятининг розилиги билан бошқа экспертни тайинлайди. Агар иштирокчи-давлатларнинг ярми ёки кўпроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибидан таклиф қилинадиган тайинлов тўғрисида ахборот олгандан кейин олти ҳафта ичида салбий жавоб бермаса, номзод тасдиқланган ҳисобланади.

7. Иштирокчи-давлатлар Қўмита аъзолари томонидан Қўмита вазифаларини бажариш давридаги харажатларни қоплашни ўз зиммаларига оладилар.

18-модда

1. Қўмита ўзининг мансабдор шахсларини икки йил муддатга сайлайди. Улар қайта сайланишлари мумкин.

2. Қўмита ўзининг хусусий тартиб-қоидаларини белгилайди, бироқ бу қоидаларда, хусусан, қуйидагилар назарда тутилиши керак:

а) олти нафар аъзо кворумни ҳосил қилади;

б) Қўмита қарорлари ҳозир бўлган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

3. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Қўмита вазифаларини ушбу Конвенцияга мувофиқ самарали амалга ошириш учун зарур ходимлар ва шарт-шароит билан таъминлайди.

4. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Қўмитанинг биринчи йиғилишини чақиради. Ўзининг биринчи йиғилишидан кейин Қўмита тартиб-қоидаларида назарда тутилган вақт оралиғида йиғилади.

5. Иштирокчи-давлатлар Қўмита ва иштирокчи-давлатлар йиғилишларини ўтказиш муносабати билан юзага келадиган харажатларни қоплашни, жумладан, ушбу модданинг 3-бандига мувофиқ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан таъминланадиган ходимларга ҳақ тўлаш ва шарт-шароитларни таъминлаш каби Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳар қандай харажатларини қоплашни ўз зиммасига олади.

19-модда

1. Иштирокчи-давлатлар Қўмитага мазкур Конвенцияга кўра Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби орқали ушбу Конвенция тегишли иштирокчи-давлат учун кучга киргандан кейин бир йил мобайнида уларнинг ўз вазифаларини амалга ошириш бўйича қабул қилган чоралар тўғрисидаги ҳисоботини тақдим этади. Шундан кейин иштирокчи-давлатлар тўрт йилда бир марта ҳар қандай қабул қилинган янги чора-тадбирлар тўғрисида кўшимча ҳисоботларни, шунингдек Қўмита расман талаб қилиши мумкин бўлган бошқа ҳисоботларни тақдим қилади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ушбу ҳисоботларни барча иштирокчи-давлатларга юборади.

3. Ҳар бир ҳисобот, у ўзи мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдиган ҳисобот бўйича умумий тартибда мулоҳазалар қилиши мумкин бўлган Қўмита томонидан кўриб чиқилади ҳамда уларни тегишли иштирокчи-давлатга юборади. Мазкур иштирокчи-давлат Қўмитага жавоб тариқасида ўринли деб ҳисоблайдиган мулоҳазалардан бирини тақдим этиши мумкин.

4. Қўмита ўз хоҳишига кўра, 24-моддага мувофиқ тайёрлайдиган ўзининг йиллик ҳисоботига улар томонидан ушбу модданинг 3-бандига асосан қилинган ҳар қандай мулоҳазаларни улар бўйича тегишли иштирокчи-давлатдан олинган мулоҳазалар билан бирга киритишга қарор қилиши мумкин. Тегишли иштирокчи-давлат илтимосига кўра Қўмита ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ тақдим қилинган ҳисоботнинг нусхасини ҳам киритиши мумкин.

20-модда

1. Агар Қўмита, унинг фикрича, бирон бир иштирокчи-давлат ҳудудида қийноқлар мунтазам қўлланилгани тўғрисида тўлиқ асосланган маълумотларни ўз ичига олган ишончли ахборотни оладиган бўлса, у ушбу иштирокчи-давлатга шу ахборотни кўриб чиқишда ҳамкорлик қилишни ва шу мақсадда мазкур ахборотга нисбатан ўз мулоҳазаларини тақдим этишни таклиф қилади.

2. Тегишли иштирокчи-давлат томонидан тақдим этилган ҳар қандай мулоҳазаларни, шунингдек унинг ихтиёрида бўлган ишга тааллуқли бошқа ҳар қандай ахборотларни ҳисобга олган ҳолда Қўмита, агар у шуни мақсадга мувофиқ деб ҳисобласа, махфий текширув ўтказиш ва Қўмитага зудлик билан тегишли ҳисоботни тақдим этиш учун ўзининг бир ёки бир неча аъзоларини тайинлаши мумкин.

3. Агар ушбу модданинг 2-бандига мувофиқ текширув ўтказилса, Қўмита тегишли иштирокчи-давлат билан ҳамкорлик ўрнатишга интилади. Ушбу иштирокчи-давлат розилиги билан бундай текширув унинг ҳудудига ташриф буюришни ўз ичига олиши мумкин.

4. Ушбу модданинг 2-бандига мувофиқ тақдим қилинган ушбу аъзо ёки аъзолар томонидан ўтказилган текширув натижалари кўриб чиқилгандан кейин, Қўмита тегишли иштирокчи-давлатга бу натижаларни мазкур вазиятда

мақсадга мувофиқ деб топилган ҳар қандай мулоҳазалар ёки таклифлар билан бирга юборади.

5. Ушбу модданинг 1–4-бандларида қайд этилган Қўмитанинг барча ишлари махфий тусдадир ва мазкур ишнинг ҳамма босқичларида иштирокчи-давлат билан ҳамкорлик қилишга интилиш керак. 2-бандга мувофиқ ўтказилган текширув бўйича бундай ишлар тугагандан сўнг Қўмита тегишли иштирокчи-давлат билан маслаҳатлашгандан кейин ушбу иш натижалари тўғрисидаги қисқача ҳисоботни 24-моддага асосан тайёрланадиган ўзининг йиллик ҳисоботига киритиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

21-модда

1. Ушбу моддага мувофиқ мазкур Конвенциянинг ҳар қандай иштирокчи-давлати исталган вақтда у Қўмитанинг бир иштирокчи-давлатнинг бошқа иштирокчи-давлат ушбу Конвенция бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги тўғрисидаги баёнотларига тааллуқли хабарларни олиш ва кўриб чиқиш ваколатини тан олишини билдириши мумкин. Бундай хабарлар ушбу моддада келтирилган тартиб-қоидаларга мувофиқ фақат, агар улар ўзига нисбатан Қўмита ваколати тан олингани тўғрисида баёнот берган иштирокчи-давлат томонидан тақдим этилган ҳоллардагина қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши мумкин. Қўмита, агар улар бундай баёнот бермаган иштирокчи-давлатга тегишли бўлса, ушбу модда бўйича хабарларни кўриб чиқмайди. Ушбу моддага кўра олинган хабарлар қуйидаги тартиб-қоидаларга мувофиқ кўриб чиқилади:

а) агар бирон бир иштирокчи-давлат бошқа иштирокчи-давлат ушбу Конвенция қоидаларини бажармаган, деб ҳисобласа, у ҳолда ушбу масала кўрсатилган иштирокчи-давлат эътиборига ёзма хабарни етказиши мумкин. Мазкур хабарни олгандан кейин уч ой мобайнида уни олган Давлат ёзма равишда шу хабарни юборган давлатга тушунтириш ёки имкони борида ва мақсадга мувофиқ ҳолда, ушбу масала юзасидан қабул қилинган, қабул қилинадиган ёки қабул қилиниши мумкин бўлган ички тартиб-қоидалар ва чоралар кўрсатилиши кераклигини ўз ичига олган изох билан бирга бошқа ҳар қандай баёнотни тақдим қилади;

б) агар қабул қилувчи давлат томонидан дастлабки хабар олингандан кейин олти ой мобайнида масала тегишли иштирокчи-давлатларнинг иккаласини қаноатлантириш учун ҳал этилмаса, ушбу давлатлардан бири мазкур масалани Қўмита ва бошқа давлатни хабардор қилган ҳолда Қўмитага юбориш ҳуқуқига эга;

с) Қўмита ушбу моддага биноан унга берилган масалани фақат халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принципларига мувофиқ мазкур ҳолатда барча мавжуд ички чоралар қўлланилган ва тугатилганлигига ишонч ҳосил қилгандан кейин кўриб чиқади. Мазкур қоида бу чораларни қўллаш асоссиз чўзилиб кетган ёки ушбу Конвенция бузилишининг қурбони бўлган шахсга самарали ёрдам кўрсатиши мумкин бўлмаган ҳолларда амал қилмайди;

d) Қўмита, ушбу моддага кўра хабарларни кўриб чиқишда ёпик мажлислар ўтказди;

e) Қўмита “с” кичик банднинг қоидаларига риоя қилган ҳолда тегишли иштирокчи-давлатларга масалани ушбу Конвенцияда назарда тутилган мажбуриятларни хурмат қилиш асосида дўстона ҳал этиш мақсадида яхши хизматлар кўрсатади. Шу мақсадда Қўмита зарурат бўлганда махсус келишув комиссиясини таъсис этиши мумкин;

f) ушбу моддага мувофиқ ўзига берилган ҳар қандай масала бўйича Қўмита “b” кичик бандда қайд этилган тегишли иштирокчи-давлатлардан ишга тааллуқли бирон бир ахборотни тақдим этишга чақириши мумкин;

g) “b” кичик бандда қайд этилган тегишли иштирокчи-давлатлар Қўмитада маласалани кўриб чиқишда вакиллик қилишлари ҳамда оғзаки ва/ёки ёзма равишда фикр билдириш ҳуқуқига эга;

h) Қўмита билдиришнома олган кундан бошлаб ўн икки ой мобайнида “b” кичик бандга мувофиқ қуйидаги хабарларни тақдим этади:

i) агар “e” кичик банднинг қоидалари доирасида ечимга эришилса, Қўмита ўз хабарида фактларни ва эришилган ечимнинг қисқача мазмуни билан чекланади;

ii) агар “e” кичик банд қоидалари доирасида ечимга эришилмаса, Қўмита ўз хабарида фактларнинг қисқача мазмуни билан чекланади; тегишли иштирокчи-давлатлар томонидан тақдим этилган ёзма тақдимотлар ва оғзаки баёнотларнинг қайди хабарга илова қилинади.

Ҳар бир масала бўйича хабар тегишли иштирокчи-давлатларга юборилади.

2. Ушбу модданинг қоидалари мазкур Конвенциянинг бешта иштирокчи-давлати ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ баёнот берганида кучга киради. Бундай баёнотлар иштирокчи-давлатлар томонидан уларнинг нусхаларини қолган иштирокчи-давлатларга юборадиган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширади. Баёнот ҳар қандай вақтда Бош котиб номига билдиришнома орқали қайтариб олинishi мумкин. Баёнотни бундай қайтариб олиш ушбу моддага мувофиқ юборилган хабарнинг предмети бўлган ҳар қандай масалани кўриб чиқишга зарар етказмаслиги керак; ушбу моддага мувофиқ ҳар қандай иштирокчи-давлатнинг кейинги ҳеч бир хабарлари, агар тегишли иштирокчи-давлат янги баёнот бермаган бўлса, Бош котиб баёнотни қайтариб олиш ҳақида билдиришнома олганидан сўнг қабул қилинмайди.

22-модда

1. Ушбу Конвенциянинг иштирокчи-давлати исталган вақтда ушбу моддага мувофиқ Қўмитанинг унинг юрисдикциясида бўлган шахсларнинг иштирокчи-давлат томонидан Конвенция қоидаларининг бузилиши қурбонлари бўлганлигини даъво қилган хабарларини ёки улар номидан тушадиган шу турдаги хабарларни олиш ва кўриб чиқиш ваколатини тан олиши тўғрисида баёнот бериши мумкин, агар хабарлар шу каби баёнотни

бермаган иштирокчи-давлатга тааллуқли бўлмаса, Қўмита ҳеч қандай хабарларни қабул қилмайди.

2. Қўмита ушбу моддага биноан аноним бўлган ёки унинг фикрига кўра, шундай хабарларни бериш ҳуқуқини суиистеъмол қилган ёки ушбу Конвенция қоидаларига тўғри келмайдиган ҳар қандай хабарни қабул қилиб бўлмайди деб ҳисоблайди.

3. Қўмита 2-банднинг қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, ушбу моддага мувофиқ унга тақдим этилган ҳар қандай хабарни 1-бандга кўра баёнот берган ва гўёки Конвенциянинг у ёки бу қоидаларини бузган мазкур Конвенциянинг иштирокчи-давлатига маълум қилади. Хабарни олган Давлат олти ой мобайнида Қўмитага масала ва ушбу Давлат томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай чораларни аниқлаштирадиган ёзма тушунтириш ёки баёнотларни тақдим этади.

4. Қўмита ушбу моддага мувофиқ қабул қилинган хабарларни унга мазкур шахс ёки унинг номидан ва тегишли иштирокчи-давлат томонидан тақдим этилган барча ахборотлар асосида кўриб чиқади.

5. Қўмита, агар у қуйидагиларга ишонч ҳосил қилмаса, ушбу моддага кўра бирон бир шахснинг ҳеч қайси хабарини кўриб чиқмайди:

а) худди шу масала халқаро текшириш ёки ҳал қилиш бўйича бирон бир бошқа тартиб-қоидаларида кўриб чиқилмаган ва кўриб чиқилмаяпти;

б) мазкур шахс мавжуд барча ички ҳуқуқий ҳимоя чораларини тугатган; ушбу қоида мазкур чораларни қўллаш асоссиз кечиктириладиган ёки ушбу Конвенциянинг бузилиши қурбони бўлган шахсга самарали ёрдам бериш мумкин бўлмаган ҳолларда қўлланилмайди.

6. Қўмита, ушбу моддага кўра хабарларни кўриб чиқишда ёпик мажлислар ўтказади.

7. Қўмита тегишли иштирокчи-давлат ва мазкур шахсга ўз фикрларини билдиради.

8. Ушбу модданинг қоидалари мазкур Конвенциянинг бешта иштирокчи-давлати ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ баёнот берганда кучга киради. Бундай баёнотлар иштирокчи-давлатлар томонидан уларнинг нусхаларини қолган иштирокчи-давлатларга юборадиган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига топширади. Баёнот ҳар қандай вақтда Бош котиб номига билдиришнома орқали қайтариб олинishi мумкин. Баёнотни бундай қайтариб олиш ушбу моддага мувофиқ юборилган хабарнинг предмети бўлган ҳар қандай масалани кўриб чиқишга зарар етказмаслиги керак; ушбу моддага мувофиқ ҳар қандай иштирокчи-давлатнинг кейинги ҳеч бир хабарлари, агар тегишли иштирокчи-давлат янги баёнот бермаган бўлса, Бош котиб баёнотни қайтариб олиш ҳақида билдиришнома олганидан сўнг қабул қилинмайди.

23-модда

Қўмита ва 21-модда 1-бандининг “е” кичик бандига асосан тайинланиши мумкин бўлган келишув комиссияларининг аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Имтиёзлар ва иммунитетлар тўғрисидаги конвенциясининг

тегишли бўлимларида назарда тутилганидек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг топшириғи бўйича ҳаракат қиладиган экспертларнинг имтиёзлари, энгилликлари ва иммунитетларига бўлган ҳуқуқига эга.

24-модда

Қўмита иштирокчи-давлатлар ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясига ушбу Конвенцияга мувофиқ ўз иши тўғрисида йиллик ҳисобот тақдим қилади.

III ҚИСМ

25-модда

1. Ушбу Конвенция барча давлатлар томонидан имзоланиши учун очикдир.

2. Ушбу Конвенция ратификация қилиниши керак. Ратификация ёрлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилади.

26-модда

Ушбу Конвенция барча давлатларнинг қўшилиши учун очикдир. Қўшилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни сақлаш учун топшириш билан амалга оширилади.

27-модда

1. Ушбу Конвенция йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилганидан кейин ўттизинчи куни кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қилган ёки йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилгандан сўнг қўшилган ҳар бир Давлат учун ушбу Конвенция унинг ўзининг ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжати сақлаш учун топширилган санадан кейин ўттизинчи куни кучга киради.

28-модда

1. Ҳар бир давлат ушбу Конвенцияни имзолаш ёки ратификация қилиш ёки унга қўшилиш вақтида 20-моддада белгиланган Қўмита ваколатини тан олмаслиги тўғрисида баёнот бериши мумкин.

2. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ изоҳ берган бирон бир иштирокчи-давлат бу ҳақда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибини хабардор қилган ҳолда исталган вақтда ўз изоҳини бекор қилиши мумкин.

29-модда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи бирон бир давлат тузатишлар тақлиф қилиши ва уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этиши мумкин. Сўнгра, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ҳар

қандай таклиф қилинган тузатишларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан овоз беришни ўтказиш мақсадида иштирокчи-давлатлар конференциясини чақириш тарафдори эканликларини билдиришларини сўраб ушбу таклифларни мазкур Пактда иштирок этувчи давлатларга юборади. Агар бундай хат жўнатилган санадан бошлаб тўрт ой давомида иштирокчи-давлатларнинг камида учдан бир қисми бундай конференция чақиришни маъқулласа, Бош котиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида бу конференцияни чақиради. Ушбу Конференцияда ҳозир бўлган ва овоз беришда қатнашувчи иштирокчи-давлатларнинг кўпчилиги томонидан қабул қилинган ҳар қандай тузатиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

2. Ушбу модданинг 1-бандига асосан қабул қилинган тузатиш ушбу Конвенциянинг иштирокчи-давлатларидан учдан икки қисми Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибини ўзининг конституциявий тартиб-қоидаларига мувофиқ улар томонидан мазкур тузатиш қабул қилинганлиги тўғрисида хабардор қилганидан кейин кучга киради.

3. Тузатишлар кучга кирганда, уларни қабул қилган иштирокчи-давлатлар учун мажбурий бўлиб қолади, бошқа иштирокчи-давлатлар учун эса мазкур Пакт қарорлари ва улар томонидан аввал қабул қилинган ҳар қандай тузатишларни бажариш мажбурий бўлади.

30-модда

1. Ушбу Конвенцияни шарҳлаш ёки қўллаш юзасидан икки ёки кўпроқ иштирокчи-давлатлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилиниши мумкин бўлмаган ҳар қандай баҳс улардан бирининг илтимосига кўра арбитражга берилади. Агар арбитраж тўғрисида илтимос қилингандан сўнг ўтган олти ой мобайнида томонлар арбитраж ташкил этиш тўғрисида битимга келиш ҳолатида бўлмасалар, томонлардан бирининг илтимоси бўйича баҳс Халқаро суд мақомига биноан Халқаро судга ўтказилиши мумкин.

2. Ҳар бир давлат ушбу Конвенцияни имзолаганда, ратификация қилганда ёки унга қўшилганда у ўзини ушбу модданинг 1-банди қоидалари билан боғланиб қолмаган деб ҳисоблагани тўғрисида маълум қилиши мумкин. Бошқа иштирокчи-давлатлар шундай изоҳ берган ҳар қандай иштирокчи-давлатга нисбатан ушбу модданинг 1-банди қоидалари билан боғланиб қолмайдилар.

3. Ушбу модданинг 2-бандига мувофиқ изоҳ берган ҳар қандай иштирокчи-давлат бу ҳақда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига билдириб қўйиб, исталган пайтда ўз шарҳини олиб ташлаши мумкин.

31-модда

1. Ҳар қайси иштирокчи-давлат ушбу Конвенцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига ёзма равишда хабар бериш йўли билан бекор қилиши мумкин. Бекор қилиш Бош котиб томонидан билдиришнома олингандан кейин бир йил ўтгач амалга киради.

2. Бундай бекор қилиш иштирокчи-давлатни ушбу Конвенция бўйича унинг бекор қилиш амалга киритилган санага мавжуд бўлган ҳар қандай ҳаракат ёки нуқсон учун жавобгарликлардан озод қилмайди ва бекор қилиш Қўмита томонидан бекор қилиш амалга киритилган санагача кўриб чиқилган исталган саволнинг давом этаётган кўриб чиқишига ҳеч қанақа зарар етказмайди.

3. Қайсидир иштирокчи-давлат учун бекор қилиш кучга киритилган санадан кейин Қўмита мазкур давлатга тегишли янги масалаларни кўриб чиқишга киришмайди.

32-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолари бўлган барча давлатларга, ушбу Конвенцияни имзолаган ёки унга қўшилган барча давлатларга қуйидаги маълумотларни хабар қилади:

а) 25 ва 26-моддаларга биноан имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш тўғрисида;

б) 27-моддага биноан ушбу Конвенцияни амалга киритиш ва 9-моддага биноан исталган тузатишларни амалга киритиш санаси тўғрисида;

с) 31-моддага биноан бекор қилиш тўғрисида.

33-модда

1. Ушбу Пактнинг инглиз, испан, хитой, рус ва француз тилларидаги матнлари айнан бир хил бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти архивига сақлаш учун топширилади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу Конвенциянинг тасдиқланган нусхаларини барча давлатларга жўнатади.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ

*БМТ Бош Ассамблеясининг 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25-сон
резолуцияси билан қабул қилинган*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги
757–XII-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган*

МУҚАДДИМА

Ушбу Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида эълон қилинган принципларга мувофиқ, жамият барча аъзоларининг ўзига хос бўлган кадр-қиммати, тенг ва ажралмас ҳуқуқлари ер юзасида эркинлик, адолат ва тинчликни таъминлашнинг асоси эканлиги эътироф этилганини *ҳисобга олиб*,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқлари Низомда инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шахсининг шаъни ва кадр-қимматига бўлган ўз ишончларини тасдиқлаганликлари ҳамда ижтимоий тараққиёт ва турмуш шароитларини яхшилаш борасида кўмаклашишга аҳд қилганликларини *эътиборга олиб*,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда ҳар бир инсон ирқи, танасининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, туғилиши ёки бошқа ҳолатлар билан боғлиқ белгиларига кўра ҳар қандай тафовутдан қатъи назар, мазкур ҳужжатларда кўрсатиб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлишини эълон қилганлиги ва розилик билдирганлигини *эътироф этиб*,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида болалар алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқига эгадирлар, деб эълон қилганлигини эслатиб,

жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оила ва табиий муҳитга унинг барча аъзолари, айниқса, болалар ўсиши ва фаровонлиги учун жамият доирасидаги мажбуриятларни ўз зиммасига тўлиқ оладиган бўлишига эришиш мақсадида зарур ҳимоя ва ёрдам билан таъминланиши лозим эканлигига *ишонч ҳосил қилган ҳолда*,

боланинг шахси соғлом ва ҳар томонлама уйғунлашган ҳолда камолоти учун у оила ғамхўрлигида, бахт, меҳр-муҳаббат ва онгли тушуниш вазиятида ўсиши зарурлигини эътироф этиб, бола жамиятда мустақил ҳаётга тўла тайёрланиши ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида эълон қилинган ғоялар руҳида, айниқса, тинчлик, кадр-қиммат, сабр, эркинлик, тенглик ва бирдамлик руҳида тарбияланиши лозимлигини *ҳисобга олиб*,

болани мана шундай алоҳида ҳимоя қилиш зарурлиги 1924 йилги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Женева декларациясида ва 1959 йил 20 ноябрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Бола ҳуқуқлари декларациясида кўзда тутилганлигини ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон

декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (23-ва 24-моддалар), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (10-модда), шунингдек ихтисослашган муассасалар ҳамда болаларнинг фаровонлиги масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотларнинг Низомлари ва тегишли ҳужжатларида эътироф этилганлигини *эътиборга олиб*,

Бола ҳуқуқлари декларациясида кўрсатиб ўтилганидек, “бола, жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолотга етишмаган бўлса, махсус муҳофаза ва ғамхўрликка, жумладан, туғилгунча ва туғилгандан кейин тегишли ҳуқуқий ҳимояга муҳтож” эканлигини *эътиборга олиб*,

Ижтимоий ва ҳуқуқий тамойиллар тўғрисидаги декларациянинг болалар ҳимояси ва фаровонлиги, айниқса, болаларни миллий ва халқаро даражаларда тарбиялашга бериш ҳамда асраб олиш пайтидаги ҳимояси ва фаровонлигига доир қоидаларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Вояга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалари (“Пекин қоидалари”) ҳамда Фавқулодда ҳолатларда ва қуролли можаролар даврида аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги декларация қоидаларига *таяниб*,

жаҳондаги барча мамлакатларда ниҳоятда оғир шароитларда яшаётган болалар борлиги ҳамда улар алоҳида эътиборга муҳтож эканликларини *эътироф этиб*,

боланинг ҳимоя қилиниши ва уйғун равишда ривожланиши учун ҳар бир халқнинг анъаналари ва маданий қадриятлари муҳим аҳамият касб этишини муносиб тарзда *ҳисобга олиб*,

ҳар бир мамлакатда, жумладан, ривожланаётган мамлакатларда болаларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун халқаро ҳамкорлик қилишнинг муҳимлигини *эътироф этиб*,

қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

I ҚИСМ

1-модда

Ушбу Конвенциянинг мақсадлари учун **18 ёшга тўлмаган** ҳар бир инсон зоти, агар болага нисбатан қўлланиладиган қонунга кўра у эртароқ вояга етмаган бўлса, бола ҳисобланади.

2-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ўз юрисдикцияси доирасида бўлган ҳар бир бола учун, ҳеч қандай камситишларсиз, ирки, танасининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, боланинг соғлиги ва туғилиши, унинг ота-онаси ёки қонуний васийси ёхуд ҳар қандай бошқа ҳолатлардан қатъи назар, ушбу Конвенцияда назарда тутилган барча ҳуқуқларни ҳурмат қиладилар ҳамда уларни таъминлаб берадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар бола, унинг ота-онаси, қонуний васийси ёки бошқа оила аъзоларининг қарашлари ёки эътиқодида ўз ифодасини топадиган мақом, фаолият асосида камситиш ёки жазолашнинг барча шаклларида болани ҳимоя қилишни таъминлаш учун ҳамма зарур чораларни кўрадилар.

3-модда

1. Болаларга нисбатан барча хатти-ҳаракатларда, улар ижтимоий таъминот масалалари билан шуғулланувчи давлат ёки хусусий муассасалар, судлар, маъмурий ёки қонун чиқарувчи органлар томонидан содир этиладими-йўқми, бундан қатъи назар, боланинг манфаатлари яхшироқ таъминланишига биринчи даражали эътибор берилади.

2. Иштирокчи-давлатлар ўз зиммасига болани унинг ота-онаси, васийси ёки қонун бўйича унга жавобгар бўлган бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини эътиборга олган ҳолда, фаровонлиги учун зарур бўлган ҳимоя ва ғамхўрлик билан таъминлаш мажбуриятини олади ҳамда ана шу мақсадда барча қонуний ва маъмурий чорани кўради.

3. Иштирокчи-давлатлар болаларга ғамхўрлик қилиш ёки уларни ҳимоя қилиш учун масъул ҳисобланган муассасалар, хизматлар ва органлар ваколатли органлар томонидан белгилаб қўйилган нормаларга, хусусан, хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамда улардаги ходимларнинг сони ва ишга яроқлилиги, шунингдек ваколатли назорат олиб бориши нуқтаи назаридан жавоб беришларини таъминлайди.

4-модда

Иштирокчи-давлатлар ушбу Конвенцияда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун барча зарур қонуний, маъмурий ва бошқа чораларни кўради. Иштирокчи-давлатлар бундай чораларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга нисбатан ўзларида мавжуд имкониятларнинг энг юқори доирасида ҳамда зарур бўлган ҳолларда, халқаро ҳамкорлик доирасида кўради.

5-модда

Иштирокчи-давлатлар ота-онанинг ва тегишли ҳолатларда кенгайтирилган оила аъзолари ёки маҳаллий урф-одатларда кўзда тутилганидек, жамоанинг васийлар ёки қонун бўйича бола тарбияси учун жавобгар бўлган бошқа шахсларнинг ушбу Конвенцияда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга оширишда муносиб даражада болани бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш ҳамда бу ишни боланинг ривожланаётган қобилиятларига мувофиқ бажаришдаги масъулияти, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳурмат қиладилар.

6-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ҳар бир бола яшаш учун ажралмас ҳуқуққа эга эканлигини эътироф этадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар боланинг омон яшаши ва соғлом ривожланиши учун энг юкори даражада имконият яратадилар.

7-модда

1. Бола туғилган заҳоти рўйхатга олинади ҳамда туғилган дақиқасидан бошлаб исм ва фуқароликни олиш ҳуқуқига эга, шунингдек иложи борича, ота-онасини билиш ва уларнинг ғамхўрлик қилишлари ҳуқуқига эга.

2. Иштирокчи-давлатлар бундай ҳуқуқларни ўзларининг миллий қонунчилигига мувофиқ амалга оширилишини ҳамда бу соҳадаги тегишли халқаро ҳужжатларга асосан, хусусан, агар бола бошқа фуқароликка эга бўлмаган тақдирда, ўз мажбуриятларининг бажарилишини таъминлайдилар.

8-модда

1. Иштирокчи-давлатлар қонунда назарда тутилганидек, боланинг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, фуқаролиги, исми ва оилавий алоқаларини сақлаб қолиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш, қонунга ҳилоф равишда аралашувга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар.

2. Агар бола ўзига хослик элементларининг бир қисми ёки барчасидан ноқонуний тарзда маҳрум этилган бўлса, иштирокчи-давлатлар унинг бу хусусиятлари тезроқ тикланиши учун зарур ёрдам ва ҳимояни таъминлайди.

9-модда

1. Иштирокчи-давлатлар бола ўз ота-онасидан уларнинг хоҳишларига зид равишда айрилиб қолмаслигини таъминлайдилар, ваколатли органлар суд қарорига кўра қўлланилган қонун ва тартиб-таомилларга мувофиқ бундай айрилиш боланинг энг яхши манфаатлари йўлида зарурлигини аниқлаган ҳолатлар бундан мустасно. Бундай ажрим, масалан, ота-оналар болага шафқатсиз муносабатда бўлган ёки у тўғрисида ғамхўрлик қилмаган ёхуд ота-оналар алоҳида яшаётган ва боланинг яшаш жойига нисбатан қарор қабул қилиши керак бўлган у ёки бу аниқ ҳолатда зарур бўлиши мумкин.

2. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ ҳолда ишни ҳар қандай шароитда кўриб чиқиш жараёнида барча манфаатдор томонларга муҳокамада қатнашиш ва ўз нуқтаи назарини баён қилиш имконияти берилади.

3. Иштирокчи-давлатлар ота-онасининг биттаси ёки ҳар иккаласидан ҳам айрилган боланинг улар билан мунтазам шахсий муносабатлар ва тўғридан-тўғри алоқалар боғлаб туриш ҳуқуқини ҳурмат қиладилар, бундай муносабатлар боланинг энг яхши манфаатларига зид келадиган ҳолатлар бундан мустасно.

4. Иштирокчи-давлат томонидан қабул қилинган бирор-бир қарор, масалан, ҳибсга олиш, қамаш, сургун қилиш, депортация ёки ота-онадан биттаси ёхуд иккаласининг ҳам ёки боланинг ўлими (ана шу шахс давлат ихтиёрида бўлган пайтда ҳар қандай сабабга кўра рўй берган ўлим ҳам шунга киради) туфайли содир бўлган бўлса, иштирокчи-давлат ота-онага, болага ёки, агар зарурат туғилса, оиланинг бошқа аъзосига уларнинг илтимосига

биноан оиланинг йўқолган аъзоси (аъзолари яшаб турган жой) ҳақида, агар бу боланинг фаровонлигига зиён келтирмайдиган бўлса, зарур ахборотни етказиб беради. Иштирокчи-давлатлар бундай илтимосни қондириш ўз-ўзидан тегишли шахс (шахслар) учун нохуш оқибатларга олиб келмаслигини таъминлайдилар.

10-модда

1. 9-модданинг 1-банди бўйича иштирокчи-давлатларнинг мажбуриятига мувофиқ бола ёки унинг ота-онаси оилани бирлаштириш мақсадида иштирокчи-давлатга кириш ёхуд ундан чиқиш учун берган ариза иштирокчи-давлатлар томонидан ижобий, инсонпарварлик ва тезкорлик билан кўриб чиқилиши керак. Иштирокчи-давлатлар бундай илтимослар аризачилар ва уларнинг оила аъзолари учун нохуш оқибатлар келтириб чиқармаслигини таъминлайди.

2. Ота-онаси турли давлатларда яшаётган бола алоҳида ҳолатлардан ташқари, ота-онанинг ҳар иккаласи билан мунтазам равишда шахсий муносабатлар ва тўғридан-тўғри алоқалар боғлаб туриш ҳуқуқига эга. Ана шу мақсадда 9-модданинг 2-банди бўйича иштирокчи-давлатларнинг мажбуриятларига мувофиқ иштирокчи-давлатлар боланинг ва ота-онасининг ҳар қандай мамлакатни тарк этиш, жумладан, ўз мамлакатини ташлаб кетиш ва унга қайтиб келиш ҳуқуқини ҳурмат қилади. Ҳар қандай мамлакатни тарк этиш ҳуқуқига нисбатан қонунда белгилаб қўйилган ва давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини (*ordre public*), аҳолининг соғлиғи ва маънавияти ҳамда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини сақлаш учун зарур ҳисобланган, ушбу Конвенцияда эътироф этилган бошқа ҳуқуқларга мос тушадиган чеклашларгина амалда бўлади.

11-модда

1. Иштирокчи-давлатлар болаларнинг ғайриқонуний равишда кўчирилишига ва чет элдан қайтмаслигига қарши кураш олиб бориш учун чора-тадбирлар кўрадилар.

2. Ушбу мақсадда иштирокчи-давлатлар икки томонлама ёки кўп томонлама битимлар тузилишига ёхуд амалдаги битимларга қўшилишга кўмаклашадилар.

12-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ўз қарашларини шакллантиришга қодир болага шу қарашларни болага тааллуқли барча масалалар бўйича эркин ифода этиш ҳуқуқини таъминлайдилар, зеро боланинг ёши ва етуқлигига мувофиқ, унинг қарашларига муносиб даражада эътибор берилади.

2. Ушбу мақсадда болага, хусусан, болага таъсир кўрсатадиган ҳар қандай суд ёки маъмурий муҳокамада бевосита ёхуд вакил ёки тегишли орган орқали миллий қонунчиликнинг процессуал нормаларида назарда тутилган тартибда эшитилиш имконияти берилади.

13-модда

1. Бола ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга: бу ҳуқуқ ҳар қандай турдаги ахборот ва ғояларни чегарасидан қатъи назар оғзаки, ёзма ёки босма шаклда, санъат асари кўринишида ёки боланинг танловига кўра бошқа воситалар ёрдамида излаш, олиш ва узатиш эркинлигини ўз ичига олади.

2. Бундай ҳуқуқнинг амалга оширилиши баъзи чеклашларга дуч келиши мумкин, бироқ бундай чеклашлар фақат қонунда назарда тутилган ва зарур бўлган чеклашлар бўлиши мумкин, булар қуйидагилар учун:

- а) бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрўсини ҳурмат қилиш учун;
- б) давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартибини (*ordre public*) ёхуд аҳолининг соғлиғи ёки маънавиятини муҳофаза қилиш учун.

14-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқини ҳурмат қиладилар.

2. Иштирокчи-давлатлар ота-онанинг ҳамда тегишли ҳолатларда қонуний васийларнинг болага унинг ривожланаётган қобилиятларига мувофиқ келадиган усул орқали бола ҳуқуқини амалга оширишда раҳбарлик қилиш ҳуқуқи ва мажбуриятларини ҳурмат қиладилар.

3. Ўз дини ёки эътиқодига амал қилиш эркинлиги фақат қонунда белгиланган ҳамда давлат хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳолининг маънавияти ва соғлиғини муҳофаза қилиш ёки бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган чеклашларга дуч келиши мумкин.

15-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг уюшмалар ва тинч йиғилишлар эркинлиги ҳуқуқини эътироф этадилар.

2. Ушбу ҳуқуқнинг амалга оширилишига нисбатан қонунга мувофиқ қўлланиладиган ва демократик жамиятда давлат хавфсизлиги ёки жамият хавфсизлиги, жамоат тартиби (*ordre public*) манфаатлари йўлида, аҳолининг соғлиғи ёки маънавиятини сақлаш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган чеклашлардан ташқари, бирор-бир чеклашлар қўлланилмайди.

16-модда

1. Ҳеч бир бола унинг шахсий ҳаёт, оилавий ҳаёт, уй-жой дахлсизлиги ёки почта орқали юбориладиган нарсаларнинг махфийлигига бўлган ҳуқуқининг амалга оширилишига ўзбошимчалик билан ёки қонунга зид равишда аралашиб ёхуд унинг шаъни ва обрўсига ғайриқонуний тажовуз қилиш объекти бўлиши мумкин эмас.

2. Бола ана шундай аралашилар ёки тажовуз қилишлардан қонун билан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

17-модда

Иштирокчи-давлатлар оммавий ахборот воситаларининг муҳим ролини эътироф этадилар ҳамда боланинг турли миллий ва халқаро манбалардан олинган ахборотлар ҳамда материаллари, айниқса, ижтимоий, маънавий ва ахлоқий фаровонликка, шунингдек боланинг соғлом, жисмоний ва руҳий ривожланишига кўмаклашишга қаратилган ахборотлар ва материаллардан фойдаланиш имкониятини таъминлайди. Шу мақсадда иштирокчи-давлатлар:

а) оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий ва маданий йўналишдаги ҳамда 29-модда руҳидаги бола учун фойдали ахборот ва материалларни тарқатишини рағбатлантирадилар;

б) турли хил маданий, миллий ва халқаро манбалардан бундай ахборот ва материалларни тайёрлаш, айирбошлаш ҳамда тарқатиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни рағбатлантирадилар;

с) болалар адабиётини нашр этиш ва тарқатишни рағбатлантирадилар;

д) оммавий ахборот воситаларининг қандайдир озчиликни ташкил қилувчи гуруҳ ёки туб аҳолига мансуб боланинг тил эҳтиёжларига алоҳида эътибор беришни рағбатлантирадилар;

е) 13- ва 18-моддаларни ҳисобга олган ҳолда боланинг фаровонлигига зарар етказадиган ахборот ва материаллардан уни ҳимоя қилишнинг тегишли принципларини ишлаб чиқишни рағбатлантирадилар.

18-модда

1. Иштирокчи-давлатлар бола тарбияси ва ривожланиши учун ота-онанинг умумий ва бир хил жавобгарлиги тамойилининг эътироф этилишини таъминлашга қаратилган барча мумкин бўлган саъй-ҳаракатларни амалга оширадилар. Ота-она ёки тегишли ҳолатларда қонуний васийлар боланинг тарбияланиши ва ривожланиши учун асосий жавобгар бўладилар. Боланинг энг яхши манфаатлари уларнинг асосий ғамхўрлиги предмети ҳисобланади.

2. Иштирокчи-давлатлар ушбу Конвенцияда баён қилинган ҳуқуқларнинг амалга оширилишини кафолатлаш ва унга кўмаклашиш мақсадида иштирокчи-давлатлар ота-она ва қонуний васийларга бола тарбияси бўйича мажбуриятларини бажаришларига тегишли ёрдам кўрсатадилар ҳамда болалар муассасалари тармоғининг ривожланишини таъминлайдилар.

3. Иштирокчи-давлатлар ота-онаси ишлайдиган болалар учун мўлжалланган хизматлар ҳамда болалар парвариш қилинадиган муассасалардан уларнинг фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрадилар.

19-модда

1. Иштирокчи-давлатлар болани ота-она, қонуний васийлар ёки болага ғамхўрлик қилувчи ҳар қандай бошқа шахс томонидан жисмоний ёки руҳий зўравонлик, ҳақоратлаш ёки суиистеъмоллик, ғамхўрлик кўрсатмаслик ёки

эътиборсизлик, кўпол муомала ёки эксплуатация қилиш, жумладан, жинсий зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш мақсадида ҳамма зарур қонуний, маъмурий, ижтимоий ва маърифий чора-тадбирларни кўради.

2. Бундай ҳимоя чоралари зарур ҳолларда бола ва унга ғамхўрлик қилаётган шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ижтимоий дастурлар ишлаб чиқиш учун, шунингдек юқорида кўрсатилганидек болага нисбатан шафқатсизларча муносабатда бўлиш ҳолатлари билан боғлиқ огоҳлантириш ва аниқлаш, хабар бериш, кўриб чиқиш, тергов қилиш, даволашга юбориш ва шундан кейинги чораларнинг бошқа шакллари амалга ошириш, жумладан, зарур бўлганда суд ишини бошлаш учун самарали тартиб-таомилларни ўз ичига олади.

20-модда

1. Ўзининг оиласи ғамхўрлигидан вақтинча ёки доимий маҳрум бўлган ёки ўзининг энг яхши манфаатлари йўлида бундай ғамхўрликда қола олмайдиган бола давлат томонидан кўрсатиладиган алоҳида ҳимоя ва ёрдамни олиш ҳуқуқига эгадир.

2. Иштирокчи-давлатлар ўз миллий қонунларига мувофиқ болани парвариш қилишнинг алмаштирилишини таъминлайдилар.

3. Болани бундай парваришлаш, жумладан, ислом шариати бўйича “кафолат”га тарбияга беришни, асраб олишни ёки зарурат бўлганда, болалар боқиладиган тегишли муассасаларга жойлаштиришни ўз ичига олади. Парваришни алмаштириш турлари кўриб чиқиладиганда бола тарбиясидаги ворисликнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда унинг этник келиб чиқиши, диний ва маданий мансублиги, она тили етарли даражада ҳисобга олиниши лозим.

21-модда

Бола асраб олиш тизимининг мавжудлигини эътироф этган ҳал қиладиган иштирокчи-давлатлар боланинг энг яхши манфаатлари биринчи навбатда ҳисобга олинишини таъминлайдилар, улар:

а) болани асраб олиш фақат қўлланиладиган қонун ва тартиб-таомилларга мувофиқ ҳамда барча ишга тааллуқли ва ишончли ахборот асосида боланинг ота-она, қариндошлар ва қонуний васийларига нисбатан мақомига қараб, агар талаб этилса, манфаатдор шахслар зарур бўлиши мумкин бўлган маслаҳат асосида асраб олиш учун ўзларининг онгли розиликларини беришларини аниқлайдиган ваколатли ҳокимликлар томонидан ҳал этилишини таъминлайдилар;

б) бошқа мамлакатда болани асраб олиш, агар болани тарбияга топшириш ёки унинг тарбиясини таъминлай оладиган ёхуд асраб оладиган оиллага жойлаштириш мумкин бўлмаса, агар болани келиб чиқиши мамлакатада бирон бир муносиб парвариш билан таъминлашнинг иложи бўлмаса, болани парвариш қилишнинг муқобил усули сифатида қаралиши мумкинлигини эътироф этадилар;

с) бола бошқа мамлакатда асраб олинган тақдирда, худди мамлакат ичкарасида болани асраб олишга нисбатан қўлланиладиган кафолат ва нормалар қўлланилишини таъминлайдилар;

д) бола бошқа мамлакатда асраб олинган тақдирда боланинг жойлаштирилиши шу иш билан боғлиқ шахсларга ўзини оқламаган молиявий фойда келтирмаслигини таъминлаш учун зарур чораларни кўрадилар;

е) зарур ҳолатларда ушбу модданинг мақсадларига икки томонлама ва кўп томонлама шартлашувлар ёки битимлар тузиш йўли билан эришишга кўмаклашадилар ҳамда шу асосда боланинг бошқа мамлакатда жойлашуви ваколатли ҳокимиятлар ёки органлар томонидан амалга оширилишини таъминлашга интиладилар.

22-модда

1. Иштирокчи-давлатлар қочоқ мақомини олишни истаган ёки қочоқ ҳисобланган болани қўлланиладиган халқаро ёки ички ҳуқуқ ва тартиб-таомилларга мувофиқ ҳам унга ҳамроҳ бўлаётган ва бўлмаётган ота-онаси ёки ҳар қандай бошқа шахсга ушбу Конвенцияда ва инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа халқаро ҳужжатларда ёки кўрсатиб ўтилган давлатлар иштирокчилари ҳисобланган инсонпарварлик ҳужжатларида баён қилинган қўлланиладиган ҳуқуқлардан фойдаланишда тегишли ҳимоя ва инсонпарварлик ёрдами билан таъминлаш учун зарур чораларни кўрадилар.

2. Ушбу мақсадда иштирокчи-давлатлар, ўзлари зарур деб топган ҳолларда, бундай болани ҳимоя қилиш, унга ёрдам кўрсатиш ҳамда ҳар қандай қочоқ боланинг ота-онаси ёки оиласининг бошқа аъзоларини излашда, унинг ўз оиласига қўшилиши учун зарур бўлган ахборотни олиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа ваколатли ҳукуматлараро ташкилотлар ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорлик қилаётган нодавлат ташкилотларининг ҳар қандай саъй-ҳаракатларига кўмаклашадилар. Ота-онаси ёки оиласининг бошқа аъзоларини топиб бўлмаган ҳолатларда бу болага, ушбу Конвенцияда назарда тутилганидек бирор-бир сабабга кўра ўзининг оилавий куршовидан доимий ёки вақтинча маҳрум бўлган ҳар қандай бошқа болага кўрсатиладигани каби ҳимоя тақдим этилади.

23-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ақлий ва жисмоний жиҳатдан норасо бола ўзининг кадр-қимматини таъминлайдиган, ўзига ишонч туғдирадиган ва унинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини энгиллаштирадиган шароитларда тўлақонли ҳамда муносиб тарзда яшаши лозимлигини эътироф этадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар норасо боланинг унга нисбатан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиши ҳуқуқига эга эканлигини эътироф этадилар ҳамда имкониятлар мавжуд бўлган тақдирда, ёрдам сўраб илтимос қилинган бўлса ва боланинг аҳволига, унинг ота-онаси ва бола тўғрисида ғамхўрлик қилаётган бошқа шахсларнинг мавқеига мос келадиган ёрдамни, уни олиш ҳуқуқига эга бўлган болага ва унга ғамхўрлик қилиш учун жавобгар

бўлганларга бундай ёрдамнинг тақдим этилишини рағбатлантирадilar ва таъминлайдилар.

3. Норасо боланинг алоҳида эҳтиёжлари эътироф этилиб, ёрдам ушбу модданинг 2-бандига мувофиқ боланинг ота-онаси ёки у тўғрисида ғамхўрлик қилаётган бошқа шахсларнинг молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, имкон қадар, бепул берилади ҳамда бундай ёрдам норасо болага таълим, касбий тайёргарлик, тиббий хизмат, соғлиқни тиклаш, меҳнат фаолиятига тайёргарлик кўриш соҳасидаги хизматлардан ва дам олиш воситаларидан самарали фойдаланишни таъминлашни мақсад қилган, бу эса болани иложи борича тўлиқ ижтимоий ҳаётга жалб этиш ва унинг шахсиятининг ривожланиши, жумладан, боланинг маданий ва маънавий ривожланишига олиб келади.

4. Иштирокчи-давлатлар халқаро ҳамкорлик руҳида норасо болаларнинг соғлиғини сақлаш профилактикаси, тиббий, руҳий ва функционал даволаниши соҳасидаги тегишли ахборотнинг айирбошланишига, хусусан, реабилитация усуллари, умумий таълим ва касбий тайёргарлик тўғрисидаги ахборотни тарқатишга, шунингдек иштирокчи-давлатлар ўзларининг бу соҳадаги имкониятлари ва билимларини яхшилаш ҳамда тажрибаларини кенгайтириш имконини бериш учун ушбу ахборотлардан фойдаланишга кўмаклашадилар. Шу муносабат билан ривожланаётган мамлакатларнинг эҳтиёжларига алоҳида эътибор қаратилиши керак.

24-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг соғлиқни сақлаш тизимининг такомиллашган хизматларидан, касалликларни даволаш ва саломатликни тиклаш воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқини эътироф этадилар. Иштирокчи-давлатлар ҳеч бир бола соғлиқни сақлаш тизимининг бундай хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинмаслигини таъминлашга интилади.

2. Иштирокчи-давлатлар ушбу ҳуқуқнинг тўлиқ амалга ошишига эришадилар, хусусан, қуйидагилар учун зарур чораларни кўрадилар:

а) чақалоқлар ва болалар ўлими даражасини камайтириш;

б) бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ривожлантиришга биринчи даражали эътибор берилиши билан ҳамма болаларга зарур тиббий ёрдам бериш ва соғлиғини муҳофаза қилишни таъминлаш;

с) бошқа усуллар қаторида қулай технологияни қўллаш ҳамда атроф-муҳитнинг ифлосланиш хавфи ва хатарини эътиборга олган ҳолда етарли миқдорда тўйимли озиқ-овқат ва тоза ичимлик суви етказиб бериш йўли билан бирламчи тиббий-санитария ёрдами доирасида касалликлар ва тўйиб овқатланмасликка қарши курашиш;

д) оналарга туғишдан олдин ва туғруқдан кейинги даврда соғлиғини сақлаш бўйича тегишли равишда хизматларни тақдим этиш;

е) жамиятнинг барча табақаларини, хусусан, ота-оналар ва болаларни болаларнинг соғлиғи ва овқатланиши, кўкрак сути билан боқишнинг афзалликлари, гигиена, бола яшаётган муҳит санитарияси ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, шунингдек уларнинг таълим олиш имконияти

ва бундай билимлардан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш тўғрисида хабардорлигини таъминлаш;

f) профилактик тиббий ёрдам ва оила ҳажмини режалаштириш соҳасидаги маърифий ишлар ва хизматларни ривожлантириш.

3. Иштирокчи-давлатлар болаларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган анъанавий амалиётга барҳам бериш мақсадида ҳар қандай самарали ва зарур чораларни кўрадилар.

4. Иштирокчи-давлатлар ушбу моддада эътироф этилган ҳуқуқларнинг тўла амалга ошишига аста-секин эришиш мақсадида халқаро ҳамкорликни рағбатлантириш ва уни ривожлантириш мажбуриятини оладилар. Шу муносабат билан ривожланаётган мамлакатларнинг эҳтиёжларига алоҳида эътибор берилиши керак.

25-модда

Иштирокчи-давлатлар ваколатли органлар томонидан ҳомийликка олинган боланинг, уни парвариш қилиш, ҳимоя қилиш ёки жисмоний ёхуд руҳий даволаш, болага тақдим этиладиган даволашни вақтинча баҳолаш ҳуқуқини ҳамда бола тўғрисида бундай ғамхўрлик қилиш билан боғлиқ барча бошқа шарт-шароитларни эътироф этадилар.

26-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ҳар бир боланинг ижтимоий таъминот имтиёзларидан, жумладан, ижтимоий суғуртадан фойдаланиш ҳуқуқини эътироф этадилар ҳамда бу ҳуқуқ ўзларининг миллий қонунчилигига мувофиқ тўлиқ амалга ошишига эришиш учун зарур чораларни кўрадилар.

2. Бу имтиёзлар заруратга қараб боланинг ҳамда болани боқиш масъулиятини зиммасига олган шахсларнинг мавжуд ресурслари ва имкониятларини, шунингдек бола томонидан ёки унинг номидан имтиёзларни олиш билан боғлиқ ҳар қандай мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда тақдим этилади.

27-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ҳар бир боланинг жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий ривожланиши учун зарур турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқини эътироф этадилар.

2. Ота-она ёки болани тарбиялаётган бошқа шахслар ўз қобилиятлари ва молиявий имкониятлари доирасида боланинг ривожланиши учун зарур бўлган турмуш шароитини таъминлашга асосий жавобгардир.

3. Иштирокчи-давлатлар миллий шарт-шароитларга мувофиқ ва ўз имкониятлари доирасида бу ҳуқуқнинг амалга ошишида ота-она ва болани тарбиялаётган бошқа шахсларга ёрдам кўрсатиш юзасидан зарур чораларни кўрадилар ҳамда зарур бўлган ҳолларда моддий ёрдам берадилар ва, айниқса, озик-овқат, кийим-кечак ва уй-жой билан таъминлаш борасидаги дастурни қўллаб-қувватлайдилар.

4. Иштирокчи-давлатлар ота-она ёки бола учун молиявий жавобгар бўлган бошқа шахслар томонидан болани боқишни иштирокчи-давлат ичидаги каби хорижда ҳам тикланишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрадилар. Хусусан, агар бола учун молиявий жавобгар бўлган шахс ва бола турли давлатларда яшаётган бўлсалар, иштирокчи-давлатлар халқаро битимларга қўшилишга ёки бундай битимларни тузишга, шунингдек бошқа тегишли келишувларга эришишга кўмаклашадилар.

28-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг илм олиш ҳуқуқини эътироф этадилар ҳамда ана шу ҳуқуқнинг тенг имкониятлар асосида амалга ошишига аста-секин эришиш мақсадида улар, жумладан:

- а) бепул ва мажбурий бошланғич таълимни жорий этадилар;
- б) ҳам умумий, ҳам касб-ҳунар бўйича ўрта таълимнинг турли шакллари ривожланишини рағбатлантирадилар, бундай таълим ҳамма болалар учун очиклигини таъминлайдилар ҳамда бепул таълимни жорий этиш ва зарур бўлган ҳолларда, молиявий ёрдам кўрсатиш сингари зарур чора-тадбирларни кўрадилар;
- с) барча зарур воситалар ёрдамида ҳар бир боланинг қобилияти асосида олий маълумот олиш имкониятини таъминлайдилар;
- д) барча болалар учун таълим ва касбий тайёргарлик соҳасида ахборот ҳамда материаллар билан танишиш имкониятини таъминлайдилар;
- е) мактабга мунтазам боришга кўмаклашиш ҳамда мактабни ташлаб кетадиган ўқувчилар сонининг камайиши бўйича чоралар кўрадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар мактаб интизоми боланинг инсонийлик кадр-қимматини ҳурмат қилишни акс эттирувчи усуллар ёрдамида ҳамда ушбу Конвенцияга мувофиқ қўллаб-қувватланишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрадилар.

3. Иштирокчи-давлатлар таълимга тааллуқли масалалар бўйича, хусусан, бутун дунёда жоҳиллик ва саводсизликка барҳам беришга ёрдам берадиган ҳамда илмий-техникавий билимлар ва ўқитишнинг замонавий усулларида фойдаланишни энгиллаштириш мақсадида халқаро ҳамкорликни рағбатлантирадилар ва ривожлантирадилар. Шу муносабат билан ривожланаётган мамлакатларнинг эҳтиёжларига алоҳида эътибор берилиши керак.

29-модда

1. Иштирокчи-давлатлар болага бериладиган таълим қуйидагиларга йўналтирилиши кераклигига розилик билдирадилар:

- а) боланинг шахси, истеъдоди, ақлий ва жисмоний қобилиятлари энг тўла ҳажмда ривожланиши;
- б) инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида эълон қилинган принципларга ҳурматни тарбиялаш;

с) боланинг ота-онага, унинг маданий ўзига хослиги, тил ва қадриятларга, бола яшаётган мамлакатнинг, унинг келиб чиқиши мамлакатининг миллий қадриятларига, унинг ўзиникидан фарқ қиладиган цивилизацияларга ҳурматни тарбиялаш;

д) болани эркин жамиятда тушуниш, тинчлик, сабр-тоқатли бўлиш, эркалар ва хотин-қизларнинг тенглиги ҳамда барча халқлар, этник, миллий ва диний гуруҳлар, шунингдек туб аҳоли орасидан бўлган шахслар ўртасида дўстлик руҳида онгли ҳаётга тайёрлаш;

е) атрофдаги табиатга нисбатан ҳурматни тарбиялаш.

2. Ушбу модданинг ёки 28-модданинг ҳеч қайси банди алоҳида шахслар ва органларнинг ўқув муассасаларини ташкил этиш ва уларга ушбу модданинг 1-бандида баён этилган принципларга доимий риоя қилиш шарти билан раҳбарлик қилиши ҳамда бундай ўқув муассасаларида бериладиган таълим давлат томонидан ўрнатилган минимал меъёрларга жавоб бериши тўғрисидаги талабини бажариш уларнинг эркинлигини чеклаш сифатида талқин қилинмайди.

30-модда

Этник, диний ёки тил жиҳатдан озчиликни ташкил қилувчи ёхуд туб аҳолига мансуб шахслар яшайдиган давлатларда ана шундай озчилик ёки туб аҳолига мансуб боланинг мазкур гуруҳнинг бошқа аъзолари билан биргаликда ўз маданиятидан фойдаланиш, ўз динига эътиқод қилиш ва унинг расм-русумларини бажариш, шунингдек она тилидан фойдаланиш ҳуқуқи рад этилмаслиги лозим.

31-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг дам олиш ва бўш вақтини ўтказиш ҳуқуқини, ўзининг ёшига мос келадиган ўйинлар ва кўнгилочар тадбирларда иштирок этиш, маданий ҳаётда эркин қатнашиш, санъат билан шуғулланиш ҳуқуқини эътироф этадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар боланинг маданий ва ижодий ҳаётда ҳар томонлама қатнашиш ҳуқуқини ҳурмат қиладилар, рағбатлантирадилар ҳамда маданий ва ижодий фаолият, бўш вақтни ўтказиш ва дам олиш учун тегишли тенг имкониятлар яратиб берилишига кўмаклашадилар.

32-модда

1. Иштирокчи-давлатлар боланинг иқтисодий эксплуатациядан ҳамда унинг соғлиғи учун хавф-хатар етказиши мумкин бўлган ёки таълим олишига тўсқинлик қиладиган ёхуд соғлиғи, жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий ривожланишига зарар келтирадиган ҳар қандай ишлардан ҳимоя қилиниш ҳуқуқини эътироф этадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар ушбу модданинг амалга оширилишини таъминлаш учун қонуний, маъмурий ва ижтимоий, шунингдек таълим соҳасидаги чора-тадбирларни кўрадилар. Ушбу мақсадларда, бошқа халқаро

ҳужжатларнинг тегишли қоидаларига амал қилган ҳолда, иштирокчи-давлатлар, жумладан:

а) ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш ёки энг кичик ёшларни белгилайдилар;

б) иш кунининг давомийлиги ва меҳнат шароити тўғрисидаги зарур талабларни аниқлайдилар;

с) ушбу модданинг самарали амалга оширилишини таъминлаш учун жазонинг тегишли турлари ёки бошқа санкцияларни назарда тутадилар.

33-модда

Иштирокчи-давлатлар болаларни тегишли халқаро шартномаларда белгиланганидек, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларини ғайриқонуний истеъмол қилишдан ҳимоя қилиш учун барча зарур чораларни, жумладан, қонунчилик, маъмурий ва ижтимоий, шунингдек таълим соҳасидаги чораларни ҳамда бундай моддаларни ғайриқонуний равишда ишлаб чиқаришда ва уларни сотишда болалардан фойдаланишга йўл қўймаслик чораларини кўрадилар.

34-модда

Иштирокчи-давлатлар болани жинсий эксплуатация ва жинсий бузишнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш мажбуриятини оладилар. Шу мақсадларда иштирокчи-давлатлар, хусусан, миллий, икки томонлама ва кўп томонлама даражаларда қўйидагиларнинг олдини олиш учун ҳамма зарур чораларни кўрадилар:

а) болани ҳар қандай ғайриқонуний жинсий фаолиятга тортиш ва мажбурлаш;

б) фоҳишалик ёки ғайриқонуний бошқа жинсий амалиётда болаларни эксплуатация қилиш мақсадларида фойдаланиш;

с) порнография ва порнография материалларини тайёрлашда болаларни эксплуатация қилиш мақсадларида фойдаланиш.

35-модда

Иштирокчи-давлатлар болаларни ўғирлаш, болалар савдоси ёки уларни ҳар қандай мақсадларда ва ҳар қандай шаклларда контрабанда қилишнинг олдини олиш учун миллий, икки томонлама ва кўп томонлама даражаларда барча зарур чораларни кўрадилар.

36-модда

Иштирокчи-давлатлар болани унинг фаровонлигининг ҳар қандай жиҳатига зарар етказадиган эксплуатациянинг барча бошқа шаклларида ҳимоя қиладилар.

37-модда

Иштирокчи-давлатлар қўйидагиларни таъминлайдилар:

а) бирорта ҳам бола қийноқларга ёхуд муомала ёки жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган турларига дучор этилмаслигини. На ўлим жазоси, на озод қилиш имкониятини назарда тутмайдиган умрбод қамоқ жазоси 18 ёшдан кичик бўлган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун тайинланмайди;

б) бирорта ҳам бола ғайриқонуний равишда ёки ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум этилмаслигини. Болани ҳибсга олиш, ушлаб туриш ёки қамоққа олиш қонунга асосан амалга оширилади ҳамда фақат охириги чора сифатида ва иложи борича тегишли қисқа вақт мобайнида қўлланилади;

с) озодликдан маҳрум этилган ҳар бир бола унинг ёшидаги шахсларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, инсонпарвар муносабатдан фойдаланиш ва унинг шахсиятининг дахлсиз бўлган кадр-қимматининг ҳурмат қилинишини. Хусусан, озодликдан маҳрум этилган ҳар бир бола, агар боланинг энг яхши манфаатлари учун шундай қилмаслик керак, деб ҳисобланмаса, катталардан ажратилиши керак ҳамда алоҳида ҳолатларни истисно қилган ҳолда, ўз оиласи билан ёзишмалар ва учрашув орқали алоқада бўлиш ҳуқуқига эга;

д) озодликдан маҳрум этилган ҳар бир бола ҳуқуқий ва бошқа тегишли ёрдамдан зудлик билан фойдаланиш ҳуқуқига, шунингдек, суд ёки бошқа ваколатли, мустақил ва холис орган олдида ўзининг озодликдан маҳрум этилишининг қонунийлигига эътироз билдириш ҳуқуқи ҳамда улар томонидан ҳар қандай шу қаби процессуал ҳаракатга нисбатан зудлик билан қарор қабул қилиниши ҳуқуқига эга бўлган.

38-модда

1. Иштирокчи-давлатлар халқаро гуманитар ҳуқуқининг қуроли можаролар юзага келган ҳолатда уларга нисбатан қўлланиладиган ва болаларга тааллуқли нормаларини ҳурмат қилишни ҳамда уларга риоя этилишини таъминлаш мажбуриятини оладилар.

2. Иштирокчи-давлатлар 15 ёшга тўлмаган шахсларнинг ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этмасликларини таъминлаш учун имкони бўлган барча чораларни кўрадилар.

3. Иштирокчи-давлатлар 15 ёшга тўлмаган ҳар қандай шахсни ўз қуроли кучлари сафида хизматга чақиришга йўл қўймадилар. Иштирокчи-давлатлар 15 ёшга етган, бироқ ҳали 18 ёшга тўлмаган шахслар орасидан ёллаётганида ёши каттароқ шахсларни маъқул кўришга интилади.

4. Иштирокчи-давлатлар қуроли можаролар пайтида тинч аҳолини ҳимоя қилиш билан боғлиқ халқаро гуманитар ҳуқуқ бўйича мажбуриятларига мувофиқ қуроли можаролар дахл қилган болаларни ҳимоя қилиш ва парваришларини таъминлаш мақсадида барча имкони бўлган чораларни кўришга мажбурдир.

39-модда

Иштирокчи-давлатлар ҳар қандай бепарволик, эксплуатация ёки суиистеъмолликлар, қийноқлар ёки муомала, жазолашнинг бошқа шафқатсиз,

ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турлари ёхуд қуролли можаролар қурбони бўлган боланинг жисмоний ва руҳий тикланиши ҳамда ижтимоий реинтеграциясига кўмаклашиш учун барча зарур чораларни кўради. Бундай тикланиш ва реинтеграция боланинг соғлиғи, ўзини ўзи ҳурмат қилиш ва қадр-қимматини таъминлайдиган шароитларда амалга оширилиши керак.

40-модда

1. Иштирокчи-давлатлар жиноят қонунчилигини бузган деб топилган, уни бузганликда айбланаётган ёки айбдор деб топилган ҳар бир боланинг, унинг қадр-қиммати ва аҳамияти туйғусини ривожлантиришга ёрдам берадиган, унда инсон ҳуқуқларига ва бошқаларнинг асосий эркинликларига ҳурматни мустақкамлайдиган ҳамда бунда боланинг ёши ва унинг реинтеграцияси, жамиятда фойдали ўрин тутишига кўмаклашиш мақсадга мувофиқлигини ҳисобга оладиган бундай муомалага бўлган ҳуқуқини эътироф этадилар.

2. Ушбу мақсадларда ва халқаро ҳужжатларнинг тегишли қоидаларини эътиборга олиб, иштирокчи-давлатлар, хусусан, қуйидагиларни таъминлайдилар:

а) ҳеч бир бола ҳаракат содир этилган вақтда миллий ёки халқаро ҳуқуқда тақиқланмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик сабабли жиноят қонунчилигини бузган деб топилмаслиги, айбланмаслиги ва айбдор деб топилмаслигини;

б) жиноий қонунчиликни бузган деб ҳисобланаётган ёки уни бузишда айбланаётган ҳар бир бола камида қуйидаги кафолатларга эга:

i) унинг айби қонунга мувофиқ исботланмагунча айбсизлик презумпцияси;

ii) унга қарши айбловлар ҳақида ва зарур ҳолларда, унинг ота-онаси ёки қонуний васийлари орқали кечиктирмасдан ва бевосита хабардор қилиш ҳамда ўзининг ҳимоясини тайёрлаш ва амалга оширишда ҳуқуқий ҳамда бошқа зарур ёрдам олиши;

iii) кўриб чиқиладиган масала юзасидан ваколатли, мустақил ва холис орган ёки суд органи томонидан адвокат ёки бошқа тегишли шахс иштирокида қонунга мувофиқ адолатли судда кўришда, агар бу боланинг энг яхши манфаатларига зид деб ҳисобланмаса, хусусан, унинг ёши ёхуд ота-онаси ёки қонуний васийларининг мавқеини ҳисобга олган ҳолда кечиктирмасдан қарор қабул қилиниши;

iv) гувоҳлик кўрсатмасини бериш ёки айбни тан олишга мажбурлашдан озод бўлиш; айблаш бўйича гувоҳларнинг кўрсатмаларини ёхуд мустақил равишда ёхуд бошқа шахслар ёрдамида ўрганиб чиқиш ҳамда ҳимоя гувоҳларининг тенг ҳуқуқли иштироки ва уларнинг кўрсатмаларини ўрганиб чиқишни таъминлаш;

v) агар бола жиноят қонунчилигини бузган деб ҳисобланса, қонунга мувофиқ юқори турувчи ваколатли, мустақил ва холис орган ёки суд томонидан тегишли қарорни ва у билан боғлиқ ҳолда қабул қилинган ҳар қандай чораларни тақроран кўриб чиқиш;

vi) агар бола фойдаланилаётган тилни тушунмаса ёки бу тилда гапира олмаса, таржимоннинг бепул ёрдами;

vii) муҳокама қилишнинг барча босқичларида унинг шахсий ҳаётини тўлиқ ҳурмат қилиш.

3. Иштирокчи-давлатлар жинойт қонунчилигини бузган деб ҳисобланаётган, уни бузганликда айбланаётган ёки айбдор деб топилган болаларга бевосита тааллуқли бўлган қонунлар, тартиб-таомиллар, органлар ва муассасаларни белгилашда кўмаклашишга интиладилар, хусусан:

а) болалар жинойт қонунчилигини бузишга қодир эмас деб ҳисобланадиган энг кичик ёшни белгилашга;

б) зарур ва мақсадга мувофиқ бўлган тақдирда, бундай болалар билан инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий кафолатларга тўла риоя қилган ҳолда суд муҳокамасидан фойдаланмасдан муомала қилиш бўйича чораларни кўришга.

4. Боланинг фаровонлиги, шунингдек унинг ҳолати ва жинойтнинг хусусиятига мувофиқ келадиган, муассасалардаги парваришнинг ўрнини босадиган муомала қилишни таъминлаш мақсадида парвариш, васийлик ва назорат ҳақидаги қоида, маслаҳат хизматлари, синов муддатини тайинлаш, таълим, ўқув ва касбий тайёргарлик дастурлари ва парваришнинг бошқа шакллари каби турли хил тадбирларнинг мавжудлиги зарурдир.

41-модда

Ушбу Конвенцияда ҳеч бир нарса бола ҳуқуқларини амалга оширишга кўпроқ даражада ёрдам берадиган ҳар қандай вазиятга дахл қилмайди ҳамда қуйидагиларда ўз ифодасини топиши мумкин:

а) иштирокчи-давлат қонунида; ёки

б) мазкур давлатга нисбатан амалда бўлган халқаро ҳуқуқ нормаларида.

II ҚИСМ

42-модда

Иштирокчи-давлатлар тегишли ва таъсирли воситалардан фойдаланган ҳолда Конвенциянинг принциплари ва қоидалари тўғрисида ҳам катта ёшдагиларни, ҳам болаларни кенг хабардор қилиш мажбуриятини оладилар.

43-модда

1. Иштирокчи-давлатлар томонидан ушбу Конвенцияга мувофиқ қабул қилинган мажбуриятларни бажаришда эришилган тараққиётни кўриб чиқиш мақсадида қуйида кўзда тутилган вазифаларни бажарадиган Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита таъсис қилинади.

2. Қўмита ўзининг юксак ахлоқий фазилатларга ҳамда ушбу Конвенция билан камраб олинган соҳаларда ваколатли деб эътироф этилган ўн нафар экспертдан иборатдир. Қўмита аъзолари иштирокчи-давлатлар томонидан ўз фуқаролари орасидан сайланади ҳамда улар шахсан иштирок этадилар, бинобарин, адолатли жуғрофий тақсимланишга, шунингдек бош ҳуқуқий тизимларга эътибор берилади.

3. Қўмита аъзолари иштирокчи-давлатлар томонидан кўрсатилган шахслар рўйхатига киритилганлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Ҳар бир иштирокчи-давлат ўз фуқаролари орасидан битта шахсни кўрсатиши мумкин.

4. Қўмитага дастлабки сайловлар ушбу Конвенция кучга кирган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмасдан, кейинчалик эса ҳар икки йилда бир марта ўтказилади. Ҳар бир сайлов кунидан камида тўрт ой олдин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби иштирокчи-давлатларга икки ой мобайнида ўз номзодларини тақдим этиш таклифи билан хат орқали мурожаат қилади. Сўнгра, Бош котиб шу тарзда илгари сурилган барча шахсларнинг рўйхатини, ушбу шахсларни илгари сурган иштирокчи-давлатларни кўрсатган ҳолда алифбо тартибида тузиб чиқади ҳамда бу рўйхатни ушбу Конвенциянинг иштирокчи-давлатларига тақдим этади.

5. Сайловлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида Бош котиб томонидан чақириладиган иштирокчи-давлатлар йиғилишларида ўтказилади. Иштирокчи-давлатларнинг учдан икки қисми кворумни ташкил этадиган ушбу йиғилишларда Қўмита таркибига сайланган деб энг кўп овоз олган ҳамда иштирокчи-давлатлар вакиллари овоз беришда ҳозир бўлган ва иштирок этаётган мутлақ кўпчилик овозини тўплаган номзодлар ҳисобланадилар.

6. Қўмита аъзолари тўрт йиллик муддатга сайланадилар. Улар номзодлари такроран кўрсатилган ҳолларда қайта сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Биринчи сайловларда сайланган беш аъзонинг ваколат муддати икки йиллик давр охирида тугайди; биринчи сайловдан кейин зудлик билан ушбу беш аъзонинг исмлари Йиғилиш раиси томонидан қуръа ташлаш орқали аниқланади.

7. Қўмитанинг бирор бир аъзоси бирортаси вафот этган ёки истеъфога чиққан ёхуд у қандайдир бошқа сабабга кўра Қўмита аъзоси мажбуриятларини бажара олмай қолган тақдирда, Қўмита ушбу аъзосини кўрсатган иштирокчи-давлат Қўмита томонидан маъқулланиши шарти билан қолган муддатга ўз фуқаролари орасидан бошқа эксперт тайинлайди.

8. Қўмита ўзининг тартиб-таомиллари қоидаларини ўрнатади.

9. Қўмита икки йиллик муддатга ўзининг мансабдор шахсларини сайлайди.

10. Қўмита сессиялари, одатда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида ёки Қўмита томонидан белгиланган ҳар қандай бошқа қулай жойда ўтказилади. Қўмита, қоидага кўра ҳар йили ўз сессияларини ўтказади. Қўмита сессиясининг давомийлиги Бош Ассамблея томонидан маъқулланган тақдирда ушбу Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари йиғилишида белгиланади ва зарурат бўлганда қайта кўриб чиқилади.

11. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Қўмита томонидан ушбу Конвенцияга мувофиқ ўз вазифаларининг самарали амалга оширилиши учун ходимлар ва моддий маблағларни тақдим этади.

12. Ушбу Конвенцияга мувофиқ таъсис этилган Қўмита аъзолари Бош Ассамблея томонидан белгиланган тартиб ва шартларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маблағларидан Бош Ассамблея тасдиқлаган рағбатлантиришларни оладилар.

44-модда

1. Иштирокчи-давлатлар Қўмитага Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби орқали Конвенцияда эътироф этилган ҳуқуқларни мустаҳкамлаш юзасидан қабул қилинган чоралар ҳамда ушбу ҳуқуқларини амалга оширишда эришилган тараққиёт тўғрисида маърузалар тақдим этиш мажбуриятини оладилар:

а) Конвенция кучга кирганидан кейин икки йил мобайнида тегишли иштирокчи-давлат учун;

б) кейинчалик ҳар беш йилда.

2. Ушбу моддага мувофиқ тақдим этиладиган маърузаларда мазкур Конвенция бўйича мажбуриятларнинг бажарилиш даражасига таъсир этувчи омил ва қийинчиликлар, агар улар мавжуд бўлса, кўрсатилади. Маърузалар, шунингдек Қўмитага мазкур мамлакатда Конвенциянинг амал қилишини тўлиқ тушунишни таъминлаш учун етарли ахборотларни ўз ичига олади.

3. Қўмитага ҳар томонлама дастлабки маърузани тақдим этган иштирокчи-давлат ушбу модданинг 1б-бандига мувофиқ тақдим этадиган кейинги маърузаларида илгари баён қилинган асосий ахборотни такрорлашига зарурат бўлмайди.

4. Қўмита иштирокчи-давлатлардан ушбу Конвенцияни амалга оширишга тааллуқли бўлган қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин.

5. Қўмита фаолияти тўғрисидаги маърузалар икки йилда бир марта Бош Ассамблеяга Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш орқали тақдим этилади.

6. Иштирокчи-давлатлар маърузаларини ўз мамлакатларида кенг ошқора бўлишини таъминлайдилар.

45-модда

Конвенциянинг самарали амалга оширилишига кўмаклашиш ва ушбу Конвенция билан қамраб олинган соҳалардаги халқаро ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида:

а) ихтисослаштирилган муассасалар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бошқа органлари ушбу Конвенциянинг ўз ваколати доирасига кирадиган бундай қоидаларини амалга ошириш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқишда вакил юбориш ҳуқуқига эгадирлар. Қўмита ихтисослаштирилган муассасаларга, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси ва бошқа ваколатли органларига, агар у буни мақсадга мувофиқ деб ҳисобласа, уларнинг тегишли ваколат доирасига кирадиган соҳаларда Конвенцияни амалга оширишга доир экспертлар хулосасини тақдим қилишни таклиф этиши мумкин. Қўмита ихтисослаштирилган муассасалар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси

ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бошқа органларига ўз фаолият доирасига кирадиган соҳаларда Конвенцияни амалга ошириш ҳақида маърузалар тақдим қилишни таклиф этиши мумкин;

б) Қўмита, агар у буни мақсадга мувофиқ деб ҳисобласа, ихтисослаштирилган муассасалар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси ва бошқа ваколатли органларига иштирокчи-давлатларнинг техник маслаҳат ёки ёрдам ёхуд шунга эҳтиёж кўрсатилган ҳар қандай маърузаларини, шунингдек Қўмитанинг бундай илтимос ёки кўрсатмаларга доир фикр-мулоҳаза ва таклифларини, агар улар мавжуд бўлса, қайта юборади;

с) Қўмита Бош Ассамблеяга унинг номидан Бош котибга бола ҳуқуқларига тааллуқли алоҳида масалалар юзасидан тадқиқотлар ўтказишни таклиф этишни тавсия қилиши мумкин;

д) Қўмита ушбу Конвенциянинг 44- ва 45-моддаларига мувофиқ олинадиган ахборотларга асосланган умумий аҳамиятга молик таклиф ва тавсиялар киритиши мумкин. Умумий аҳамиятга молик бундай таклиф ва тавсиялар ҳар қандай манфаатдор иштирокчи-давлатга юборилади ҳамда иштирокчи-давлатларнинг мулоҳазалари билан биргаликда, агар мавжуд бўлса, Бош Ассамблеяга хабар қилинади.

III ҚИСМ

46-модда

Ушбу Конвенция барча давлатлар томонидан имзоланиши учун очиқ.

47-модда

Ушбу Конвенция ратификация қилиниши керак. Ратификация ёрлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилади.

48-модда

Ушбу Конвенция унга ҳар қандай давлатнинг қўшилиши учун очиқ. Қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилади.

49-модда

1. Ушбу Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилган санадан кейин ўттизинчи кундан кучга киради.

2. Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган ёхуд унга йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилгандан кейин унга қўшиладиган ҳар бир давлат учун мазкур Конвенция бундай давлат томонидан ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилгандан кейин ўттизинчи куни кучга киради.

50-модда

1. Ҳар қандай иштирокчи-давлат тузатиш таклифини киритиши ва уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этиши мумкин. Сўнгра, Бош котиб таклиф киритилган тузатишларни, ушбу таклифларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан овоз бериш мақсадида иштирокчи-давлатлар конференциясини чақириш тарафдори эканликларини билдиришларини сўраб мазкур иштирокчи-давлатларга қайта юборади. Агар бундай хабар етказилган санадан бошлаб тўрт ой мобайнида иштирокчи-давлатларнинг камида учдан бир қисми шундай конференцияни чақиришни ёқлаб чиқса, Бош котиб бу конференцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида чақиради. Ушбу конференцияда ҳозир бўлган ва овоз беришда қатнашувчи иштирокчи-давлатларнинг кўпчилиги томонидан қабул қилинган ҳар қандай тузатиш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

2. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ қабул қилинган тузатиш уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси тасдиқлагандан кейин ҳамда иштирокчи-давлатларнинг учдан икки қисмининг кўпчилиги томонидан қабул қилинганидан кейин кучга киради.

3. Тузатиш кучга киргандан кейин уни қабул қилган иштирокчи-давлатлар учун мажбурий бўлиб қолади, бошқа иштирокчи-давлатлар учун эса ушбу Конвенция қоидалари ва улар томонидан қабул қилинадиган ҳар қандай тузатишлар мажбурий бўлиб қолади.

51-модда

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида давлатлар томонидан қилинган қўшимча шартлар матнини қабул қилади ҳамда барча давлатларга юборади.

2. Ушбу Конвенциянинг мақсад ва вазифаларига мос келмайдиган қўшимча шартларга йўл қўйилмайди.

3. Қўшимча шартлар исталган вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига юборилган тегишли билдиришнома орқали олиб ташланиши мумкин, кейин эса у бу ҳақда барча давлатлар хабардор қилинади. Бундай билдиришнома уни Бош котиб томонидан олинган кундан бошлаб кучга киради.

52-модда

Ҳар қандай иштирокчи-давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига ёзма равишда билдириш орқали ушбу Конвенцияни денонсация қилиши мумкин. Денонсация Бош котиб томонидан билдиришнома олинганидан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

53-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу Конвенциянинг депозитарийси этиб тайинланади.

54-модда

Ушбу Конвенциянинг инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларидаги матнлари айнан бир хил бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилади.

**БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯГА
БОЛАЛАРНИНГ ҚУРОЛЛИ МОЖАРОЛАРДА ИШТИРОКИГА
ТААЛЛУҚЛИ ФАКУЛЬТАТИВ БАЁННОМА**

*БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 25 майдаги 54/263-сон
резолуцияси билан қабул қилинган*

*Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 декабрдаги
ЎРҚ–190-сон Қонунига мувофиқ ратификация қилинган*

Ушбу Баённоманинг иштирокчи-давлатлари,
бола ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга хизмат қилувчи
кенг тарқалган тайёрлик ҳақида гувоҳлик берадиган Бола ҳуқуқлари
тўғрисидаги конвенциянинг умумий кўллаб-қувватланишидан *руҳланиб*,

болалар ҳуқуқлари махсус ҳимояга муҳтожлигини қайта тасдиқлаган
ҳолда, ҳеч қандай фарқларсиз болаларнинг шароитини, шунингдек уларнинг
тинч ва хавфсиз муҳитда ривожланиши ҳамда таълим олишини доимий
яхшилашни таъминлашга *даъват этиб*,

қуролли можароларнинг болаларга зарарли ва кенг кўламли таъсиридан,
шунингдек унинг барқарор тинчлик, хавфсизлик ва ривожланиш учун узоқ
муддатли оқибатларидан *ташвишланиб*,

қуролли можаролар шароитида болаларга қилинган тажовузларни,
шунингдек халқаро ҳуқуққа мувофиқ муҳофаза қилинадиган объектларга, шу
жумладан, мактаб ва касалхоналар каби одатда, болалар кўп бўладиган
жойларга қилинадиган бевосита ҳужумларни *қоралаб*,

Халқаро жинойт суди Статутининг қабул қилинганини ва, хусусан, унда
15 ёшга тўлмаган болаларни ҳарбий хизматга чақириш ёки сафарбар қилиш
ёхуд ҳам халқаро, ҳам халқаро бўлмаган қуролли можаролар доирасидаги
ҳарбий ҳаракатларда улардан фаол фойдаланиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг
ҳарбий жинойт сифатида белгиланганини *эътироф этиб*,

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда эътироф этилган ҳуқуқларнинг
янада самарали амалга оширилишига кўмаклашиш мақсадида болаларнинг
қуролли можароларда қатнашишидан ҳимоя қилишни кучайтириш
зарурлигини *ҳисобга олиб*,

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 1-моддасида ушбу
Конвенция мақсадлари учун 18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон зоти, агар мазкур
болага нисбатан кўлланиладиган қонун бўйича у эртароқ вояга етмаган бўлса,
бола ҳисобланиши назарда тутилганлигини *эътиборга олиб*,

шахсларни қуролли кучларга чақириш ва уларнинг ҳарбий ҳаракатларда
қатнашиш ёшини оширадиган Конвенцияга Факултатив баённоманинг
болаларга доир барча ҳаракатларда биринчи навбатдаги эътибор бола
манфаатларини аъло даражада таъминлашга қаратилиши керак деган
тамойилнинг амалга оширилишига самарали кўмаклашишига *ишонч ҳосил
қилиб*,

1995 йил декабрь ойида ўтказилган Қизил Хоч ва Қизил Ярим ойнинг йиғирма олтинчи Халқаро конференцияси можаролар тарафларига 18 ёшга тўлмаган болаларнинг ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмаслигини таъминлаш мақсадида ҳар қандай зарур чораларни кўришини тавсия қилишини *қайд этиб*,

Халқаро меҳнат ташкилотининг 1999 йил июн ойида яқдиллик билан қабул қилинган, хусусан, қуролли можароларда болалардан фойдаланиш учун уларни мажбурий ёки шартли ёллашни тақиқлайдиган Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тақиқлаш ва тугатиш бўйича зудлик билан чоралар кўриш тўғрисидаги 182-конвенциясини *маъқуллаб*,

давлатнинг қуролли кучларидан ажралиб турадиган қуролли гуруҳлар томонидан давлат ичида ва ташқарисидаги ҳарбий ҳаракатларга болаларни ёллаш, ўқитиш ва улардан фойдаланишни чуқур ташвиш билан қоралаб ҳамда шу мақсадда болаларни ёллаган, ўқитган ва улардан фойдаланганларнинг жавобгарлигини *эътироф этиб*,

қуролли можародаги ҳар бир томоннинг халқаро гуманитар ҳуқуқ қоидаларига риоя қилиш мажбурияти ҳақида *эслатиб*,

мазкур Баённома Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида белгиланган мақсад ва принципларга, жумладан, 51-модда ва гуманитар ҳуқуқнинг тегишли нормаларига зарар етказмаслигини *қайд этиб*,

Уставада кўрсатилган мақсад ва принципларнинг тўла ҳурмат қилиниши ва инсон ҳуқуқлари соҳасида қўлланиладиган шартномаларга риоя қилишга асосланган тинчлик ва хавфсизлик муҳити болаларни, хусусан, қуролли можаролар ва чет эл истилоси вақтида тўла ҳимоя қилишнинг зарурий шarti эканлигини *эътиборга олиб*,

болаларнинг иқтисодий ёки ижтимоий аҳволи ёхуд жинси билан боғлиқ ҳолда, ушбу Баённомага хилоф равишда уларнинг ҳарбий ҳаракатларга ёлланиш ва фойдаланилишига кўра заиф бўлган болаларнинг ўзига хос эҳтиёжларини *эътироф этиб*,

болаларнинг қуролли можароларда иштирок этишининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий сабабларини ҳисобга олиш зарурлигини *эсда тутиб*,

мазкур Баённомани амалга оширишда, шунингдек қуролли можаролар қурбонлари бўлган болаларни жисмоний ва руҳий-ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда ижтимоий реинтеграция қилиш ишида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлигига *ишонч ҳосил қилиб*,

ушбу Баённомани амалга оширишга доир ахборот ва таълим дастурларининг тарқатилишида жамиятнинг, хусусан, болалар ва жабрдийда болаларнинг иштирокини *разбатлантириб*,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Иштирокчи-давлатлар қуролли кучларининг 18 ёшга тўлмаган ҳарбий ҳаракатчилари ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этмаслигини таъминлаш учун барча чораларни кўрадилар.

2-модда

Иштирокчи-давлатлар 18 ёшга тўлмаган шахслар қуролли кучларига мажбурий чақирилмаслигини таъминлайдилар.

3-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ушбу моддада келтирилган тамойилларни ҳисобга олиб ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга мувофиқ 18 ёшга тўлмаган шахслар алоҳида ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга эканлигини эътироф этиб, Конвенциянинг 38-моддаси 3-бандида белгиланган ёш билан таққослаган ҳолда шахсларни ўз миллий қуролли кучларига ихтиёрий равишда чақирувнинг энг кичик ёшини оширадилар.

2. Ҳар бир иштирокчи-давлат мазкур Баённомани ратификация қилиш ёки унга қўшилишда мажбурий хусусиятга эга бўлган ҳамда унда миллий қуролли кучларига ихтиёрий равишда чақирувга руҳсат этилган энг кичик ёш кўрсатилган ва давлат томонидан бундай чақирув зўравонлик ёки мажбурий эмаслигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган қафолатлар баён этилган аризани сақлаш учун топширади.

3. Ўз миллий қуролли кучларига 18 ёшга тўлмаган шахсларни ихтиёрий равишда чақирувга руҳсат берувчи иштирокчи-давлатлар энг камида қуйидагиларни таъминлайдиган қафолатларни тақдим этади:

- a) бундай чақирув ҳақиқатда ихтиёрий хусусиятга эга бўлиши;
- b) бундай чақирув ушбу шахснинг ота-онаси ёки қонуний васийларининг онгли розилиги билан амага оширилганда;
- c) бундай шахслар ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ мажбуриятлари ҳақида тўлиқ хабардор қилинади;
- d) бундай шахслар миллий ҳарбий хизматга қабул қилинишидан олдин ўзининг ёшига оид ишончли гувоҳнома тақдим этади.

4. Ҳар бир иштирокчи-давлат исталган вақтда барча иштирокчи-давлатларни хабардор қиладиган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибини тегишли хабарномани юбориш орқали ўз баёнотининг қоидаларини кучайтириши мумкин. Бундай хабарнома Бош котиб томонидан қабул қилинган санадан бошлаб кучга киради.

5. Мазкур модданинг 1-бандида белгиланган ёшини ошириш талаби, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 28 ва 29-моддаларига мувофиқ иштирокчи-давлатлар қуролли кучлари тасарруфидаги ёки назорати остидаги ўқув муассасаларига тааллуқли бўл-майди.

4-модда

1. Давлатнинг қуролли кучларидан ажралиб турадиган қуролли гуруҳлар ҳеч бир ҳолатда 18 ёшга тўлмаган шахсларни ҳарбий ҳаракатларга ёллаши ёки улардан фойдаланмаслиги керак.

2. Иштирокчи-давлатлар бундай ёллаш ва фойдаланишнинг олдини олиш учун барча мавжуд чораларни, шу жумладан, бундай ҳаракатларни тақиқлаш ва криминализация қилиш учун зарур ҳуқуқий чораларни кўради.

3. Ушбу Баённомага мувофиқ мазкур модданинг қўлланилиши қуролли можаро томонларидан ҳеч бирининг ҳуқуқий мақомига дахл қилмайди.

5-модда

Мазкур Баённомадаги ҳеч нарса иштирокчи-давлат қонун ҳужжатларида ёки халқаро шартномалар ва халқаро гуманитар ҳуқуқда мавжуд бола ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашадиган қоидалар истисно қилиш сифатида талқин қилиниши мумкин эмас.

6-модда

1. Ҳар бир иштирокчи-давлат ўз юрисдикцияси доирасида мазкур Баённома қоидаларини самарали амалга оширилиши ва қўлланилишини таъминлаш учун бача зарур ҳуқуқий, маъмурий ва бошқа чораларни кўради.

2. Иштирокчи-давлатлар мазкур Баённома тамойиллари ва қоидаларининг тегишли воситалар орқали катталар ва болалар орасида кенг тарқалиши ва тарғиб қилинишини таъминлаш мажбуриятини олади.

3. Иштирокчи-давлатлар мазкур Баённомага зид равишда ҳарбий ҳаракатларга жалб қилинган ёки ўз юрисдикциясида бўлган фойдаланилган шахсларнинг демобилизация қилиниши ёхуд бошқача тарзда ҳарбий хизматдан озод қилинишини таъминлаш учун барча мавжуд чораларни кўради. Иштирокчи-давлатлар, зарур ҳолларда, бундай шахсларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатини, шунингдек уларнинг ижтимоий реинтеграциясини тиклаш мақсадида барча тегишли ёрдамни кўрсатадилар.

7-модда

1. Иштирокчи-давлатлар мазкур Баённомани амалга оширишда, шу жумладан, Баённомага зид бўлган ҳар қандай фаолиятнинг олдини олишда ва Баённомага зид бўлган ҳаракатлардан жабрланган шахсларнинг реабилитация ва ижтимоий реинтеграция қилишда, хусусан, техник ҳамкорлик ва молиявий ёрдам орқали ҳамкорлик қиладилар. Бундай ёрдам ва ҳамкорлик манфаатдор иштирокчи-давлатлар ва тегишли халқаро ташкилотлар билан маслаҳатлашиб амалга оширилади.

2. Буни амалга оширишга қодир бўлган иштирокчи-давлатлар бундай ёрдамни мавжуд кўп томонлама, икки томонлама ёки бошқа дастурлар доирасида ёки хусусан, Бош Ассамблея қоидаларига мувофиқ ташкил қилинган ихтиёрий бадаллар жамғармаси орқали кўрсатадилар.

8-модда

1. Ҳар бир иштирокчи-давлат мазкур Баённома ушбу иштирокчи-давлат учун кучга киргандан кейин икки йил давомида Бола ҳуқуқлари бўйича кўмигага мазкур Баённома қоидаларини амалга ошириш мақсадида қабул қилинган, шу жумладан, иштирок этиш ва чақирувга доир қоидаларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган чора-тадбирлар тўғрисидаги кенг камровли ахборотларни ўз ичига олган маърузани тақдим этади.

2. Кенг қамровли маъруза тақдим этилгандан кейин ҳар бир иштирокчи-давлат Бола ҳуқуқлари бўйича қўмига тақдим этиладиган маърузаларига Конвенциянинг 44-моддасига мувофиқ Баённоманинг амалга оширилишига доир ҳар қандай қўшимча ахборотларни киритади. Баённоманинг бошқа иштирокчи-давлатлари ҳар беш йилда маъруза тақдим этадилар.

3. Бола ҳуқуқлари бўйича қўмига иштирокчи-давлатлардан мазкур Баённоманинг амалга оширилишига доир ҳар қандай қўшимча ахборотларни сўраши мумкин.

9-модда

1. Мазкур Баённома Конвенция иштирокчиси бўлган ёки уни имзолаган ҳар қандай давлат томонидан имзоланиши учун очиқ.

2. Ушбу Баённома ратификация қилиниши керак ва ҳар қандай давлатнинг қўшилиши учун очиқ. Ратификация ёрлиқлари ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилади.

3. Бош котиб Конвенция ва Баённоманинг депозитарийси сифатида ҳаракат қилиб, 13-моддага мувофиқ ҳар бир баёнот сақлаш учун топширилгани тўғрисида Конвенциянинг барча иштирокчи-давлатларини ва Конвенцияни имзолаган барча давлатларни хабардор қилади.

10-модда

1. Мазкур Баённома ўнинчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилгандан кейин уч ой ўтгач кучга киради.

2. Мазкур Баённомани ратификация қилган ёки у кучга киргандан кейин унга қўшилган ҳар бир давлат учун ушбу Баённома унинг ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилгандан кейин бир ой ўтгач кучга киради.

11-модда

1. Ҳар қандай иштирокчи-давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига ёзма равишда хабардор қилиш орқали ушбу Баённомани денонсация қилиши мумкин, сўнгра у бу ҳақда Конвенциянинг бошқа иштирокчи-давлатларини ва Конвенцияни имзолаган барча давлатларни хабардор қилади. Денонсация Бош котиб томонидан бу каби билдиришнома олинган санадан кейин бир йил ўтгач кучга киради. Бироқ, агар ушбу йил тугаган кунда денонсация қилувчи иштирокчи-давлатда қуролли можаро юзага келса, мазкур қуролли можаро тугагунига қадар денонсация кучга кирмайди.

2. Бундай денонсация иштирокчи-давлатни мазкур денонсация кучга кирадиган санагача содир бўлган ҳар қандай ҳаракатга нисбатан Баённомада назарда тутилган мажбуриятларидан озод қилмайди. Худди шу каби, бундай денонсация, ҳеч бир тарзда, денонсация кучга кирадиган санагача Қўмига томонидан кўриб чиқиладиган ҳар қандай масаланинг кейинчалик кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди.

12-модда

1. Ҳар қандай иштирокчи-давлат тузатиш таклифини киритиши ва уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этиши мумкин. Сўнгра, Бош котиб таклиф киритилган тузатишларни, ушбу таклифларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан овоз бериш мақсадида иштирокчи-давлатлар конференциясини чақириш тарафдори эканликларини билдиришларини сўраб мазкур иштирокчи-давлатларга қайта юборади. Агар бундай хабар етказилган санадан бошлаб тўрт ой мобайнида иштирокчи-давлатларнинг ҳеч бўлмаганда учдан бир қисми шундай конференцияни чақиришни билдирса, Бош котиб бу конференцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида чақиради. Ушбу конференцияда ҳозир бўлган ва овоз беришда иштирок этган иштирокчи-давлатларнинг кўпчилиги томонидан қабул қилинган ҳар қандай тузатиш Бош Ассамблеяга тасдиқлаш учун тақдим этилади.

2. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ қабул қилинган тузатиш, уни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан тасдиқланганидан кейин ҳамда иштирокчи-давлатларнинг учдан икки қисмининг кўпчилик томонидан қабул қилинганидан кейин кучга киради.

3. Тузатиш кучга киргандан кейин уни қабул қилган иштирокчи-давлатлар учун мажбурий бўлади, бошқа иштирокчи-давлатлар учун эса ушбу Баённома қоидалари ва улар томонидан қабул қилинган ҳар қандай тузатишлар мажбурий бўлиб қолади.

13-модда

1. Мазкур Баённоманинг инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларидаги матнлари айнан бир хил бўлиб, улар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг архивида сақланади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби мазкур Баённоманинг тасдиқланган нусхаларини Конвенциянинг барча иштирокчи давлатларига ва Конвенцияни имзолаган барча давлатларга юборади.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯГА БОЛАЛАР САВДОСИ, БОЛАЛАР ФОҲИШАБОЗЛИГИ ВА БОЛАЛАР ПОРНОГРАФИЯСИГА ТААЛЛУҚЛИ ФАКУЛЬТАТИВ БАЁННОМА

*Бош Ассамблеянинг 2000 йил 25 майдаги 54/263-сон
резолуцияси билан қабул қилинган*

*Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 декабрдаги
ЎРҚ-188-сон Қонунига мувофиқ ратификация қилинган*

Мазкур Баённоманинг иштирокчи-давлатлари,

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг мақсадларига эришиш ва унинг қоидаларини, айниқса, 1, 11, 21, 32, 33, 34, 35 ва 36-моддаларини амалга оширишга кўмаклашиш учун иштирокчи-давлатлар болани болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясидан ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш учун қабул қилишлари керак бўлган чораларга кенгроқ урғу бериши мақсадга мувофиқ бўлишини *этиборга олиб,*

шунингдек, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда боланинг иқтисодий эксплуатациядан ва унинг соғлиғи учун хавф туғдириши мумкин бўлган ёки таълим олишига тўсқинлик қиладиган ёхуд унинг соғлиғига ва жисмоний, ақлий ва маънавий, ахлоқий ва ижтимоий ривожланишига зарар етказадиган ҳар қандай ишни бажаришдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқи эътироф этилганини *ҳисобга олиб,*

болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографияси мақсадида болалар халқаро контрабандасининг кўлами сезиларли даражада ўсиб бораётганидан *ташвишланиб,*

болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясини бевосита рағбатлантирадиган, айниқса, болалар учун хавфли бўлган фаҳишабозлик туризмнинг кенг тарқалган ва давом этаётган амалиётидан чуқур *ташвишланиб,*

бир қатор алоҳида заиф болалар гуруҳлари, жумладан, ёш қизларнинг жинсий эксплуатация қилишга дучор бўлиш эҳтимоли катталигини ҳамда жинсий эксплуатация қилинган болалар орасида ёш қизларнинг улуши номутаносиб равишда юқори эканлигини *эътироф этиб,*

Интернет ва бошқа ривожланаётган технологиялар орқали болалар порнографиясининг тобора ўсиб бораётганидан ташвишланиб, Интернетдаги болалар порнографиясига қарши кураш бўйича халқаро конференция (1999 йил, Вена) ва, хусусан, унинг болалар порнографиясини ишлаб чиқариш, тарқатиш, экспорт қилиш, узатиш, импорт қилиш, қасддан сақлаш ва уни реклама қилиш бутун дунёда жинойий жавобгарликка тортилишига чақирадиган ҳамда ҳукуматлар ва Интернет саноати ўртасидаги янада яқин ҳамкорлик ва шерикликнинг муҳимлигини кўрсатадиган қарорига *ҳавола қилиниб,*

болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига барҳам бериш унинг юзага келишига ёрдам берадиган барча омиллар,

жумладан, етарли даражада ривожланмаган, камбағаллик, иқтисодий номутаносиблик, тенг ҳуқуқли бўлмаган ижтимоий-иқтисодий тузилма, нотинч оилаларнинг мавжудлиги, таълим даражасининг пастлиги, шаҳарлар ва қишлоқлар ўртасидаги миграция, жинсий камситиш, катта ёшдагиларнинг масъулиятсиз шахвоний хулқи, анъанавий амалиётнинг зарарли турлари, қуролли можаролар ва болалар контрабандасини эътиборга олган ҳолда, кенг қамровли ёндашувни қабул қилишга қўмаклашишини *ҳисобга олиб*,

болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига бўлган истеъмолчиларнинг талабини камайтириш учун жамиятнинг хабардорлик даражасини ошириш бўйича ҳаракат қилиш зарурлигини ҳисобга олиб, шунингдек барча иштирокчилар ўртасидаги глобал ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда миллий даражада ҳуқуқни қўллаш чораларини кучайтиришнинг муҳимлигига *ишонч ҳосил қилиб*,

болаларни ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидалари, жумладан, Болаларни ҳимоя қилиш ва давлатлараро фарзанд асраб олиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Гаага конвенцияси, Болаларни халқаро ўғирлаб кетишнинг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатлари тўғрисидаги Гаага конвенцияси, Ота-оналарнинг масъулияти масалалари ва болаларни ҳимоя қилиш чоралари бўйича юрисдикция, амалдаги ҳуқуқ, тан олиш, ҳуқуқни қўллаш ва ҳамкорлик тўғрисидаги Гаага конвенцияси ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тақиқлаш ва тугатиш бўйича зудлик билан чоралар кўриш тўғрисидаги 182-конвенциясини *эътиборга олиб*,

бола ҳуқуқларини тарғиб қилиш ва ҳимоя қилишда кенг қамровли содиқликдан далолат берадиган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ҳар жойда қўллаб-қувватланишидан *руҳланиб*,

Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясининг олдини олиш бўйича Ҳаракатлар дастури ҳамда қоидаларининг, 1996 йил 27–31 августда бўлиб ўтган Бутунжаҳон конгрессида қабул қилинган Болаларни тижорат мақсадида жинсий эксплуатация қилишга қарши декларация ва Ҳаракатлар дастури қоидаларини, шунингдек тегишли халқаро ташкилотларнинг ушбу масала бўйича бошқа қарор ва тавсияларининг амалга оширилишининг муҳимлигини *тан олиб*,

болани ҳимоя қилиш ва баркамол ривожлантириш учун ҳар бир халқнинг анъаналари ва маданий кадриятларининг аҳамияти муҳимлигини керакли тарзда *ҳисобга олиб*,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Иштирокчи-давлатлар мазкур Баённомада назарда тутилганидек, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясини ман қиладилар.

2-модда

Мазкур Баённоманинг мақсадлари учун:

а) болалар савдоси деганда болани ҳар қандай шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан бошқа шахс ёки шахслар гуруҳига мукофот ёки ҳар қандай бошқа товон пули учун бериб юбориш қаратилган ҳар қандай ҳаракат ёки битим тушинилади;

б) болалар фоҳишабозлиги мукофот ёки ҳар қандай бошқа товон пули учун боладан жинсий фаолиятларда фойдаланишни англатади;

с) болалар порнографияси деганда ҳар қандай воситаларда боланинг ҳақиқий ёки тақлид қилинган очиқ-ойдин жинсий ҳаракатларни тасвирлаши ёхуд асосан шахвоний мақсадлар учун боланинг жинсий аъзоларининг ҳар қандай тасвири тушунилади.

3-модда

1. Ҳар бир иштирокчи-давлат, ҳеч бўлмаганда, қуйидаги ҳаракатлар ва фаолият турларини, ушбу жинойт миллий ёки трансмиллий даражада ёхуд яққа ёки уюшган тартибда содир этилганлигидан қатъи назар, криминал ёки жазо ҳуқуқи билан тўлиқ қамраб олиншини таъминлайди:

а) 2-моддада белгиланган болалар савдоси мазмунида:

i) қуйидаги мақсадларда ҳар қандай воситалар билан болани таклиф қилиш, топшириш ёки қабул қилиб олиш:

а. болани жинсий эксплуатация қилиш;

б. мукофот учун боланинг органларини топшириш;

с. болани мажбурий меҳнатга жалб қилиш;

ii) фарзандликка олишга оид амалдаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни бузган ҳолда воситачи сифатида болани асраб олишга розиликни олишга ғайриқонуний жалб қилиш;

б) 2-моддада белгиланган болалар фоҳишабозлиги учун болани таклиф қилиш, қабул қилиб олиш, топшириш ёки бериш;

с) 2-моддада белгиланган болалар порнографиясининг юқорида таъкидланган мақсадлари учун ишлаб чиқариш, тақсимлаш, тарқатиш, импорт, экспорт, таклиф қилиш, сотиш ёки сақлаш.

2. Иштирокчи-давлатнинг миллий қонунчилиги қоидаларини ҳисобга олиб, шу каби қоидалар мазкур қилмишлардан бирортасини содир этишга суиқасд қилиш, шунингдек ушбу қилмишларнинг бирортасини содир этишда шериклик қилиш ёки бирга қатнашишга нисбатан қўлланилади.

3. Ҳар бир иштирокчи-давлат ушбу жинойтлар учун уларнинг оғирлик даражасидан келиб чиқиб тегишли жазо чораларини назарда тутади.

4. Ҳар бир иштирокчи-давлат ўзининг миллий қонунчилигининг қоидаларини ҳисобга олиб, тегишли ҳолларда мазкур модданинг 1-бандида назарда тутилган жинойтлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлигини бўйича чоралар кўради. Иштирокчи-давлатнинг ҳуқуқий тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, юридик шахсларнинг ушбу жавобгарлиги жинойӣ, фуқаролик ёки маъмурий бўлиши мумкин.

5. Иштирокчи-давлатлар болани асраб олиш билан алоқаси бўлган барча шахсларнинг амалдаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қоидаларига мувофиқ ҳаракат қилишларини таъминлаш мақсадида барча тегишли ҳуқуқий ва маъмурий чораларни кўрадилар.

4-модда

1. Ҳар бир иштирокчи-давлат 3-модданинг 1-бандида кўрсатилган жиноятларга нисбатан, агар бундай жиноятлар ўз ҳудудида ёки ушбу давлатда рўйхатдан ўтган денгиз ёки ҳаво бортида содир этилган бўлса, ўз юрисдикциясини ўрнатиш учун зарур бўлиши мумкин бўлган чораларни кўради.

2. Ҳар бир иштирокчи-давлат 3-модданинг 1-бандида кўрсатилган жиноятларга нисбатан қуйидаги ҳолларда ўз юрисдикциясини ўрнатиш учун зарур бўлиши мумкин бўлган чораларни кўриши мумкин:

а) гумон қилинаётган жиноятчи мазкур давлатнинг фуқароси ёки унинг ҳудудида доимий яшаш жойига эга шахс бўлса;

б) жабрланувчи мазкур давлатнинг фуқароси бўлса.

3. Ҳар бир иштирокчи-давлат, шунингдек гумон қилинаётган жиноятчи унинг ҳудудида бўлганда ва бу давлат мазкур жиноят ўзининг фуқароларидан бири томонидан содир қилинганлиги асосида жиноятчини бошқа иштирокчи-давлатга топширмаганда, юқорида келтирилган жиноятларга нисбатан ўз юрисдикциясини ўрнатиш учун зарур бўлиши мумкин бўлган чораларни кўради.

4. Мазкур Баённома давлатнинг ички қонунига мувофиқ амалга ошириладиган ҳар қандай жиноий юрисдикцияни истисно қилмайди.

5-модда

1. 3-модданинг 1-бандида келтирилган жиноятлар иштирокчи-давлатлар ўртасида мавжуд бўлган ҳар қандай экстрадиция қилиш тўғрисидаги шартномага экстрадиция қилишга олиб келадиган жиноятлар сифатида киритилиши керак деб ҳисобланади, шунингдек бундай шартномаларда белгиланган шартларга мувофиқ давлатлар ўртасида тузиладиган экстрадиция қилиш тўғрисидаги ҳар бир шартномага экстрадиция қилишга олиб келадиган жиноятлар сифатида киритилади.

2. Агар экстрадицияни шартноманинг мавжудлиги билан белгиладиган иштирокчи-давлат у билан экстрадиция қилиш тўғрисида шартномаси бўлмаган бошқа иштирокчи-давлатдан экстрадиция қилиш тўғрисидаги илтимосномани олса, у бундай жиноятларга нисбатан мазкур Баённомани экстрадиция қилиш учун ҳуқуқий асос сифатида кўриб чиқиши мумкин. Экстрадиция қилиш тўғрисидаги илтимоснома юборилган давлатнинг қонунчилигида назарда тутилган шартларга мувофиқ амалга оширилади.

3. Шартноманинг мавжудлиги билан экстрадиция қилишни шарт қилмаган иштирокчи-давлатлар ўзаро муносабатларда бундай жиноятларни экстрадиция тўғрисида илтимос қилинган давлат қонунчилигида назарда

тутилган шартларга мувофиқ экстрадиция қилишга олиб келадиган жиноятлар сифатида кўриб чиқадилар.

4. Бундай жиноятлар иштирокчи-давлатлар ўртасида экстрадиция қилиш мақсадида 4-моддага мувофиқ, улар нафақат содир этилган жойда, балки ўз юрисдикциясини ўрнатиш шарт бўлган давлатлар ҳудудида ҳам содир этилган, деб кўриб чиқилади.

5. Агар экстрадиция қилиш тўғрисида сўров 3-модданинг 1-бандида кўрсатилган жиноятлардан бири бўйича келиб тушган бўлса, ва агар бундай сўров юборилган иштирокчи-давлат жиноятчини фуқаролиги асосида уни экстрадиция қилмаётган бўлса ёки экстрадиция қилмаса, ушбу давлат ишни жинойий иш қўзғатиш мақсадида ўзининг ваколатли органларига топшириш учун тегишли чораларни кўради.

6-модда

1. Иштирокчи-давлатлар бир-бирларига 3-модданинг 1-бандида белгиланган жиноятлар бўйича бошланган тергов ёки жинойий таъқиблар ёхуд экстрадиция қилиш тартиб-таомиллари, жумладан, айтиб ўтилган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган мавжуд далилларни олишга кўмаклашиш билан боғлиқ максимал даражадаги ёрдамни кўрсатадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар мазкур модданинг 1-банди бўйича улар ўртасида мавжуд бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай шартномалар ёхуд бошқа ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида бошқа келишувларга асосан ўз мажбуриятларини бажарадилар. Бу каби шартномалар ёки келишувлар бўлмаганда, иштирокчи-давлатлар бир-бирларига ўзларининг ички давлат қонунларига мувофиқ ёрдам берадилар.

7-модда

Иштирокчи-давлатлар ўзларининг миллий қонунчилиги қоидаларига мувофиқ:

а) тегишли ҳолларда, олиб қўйиш ва мусодара қилишни таъминловчи чораларни кўради:

i) мазкур Баённомага мувофиқ назарда тутилган жиноятларни содир этиш ёки содир этишга ёрдам бериш учун фойдаланиладиган материаллар, маблағлар ва бошқа асбоб-ускуналар каби мол-мулк;

ii) бундай жиноятларни содир этиш натижасида олинган даромадлар;

б) бошқа иштирокчи-давлатнинг (а) (i) кичик бандида белгиланган мол-мулк ёки даромадларни олиб қўйиш ёхуд мусодара қилиш тўғрисидаги илтимосларини бажаради;

с) бундай жиноятларни содир этиш учун фойдаланилган биноларни вақтинча ёки доимий асосда ёпиб қўйишга йўналтирилган чораларни кўради.

8-модда

1. Иштирокчи-давлатлар жинойий суд ишларини юритишнинг барча босқичларида мазкур Баённома билан ман қилинган амалиёт қурбонлари

бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун тегишли чораларни кўради, хусусан:

а) жабрдийда болаларнинг заифлигини тан олиш ва уларнинг айрим эҳтиёжларини, шу жумладан, гувоҳ сифатида айрим эҳтиёжларини тан олиш учун тартиб-таомилларни мослаштириш;

б) жабрдийда болаларни уларнинг ҳуқуқлари, роли ва суд жараёнининг мазмуни, муддати ва бориши ҳамда уларнинг ишлари бўйича ҳал қилув қарори тўғрисида хабардор қилиш;

с) жабрдийда болаларнинг шахсий манфаатларига дахлдор бўлган ҳолларда, уларнинг фикри, эҳтиёжлари ва муаммолари миллий қонунчиликнинг процессуал нормаларига мувофиқ суд ишларини юритиш давомида тақдим этилиши ва кўриб чиқилишини таъминлаш;

д) жабрдийда болаларга суд ишларини юритишнинг барча босқичларида тегишли ёрдам кўрсатиш бўйича хизматлар тақдим этилиши;

е) жабрдийда болаларнинг шахсий ҳаёти ва шахсини тегишли ҳолатларда ҳимоя қилиш ҳамда жабрланган болаларнинг шахсини аниқлашга олиб келиши мумкин бўлган маълумотларнинг ноўрин тарқалиб кетишини олдини олиш мақсадида миллий қонунчиликка мувофиқ чоралар кўриш;

ф) жабрдийда болалар, шунингдек уларнинг оилалари ва уларнинг номидан чиқадиган гувоҳларга нисбатан кўрқитиш ва қасос чораларининг қўлланилишидан тегишли ҳолларда ҳимоя қилишни таъминлаш;

г) жабрдийда болаларга ишлар бўйича қарорлар қабул қилиш ҳамда товон пулини тўлаш тўғрисидаги фармойиш ва қарорларнинг ижросини ҳаддан ташқари кечиктирилишига йўл қўймаслик.

2. Иштирокчи-давлатлар жабрдийдаларнинг ҳақиқий ёшига нисбатан шубҳаларнинг мавжудлиги жинойт тергов, жумладан, жабрдийданинг ёшини аниқлаш мақсадлари учун терговнинг бошланишига тўсқинлик қилмаслигини таъминлайди.

3. Иштирокчи-давлатлар мазкур Баённомада назарда тутилган қурбони бўлган болалар билан муомала қилишда жинойт суд ишини юритиш тизимида боланинг олий манфаатларига риоя қилинишига устувор аҳамият берилишини таъминлайди.

4. Иштирокчи-давлатлар мазкур Баённомага мувофиқ тақиқланган жинойт ҳаракатлар жабрдийда болалар билан ишлайдиган шахсларга тегишли, хусусан, ҳуқуқий ва психологик тайёргарликни таъминлаш учун чоралар кўради.

5. Иштирокчи-давлатлар тегишли ҳолларда превентив фаолият ва/ёки бу каби жинойтлар қурбонларини ҳимоя қилиш ва реабилитация қилиш билан шуғулланадиган шахслар ва (ёки) ташкилотларнинг хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш бўйича чоралар кўради.

6. Мазкур моддада ҳеч нарса айбланувчининг адолатли ва холис суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларига зарар етказувчи ёки зид деб талқин қилинмайди.

9-модда

1. Иштирокчи-давлатлар мазкур Баённомада белгиланган жиноятларнинг олдини олиш мақсадида қонунлар, маъмурий чоралар, ижтимоий стратегиялар ва дастурларни қабул қиладилар ёки кучайтирадилар, қўллайдилар ва тарғиб қиладилар. Алоҳида эътибор болаларни, айниқса, бундай амалиётга нисбатан заиф бўлган болаларни ҳимоя қилишга қаратилган.

2. Иштирокчи-давлатлар билим бериш ва ўқитишнинг барча тегишли воситаларидан фойдаланган ҳолда мазкур Баённомада белгиланган превентив чоралар ва жиноятларнинг зарарли оқибатлари тўғрисида маълумот олишни таъминлаш орқали жамоатчиликнинг кенг доираси, жумладан, болаларда хабардорликни оширишга кўмаклашадилар. Иштирокчи-давлатлар мазкур моддага кўра ўз мажбуриятларини бажаришларида жамоатнинг, хусусан, болалар ва жабрдийда болаларнинг ахборот-маърифий ва ўқув дастурларида, шу жумладан, халқаро миқёсда иштирок этишини рағбатлантирадилар.

3. Иштирокчи-давлатлар бундай жиноятларнинг жабрдийдаларига ҳар қандай тегишли ёрдамни, жумладан, уларнинг тўлиқ ижтимоий реинтеграциясини ҳамда тўлиқ жисмоний ва психологик тикланиши учун ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида барча мумкин бўлган чораларни кўрадилар.

4. Иштирокчи-давлатлар мазкур Баённомада белгиланган жиноятлар қурбони бўлган барча болаларнинг юридик жавобгар шахслардан ҳеч бир камситишларсиз етказилган зарар учун товон пули олишнинг тегишли тартиб-таомилларидан фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

5. Иштирокчи-давлатлар мазкур Баённомада белгиланган жиноятларни тарғиб қиладиган материалларни ишлаб чиқариш ва тарқатишни самарали тақиқлашни таъминлашга қаратилган тегишли чораларни кўрадилар.

10-модда

1. Иштирокчи-давлатлар болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги, болалар порнографияси ва болалар жинсий туризми билан боғлиқ хатти-ҳаракатларни содир этишда айбдор бўлган шахсларни огоҳлантириш, аниқлаш, тергов қилиш, жиноий жавобгарликка тортиш ва жазолаш мақсадида кўптомонлама, минтақавий ва икки томонлама келишувлар тузиш орқали халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича барча зарур чораларни кўрадилар. Иштирокчи-давлатлар, шунингдек ўз органлари, миллий ва халқаро нодавлат ташкилотлари ҳамда халқаро ташкилотлар ўртасида халқаро ҳамкорликка ва мувофиқлаштиришга кўмаклашадилар.

2. Иштирокчи-давлатлар жабрдийда болаларнинг жисмоний ва руҳий тикланишлари, ижтимоий ҳаётга қайтишлари ва репатриация ишларида ёрдам беришга йўналтирилган халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашадилар.

3. Иштирокчи-давлатлар болаларнинг болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги, болалар порнографияси ва болалар жинсий туризми объекти бўлиб қолиши сифатида заифлигини кучайтирадиган қашшоқлик ва етарли

даражада ривожланмаганлик каби асосий сабабларни бартараф этиш мақсадида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўмаклашадилар.

4. Бунинг учун тегишли имкониятларга эга бўлган иштирокчи-давлатлар мавжуд кўптомонлама, минтақавий, икки томонлама ёхуд бошқа дастурлар доирасида молиявий, техник ва бошқа ёрдам кўрсатадилар.

11-модда

Мазкур Баённомада ҳеч нарса боланинг ҳуқуқларини амалга оширишга кўпроқ кўмаклашадиган ҳеч бир қоидаларига ва қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин бўлган қоидаларга таъсир қилмайди:

- а) иштирокчи-давлатнинг қонун ҳужжатларида;
- б) мазкур давлат учун амалда бўлган халқаро ҳуқуқ нормаларида.

12-модда

1. Ҳар бир иштирокчи-давлат Бола ҳуқуқлари бўйича кўмига мазкур Баённома ушбу иштирокчи-давлат учун кучга киргандан кейин икки йил давомида Баённома қоидаларини амалга ошириш мақсадида қабул қилинган чора-тадбирлар тўғрисидаги кенг қамровли ахборотларни ўз ичига олган маърузани тақдим этади.

2. Ҳар бир иштирокчи-давлат кенг қамровли маъруза тақдим этилганидан кейин Бола ҳуқуқлари бўйича кўмига Конвенциянинг 44-моддасига мувофиқ тақдим этиладиган маърузаларга Баённоманинг амалга оширилишига доир ҳар қандай қўшимча ахборотни киритади. Баённоманинг бошқа иштирокчи-давлатлари ҳар беш йилда маъруза тақдим этадилар.

3. Бола ҳуқуқлари бўйича кўмига иштирокчи-давлатлардан мазкур Баённоманинг амалга оширилишига доир қўшимча ахборотни сўраши мумкин.

13-модда

1. Мазкур Баённома Конвенциянинг иштирокчиси бўлган ҳар қандай давлат томонидан имзоланиши учун ёки уни имзолаган давлат учун очиқ.

2. Ушбу Баённома ратификация қилиниши керак ва Конвенциянинг иштирокчиси бўлган ёки уни имзолаган ҳар қандай давлатнинг қўшилиши учун очиқ. Ратификация ёрлиқлари ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилади.

14-модда

1. Мазкур Баённома ўнинчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилгандан кейин уч ой ўтгач кучга киради.

2. Мазкур Баённомани ратификация қилган ёки у кучга киргандан кейин унга қўшилган ҳар бир давлат учун учбу Баённома унинг ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилгандан кейин бир ой ўтгач кучга киради.

15-модда

1. Ҳар қандай иштирокчи-давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига ёзма равишда хабардор қилиш орқали ушбу Баённомани денонсация қилиши мумкин, сўнгра у бу ҳақда Конвенциянинг бошқа иштирокчи-давлатларини ва Конвенцияни имзолаган барча давлатларни хабардор қилади. Денонсация Бош котиб томонидан бу каби билдиришнома олинган санадан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

2. Бундай денонсация иштирокчи-давлатни мазкур Баённома бўйича унинг денонсация кучга кирадиган санагача содир этилган ҳар қандай жиноятга нисбатан мажбуриятларидан озод қилмайди. Худди шу каби, бундай денонсация, ҳеч бир тарзда, денонсация кучга кирадиган санагача Қўмита томонидан кўриб чиқиладиган ҳар қандай масаланинг кейинчалик кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди.

16-модда

1. Ҳар қандай иштирокчи-давлат тузатиш таклифини киритиши ва уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этиши мумкин. Сўнгра, Бош котиб таклиф киритилган тузатишларни, ушбу таклифларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан овоз бериш мақсадида иштирокчи-давлатлар конференциясини чақириш тарафдори эканликларини билдиришларини сўраб мазкур иштирокчи-давлатларга қайта юборади. Агар бундай хабар етказилган санадан бошлаб тўрт ой мобайнида иштирокчи-давлатларнинг ҳеч бўлмаганда учдан бир қисми шундай конференцияни чақиришни билдирса, Бош котиб бу конференцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида чақиради. Ушбу конференцияда ҳозир бўлган ва овоз беришда иштирок этган иштирокчи-давлатларнинг кўпчилиги томонидан қабул қилинган ҳар қандай тузатиш Бош Ассамблеяга тасдиқлаш учун тақдим этилади.

2. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ қабул қилинган тузатиш, уни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси тасдиқлагандан кейин ҳамда иштирокчи-давлатларнинг учдан икки қисмининг кўпчилик овози билан қабул қилинганидан кейин кучга киради.

3. Тузатиш кучга киргандан кейин уни қабул қилган иштирокчи-давлатлар учун мажбурий бўлади, бошқа иштирокчи-давлатлар учун эса ушбу Баённома қоидалари ва улар томонидан қабул қилинган ҳар қандай тузатишлар мажбурий бўлиб қолади.

17-модда

1. Мазкур Баённоманинг инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларидаги матнлари айнан бир хил бўлиб, улар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг архивида сақланиши учун топширилиши керак.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби мазкур Баённоманинг тасдиқланган нусхаларини Конвенциянинг барча иштирокчи-давлатларига ва Конвенцияни имзолаган барча давлатларга юборади.

БОЛАЛАРНИ ХАЛҚАРО ЎҒИРЛАБ КЕТИШНИНГ ФУҚАРОЛИК- ХУҚУҚИЙ ЖИХАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ

Гаага, 1980 йил 25 октябрь

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 1 майдаги
629-1-сон қарори билан ратификация қилинган*

Ушбу Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари,
болаларнинг манфаатлари уларга васийлик қилишга тааллуқли
масалаларда муҳим аҳамиятга эга эканлигига қатъий *ишонч ҳосил қилиб*,
болаларни ғайриқонуний кўчириш ёки ушлаб туришнинг зарарли
оқибатларидан халқаро миқёсда ҳимоя қилишни ва уларнинг зудлик билан
доимий яшаш давлатига қайтарилишини таъминлайдиган тартиб-
таомилларни белгилашни, шунингдек фойдаланиш имкониятига эга бўлиш
ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш *истагини билдириб*,
шу мақсадда Конвенция тузишга қарор қилиниб, қуйидаги қоидалар
тўғрисида келишиб олдилар:

I БОБ. КОНВЕНЦИЯНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ СОҲАСИ

1-модда

Ушбу Конвенциянинг мақсадлари:

- а) Аҳдлашувчи давлатлардан бирига ғайриқонуний равишда кўчирилган ёки Аҳдлашувчи давлатлардан бирида ушлаб турилган болаларнинг зудлик билан қайтишини таъминлаш;
- б) бир Аҳдлашувчи давлатнинг қонунчилигида назарда тутилган васийлик ва фойдаланиш имкониятига эга бўлиш ҳуқуқларига бошқа Аҳдлашувчи давлатларда самарали риоя этилишини таъминлаш.

2-модда

Аҳдлашувчи давлатлар ўз ҳудудларида Конвенция мақсадларига эришишни таъминлаш учун барча тегишли чораларни кўрадилар. Бунинг учун улар ўз ихтиёрида бўлган энг тезкор процедуралардан фойдаланадилар.

3-модда

Болани кўчириш ёки ушлаб туриш ноқонуний сифатида кўрилади, агар:

- а) ҳар қандай шахсга, муассасага ёки бошқа ташкилотга берилган васийлик ҳуқуқлари биргаликда ёки якка тартибда болани кўчириш ёки ушлаб турилгунга қадар доимий яшаган давлати қонунчилигига мувофиқ амалга оширилган бўлса;
- б) кўчириш ёки ушлаб туриш вақтида ушбу ҳуқуқлар ҳақиқатан ҳам биргаликда ёки якка тартибда амалга оширилган ёхуд агар кўчириш ёки ушлаб туриш содир бўлмаганда амалга оширилган бўлса.

Юқорида (а) бандда айтиб ўтилган васийлик ҳуқуқлари, хусусан, қонунга мувофиқ ёхуд суд ёки маъмурий қарор асосида ёхуд ушбу давлатнинг қонунчилигига кўра юридик кучга эга бўлган келишув асосида юзага келиши мумкин.

4-модда

Конвенция бирон бир Аҳдлашувчи давлатда доимий равишда истиқомат қилувчи ҳар қандай болага бевосита васийлик ёки фойдаланиш имкониятига эга бўлиш ҳуқуқи бузилишидан олдин қўлланилади. Конвенцияни қўллаш бола 16 ёшга тўлганда тўхтатилади.

5-модда

Ушбу Конвенция мақсадлари учун:

а) “васийлик ҳуқуқлари” боланинг шахсияти тўғрисида ғамхўрлик қилиш билан боғлиқ ҳуқуқларни, хусусан, боланинг яшаш жойини аниқлаш ҳуқуқини ўз ичига олади;

б) “фойдаланиш имкониятига эга бўлиш ҳуқуқлари” болани чекланган муддатга унинг доимий яшаш жойидан бошқа жойга олиб кетиш ҳуқуқини ўз ичига олади.

II БОБ. МАРКАЗИЙ ОРГАНЛАР

6-модда

Аҳдлашувчи давлат Марказий органга Конвенция томонидан юклатилган вазифаларни бажариш учун мазкур органни тайинлайди.

Федерал давлатлар, бир нечта ҳуқуқий тизимларга эга давлатлар ёки автоном ҳудудий бирликларга эга давлатлар бир нечта Марказий органларни тайинлаши ва уларни ваколатларининг ҳудудий чегараларини белгилашлари мумкин. Агар давлат бир нечта Марказий органларни тайинлаган бўлса, у ўз номидан ушбу давлат ҳудудидаги тегишли Марказий органга топшириши учун аризалар юбориладиган Марказий органни тайинлаши керак.

7-модда

Марказий органлар бир-бири билан ҳамкорлик қилади ҳамда болаларнинг зудлик билан қайтишини ва ушбу Конвенциянинг бошқа мақсадларига эришишни таъминлаш учун ўз давлатларидаги ваколатли органлар ўртасидаги ҳамкорликка кўмаклашади.

Хусусан, улар тўғридан-тўғри ёки воситачи орқали барча зарур чораларни кўрадилар:

а) ғайриқонуний кўчирилган ёки ушлаб турилган боланинг жойлашган жойини аниқлаш;

б) вақтинчалик чоралар кўриш ёки чораларни кўришни таъминлаш орқали болага кўшимча зарар етказилишининг ёхуд манфаатдор томонларга зарар етказилишининг олдини олиш;

с) боланинг ихтиёрий қайтишини таъминлаш ёки низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилишга кўмаклашиш;

д) агар керак бўлса боланинг ижтимоий ҳолатига оид маълумотларни алмашиш;

е) Конвенциянинг қўлланилиши билан боғлиқ қисмида ўз давлатининг қонунчилиги тўғрисида умумий ахборотни тақдим этиш;

ф) боланинг қайтиб келишига эришиш учун суд ёки маъмурий процедураларни юритиш ёки кўзғатишга кўмаклашиш ҳамда керак бўлганда, фойдаланиш имкониятига эга бўлиш ҳуқуқининг самарали амалга оширилишини ташкил этиш ёки таъминлаш чораларини кўриш;

г) агар вазият талаб этса, юридик ёрдам ва маслаҳат беришни таъминлаш ёки адвокат ва ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчиларнинг иштирокини таъминлашга кўмаклашиш;

ҳ) боланинг хавфсиз қайтишини таъминлаш учун зарур ва мос келадиган маъмурий чораларни кўзда тутиш;

и) Конвенцияни амалга ошириш тўғрисида бир-бирларини хабардор қилиш ва иложи борича уни қўллашдаги тўсиқларни бартараф этиш.

III БОБ. БОЛАЛАРНИНГ ҚАЙТИШИ

8-модда

Боланинг васийлик ҳуқуқлари бузилган ҳолда кўчирилган ёки ушлаб турилганлигини даъво қилган ҳар қандай шахс, муассаса ёки бошқа ташкилот болани қайтишини таъминлашга ёрдам сўраб боланинг доимий яшаш жойидаги Марказий органига ёки ҳар қандай бошқа Аҳдлашувчи давлатнинг Марказий органига мурожаат қилиши мумкин.

Аризада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

а) аризачининг, боланинг ва болани ўғирлаб кетган ёки ушлаб турган шахснинг шахси тўғрисида маълумотлар;

б) агар бундай маълумотлар мавжуд бўлса, боланинг туғилган санаси;

с) ариза берувчининг болани қайтариш тўғрисидаги талабига асосланган ҳолатлар;

д) боланинг турган жойи ва бола ким билан биргалиги тахмин қилинаётган шахснинг кимлиги тўғрисида мавжуд бўлган барча маълумотлар.

Аризага илова қилиниши мумкин:

е) ишга тегишли ҳар қандай қарор ёки келишувнинг тасдиқланган нусхаси;

ф) бола доимий яшайдиган давлатининг Марказий органи ёки бошқа ваколатли органи ёки ушбу давлатнинг тегишли қонунчилигига оид ваколатли шахсдан келиб чиққан гувоҳнома ёки ёзма кўрсатма;

г) ишга тегишли бошқа ҳар қандай ҳужжат.

9-модда

Агар 8-моддада назарда тутилган аризани олган Марказий орган боланинг бошқа Аҳдлашувчи давлатда эканлигига ишониш учун асосларга

эга бўлса, у ушбу аризани тўғридан-тўғри ва дарҳол мазкур Аҳдлашувчи давлатнинг Марказий органига юборади ҳамда вазиятга қараб сўров юборган Марказий органни ёки аризачини хабардор қилади.

10-модда

Боланинг яшаш мамлакатининг Марказий органи боланинг ихтиёрий равишда қайтишини ташкил этиш учун барча зарур чораларни кўриши ёки қабул қилишни ташкил қилиши шарт.

11-модда

Аҳдлашувчи давлатларнинг суд ёки маъмурий органлари болани қайтариш учун шошилиш чоралар кўришлари шарт.

Агар тегишли суд ёки маъмурий орган процедуралар бошланган кундан бошлаб олти ҳафта мобайнида қарор қабул қилмаган бўлса, аризачи ёки сўров юборилган давлатнинг Марказий органи ўз ташаббуси билан ёки сўров юборган давлат Марказий органининг илтимосига биноан кечикиш сабаблари тўғрисида тушунтириш талаб қилишга ҳақли. Агар сўров юборилган давлатнинг Марказий органи томонидан жавоб олинган бўлса, ушбу орган жавобни вазиятга қараб сўров юборган давлатнинг Марказий органига ёки аризачига юборади.

12-модда

Агар бола 3-моддага мувофиқ ғайриқонуний равишда кўчирилган ёки ушлаб турилган бўлса ва бола жойлашган Аҳдлашувчи давлатнинг суд ёки маъмурий органларида иш жараёни бошланган пайтда бола ғайриқонуний кўчирилган ёки ушлаб турилган кундан бошлаб бир йилдан кам вақт ўтган бўлса, мазкур орган болани қайтаришни буюриши шарт.

Агар иш аввалги бандда кўрсатилган бир йиллик муддат тугаганидан кейин бошланган бўлса ҳам, суд ёки маъмурий органлар, агар бола янги муҳитга мослашганлиги исботланмаса, болани қайтаришни буюриши шарт.

Агар сўров юборилган давлатнинг суд ёки маъмурий органи болани бошқа давлатга кўчирилганига ишониш учун асоси бўлса, ушбу орган иш жараёнини тўхтатиши ёки болани қайтариш тўғрисидаги аризани рад этиши мумкин.

13-модда

Аввалги модданинг қоидаларига қарамасдан, сўров юборилган давлатнинг суд ёки маъмурий органи, агар боланинг қайтарилишига тўсқинлик қилувчи шахс, муассаса ёки бошқа орган куйидагиларни белгиласа, болани қайтариш тўғрисида қарор қабул қилишга мажбур эмас:

а) болага ғамхўрлик қилган шахс, муассаса ёки бошқа орган болани кўчирилиши ёки ушлаб турилиши пайтида ўз васийлик ҳуқуқига эга бўлмаган ёхуд унинг кўчирилиши ёки ушлаб турилишига розилик берган ёки кейинчалик бунга эътироз билдирмаган; ёки

б) боланинг қайтиши унга жисмоний ёки руҳий зарар етказиши хавфини туғдириши ёхуд уни бошқа йўл билан чидаб бўлмас ҳолатга тушиб қолиши каби жиддий хавф мавжуд.

Суд ёки маъмурий орган, агар бола қайтиб келиши бўйича эътироз билдирса ҳамда ўзининг қарорлари учун жавоб бериши мумкин бўлган ёшга ва етуқлик даражасига етган бўлса, болани қайтариб беришни буюришни рад этиши мумкин.

Ушбу моддада келтирилган ҳолатларни кўриб чиқишда суд ва маъмурий органлар бола доимий яшайдиган мамлакатининг Марказий органи ёки бошқа ваколатли органи томонидан боланинг ижтимоий ҳолати билан боғлиқ тақдим этилган маълумотларни ҳисобга олишлари керак.

14-модда

3-моддага мувофиқ ғайриқонуний кўчириш ёки олиб кетиш содир бўлганлигини аниқлашда сўров юборилган давлатнинг суд ёки маъмурий органлари тўғридан-тўғри қонунчиликни, шунингдек ушбу қонунчиликни тасдиқлаш ёки хорижий давлатнинг бошқа ҳолатда қўлланилиши мумкин бўлган қарорларини тан олиш учун махсус процедураларга мурожаат қилмасдан, бола яшайдиган мамлакатда расман тан олинган ёки тан олинмаган суд ва маъмурий қарорларни бевосита эътиборга олишлари мумкин.

15-модда

Аҳдлашувчи давлатнинг суд ёки маъмурий органлари болани қайтариб бериш тўғрисида буйруқ чиқаришдан олдин аризачидан боланинг доимий истиқомат қиладиган мамлакати органларининг қарорини ёхуд ушбу Конвенциянинг 3-моддасига мувофиқ уни олиб кетиш ёки ушлаб туриш ноқонуний бўлганлиги тўғрисидаги бошқа қарорни, агар бундай қарор ёки ажримни ушбу давлатдан олиш мумкин бўлса, уни тақдим этишни сўраши мумкин. Аҳдлашувчи давлатларнинг Марказий органлари ариза берувчига иложи борича бундай қарор ёки ажримни олишда ёрдам беришга мажбурдирлар.

16-модда

3-моддага мувофиқ болани ғайриқонуний топшириш ёки ушлаб туриш тўғрисида хабар олгандан сўнг, бола кўчирилган ёки у ушлаб турилган Аҳдлашувчи давлатнинг суд ёки маъмурий органлари бола ушбу Конвенцияга биноан қайтариб берилмаслиги аниқланмагунча ёки агар хабар олингандан кейин оқилона вақт давомида ариза берилмаган бўлса, васийлик ҳуқуқининг моҳияти тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

17-модда

Васийлик тўғрисидаги қарор сўров юборилган давлатга тақдим этилганлиги ёки тасдиқланиши кераклиги, ушбу Конвенцияга мувофиқ болани қайтаришни рад этиш учун асос бўлмайди, бироқ сўров юборилган

давлатнинг суд ёки маъмурий органлари мазкур Конвенцияни қўллашда бундай қарорнинг сабабларини ҳисобга олиши мумкин.

18-модда

Ушбу модданинг қоидалари юридик ёки маъмурий органларнинг исталган вақтда болани қайтариб бериш тўғрисида буйруқ бериш ваколатларини чекламайди.

19-модда

Ушбу Конвенцияга мувофиқ чиқарилган болани қайтариш тўғрисидаги қарор ҳар қандай васийлик масаласининг афзалликларини аниқлаш сифатида қабул қилиниши мумкин эмас.

20-модда

12-модда қоидаларига мувофиқ болани қайтариб бериш рад этилиши мумкин, агар бунга сўров юборилган давлатнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига тегишли асосий принциплари йўл қўйилмаса.

IV БОБ. ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНЯТИГА ЭГА БЎЛИШ ХУҚУҚЛАРИ

21-модда

Фойдаланиш имкониятига эга бўлиш ҳуқуқларидан самарали оширишни ташкил этиш ёки таъминлаш чораларини кўриш тўғрисидаги ариза Аҳдлашувчи давлатларнинг Марказий органларига болани қайтариш тўғрисидаги ариза билан бир хил тарзда тақдим этилиши мумкин.

Ҳокимиятнинг Марказий органлари тинч йўл билан кириш ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашиш ва бундай ҳуқуқлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай шартларни бажариш мақсадида 7-моддада кўрсатилган ҳамкорлик бўйича мажбуриятлари билан боғлиқдир. Марказий органлар бундай ҳуқуқлардан фойдаланиш йўлидаги барча тўсиқларни имкон қадар бартараф этиш учун барча чораларни кўришга мажбур.

Марказий органлар тўғридан-тўғри ёки воситачилар орқали бундай ҳуқуқларни ташкил қилиш ёки ҳимоя қилиш ва ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган шартларга риоя қилишни таъминлаш мақсадида тартиб-таомилларга қизиқтириши ёки кўмаклашиши мумкин.

V БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

22-модда

Ушбу Конвенцияни қўллаш доирасида суд ёки маъмурий процедураларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ва харажатларни

тўлашни кафолатлаш учун ҳеч қандай гаров ёки бошқа тўлов талаб қилинмайди.

23-модда

Ушбу Конвенция контекстида қонунийлаштириш ёки бошқа шунга ўхшаш расмийлик талаб қилинмайди.

24-модда

Сўров юборилаётган давлатнинг Марказий органларига юборилган ҳар қандай баёнот, хабар ёки бошқа ҳужжат асл тилда тузилади ҳамда сўров юборилаётган давлатнинг расмий тили ёки расмий тилларидан бирига ёхуд агар бунинг иложи бўлмаса, француз ёки инглиз тилларига таржимаси билан илова қилинади.

Бироқ, Аҳдлашувчи давлат 42-моддага мувофиқ қўшимча шарт қўйиши орқали унинг Марказий органига юборилган баёнотда, хабарда ёки бошқа ҳужжатда француз ёки инглиз тилидан фойдаланишга эътироз билдириши мумкин.

25-модда

Аҳдлашувчи давлатларнинг фуқаролари ва ушбу давлатларда доимий яшовчи шахслар мазкур Конвенцияни қўллаш билан боғлиқ масалаларда бошқа ҳар қандай аҳдлашувчи давлатда, улар ўзлари худди шу шароитларда ушбу давлатнинг фуқаролари каби ёки унинг ҳудудида доимий яшовчи сифатида юридик ёрдам ва маслаҳат олиш ҳуқуқига эга.

26-модда

Ҳар бир Марказий орган ушбу Конвенцияни қўллаш харажатларини мустақил равишда ўз зиммасига олади.

Аҳдлашувчи давлатларнинг Марказий органлари ва бошқа давлат хизматлари ушбу Конвенцияга мувофиқ тақдим этилган аризалар бўйича ҳақ олмайди. Хусусан, улар ариза берувчидан тартиб-таомилларни амалга ошириш ёки тегишли ҳолларда, ишда адвокат ёки ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчиларнинг иштироки билан боғлиқ харажатлар ва чиқимларни тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас. Бироқ, улар болани қайтаришни таъминлаш билан боғлиқ, амалга оширилиши керак бўлган харажатлар ва чиқимларни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Аммо, Аҳдлашувчи давлат 42-моддага мувофиқ қўшимча шарт қўйиши орқали ишда адвокат ёки ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчиларнинг иштироки ёки суд тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ олдинги бандда келтирилган ҳар қандай харажатларни қопламаслигини эълон қилиши мумкин, унинг юридик ёрдам ва маслаҳат тизими томонидан ундирилиши мумкин бўлган харажатлар бундан мустасно.

Ушбу Конвенцияга мувофиқ суд ёки маъмурий органлар болани қайтариш тўғрисида буйруқ ёки фойдаланиш имкониятига эга бўлиш ҳуқуқига тааллуқли кўрсатма берилгандан сўнг, зарур ҳолларда, болани

кўчирган ёки ушлаб турган ёхуд фойдаланиш имкониятига эга бўлиш ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилган шахсга ариза берувчи ёки ариза берувчи номидан келиб чиққан зарур харажатларни, шу жумладан, йўл харажатлари, боланинг жойлашган жойини аниқлаш билан боғлиқ харажатлар, ариза берувчининг юридик вакили билан боғлиқ харажатлар ва болани қайтариш бўйича харажатларни тўлашига буйруқ бериши мумкин.

27-модда

Агар ушбу Конвенция талаблари бажарилмаганлиги ёки ариза этарли даражада асосланмаганлиги аниқ бўлса, Марказий орган бундай аризани қабул қилишга мажбур эмас. Бундай ҳолда, Марказий орган вазиятга қараб, ариза берувчини ёки ариза тақдим этилган Марказий органни дарҳол хабардор қилади.

28-модда

Марказий орган аризага ариза берувчи номидан ҳаракат қилиш ёки бунинг учун вакил тайинлаш ҳуқуқини берувчи ёзма ишончнома илова қилинишини талаб қилиши мумкин.

29-модда

Ушбу Конвенция 3 ва 21-моддаларга мувофиқ вакиллик ёки фойдаланиш имкониятига эга бўлиш ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан даъво қилган ҳар қандай шахс, муассаса ёки бошқа ташкилотнинг ушбу Конвенция қоидаларига биноан ёки унга асосланмасдан тўғридан-тўғри Аҳдлашувчи давлатнинг суд ёки маъмурий органларига мурожаат қилишига тўсқинлик қилмайди.

30-модда

Ушбу Конвенция шартларига мувофиқ Марказий органларга ёки тўғридан-тўғри Аҳдлашувчи давлатнинг суд ёки маъмурий органларига тақдим этилган ҳар қандай ариза ҳужжатлар ва унга илова қилинган ёки Марказий орган томонидан тақдим этилган бошқа ҳар қандай ахборотлар билан биргаликда Аҳдлашувчи давлатларнинг суд ёки маъмурий органлари томонидан қабул қилиниши керак.

31-модда

Турли ҳудудий бирликларда қўлланиладиган болаларга васийлик қилиш масалаларида икки ва ундан ортиқ ҳуқуқий тизимга эга бўлган давлатларга нисбатан:

а) бундай давлатда доимий яшаш жойига ҳар қандай кўрсатмаси ушбу давлатнинг ҳудудий бирликдаги доимий яшаш жойига тааллуқли деб талқин қилинади;

б) бундай давлат қонунининг ҳар қандай кўрсатмаси бола доимий яшайдиган ушбу давлатнинг тегишли ҳудудий бирлигида амал қиладиган қонун билан боғлиқ деб талқин этилади.

32-модда

Болаларга васийлик қилиш масалаларида турли тоифадаги шахсларга қўлланиладиган икки ёки ундан ортиқ ҳуқуқий тизимларга эга бўлган давлатга нисбатан бундай давлат қонунининг ҳар қандай кўрсатмаси ушбу давлат қонуни билан белгиланган ҳуқуқий тизимга тегишли деб талқин қилинади.

33-модда

Турли ҳудудий бирликларда болаларга васийлик қилишга нисбатан ўз ҳуқуқий нормаларига эга бўлган давлат, агар ягона ҳуқуқий тизимга эга бўлган бирон бир давлат буни амалга оширишга мажбур бўлмаса, ушбу Конвенцияни қўллаши шарт эмас.

34-модда

Ушбу Конвенция ўзининг қўлланилиш доирасига кирадиган масалалар бўйича 1961 йил 5 октябрдаги Вояга етмаганларни ҳимоя қилишда органларнинг ваколатлари ва амалдаги қонунчиликка тааллуқли конвенцияга нисбатан иккала Конвенция томонлари ўртасидаги муносабатларда устуворликка эга. Ушбу Конвенция ноқонуний кўчирилган ёки ушлаб турилган болани қайтариш ёки фойдаланиш имкониятига эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида келиб чиқиш давлати ва сўров юборилган давлат ўртасидаги муносабатларда амал қиладиган бошқа халқаро ҳужжатларни ёки сўров юборилган давлатнинг бошқа қонун ҳужжатларининг қўлланилишини чекламайди.

35-модда

Ушбу Конвенция Аҳдлашувчи давлатлар ўртасида фақат ушбу давлатларда кучга киргандан кейин содир бўлган ғайриқонуний кўчириш ёки ушлаб туришларга нисбатан қўлланилади.

Агар 39 ва 40-моддаларга мувофиқ ариза берилган бўлса, аввалги банддаги Аҳдлашувчи давлатларга кўрсатма ушбу Конвенция қўлланиладиган ҳудудий бирликка ёки бирликларга тегишли деб тушунилиши керак.

36-модда

Ушбу Конвенцияда ҳеч нарса икки ёки ундан ортиқ Аҳдлашувчи давлатларни боланинг қайтиши боғлиқ бўлиши мумкин бўлган чекловлар сонини камайтириш мақсадида ушбу Конвенциянинг бундай чекловларга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай қоидаларини қўлламаслик тўғрисида ўзаро келишиб олишларига тўсқинлик қилмайди.

VI БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

37-модда

Ушбу Конвенция халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференциясининг ўн тўртинчи сессияси давомида аъзолари бўлган давлатлар томонидан имзоланиши учун очиқ.

Ушбу Конвенция ратификация қилиниши, қабул қилиниши ёки тасдиқланиши керак ва ратификация қилиш, қабул қилиш ёки тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатлар Нидерландия Қироллиги Ташқи ишлар вазирлигига сақлаш учун топширилади.

38-модда

Ҳар қандай бошқа давлатлар Конвенцияга қўшилиши мумкин.

Қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатлар Нидерландия Қироллиги Ташқи ишлар вазирлигига сақлаш учун топширилади.

Конвенция, унга қўшилган давлат учун қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилганидан кейин учинчи календар ойининг биринчи кунидан кучга киради.

Қўшилиш фақат қўшилган давлат ва қўшилишни тан олиши тўғрисида эълон қилган Аҳдлашувчи давлатлар ўртасидаги муносабатларда кучга киради. Бундай баёнот қўшилганидан сўнг ушбу Конвенцияни ратификация қилган, қабул қилган ёки тасдиқлаган Аҳдлашувчи давлат томонидан ҳам қилиниши керак. Бу баёнот Нидерландия Қироллиги Ташқи ишлар вазирлигига сақлаш учун топширилади; мазкур вазирлик дипломатик каналлар орқали ҳар бир Аҳдлашувчи давлатга тасдиқланган нусхасини юборади.

Конвенция, унга қўшилган давлат ва қўшилишни эътироф этгани тўғрисида баёнот берган давлат ўртасида эътироф этиш тўғрисидаги баёнот сақлаш учун топширилганидан кейин учинчи календар ойининг биринчи кунидан кучга киради.

39-модда

Ҳар қандай давлат имзолаш, ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш пайтида ушбу Конвенция халқаро муносабатлар учун жавобгар бўлган барча ҳудудларда ёхуд уларнинг бир ёки бир нечасида жорий этилишини баён этиши мумкин. Бундай баёнот мазкур давлат учун Конвенция кучга кирган санадан бошлаб кучга киради.

Бундай баёнот, шунингдек ҳар қандай кейинги амал қилиш доирасининг кенгайиши тўғрисида Нидерландия Қироллиги Ташқи ишлар вазирлиги хабардор қилинади.

40-модда

Агар Аҳдлашувчи давлат ушбу Конвенция билан тартибга солинадиган масалаларга нисбатан турли хил ҳуқуқий тизимлар қўлланиладиган икки ёки ундан ортиқ ҳудудий birlikларга эга бўлса, мазкур давлат имзолаш,

ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш пайтида ушбу Конвенция унинг барча ҳудудий бирликларида ёки фақат битта ёхуд бир нечтасида жорий этилади деб баёнот бериши мумкин ва бу баёнотни исталган вақтда янги баёнот бериш орқали ўзгартириши мумкин.

Ҳар бир бундай баёнот тўғрисида Нидерландия Қироллиги Ташқи ишлар вазирлиги хабардор қилинади ҳамда ушбу баёнотда Конвенция қамраб олган ҳудудий бирликлар аниқ кўрсатилиши керак.

41-модда

Агар Аҳдлашувчи давлат ижро этувчи, суд ва қонунчилик ваколатлари давлат таркибидаги марказий ва ҳокимиятнинг бошқа органлари ўртасида тақсимланадиган бошқарув шаклига эга бўлса, бундай давлатда ваколатларнинг ички тақсимланишига нисбатан ушбу Конвенциянинг имзоланиши, ратификация қилиниши, қабул қилиниши ёки тасдиқланиши ёхуд унга қўшилиш ёки 40-моддага асосланиб қилинган баёнот таъсир кўрсатмайди.

42-модда

Ҳар қандай давлат ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш пайтидан кечиктирмасдан ёхуд 39 ёки 40-моддалар асосида қилинган баёнот пайтида 24-модда ва 26-модданинг учинчи бандида назарда тутилган бир ёки иккала шартларни қўйиши мумкин. Бошқа ҳеч қандай шартлашишга йўл қўйилмайди.

Ҳар қандай давлат исталган вақтда қўйган шартларни олиб ташлаши мумкин. Бундай олиб ташлаш тўғрисида Нидерландия Қироллиги Ташқи ишлар вазирлиги хабардор қилинади.

Шартлашиш олдинги бандда кўрсатилган хабарномадан кейин учинчи календар ойининг биринчи кунидан ўз кучини йўқотади.

43-модда

Ушбу Конвенция 37 ва 38-моддаларда назарда тутилган ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисидаги учинчи ҳужжат сақлаш учун топширилганидан кейин учинчи календар ойининг биринчи кунидан кучга киради.

Шундан сўнг Конвенция кучга киради:

а) ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилганидан кейин учинчи календар ойининг биринчи кунидан уни ратификация қилган, қабул қилган, тасдиқлаган ёки кейинчалик унга қўшилган ҳар бир давлат учун;

б) 39 ёки 40-моддаларга мувофиқ Конвенция қамраб олган ҳудудлар ёки ҳудудий бирликлар учун ушбу моддаларда назарда тутилган хабарномадан кейин учинчи календар ойининг биринчи кунидан.

44-модда

43-модданинг 1-бандига мувофиқ Конвенция кучга кирган санадан бошлаб беш йил давомида, шу жумладан, кейинчалик уни ратификация қилган, қабул қилган, тасдиқлаган ёки унга қўшилган давлатлар учун ўз кучида қолади.

Конвенциянинг амал қилиши, агар денонсация қилинмаган бўлса, ҳар беш йилда автоматик равишда янгиланади.

Ҳар бир денонсация тўғрисидаги билдиришнома беш йиллик муддат тугашидан камида олти ой олдин Нидерландия Қироллиги Ташқи ишлар вазирлигига юборилади. У Конвенция қўлланиладиган муайян ҳудудлар ёки ҳудудий бирликлар билан чекланиши мумкин.

Денонсация фақат у ҳақида хабар берган давлатга нисбатан амал қилади. Конвенция бошқа Аҳдлашувчи давлатлар учун ўз кучида қолади.

45-модда

Нидерландия Қироллиги Ташқи ишлар вазирлиги халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференциясига аъзо давлатларни ва 38-моддага мувофиқ қўшилган давлатларни қуйидагилар ҳақида хабардор қилади:

1) 37-моддада эслатиб ўтилган имзолаш, ратификация қилиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш тўғрисида;

2) 38-моддада эслатиб ўтилган қўшилишлар тўғрисида;

3) 43-моддага мувофиқ Конвенциянинг кучга кириш санаси тўғрисида;

4) 39- моддага мувофиқ қамров доирасини кенгайтириш тўғрисида;

5) 38 ва 40-моддаларда эслатиб ўтилган баёноتلар тўғрисида;

6) 24-модда ва 26-модданинг учинчи бандида эслатиб ўтилган қўшимча шартлар, шунингдек 42-моддада эслатиб ўтилганларни олиб ташлаш тўғрисида;

7) 44-моддада эслатиб ўтилган денонсация тўғрисида.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАМСИТИШНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ

*БМТ Бош Ассамблеясининг 1979 йил 18 декабрдаги 34/180-сон
резолуцияси билан қабул қилинган ҳамда имзолаш, ратификация қилиш
ва қўшилиш учун очиқ*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги
87–I-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган*

Ушбу Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шахсиятининг қадр-қиммати ва қадриятига, эркак ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлигига ишончни яна қарор топтирганлигини *ҳисобга олган ҳолда,*

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси камситишга йўл қўймаслик тамойилини тасдиқлаганини ва барча одамлар ўзининг қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқида эркин ва тенг бўлиб туғилишини, ҳар бир инсон унда эътироф этилган барча ҳуқуқ ва эркинликларга ҳеч қандай фарқларсиз, шу жумладан, жинсга нисбатан ҳам эга бўлиши кераклигини маълум қилганини *ҳисобга олиб,*

инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактларнинг иштирокчи-давлатларига эркак ва хотин-қизлар учун барча иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан тенг фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш мажбурияти юклатилганлигини *ҳисобга олиб,*

эркак ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли бўлишига ёрдам бериш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослаштирилган муассасалар шафелигида тузилган халқаро конвенцияларни *эътиборга олиб,*

шунингдек, эркак ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли бўлишига ёрдам бериш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослаштирилган муассасалар томонидан қабул қилинган резолюциялар, декларациялар ва тавсияномаларни *ҳисобга олиб,*

бирок, мана шу турли ҳужжатларга қарамай, хотин-қизларга нисбатан жиддий камситилиш ҳоллари ҳали ҳам мавжудлигидан *ташвишланиб,*

хотин-қизларнинг камситилиши инсон қадр-қимматига бўлган тенг ҳуқуқлилик ва ҳурмат қилиш сабабларининг бузилишига, хотин-қизларнинг эркаклар билан бир қаторда ўз мамлакатининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида иштирок этишига тўсқинлик қилишини, жамият ва оила фаровонлигининг ўсишига ҳалақит беришини ҳамда хотин-қизларнинг ўз мамлакатлари ва инсониятнинг манфаатлари йўлида имкониятларини тўлиқ намоён қилишини янада қийинлаштиришини *эслатиб,*

қашшоқлик шароитларида хотин-қизларнинг озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш, таълим, касб тайёргарлик ва ишга жойлашиш имкониятлари,

шунингдек бошқа эҳтиёжлардан фойдаланиш имконияти жуда кам эканлигидан *ташвишланиб*,

тенглик ва адолатга асосланган янги халқаро иқтисодий тартибнинг ўрнатилиши эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги тенгликни таъминлашда сезиларли ҳисса қўшишига *қатъий ишониб*,

ирқий айирмачилик, барча турдаги ирқчилик, ирқий камситиш, эски ва янги мустамлакачилик (колониализм ва неоколониализм), агрессия, хорижий босиб олиниш ва ҳукмронлик ҳамда давлатларнинг ички ишларига аралашшига барҳам бериш эркаклар ва хотин-қизлар ҳуқуқларини тўла амалга ошириш учун зарур эканлигини *таъкидлаб*,

халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро кескинликни юмшатиш, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий тизимларидан қатъи назар, барча давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, оммавий ва батамом қуролсизланиш, хусусан, қатъий ва самарали халқаро назорат остида ядровий қуролсизланиш, мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда адолат, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларини қарор топтириш ҳамда чет эл ва мустамлака ҳукмронлиги ва хорижий истило остида бўлган халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақилликка бўлган ҳуқуқини амалга ошириш, шунингдек давлатларнинг миллий суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш ижтимоий тараққиёт ва ривожланишга қўмаклашишини ҳамда бунинг натижасида эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида тўлиқ тенгликка эришишга имкон беришини *тасдиқлаб*,

мамлакатнинг тўлиқ ривожланиши, бутун дунёда фаровонлик ва тинчлик иши хотин-қизларнинг барча соҳаларда эркаклар билан баравар мумкин қадар кўпроқ иштирокини талаб қилишига *қатъий ишониб*,

хотин-қизларнинг оила фаровонлиги ва жамият ривожига қўшаётган ҳозиргача тўлиқ тан олинмаган ҳиссасининг аҳамиятини, оналикнинг ижтимоий аҳамиятини ҳамда оилада ва бола тарбиясида ота-онанинг ўрнини ҳисобга олиб, аёлнинг насл давомчиси сифатидаги ўрни аёл ҳуқуқларининг камситилишига сабаб бўлмаслиги кераклигини, чунки болаларнинг тарбияси эркак ва хотин-қизларнинг ҳамда бутун жамиятнинг биргаликдаги жавобгарлигини талаб қилишини *англаб*,

эркак ва аёл ўртасида тўла тенгликка эришиш учун ҳам эркак, ҳам аёлнинг жамият ва оиладаги анъанавий ўрнини ўзгартириш зарурлигини *ёдда тутиб*,

Хотин-қизларни камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги декларациясида эълон қилинган тамойилларни амалга ошириш ва шу мақсадда бундай камситишларнинг барча шакллари ва кўринишларига барҳам бериш учун зарур чораларни кўришга қатъий *қарор қилиб*,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

I ҚИСМ

1-модда

Мазкур Конвенциянинг мақсади учун “хотин-қизларга нисбатан камситиш” тушунчаси сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ёки ҳар қандай бошқа соҳада инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига эркак ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида хотин-қизларнинг оилавий аҳволдан қатъи назар, улар томонидан тан олиш, фойдаланиш ёки амалга оширишни бўшаштиришга ёхуд йўққа чиқаришга йўналтирилган жинсий белгиларига кўра ҳар қандай фарқ, истисно ёки чеклашни англатади.

2-модда

Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларни камситишнинг барча шакллари қоралаб, зудлик билан барча тегишли усуллар орқали хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш сиёсатини олиб боришга келишадилар ва шу мақсадда қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

а) эркаклар билан хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги тамойилини, агарда бу ҳозиргача қилинган бўлмаса, миллий Конституцияга ёки бошқа тегишли қонунчиликка киритиш ва қонун ҳамда бошқа тегишли воситалар ёрдамида ушбу тамойилни амалиётга жорий этилишини таъминлаш;

б) хотин-қизларга нисбатан ҳар қандай камситишни тақиқловчи тегишли қонунчилик ва бошқа чораларни, жумладан, зарур бўлганда санкцияларни қабул қилиш;

с) ваколатли миллий судлар ва бошқа давлат муассасаларининг ёрдами билан хотин-қизларни камситишнинг ҳар қандай актига қарши самарали ҳимоя қилишни таъминлаш орқали хотин-қизлар ҳуқуқларини эркаклар билан тенглик асосида юридик ҳимоя қилиш тартибини ўрнатиш;

д) хотин-қизларга нисбатан камситадиган бирон-бир ҳужжатларни ёки хатти-ҳаракатларни амалга оширишдан тийилиш ҳамда давлат органлари ва муассасалари ушбу мажбуриятга мувофиқ иш кўришларига кафолат бериш;

е) бирон-бир шахс, ташкилот ёки корхона томонидан хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш учун барча тегишли чораларни кўриш;

ф) хотин-қизларга нисбатан камситишни ифодаладиган амалдаги қонунлар, қарорлар, урф-одатлар ва амалиётни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун барча тегишли чораларни, жумладан, қонунчилик чораларини кўриш;

г) ўзининг жиноят қонунчилигидаги хотин-қизларга нисбатан камситишни ифодаладиган барча қоидаларини бекор қилиш.

3-модда

Иштирокчи-давлатлар барча соҳаларда, хусусан сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда хотин-қизларнинг эркаклар билан тенглик асосида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рўёбга чиқаришлари ҳамда фойдаланишларини кафолатлаш мақсадида уларни ҳар томонлама ривожланишини ва тараққиётини таъминлаш учун барча тегишли чораларни, жумладан, қонунчилик чораларини кўрадилар.

4-модда

1. Мазкур Конвенция билан белгиланганидек, иштирокчи-давлатлар томонидан эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида амалда тенглигини таъминлашни тезлаштиришга йўналтирилган вақтинчалик махсус чораларни қабул қилиш камситувчи деб ҳисобланмайди, бироқ у асло тенг ҳуқуқли бўлмаган ёки табақалаштирилган андозаларнинг сақланиб қолишига олиб келмаслиги керак; имкониятлар тенглиги ва тенг ҳуқуқлилиқ муносабатининг мақсадларига эришилгандан сўнг бу чоралар бекор қилиниши шарт.

2. Иштирокчи-давлатлар томонидан оналикни ҳимоя қилишга йўналтирилган махсус чоралар, жумладан, ушбу Конвенцияда мавжуд бўлган чораларнинг қабул қилиниши камситувчи деб ҳисобланмайди.

5-модда

Иштирокчи-давлатлар қуйидаги мақсадларда барча тегишли чораларни қабул қилади:

а) эркаклар ва хотин-қизлар хулқ-атворининг ижтимоий ва маданий моделларини жинслардан бирининг паст бўлиши ёки устун бўлиши ёхуд эркак ва аёл ролининг бир хиллиги ғоясига асосланган хурофотларга барҳам бериш ҳамда урф-одатлар ва бошқа барча амалиётларни тугатишга эришиш мақсадида ўзгартириш;

б) барча ҳолатларда болалар манфаатлари устун туриши шарти билан оилавий тарбия ўз ичига оналикни ижтимоий вазифа сифатида тўғри англашни ҳамда эркак ва хотин-қизларнинг ўз болаларининг тарбияси ҳамда камолоти учун умумий жавобгарлиги эътироф этилишини қамраб олишини таъминлаш.

6-модда

Иштирокчи-давлатлар хотин-қизлар савдоси ва хотин-қизларни фоҳишалikka эксплуатация қилишнинг барча турларига чек қўйиш учун барча тегишли чораларни, жумладан, қонунчилик чораларини кўради.

II ҚИСМ

7-модда

Иштирокчи-давлатлар мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида хотин-қизларни камситишга барҳам бериш юзасидан барча тегишли чораларни кўрадилар, хусусан, хотин-қизларга эркаклар билан тенг шароитларда қуйидаги ҳуқуқларни таъминлайдилар:

а) барча сайловлар ва оммавий референдумларда овоз бериш ҳамда барча оммавий сайланадиган органларга сайланиш;

б) давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш ҳамда давлат лавозимларини эгаллаш, шунингдек давлат бошқарувининг барча даражаларида ҳамма давлат вазифаларини амалга ошириш;

с) мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётининг муаммолари билан шуғулланувчи ноҳукумат ташкилотлар ва уюшмаларнинг фаолиятида иштирок этиш.

8-модда

Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларнинг эркаклар билан тенглик асосида ва ҳеч қандай камситишсиз халқаро миқёсда ўз ҳукуматлари номидан вакиллик қилиш ҳамда халқаро ташкилотлар ишида иштирок этиш имкониятини таъминлаш учун барча тегишли чораларни кўради.

9-модда

1. Иштирокчи-давлатлар фуқароликни қабул қилиш, ўзгартириш ёки сақлаб қолишга нисбатан хотин-қизларга эркаклар билан тенг ҳуқуқларни беради. Улар, хусусан, хорижлик билан турмуш қурганда ҳам, никоҳда бўлган вақтида турмуш ўртоғининг фуқаролиги ўзгарганида ҳам аёлнинг фуқаролиги ўз-ўзидан ўзгаришига олиб келмаслигини, уни фуқаролиги бўлмаган шахсга айлантирмаслигини ва турмуш ўртоғининг фуқаролигини қабул қилишга мажбур қилолмаслигини таъминлайди.

2. Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларга ўз фарзандларининг фуқаролигига нисбатан эркаклар билан тенг ҳуқуқлар беради.

III ҚИСМ

10-модда

Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш, хусусан, эркаклар ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида уларга таълим соҳасидаги эркаклар билан тенг ҳуқуқларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради:

а) шаҳар ва туманлардаги каби қишлоқ жойларида ҳам барча тоифадаги ўқув муассасаларида таълим олиш имконига эга бўлиш ва диплом олиш, касб ёки мутахассисликни танлаш учун бир хил шароитларни яратиш, бу тенглик мактабгача таълим, умумтаълим, махсус ва олий техник таълимда ҳамда касбий тайёргарликнинг барча турларида таъминланади;

б) бир хил ўқув дастурлари, бир хил имтиҳонлар, бир хил малакали ўқитувчилар таркиби, тенг сифатли мактаб хоналари ва жиҳозларидан фойдаланиш;

с) таълим олишнинг барча босқичлари ва шаклларида эркак ва хотин-қизларнинг биргаликда таълим олиши ва ушбу мақсадга эришишга кўмаклашадиган бошқа турдаги таълим олишни рағбатлантириш орқали, хусусан, ўқув қўлланмалари ва мактаб дастурларини қайта кўриб чиқиш ҳамда ўқитиш услубларини мослаштириш йўли билан ҳар қандай андозадаги концепцияни бартараф этиш;

д) таълим учун стипендия ва бошқа нафақалар олишда бир хил имкониятлар;

е) эркаклар ва хотин-қизларнинг билимларидаги ҳар қандай узилишни мумкин қадар тезроқ қисқартиришга йўналтирилган, жумладан, катта ёшдагилар орасида саводхонликни оммалаштириш дастурлари ва функционал саводхонлик дастурини, хусусан, таълим олишни давом эттириш дастуридан фойдаланишнинг бир хил имкониятлари;

ф) мактабни тугатмаётган қизлар сонини қисқартириш ҳамда мактабни барвақт тарк этган қизлар ва хотин-қизлар учун дастурлар ишлаб чиқиш;

г) спорт ва жисмоний тайёргарлик машғулотларида фаол қатнашиш учун бир хил имкониятлар;

h) оилаларнинг соғломлиги ва фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида таълим хусусиятига эга махсус ахборотлар, жумладан, оиланинг катта-кичиклигини режалаштириш тўғрисидаги ахборот ва маслаҳатлардан фойдаланиш имконияти.

11-модда

1. Иштирокчи-давлатлар эркаклар ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида тенг ҳуқуқларини таъминлаш билан бандлик соҳасида хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш учун барча тегишли чораларни кўради, хусусан:

а) барча одамларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида меҳнатга бўлган ҳуқуқи;

б) ишга ёлланишда бир хил имкониятларга эга бўлиш, шу билан бирга, ишга ёлланишда бир хил танлаб олиш мезонларини қўллаш ҳуқуқи;

с) касб ёки иш турини эркин танлаш, лавозим бўйича кўтарилиш ва бандлик кафолати, шунингдек шогирдлик, юқори даражадаги касбий тайёргарлик ва мунтазам қайта тайёрлашни ўз ичига олган меҳнат қилишнинг барча имтиёзлари ва шарт-шароитларидан фойдаланиш, касбий тайёргарлик ва қайта тайёргарлик олиш ҳуқуқи;

д) имтиёзлар олган ҳолда тенг мукофотлаш, тенг қийматга эга бўлган меҳнатга нисбатан тенг шароитларга, шунингдек иш сифатини баҳолашга тенг ёндашиш ҳуқуқи;

е) ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқи, хусусан, нафақага чиқиш, ишсизлик, касаллик, ногиронлик, қариллик ва меҳнат қобилиятини йўқотишнинг бошқа ҳолатларида, шунингдек ҳақ тўланадиган таътилга бўлган ҳуқуқ;

ф) соғлиқни сақлаш ва хавфсиз меҳнат шароитлари, жумладан, наслни давом эттириш вазифасини сақлаб қолишга бўлган ҳуқуқи.

2. Хотин-қизларга нисбатан турмушга чиққанлиги ёки оналиги сабабли камситишнинг олдини олиш ва уларга меҳнат қилишга бўлган самарали ҳуқуқларни кафолатлаш учун иштирокчи-давлатлар қуйидагиларни амалга ошириш учун тегишли чораларни кўради:

а) ҳомиладорлигига ёки ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича таътилига асосан ишдан бўшатиш таҳдиди остида санкциялар қўллашни ёхуд ишдан бўшатиш пайтида оилавий аҳволи туфайли камситишни тақиқлаш;

б) аввалги иш жойини, лавозимини ёки ижтимоий нафақаларини йўқотмаган ҳолда ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича ҳақ тўланадиган таътиллер ёки таққослама ижтимоий нафақалар тўланадиган таътиллер жорий этиш;

с) ота-оналарга оилавий мажбуриятларини бажаришни меҳнат фаолияти ва жамият ҳаётидаги иштироки билан бирга қўшиб олиб бориш имконини яратиш учун, жумладан, болаларни тарбия қилиш муассасалари тармоғини ташкил этиш ва кенгайтириш йўли орқали зарур қўшимча ижтимоий хизматларни тақдим этишни рағбатлантириш;

д) ҳомиладорлик даврида хотин-қизлар саломатлиги учун зарарли деб исботланган меҳнат турларида уларнинг алоҳида ҳимоясини таъминлаш.

3. Мазкур моддада назарда тутилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга тааллуқли қонунчилик илмий-техникавий билимлар асосида вақти-вақти билан кўриб чиқилади, шунингдек заруратга қараб қайтадан кўриб чиқилади, бекор қилинади ёки кенгайтирилади.

12-модда

1. Иштирокчи-давлатлар эркаклар ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида тиббий хизматдан, хусусан, оиланинг катта-кичиклигини режалаштиришга тааллуқли масалаларда ҳам фойдаланишини таъминлаш мақсадида соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш учун барча тегишли чораларни кўради;

2. Иштирокчи-давлатлар ушбу модданинг 1-банди қоидаларидан қатъи назар хотин-қизларни ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврида тегишли хизматларни, зарурият туғилганда, бепул хизматларни, шунингдек ҳомиладорлик ва эмизикли даврда керакли озиқ-овқатларни етказиб беришни таъминлайдилар.

13-модда

Иштирокчи-давлатлар эркак ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида тенг ҳуқуқларни таъминлаш мақсадида ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларида хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш учун барча тегишли чораларни кўради, хусусан:

а) оилавий нафақага бўлган ҳуқуқи;

б) заём, кўчмас мулк ҳисобига қарз ва бошқа шаклдаги молиявий кредитларни олишга бўлган ҳуқуқи;

с) дам олиш билан боғлиқ тадбирларда, спорт машғулотларида ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида иштирок этиш ҳуқуқи.

14-модда

1. Иштирокчи-давлатлар қишлоқ жойларда яшовчи хотин-қизлар дуч келадиган алоҳида муаммоларни ва улар ўз оилаларининг иқтисодий фаровонлигини таъминлашда муҳим роль ўйнашини, шу жумладан, уларнинг хўжаликнинг товар бўлмаган тармоқларидаги фаолиятини эътиборга олиб, мазкур Конвенция қоидаларини қишлоқ жойларида яшовчи хотин-қизларга нисбатан қўллашни таъминлаш учун барча тегишли чораларни кўради.

2. Иштирокчи-давлатлар эркак ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида уларнинг қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришдаги иштирокини таъминлаш ва бундай ривожланишдан фойда олишини таъминлаш мақсадида қишлоқ жойларидаги хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам бериш учун барча тегишли чораларни кўради, жумладан, бундай хотин-қизларга қуйидаги ҳуқуқларни таъминлайдилар:

а) барча даражаларда ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

б) оиланинг катта-кичиклигини режалаштириш масалалари бўйича ахборотлар, маслаҳатлар ва хизматларни инобатга олган ҳолда тегишли тиббий хизматдан фойдаланиш;

с) ижтимоий суғурта дастурлари қулайликларидан бевосита фойдаланиш;

д) функционал саводхонликни инобатга олиб барча турдаги тайёрлов ҳамда расмий ва норасмий таълим олиш, шунингдек уларнинг техникавий даражасини ошириш учун барча турдаги жамоат хизматларидан, қишлоқ хўжалик масалалари бўйича маслаҳат бериш хизматида фойдаланиш;

е) ишга ёллаш ёки мустақил меҳнат фаолияти орқали иқтисодий имкониятлардан тенг фойдаланишни таъминлаш учун ўз-ўзига ёрдам кўрсатиш гуруҳлари ва ширкатларни ташкил этиш;

ф) жамоа фаолиятининг барча турларида иштирок этиш;

г) қишлоқ хўжалик кредитлари ва заёмлари, сотиш тизими, тегишли технологиялари ҳамда ер ва аграр ислохотларида, шунингдек ерларни қайта жойлаштириш режаларида тенг мақомга эришишга эга бўлиш;

ҳ) тегишли турмуш шароитларидан, айниқса, уй-жой шароитларидан, санитария хизматларидан, электр ва сув таъминотидан, шунингдек транспорт ва алоқа воситаларидан фойдаланиш.

IV ҚИСМ

15-модда

1. Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларнинг қонун олдида эркаклар билан тенглигини тан оладилар.

2. Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларга эркаклар билан бир хил фуқаролик ҳуқуқларини ва уни амалга оширишнинг бир хил имкониятларини беради. Улар, хусусан, шартномаларни тузиш ва мулкни бошқаришда уларга тенг ҳуқуқлар, шунингдек судлар ва трибуналларда иш кўришнинг барча босқичларида уларга тенг муносабатни таъминлайди.

3. Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларнинг ҳуқуқий эгаллигини чеклашда ўзининг ҳуқуқий оқибатига эга ҳар қандай барча шартномалар ва бошқа барча хусусий ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб ҳисоблайдилар.

4. Иштирокчи-давлатлар шахсларнинг кўчиб юриши ҳамда яшаш жойи ва турар жойини танлаш эркинлигига тааллуқли бўлган қонунчиликка нисбатан эркак ва хотин-қизларга бир хил ҳуқуқларни тақдим этади.

16-модда

1. Иштирокчи-давлатлар хотин-қизларга нисбатан никоҳ ва оила муносабатларига тааллуқли барча масалаларда камситишга барҳам бериш учун барча тегишли чораларни кўради, хусусан, эркак ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида қуйидагиларни таъминлайди:

- а) никоҳга киришишда бўлган бир хил ҳуқуқлар;
- б) турмуш ўртоғини эркин танлаш ҳамда фақатгина ўзининг эркин ва тўлиқ розилиги билан никоҳга киришишда бўлган бир хил ҳуқуқлар;
- с) никоҳ даврида ва уни бекор қилишда бир хил ҳуқуқ ва бурчлар;
- д) оилавий шароитдан қатъи назар, болаларга тааллуқли бўлган масалаларда эркак ва хотин-қизларнинг ота-она сифатида бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятлари; барча вазиятларда болаларнинг манфаати устун туради;
- е) болалар сони ва уларнинг туғилиши ўртасидаги оралиқ тўғрисидаги масалани эркин ва масъулиятли ҳал қилишда бир хил ҳуқуқлар, шунингдек бу ҳуқуқларни амалга оширишга имкон берадиган ахборот, таълим олиш ва воситалардан фойдаланишга эга бўлиш;
- ф) болаларнинг васийлари, ҳомийлари, вакиллари ва фарзандликка олувчилари бўлишда ёки миллий қонунчиликда кўзда тутилган шунга ўхшаш вазифаларни амалга оширишда бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятлари; барча вазиятларда болаларнинг манфаати устун туради;
- г) эр ва хотиннинг бир хил шахсий ҳуқуқлари, шу жумладан, исми-шарифини, касб ва машғулотни танлаш ҳуқуқи;
- ҳ) эр-хотиннинг мол-мулкка ҳам бепул, ҳам пуллик эгалик қилиш, сотиб олиш, бошқариш, фойдаланиш ва тасарруф қилишга нисбатан бир хил ҳуқуқлари.

2. Болани унаштириш ва никоҳлаш юридик кучга эмас ҳамда никоҳдан ўтишнинг энг қуйи ёшини аниқлаш ва никоҳларни фуқаролик ҳолати далолатномаларида мажбурий қайд этиш мақсадида барча зарур чоралар, жумладан, қонунчилик чоралари кўрилади.

V ҚИСМ

17-модда

1. Мазкур Конвенциянинг амалга оширилиш жараёнини кўриб чиқиш учун Конвенция кучга кирган вақтда ўн саккизтадан, у ратификация қилинганидан ёки унга ўттиз бешинчи иштирокчи-давлат қўшилганидан сўнг эса, ушбу Конвенция соҳасини мукаммал биладиган юқори ахлоқий сифатларга ва етук маълумотларга эга бўлган йигирма учта экспертдан иборат Хотин-қизларга нисбатан камситишларга барҳам бериш бўйича қўмитаси таъсис этилади (кейинги ўринларда – Қўмита). Бу экспертлар иштирокчи-давлатлар томонидан ўз фуқаролари ичидан сайланадилар ва хусусий шахс сифатида иш юритадилар, бунда адолатли географик тақсимот ва цивилизациянинг ҳар хил шаклдаги, шунингдек асосий ҳуқуқий тизимлар вакиллари ҳисобга олинади.

2. Қўмита аъзолари иштирокчи-давлатлар томонидан кўрсатилган рўйхатга киритилган шахслар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Ҳар бир иштирокчи-давлат ўзининг фуқаролари орасидан битта шахсни таклиф қилиши мумкин.

3. Мазкур Конвенциянинг кучга кирган кунидан бошлаб олти ойдан сўнг бирламчи сайловлар ўтказилади. Ҳар бир сайлов ўтказилишидан камида уч ой олдин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби иштирокчи-давлатларга икки ой ичида ўз вакиллари кўрсатиш таклифи билан хат йўллайди. Бош котиб иштирокчи-давлатларнинг кўрсатмаси билан шундай тарзда киритилган барча шахсларнинг рўйхатини алифбо тартибида тайёрлайди ҳамда бу рўйхатни иштирокчи-давлатларга тақдим этади.

4. Қўмита аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби томонидан чақириладиган ва БМТ Марказий муассасаларида ўтказиладиган иштирокчи-давлатлар йиғилишида сайланадилар. Иштирокчи-давлатларнинг сони учдан икки қисмни ташкил этадиган бу йиғилишда Қўмитага сайланган шахслар овоз беришда қатнашадиган ва иштирок этадиган иштирокчи-давлатлар вакиллари энг кўп ва мутлақ кўп овозини олган номзодлар ҳисобланади.

5. Қўмита аъзолари тўрт йил муддатга сайланадилар. Бироқ биринчи сайловда сайланган тўққиз аъзонинг ваколат муддати икки йил ўтиши билан тугайди; биринчи сайловлар ўтказилиши билан бу тўққиз аъзонинг фамилияси Қўмита раиси томонидан қуръа ташлаш орқали танланади.

6. Қўмитанинг беш нафар қўшимча аъзосини сайлаш ўттиз бешинчи давлатнинг Конвенцияни ратификация қилганидан кейин ёки унга қўшилганидан кейин мазкур модданинг 2, 3 ва 4-бандлари қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Шу тарзда сайланган икки нафар қўшимча аъзонинг ваколат муддати икки йил ўтиши билан тугайди; бу икки нафар қўшимча аъзонинг фамилияси Қўмита раиси томонидан қуръа ташлаш орқали танланади.

7. Иштирокчи-давлат кўзда тутилмаган бўш ўринларни тўлдириш учун Қўмита аъзоси сифатида ўз вазифасини тугатган экспертнинг ўрнига Қўмита маъқуллаган тақдирдагина ўз фуқаролари орасидан бошқа экспертни тайинлайди.

8. Қўмита аъзолари Бош Ассамблея томонидан тасдиқланган мукофотларни Қўмита вазифасининг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда Ассамблея томонидан белгиланган тартиб ва шартларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маблағларидан олади.

9. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби мазкур Конвенцияга мувофиқ Қўмитанинг вазифалари самарали амалга оширилиши учун зарур ходим ва моддий маблағлар билан таъминлайди.

18-модда

1. Иштирокчи-давлатлар ушбу Конвенциянинг қоидаларини бажариш учун қабул қилинган қонунчилик, суд, маъмурий ёки бошқа чора-тадбирлар

тўғрисидаги ва бу борада эришилган ютуқлар ҳақидаги маърузаларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига Қўмита томонидан кўриб чиқилиши учун тақдим этиш мажбуриятини оладилар:

а) манфаатдор давлат учун мазкур Конвенцияни кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида;

б) шундан сўнг, ҳеч бўлмаганда, ҳар тўрт йилда ва сўнгра, қачонки, Қўмита бу ҳақда расмий равишда сўраганда.

2. Маърузаларда мазкур Конвенция бўйича мажбуриятларни бажариш даражасига таъсир кўрсатадиган омиллар ва қийинчиликлар кўрсатилиши мумкин.

19-модда

1. Қўмита ўзининг шахсий бажарадиган ишлар тартиби қоидаларини тасдиқлайди.

2. Қўмита икки йил муддатга ўзининг мансабдор шахсларини сайлайди.

20-модда

1. Қўмита ушбу Конвенциянинг 18-моддасига мувофиқ тақдим этилган маърузаларни кўриб чиқиш мақсадида, қоидага кўра икки ҳафтадан ошмайдиган давр мобайнида ҳар йили мажлис ўтказилади.

2. Қўмитанинг йиғилишлари қоидага кўра Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида ёки Қўмита томонидан белгиланадиган бошқа исталган қулай жойда ўтказилади.

21-модда

1. Қўмита ҳар йили БМТ Бош Ассамблеясига Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш орқали ўзининг фаолияти тўғрисидаги маърузасини тақдим этади ҳамда иштирокчи-давлатлардан олинган маъруза ва ахборотларни ўрганишга асосланган умумий хусусиятга эга таклиф ва тавсияномаларни киритиши мумкин. Умумий хусусиятга эга бундай таклиф ва тавсияномалар иштирокчи-давлатларнинг фикрлари билан бир қаторда, агар улар мавжуд бўлса, Қўмитанинг маърузасига киритилади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Қўмита маърузаларини Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича комиссиясига ахборот учун юборади.

22-модда

Ихтисослаштирилган муассасалар ўзларининг фаолият доирасига кирадиган ушбу Конвенциянинг бундай қоидаларини амалга ошириш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқишда вакиллик қилиш ҳуқуқига эга. Қўмита ихтисослаштирилган муассасаларга уларнинг фаолияти доирасига кирадиган соҳаларда Конвенцияни амалга ошириш ҳақидаги маърузаларни тақдим этишни таклиф қилиши мумкин.

VI ҚИСМ

23-модда

Ушбу Конвенцияда ҳеч бир нарса эркак ва хотин-қизлар ўртасидаги тенг ҳуқуқликка эришишга кўмаклашувчи қуйида мавжуд бўлган қоидаларга даҳл қилмайди:

- а) иштирокчи-давлатларнинг қонунчилигида; ёки,
- б) шундай давлат учун кучга эга бўлган ҳар қандай бошқа халқаро конвенция, шартнома ёки битимда.

24-модда

Иштирокчи-давлатлар мазкур Конвенцияда тан олинган ҳуқуқларнинг тўлиқ амалга оширилишига эришиш учун миллий даражада барча зарур чораларни кўриш мажбуриятини оладилар.

25-модда

1. Мазкур Конвенция барча давлатлар томонидан имзоланиши учун очикдир.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби мазкур Конвенциянинг депозитарийси этиб тайинланади.

3. Мазкур Конвенция ратификация қилиниши лозим. Ратификация ёрлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилади.

4. Мазкур Конвенция барча давлатларнинг қўшилиши учун очикдир. Қўшилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатни сақлаш учун топшириш орқали амалга оширилади.

26-модда

1. Мазкур Конвенцияни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги илтимоснома Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби номига ҳар қандай иштирокчи-давлатлардан бирининг исталган вақтда ёзма равишдаги хабар орқали тақдим этилиши мумкин.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси, агар у қандайдир чоралар кўриш зарурлигини эътироф этса, бундай илтимосномага нисбатан айнан қандай чоралар кўриш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

27-модда

1. Ушбу Конвенция йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига сақлаш учун топширилганидан сўнг ўттизинчи кундан кучга киради.

2. Мазкур Конвенцияни ратификация қиладиган ёхуд йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки унга қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилгандан кейин унга қўшиладиган ҳар бир давлат учун ушбу

Конвенциянинг ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилганидан сўнг ўттизинчи кундан кучга киради.

28-модда

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида давлатлар томонидан қилинган қўшимча шартларнинг матнини қабул қилади ҳамда барча давлатларга тарқатади.

2. Мазкур Конвенциянинг мақсад ва вазифаларига тўғри келмайдиган қўшимча шартлар киритилмайди.

3. Қўшимча шартлар исталган вақтда Бош котиб номига юборилган тегишли билдиришнома орқали бекор қилиниши мумкин, кейин эса у бу ҳақда барча иштирокчи-давлатларни хабардор қилади. Бундай билдиришнома у олинган кундан бошлаб кучга киради.

29-модда

1. Мазкур Конвенцияни талқин этиш ёки қўллашга нисбатан икки ёки бир нечта иштирокчи-давлатлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал этилмаган ҳар қандай баҳс томонлардан бирининг илтимосига биноан ҳакамлик муҳокамасига юборилади. Агар ҳакамлик муҳокамаси ҳақида ариза берилган пайтдан бошлаб олти ой мобайнида томонлар ҳакамлик муҳокамасини ташкил этишга нисбатан келишувга эришолмаган бўлса, томонлардан бири ушбу баҳсни Суд Низомига мувофиқ тегишли ариза бериш йўли билан Халқаро Судга топшириши мумкин.

2. Ҳар бир иштирокчи-давлат мазкур Конвенцияни имзолаш, ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган мажбуриятлар билан ўзини боғлиқ деб ҳисобламаслигини билдириши мумкин. Бошқа иштирокчи-давлатлар шунга ўхшаш қўшимча шартни қўйган ҳар қандай иштирокчи-давлатга нисбатан ушбу модданинг кўрсатилган бандидан келиб чиқадиган мажбуриятларни олмайди.

3. Мазкур модданинг 2-бандига мувофиқ қўшимча шартларни қўйган ҳар қандай иштирокчи-давлат истаган вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига билдиришнома йўллаш орқали ўз қўшимча шартларини олиб ташлаши мумкин.

30-модда

Мазкур Конвенциянинг рус, инглиз, араб, испан, хитой ва француз тилларидаги матнлари айнан бир хил бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилади.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ

*БМТ Бош Ассамблеясининг 1952 йил 20 декабрдаги 640 (VII)-сон
резолуцияси билан қабул қилинган ҳамда имзолаш, ратификация қилиш
ва қўшилиши учун очиқ*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги
501–I-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган*

Аҳдлашувчи томонлар,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставида эълон қилинган эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида тенглик тамойилини амалга оширишни *истаган ҳолда*, ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар орқали ўз мамлакатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига ҳамда ўз мамлакатада давлат хизматларидан тенг фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлигини тан олиб, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларига мувофиқ эркаклар ва хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқларга эга бўлиш ва улардан фойдаланишни тенглаштириш истагини *эътироф этган ҳолда*, шу мақсадда конвенция тузишга *қарор қилиб*, куйидагиларга келишиб олдилар:

1-модда

Хотин-қизлар барча сайловларда ҳеч қандай камситишларсиз, эркаклар билан тенг шароитларда овоз бериш ҳуқуқига эга.

2-модда

Хотин-қизлар эркаклар билан тенг шароитларда, ҳеч қандай камситишларсиз миллий қонунчилик билан белгиланган оммавий сайловларни талаб қиладиган барча муассасаларга сайланиши мумкин.

3-модда

Хотин-қизлар, ҳеч қандай камситишларсиз, эркаклар билан тенг шароитларда жамоат-давлат хизматида лавозимларни эгаллаш ва миллий қонунчилик билан белгиланган барча жамоат-давлат вазифаларини бажариш ҳуқуқига эга.

4-модда

1. Ушбу Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳар қандай аъзолари, шунингдек Бош Ассамблеядан таклифнома олган ҳар қандай бошқа давлатлар томонидан имзоланиши учун очиқдир.

2. Ушбу Конвенция ратификация қилиниши керак ва ратификация ёрлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширилади.

5-модда

1. Ушбу Конвенция 4-модданинг 1-бандида кўрсатилган барча давлатларнинг қўшилиши учун очикдир.

2. Қўшилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига қўшилиш тўғрисидаги декларациянинг топширилиши билан амалга оширилади.

6-модда

1. Ушбу Конвенция олтинчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги декларацияни сақлаш учун топширилганидан бошлаб тўқсонинчи кундан кучга киради.

2. Ушбу Конвенция Конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат учун ўзининг олтинчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги декларациясини сақлаш учун топширигандан сўнг тўқсонинчи куни кучга киради.

7-модда

Ҳар қандай давлат томонидан имзоланган, ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида ушбу Конвенциянинг бирор-бир моддасига қўшимча шарт тақдим этилган ҳолларда Бош котиб ушбу қўшимча шарт матнини мазкур Конвенциянинг иштирокчиси бўлган ёки иштирокчиси бўлиши мумкин бўлган барча давлатларга етказиши мумкин. Ушбу қўшимча шартга қарши бўлган ҳар қандай давлат, ушбу хабар юборилган кундан бошлаб тўқсон кунлик муддат ичида (ёки Конвенция иштирокчиси бўлган кундан бошлаб) Бош котибга уни қабул қилмаслиги тўғрисида хабар бериши мумкин. Бундай ҳолатда Конвенция ушбу давлат ва қўшимча шарт киритган давлат ўртасида кучга киради.

8-модда

1. Ҳар қандай давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига ёзма равишда хабар бериш орқали ушбу Конвенцияни бекор қилиши мумкин. Денонсация Бош котиб ушбу билдиришномани олган кундан бир йил ўтгандан кейин кучга киради.

2. Конвенцияда томонлар сони олтитадан кам бўлиб қолса, ушбу Конвенциянинг амал қилиши денонсация кучга кирган кундан бошлаб тўхтайдиган.

9-модда

Ушбу Конвенцияни талқин қилиш ёки қўллаш бўйича ҳар қандай икки ёки ундан ортиқ Аҳдлашувчи давлатлар ўртасида келиб чиқадиган, музокара билан йўли билан ҳал қилинмайдиган ҳар қандай низо, агар улар ярашувнинг бошқа тартиби тўғрисида келишиб олишмаса, мазкур низода томонлардан бирининг талабига биноан Халқаро суд қарорига тақдим этилади.

10-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзоларини ва ушбу Конвенциянинг IV-моддаси 1-бандида назарда тутилган Ташкилотнинг аъзоси бўлмаган давлатларни хабардор қилади:

a) IV-моддага мувофиқ олинган имзолар ва ратификация ёрлиқлари тўғрисида;

b) V-моддага мувофиқ олинган қўшилиш ҳақидаги декларациялар тўғрисида;

c) VI-моддага мувофиқ ушбу Конвенция кучга кирадиган сана тўғрисида;

d) VII-моддага мувофиқ олинган хабарлар ва билдиришномалар тўғрисида;

e) VIII-модданинг 1-бандига мувофиқ олинган денонсация тўғрисидаги билдиришномалар тўғрисида;

f) VIII-модданинг 2-бандига мувофиқ Конвенциянинг амал қилиши тўхтатилиши тўғрисида.

11-модда

1. Ушбу Конвенция инглиз, испан, хитой, рус ва француз тилидаги аслига тўғри бўлган матнлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг архивида сақланади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби тасдиқланган нусхаларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзоларига ва IV-модданинг 1-бандида назарда тутилган Ташкилотнинг аъзоси бўлмаган давлатларга юбориши лозим.

НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ

*БМТ Бош Ассамблеясининг 2006 йил 13 декабрдаги 61/106-сон
резолуцияси билан қабул қилинган*

*Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 7 июндаги
ЎРҚ-188-сон Қонунига мувофиқ ратификация қилинган*

МУҚАДДИМА

Ушбу Конвенцияда иштирокчи-давлатлар,

а) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида эълон қилинган инсоният оиласининг барча аъзоларига хос кадр-қиммат ва кадриятлар ҳамда уларнинг тенг ва ажралмас ҳуқуқлари принциплари озодлик, адолат ва умумий тинчликнинг асоси деб тан олиниши тўғрисида *эслатиб*,

б) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактларда ҳар бир инсон ушбу ҳужжатларда назарда тутилган барча ҳуқуқлар ва эркинликларга ҳеч қандай тафовутсиз эга эканлиги эълон қилганлиги ва мустаҳкамлаб қўйганлигини *тан олиб*,

с) инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг умумийлиги, бўлинмаслиги, ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро алоқадорлигини, шунингдек ногиронларнинг улардан камситилмасдан тўлиқ фойдаланишини кафолатлаш зарурлигини *тасдиқлаб*,

д) Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Ирқий камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция, Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, Қийноқлар ҳамда муомала ва жазоланишнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган турларига қарши конвенция, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ҳамда Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияга *ҳавола қилиб*,

е) ногиронлик – бу ривожланиб бораётган тушунча эканлигини, ногиронлик соғлиғи бузилган одамлар ва муносабат ҳамда атроф-муҳит тўсиқлари ўртасида юзага келадиган ва бу уларнинг бошқалар билан тенг равишда жамият ҳаётида тўлиқ ва самарали иштирок этишига халақит берадиган ўзаро таъсир натижаси эканлигини *тан олиб*,

ф) Ногиронларга нисбатан бутунжаҳон ҳаракат дастури ва Ногиронлар учун тенг имкониятларни таъминлашнинг стандарт қоидаларида мавжуд принциплар ва раҳбарий йўриқномалар ногиронларга янада тенг имкониятларни таъминлаш учун миллий, минтақавий ва халқаро даражадаги стратегиялар, режалар, дастурлар ва тадбирларни рағбатлантириш, аниқ ифодалаш ва баҳолашга таъсири нуқтаи назаридан муҳимлигини *тан олиб*,

g) ногиронлик муаммоларини тегишли барқарор ривожланиш стратегиясининг таркибий қисмлари сифатида долзарблаштириш муҳимлигини *таъкидлаб*,

h) шунингдек, ҳар қандай шахсни ногиронлик белгиси бўйича камситиш инсон шахсига хос қадр-қиммат ва қадриятнинг бузилиши эканлигини *тан олиб*,

i) ногиронларнинг хилма-хиллигини *тан олиб*,

j) барча ногиронларни, шу жумладан, фаолроқ қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлганларнинг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш зарурлигини *тан олиб*,

k) ушбу турли ҳужжатлар ва ташаббусларга қарамасдан, ногиронлар ўзларининг жамият ҳаётида тенг ҳуқуқли аъзолари сифатида иштирок этиш йўлида тўсиқлар ҳамда жаҳоннинг барча қисмларида уларнинг инсон ҳуқуқлари бузилишига дуч келиши давом этаётганлигидан *ташвишланиб*,

l) ҳар бир мамлакатда, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда ногиронларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун халқаро ҳамкорлик муҳимлигини *тан олиб*,

m) ногиронларнинг маҳаллий ҳамжамятларнинг умумий фаровонлиги ва хилма-хиллигига ҳозирги ва потенциал ҳиссасини ҳамда ногиронлар томонидан ўзларининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тўла амалга оширишларига, шунингдек ногиронларнинг тўлақонли иштирок этишига кўмаклашиш уларда дахлдорлик ҳиссини мустаҳкамлаш ва жамиятнинг инсоний, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишида муҳим ютуқларга эришиш ҳамда қашшоқликка барҳам бериш имконини беришини *тан олиб*,

n) ногиронлар учун уларнинг шахсий мустақиллиги, шу жумладан, ўз мустақил танловининг эркинлиги муҳимлигини *тан олиб*,

o) ногиронлар стратегиялар ва дастурлар, шу жумладан, бевосита уларга тааллуқли бўлган қарор қабул қилиш жараёнларида фаол иштирок этиш имконига эга бўлишлари *керак деб ҳисоблаб*,

p) ногиронлар ирқи, танасининг ранги, жинси, тили, диний, сиёсий ва бошқа эътиқодлари, миллий, этник, абориген ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати, туғилиши, ёши ёки бошқа вазиятлар белгиси бўйича камситишнинг жуда кўп ва кескин шаклларига дуч келадиган қийин шароитларидан *ташвишланиб*,

q) ногирон аёллар ва ногирон қизлар уйларида ҳам, уйларида ташқарида ҳам кўпинча зўравонлик, жароҳатланиш ёки таҳқирлаш, бепарволик ёки совуққонлик, ёмон муомала ёки эксплуатациянинг катта хавфига дуч келишларини *тан олиб*,

r) ногирон болалар бошқа болалар билан тенг ҳолда инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан тўлиқ ҳажмда фойдаланишлари кераклигини тан олиб ва шу муносабат билан Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг иштирокчи-давлатлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини *эслатиб*,

с) ногиронларнинг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тўла амалга оширишига кўмаклашиш бўйича барча саъй-ҳаракатларда гендер жиҳатларини ҳисобга олиш зарурлигини *таъкидлаб*,

т) ногиронларнинг аксарияти қашшоқлик шароитида яшашларини ҳамда шу муносабат билан қашшоқликнинг ногиронларга салбий таъсири муаммоси билан шуғулланиш ўта зарурлигини *тан олиб*,

у) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида қўлланиладиган шартномаларда баён этилган мақсад ва принципларини тўла ҳурмат қилишга асосланган тинчлик ва хавфсизлик вазияти ногиронларни, хусусан, қуролли можаролар ва чет эл босқинчилиги даврида тўла ҳимоя қилишнинг сўзсиз шarti эканлигини *эътиборга олиб*,

в) жисмоний, ижтимоий, иқтисодий ва маданий муҳитдан, соғлиқни сақлаш ва таълим, шунингдек ахборот ва алоқадан фойдаланиш имконияти муҳимлигини, чунки бу ногиронларга барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан фойдаланиш имконини беришини *тан олиб*,

г) ҳар бир алоҳида инсоннинг бошқа одамлар ва ўзи мансуб бўлган жамоа олдида мажбуриятларга эга эканлигини ҳамда у Инсон ҳуқуқлари халқаро биллида тан олинган ҳуқуқларни рағбатлантириш ва уларга риоя этилишига эришишга интилиши кераклигини *эътиборга олиб*,

д) оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси эканлигига ва жамият ва давлат томонидан ҳимояланиш ҳуқуқига эгаллигига ҳамда ногиронлар ва уларнинг оила аъзолари оилаларга ногиронлар ҳуқуқларидан тўла ва тенг фойдаланиш ишига ҳисса қўшиш имконини берадиган зарур ҳимоя ва ёрдамни олишлари кераклигига *ишонч ҳосил қилиб*,

е) Ногиронларнинг ҳуқуқлари ва кадр-қимматларини рағбатлантириш ҳамда ҳимоя қилиш тўғрисидаги кенг қамровли ва ягона Конвенция ногиронларнинг абгор ижтимоий аҳволларини енгишга ҳамда уларнинг ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатларда тенг имкониятлар билан фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётдаги иштирокини кенгайтиришга *ишонч ҳосил қилиб*,

куйдагиларга келишиб олишди:

1-модда. Мақсад

Ушбу Конвенциянинг мақсади барча ногиронларнинг инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тўла ва тенг амалга оширишини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ҳамда таъминлаш, шунингдек уларга хос кадр-қимматни ҳурмат қилишни рағбатлантиришдан иборат.

Ногиронлар деб турли тўсиқлар билан ўзаро муносабатда уларнинг бошқалар билан тенг равишда жамият ҳаётида тўла ва самарали иштирок этишига халақит берадиган барқарор жисмоний, ақлий, интеллектуал ёки ҳиссий нуқсонлари бўлган шахслар тушунилади.

2-модда. Тушунчалар

Ушбу Конвенция мақсадлари учун:

“мулоқот” – тиллар, матнлар, Брайль алифбоси, тактил мулоқот, йирик шрифт, босма материаллар, аудиовоситалар, суҳандонларнинг одатий тили сингари фойдаланиш имконияти бўлган мультимедиа воситалари, шунингдек мулоқотнинг кучайтирувчи ва муқобил усуллари, воситалари ва шакллари, жумладан фойдаланиш мумкин бўлган ахборот-коммуникация технологияларини ўз ичига олади;

“тил” – нутқ ва имо-ишора тилларини ҳамда оғзаки бўлмаган тилларнинг бошқа шаклларини ўз ичига олади;

“ногиронлик белгиси бўйича камситиш” – мақсади ёки натижаси сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ёки ҳар қандай бошқа соҳада бошқалар билан тенг равишда инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг эътироф қилиниши, амалга оширилиши ёки рўёбга чиқарилишини камситадиган ёки рад этадиган ҳар қандай тафовут, истисно ёки чеклашни англатади. У камситишнинг барча шаклларини, шу жумладан, оқилона мослаштиришдан воз кечишни ўз ичига олади;

“оқилона мослаштириш” – ногиронлар томонидан бошқалар билан тенг равишда барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг амалга оширилиши ёки рўёбга чиқарилишини таъминлаш мақсадида зарур бўлган аниқ ҳолатларда номутаносиб ёки оқланмаган юкка айланмайдиган зарур ҳамда мос модификациялар ва тузатишлар киритилишини англатади;

“универсал дизайн” – барча одамлар учун мослаштириш ёки махсус дизайнга эҳтиёж сезмасдан энг юқори имконият даражасида фойдаланишга яроқли қилишга мўлжалланган буюмлар, шароит, дастур ва хизматлар дизайнини англатади. “Универсал дизайн” зарурат бўлганда, ногиронларнинг муайян гуруҳи учун ассистив қурилмаларни истисно этмайди.

3-модда. Умумий принциплар

Ушбу Конвенциянинг принциплари қуйидагилар ҳисобланади:

а) инсоннинг ўзига хос кадр-қимматини, унинг шахсий мустақиллигини, шу жумладан, ўз танловини қилиш эркинлигини ҳамда мустақиллигини ҳурмат қилиш;

б) камситмаслик;

с) жамиятга тўла ва самарали жалб этиш ва қўшиш;

д) ногиронларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳурмат қилиш ва буни одамгарчиликнинг турфа хиллигининг таркиби ва инсониятнинг бир қисми сифатида қабул қилиш;

е) имкониятлар тенглиги;

ф) тўсиқсиз фойдаланиш;

г) эркаклар ва аёлларнинг тенглиги;

ҳ) ногирон болаларнинг ривожланаётган қобилиятларини ҳурмат қилиш ва ногирон болаларнинг ўз шахсий хусусиятларини сақлаб қолиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш.

4-модда. Умумий мажбуриятлар

1. Иштирокчи-давлатлар барча ногиронларнинг ногиронлик белгиси бўйича ҳеч қандай камситишсиз инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тўла амалга оширишини таъминлаш ҳамда рағбатлантириш мажбуриятини олади. Шу мақсадда иштирокчи-давлатлар қуйидаги мажбуриятларни олади:

a) ушбу Конвенцияда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун барча зарур қонунчилик, маъмурий ва бошқа чораларни кўриш;

b) ногиронларга нисбатан камситиш бўлган мавжуд қонунлар, қарорлар, урф-одатлар ва асосларни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун барча тегишли чораларни, шу жумладан, қонунчилик чораларини кўриш;

c) ногиронларнинг барча стратегиялар ва дастурларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришни ҳисобга олиш;

d) Ушбу Конвенцияга тўғри келмайдиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар ёки усуллардан тийилиш ҳамда давлат органлари ва муассасаларининг мазкур Конвенцияга мувофиқ ҳаракат қилишларини таъминлаш;

e) ҳар қандай шахс, ташкилот ёки хусусий корхона томонидан ногиронлик белгиси бўйича камситишни бартараф этиш учун зарур чораларни кўриш;

f) ногиронларнинг аниқ эҳтиёжлари учун мослаштириш, иложи борича кам ўзгартириш ва харажат талаб қиладиган товарлар, хизматлар, жиҳозлар ва универсал дизайн объектларининг (ушбу Конвенциянинг 2-моддасида белгиланган) тадқиқот ва конструкторлик ишланмаларини олиб бориш ёки рағбатлантириш, уларнинг мавжуд бўлиши ва фойдаланилишига кўмаклашиш, шунингдек стандартлар ва кўрсаткич мўлжалларини ишлаб чиқишда универсал дизайн ғоясини илгари суриш;

g) тадқиқот ва конструкторлик ишланмаларини олиб бориш ёки рағбатлантириш, шунингдек ногиронлар учун мос келадиган янги технологиялар, хусусан, арзон технологияларга устувор аҳамият берган ҳолда ахборот-коммуникация технологиялари, ҳаракатчанликни, қурилмалар ва ассистив технологияларни енгиллаштирадиган воситаларнинг мавжуд бўлиши ва фойдаланилишига кўмаклашиш;

h) ногиронларга ҳаракатчанликни, қурилмалар ва ассистив технологияларни енгиллаштирадиган воситалар, жумладан, янги технологиялар ҳамда ёрдам кўрсатишнинг бошқа шакллари, қўшимча хизматлар ва объектлар тўғрисида мавжуд ахборотларни тақдим этиш;

i) ушбу Конвенцияда эътироф этилган ҳуқуқлар билан кафолатланган ёрдам ва хизматларни тақдим этишни такомиллаштириш учун мутахассислар ва ногиронлар билан иш олиб борадиган ходимни ўқитишни рағбатлантириш.

2. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга келганда, ҳар бир иштирокчи-давлат ўзида мавжуд ресурслардан максимал даражада фойдаланиб, зарур ҳолларда, халқаро ҳамкорликка мурожаат қилиб, халқаро ҳуқуққа мувофиқ бевосита қўлланиладиган ушбу Конвенцияда ифодаланган мажбуриятларга зиён етказмасдан мазкур ҳуқуқларнинг тўла амалга

оширилишига босқичма-босқич эришиш чораларини кўриш мажбуриятини олади.

3. Ушбу Конвенцияни амалга оширишга йўналтирилган қонунчилик ва стратегияни ишлаб чиқиш ва қўллашда ҳамда ногиронларга тааллуқли масалалар бўйича қарор қабул қилишнинг бошқа жараёнлари доирасида иштирокчи-давлатлар ногиронлар, жумладан, ногирон болалар билан яқиндан маслаҳатлашадилар ва уларнинг вакиллик органлари орқали уларни фаол жалб қиладилар.

4. Ушбу Конвенциядаги ҳеч бир нарса иштирокчи-давлатларнинг қонунларида ёки мазкур давлатда амалдаги халқаро ҳуқуқ нормаларида бўлиши мумкин бўлган ногиронлар ҳуқуқларини амалга оширишга кўпроқ даражада кўмаклашадиган бирор бир қоидага дахл қилмайди. Қонун, конвенциялар, қоидалар ёки урф-одатларга кўра ушбу Конвенциянинг бирон бир иштирокчи-давлатида эътироф этиладиган ёки мавжуд бўлган инсоннинг қайсидир ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳеч қандай чеклаш ёки камситишга мазкур Конвенцияда бундай ҳуқуқлар ёки эркинликлар тан олинмаслиги ёки кичикроқ ҳажмда эътироф этилиши туфайли йўл қўйилмайди.

5. Ушбу Конвенция қоидалари федератив давлатларнинг барча қисмларига ҳеч қандай чеклашларсиз ёки истисноларсиз тарғиб этилади.

5-модда. Тенглик ва камситмаслик

1. Иштирокчи-давлатлар барча шахслар қонун олдида тенглигини ва унга кўра қонун томонидан ҳеч қандай камситишсиз тенг ҳимояланиш ҳамда ундан тенг фойдаланиш ҳуқуқига эгаллигини тан олади.

2. Иштирокчи-давлатлар ногиронлик белгиси бўйича ҳар қандай камситишни тақиқлайди ҳамда ногиронларга ҳар қандай асосда камситишдан тенг ва самарали ҳуқуқий ҳимояни кафолатлайди.

3. Иштирокчи-давлатлар тенгликни рағбатлантириш ва камситишни бартараф этишда оқилона мослашишни таъминлаш учун барча тегишли чораларни кўради.

4. Ногиронларнинг ҳақиқий тенглигини тезлаштириш ёки бунга эришиш учун зарур бўлган аниқ чоралар ушбу Конвенция маъноси бўйича камситиш ҳисобланмайди.

6-модда. Ногирон хотин-қизлар

1. Иштирокчи-давлатлар ногирон аёллар ва ногирон қизлар кўп бора камситишларга дучор бўлишларини тан оладилар ҳамда шу муносабат билан уларнинг инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тўлиқ ва тенг амалга оширишларини таъминлаш учун чоралар кўради.

2. Иштирокчи-давлатлар ушбу Конвенцияда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рўёбга чиқариш ва амалга оширишни кафолатлаш учун хотин-қизларнинг ҳар томонлама ривожланиши, аҳволини яхшилаш ҳамда ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришни таъминлаш учун барча тегишли чораларни кўради.

7-модда. Ногирон болалар

1. Иштирокчи-давлатлар ногирон болалар томонидан инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини бошқа болалар билан тенг равишда тўла амалга оширилишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради.

2. Ногирон болаларга нисбатан барча хатти-ҳаракатларда эътибор биринчи навбатда боланинг олий манфаатларига қаратилади.

3. Иштирокчи-давлатлар ногирон болалар бошқа болалар билан тенг равишда ўзларининг ёшларига ва етуқлигига мос келадиган, зарур салмоқ оладиган, уларга тааллуқли барча масалалар бўйича ўз қарашларини эркин ифода этиш ҳуқуқига эга бўлишларини ҳамда ушбу ҳуқуқларни амалга оширишда ногиронлик ва ёшига тегишли бўлган ёрдамни олишларини таъминлайди.

8-модда. Маърифий-тарбиявий иш

1. Иштирокчи-давлатлар қуйидагиларга эришиш учун кечиктириб бўлмайдиган, самарали ва тегишли чораларни кўриш мажбуриятини олади:

а) ногиронлик масалаларида бутун жамиятнинг, шу жумладан, оила даражасида билимини ошириш ҳамда ногиронларнинг ҳуқуқ ва кадр-қимматини ҳурмат қилишни мустаҳкамлаш;

б) ногиронларга нисбатан турмушнинг барча жабҳаларида, шу жумладан, жинси ва ёши асосидаги ақидалар ва зарарли одатлар билан кураш олиб бориш;

с) ногиронларнинг салоҳияти ва ҳиссасини тарғиб этиш.

2. Шу мақсадда кўрилаётган чоралар қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) қуйидагиларга даъват этилган самарали ижтимоий-маърифий кампанияларни авж олдириш ва юритиш:

i) ногиронлар ҳуқуқларига нисбатан зехнлиликни тарбиялаш;

ii) ногиронлар тўғрисидаги ижобий тасаввурларни ва уларнинг жамият томонидан чуқурроқ англанишини рағбатлантириш;

iii) ногиронларнинг кўникмалари, кадр-қиммати ва қобилиятларини, шунингдек уларнинг иш жойи ва меҳнат бозоридаги ҳиссасининг тан олинисига кўмаклашиш;

б) таълим тизимининг барча даражадаларида, шу жумладан, кичик ёшдан бошлаб барча болаларни ногиронлар ҳуқуқларига ҳурмат билан муносабатда бўлишга тарбиялаш;

с) барча оммавий ахборот воситаларида ногиронларни ушбу Конвенция мақсадларига мос келадиган тарзда тасвирлашга даъват этиш;

д) ногиронлар ва уларнинг ҳуқуқларига бағишланган тарбиявий-таништириш дастурларини тарғиб қилиш.

9-модда. Фойдаланиш имконияти

1. Иштирокчи-давлатлар ногиронлар мустақил турмуш кечириши ва ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳар тарафлама иштирок этиш имкониятига эга бўлиши учун ногиронларнинг бошқалар билан тенг равишда жисмоний муҳит, транспорт, ахборот ва алоқадан, у жумладан, ахборот-коммуникация

технологиялари ва тизимидан, шунингдек шаҳарларда бўлгани каби қишлоқ жойларида ҳам аҳоли учун очиқ ёки тақдим этиладиган бошқа объектлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш учун тегишли чораларни кўради. Фойдаланиш имкониятига халақит берадиган тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этишни қамраб оладиган ушбу чоралар, қуйидагиларда татбиқ этилиши керак, хусусан:

а) бинолар, йўллар, транспорт ҳамда бошқа ташқи ва ички объектлар, шу жумладан, мактаблар, турар-жойлар, тиббиёт муассасалари ва иш жойлари;

б) ахборот, коммуникация ва бошқа хизматлар, шу жумладан, электрон хизматлар ва шошилинч хизматлар.

2. Иштирокчи-давлатлар, шунингдек қуйидаги тегишли чораларни кўради:

а) аҳоли учун очиқ ёки тақдим этиладиган объектлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятини назарда тутадиган минимал стандартлар ва кўрсаткич мўлжалларини ишлаб чиқиш, амалга киритиш ва уларга риоя этилишини кузатиш;

б) аҳоли учун очиқ ёки тақдим этиладиган объектлар ва хизматларни таклиф этадиган хусусий корхоналар ногиронлар учун фойдаланишнинг барча жиҳатларини ҳисобга олишларини таъминлаш;

с) ногиронлар дуч келадиган фойдаланиш муаммолари бўйича алоқадор барча томонлар учун йўриқнома беришни ташкил этиш;

д) аҳоли учун очиқ бўлган бинолар ва бошқа объектларни Брайль алифбосида бажарилган ҳамда осон ўқиладиган ва тушуниладиган шаклдаги белгилар билан жиҳозлаш;

е) аҳоли учун очиқ бўлган бинолар ва бошқа объектлардан фойдаланишини енгиллаштириш учун ёрдамчилар ва воситачиларнинг, шу жумладан, йўлбошчилар, суҳандонлар ва профессионал сурдо-таржимонларнинг турли хил хизматларини тақдим этиш;

ф) ногиронларнинг ахборотдан фойдаланишини таъминлайдиган ёрдам ва қўллаб-қувватлашнинг бошқа тегишли шаклларини ривожлантириш;

г) ногиронларнинг янги ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларидан, шу жумладан, Интернетдан фойдаланиш имкониятларини рағбатлантириш;

ҳ) дастлабки фойдаланиш имконияти бўлган ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларидан энг кам харажатларда фойдаланишга эришиш, мазкур технология ва тизимларни лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва тарқатишни рағбатлантириш.

10-модда. Яшаш ҳуқуқи

Иштирокчи-давлатлар ҳар бир инсоннинг яшашга бўлган ажралмас ҳуқуқини яна бир бор тасдиқлайди ва унинг ногиронлар томонидан бошқалар билан тенг равишда самарали амалга оширилишини таъминлаш учун барча тегишли чораларни кўради.

11-модда. Таҳликали ва ғавқулодда гуманитар вазиятлар

Иштирокчи-давлатлар халқаро ҳуқуқ, жумладан, халқаро гуманитар ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқи бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ ногиронларнинг таҳликали вазиятларда, хусусан, қуроли мижаролар, ғавқулодда гуманитар вазиятлар ва табиий офатлардан ҳимоя қилиш ва ҳавфсизлигини таъминлаш учун барча тегишли чораларни кўради.

12-модда. Қонун олдида тенглик

1. Иштирокчи-давлатлар ҳар бир ногирон, у қаерда бўлишидан қатъи назар, тенг ҳуқуқий ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга эканлигини тасдиқлайди.

2. Иштирокчи-давлатлар ногиронлар бошқалар билан тенг равишда ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳуқуқ лаёқатига эга эканлигини эътироф этади.

3. Иштирокчи-давлатлар ногиронларга улар ўзларининг ҳуқуқий лаёқатини амалга оширишларида талаб этилиши мумкин бўлган ёрдамдан фойдаланиш имкониятини тақдим этиш учун тегишли чораларни кўради.

4. Иштирокчи-давлатлар ҳуқуқ лаёқатини амалга ошириш билан боғлиқ барча чоралар инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқига мувофиқ суиистеъмолликларнинг олдини олишнинг тегишли ва самарали қафолатларини назарда тутишини таъминлайди. Бундай қафолатлар ҳуқуқ лаёқатини амалга ошириш билан боғлиқ чоралар шахснинг ҳуқуқлари, иродаси хоҳиш-истакларини ҳурмат қилишга йўналтирилган бўлиши, манфаатлар тўқнашуви ва ноўрин таъсирдан холи бўлишини, ушбу шахс вазиятига мутаносиб ва мослаштирилган бўлиши, иложи борича қисқа муддатда қўлланилиши ҳамда ваколатли, мустақил ва холис орган ёки суд инстанцияси томонидан мунтазам текширилишини таъминлаши керак. Ушбу қафолатлар мазкур шахснинг ҳуқуқлари ва манфаатларига таъсир қиладиган даражада мутаносиб бўлиши керак.

5. Иштирокчи-давлатлар ушбу модда қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ногиронларнинг мулкка эгаллик қилиш ва уни мерос қилиб олиш, ўз молиявий ишларини бошқариш, шунингдек банк ссудалари, ипотека кредитлари ва молиявий кредитлашнинг бошқа шаклларида тенг фойдаланишга бўлган тенг ҳуқуқларини таъминлаш учун барча тегишли ва самарали чораларни кўради ҳамда ногиронлар ўз мулкдан асоссиз маҳрум бўлмасликларини таъминлайди.

13-модда. Одил судловдан фойдаланиш имконияти

1. Иштирокчи-давлатлар ногиронларни бошқалар билан тенг равишда одил судловдан, шу жумладан, юридик жараённинг барча босқичларида, хусусан, суриштириш босқичлари ва иш юритишнинг бошқа бошланғич босқичларида ўзларининг бевосита ва билвосита иштирокчилар, шунингдек гувоҳлар сифатидаги самарали ролини бажаришларини енгиллаштиришга қаратилган процессуал ва ёшларига мос тузатишлар киритишни назарда тутган ҳолда самарали фойдаланишларини таъминлайди.

2. Иштирокчи-давлатлар ногиронларнинг одил судловдан самарали фойдаланишини таъминлашга кўмаклашиш учун одил судлов соҳасида, шу жумладан, полиция ва пенитенциар тизимида ишлайдиган шахсларни тегишли тарзда ўқитишга кўмаклашади.

14-модда. Эркинлик ва шахсий дахлсизлик

1. Иштирокчи-давлатлар ногиронлар бошқалар билан тенг равишда куйидагилардан фойдаланишни таъминлайди:

а) эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланиш;

б) ноқонуний ёки асоссиз озодликдан маҳрум бўлмаслиги ҳамда ҳар қандай озодликдан маҳрум этиш қонунга мувофиқ бўлиши, ногиронликнинг мавжудлиги эса ҳеч бир ҳолатда озодликдан маҳрум этиш учун асос бўлмаслигини.

2. Иштирокчи-давлатлар, агар ногиронлар бирор бир тартиб-таомиллар асосида озодликдан маҳрум этилса, уларга бошқалар билан тенг равишда инсон ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқига мутаносиб бўлган кафолатлар берилишини ҳамда улар билан муомала ушбу Конвенциянинг мақсад ва принципларига, хусусан, оқилона мослаштиришни таъминлашга мувофиқ бўлишини таъминлайди.

15-модда. Қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларидан озод бўлиш

1. Ҳеч ким қийноққа солиниши ёхуд муомала ёки жазолашнинг шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматининг камситилишига дучор этилиши мумкин эмас. Хусусан, ҳеч бир шахс, унинг эркин розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибага дучор қилинмаслиги керак.

2. Иштирокчи-давлатлар ногиронлар бошқалар билан тенг равишда қийноққа ёки муомала ва жазолашнинг шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига дучор қилинмаслиги учун барча самарали қонунчилик, маъмурий, суд ёки бошқа чораларни кўради.

16-модда. Эксплуатация, зўравонлик ва таҳқирлашлардан озод бўлиш

1. Иштирокчи-давлатлар ногиронларни ҳам уйларида, ҳам унинг ташқарисида эксплуатация, зўравонлик ва таҳқирлашнинг барча шаклларида, шу жумладан гендер сабаби билан боғлиқ жиҳатлардан ҳимоя қилиш учун барча тегишли қонунчилик, маъмурий, ижтимоий, маърифий ва бошқа чораларни кўради.

2. Иштирокчи-давлатлар, шунингдек эксплуатация, зўравонлик ва таҳқирлашнинг ҳамма шаклларида олдини олиш учун, хусусан, ногиронларга, уларнинг оилаларига ва ногиронларни парвариш қилаётган шахсларга ёш-жинс хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, эксплуатация, зўравонлик ва таҳқирлаш кўринишларига дучор бўлмаслик, бундай ҳолатларни аниқлаш ва хабар

бериш йўллари билан таништириш, бу масаладаги хабардорликни ошириш учун барча тегишли чораларни кўради. Иштирокчи-давлатлар ҳимоя тақдим этиш бўйича хизматлар ногиронликнинг ёш-жинс хусусиятлари ва омиллари ҳисобга олган ҳолда кўрсатилишини таъминлайди.

3. Иштирокчи-давлатлар эксплуатация, зўравонлик ва таҳқирлашнинг барча шакллари намоён бўлишининг олдини олиш мақсадида ногиронларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган барча муассасалар ва дастурлар мустақил органлар томонидан самарали назорат остида бўлишини таъминлайди.

4. Иштирокчи-давлатлар эксплуатация, зўравонлик ёки таҳқирлашнинг ҳар қандай шаклидан жабр кўрган ногиронларнинг жисмоний, когнитив ва психологик тикланиши, реабилитация ва ижтимоий қайта интеграциясига ёрдамлашиш учун, шу жумладан, ҳимоя қилишни тақдим этиш бўйича хизматлар кўрсатиш орқали барча тегишли чораларни кўради. Бундай тикланиш ва қайта интеграциялаш тегишли шахснинг саломатлигини, хотиржамлигини, ўзига ҳурматни, кадр-қимматини ва мустақиллигини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган вазиятда содир бўлади ҳамда ёш-жинс хусусиятлари билан боғлиқ эҳтиёжлар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

5. Иштирокчи-давлатлар ногиронларга нисбатан эксплуатация, зўравонлик ва таҳқирлаш ҳолатлари аниқланиши, текширилиши ва тегишли ҳолларда таъқиб этилишини таъминлаш учун, шу жумладан, хотин-қизлар ва болаларга мўлжалланган самарали қонунчилик ва стратегияларни қабул қилади.

17-модда. Шахсий яхлитликни ҳимоя қилиш

Ҳар бир ногирон бошқалар билан тенг равишда ўзининг жисмоний ва руҳий яхлитлиги ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

18-модда. Кўчиб юриш эркинлиги ва фуқаролик

1. Иштирокчи-давлатлар ногиронларнинг бошқалар билан тенг равишда кўчиб юриш эркинлиги, яшаш жойини эркин танлаш ва фуқаролик ҳуқуқини, шу жумладан, қуйидагиларни таъминлаш орқали ногиронларнинг:

а) фуқароликни олиш ва ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлишлари ҳамда асоссиз ёки ногиронлик сабабли ўз фуқаролигидан маҳрум этилмаслиги;

б) ногиронлиги сабабли, уларнинг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатларни ёки уларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни олиш имкониятидан маҳрум бўлмаслик, бундай ҳужжатларга эга бўлиш ва улардан фойдаланиш ёки тегишли тартиб-таомиллардан, масалан, кўчиб юриш эркинлиги ҳуқуқини амалга оширишни енгиллаштириш учун зарур бўлиши мумкин бўлган иммиграция тартибидан фойдаланиш;

с) бирон бир мамлакатни, жумладан, ўз мамлакатини эркин тарк этиш ҳуқуқига эга бўлиши;

д) асоссиз ёки ногиронлиги сабабли ўз мамлакатига кириш ҳуқуқидан маҳрум бўлмаслик.

2. Ногирон болалар туғилиши билан дарҳол рўйхатга олинади ҳамда туғилган пайтидан бошлаб исмга эга бўлиш ва фуқароликни олиш, шунингдек иложи борича ўз ота-онасини билиш ҳуқуқи ва улардан ғамхўрлик кўриш ҳуқуқига эга.

19-модда. Мустақил турмуш тарзи ва маҳаллий ҳамжамиятга жалб қилиш

Ушбу Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари барча ногиронларнинг бошқа одамлар қатори тенг танлов вариантларида оддий яшаш жойларида яшашдаги тенг ҳуқуқлилигини эътироф этади ҳамда ногиронлар томонидан бу ҳуқуқнинг тўла амалга оширилишини ва уларнинг маҳаллий ҳамжамиятга тўлиқ қўшилиши ҳамда жалб этилишига кўмаклашиш, шу жумладан, қуйидагиларни таъминлаш учун самарали ва тегишли чораларни кўради:

а) ногиронлар бошқа одамлар билан тенг равишда ўз яшаш жойини ҳамда қаерда ва ким билан яшашни танлаш имкониятига эга бўлиши ҳамда қандайдир муайян турар жой шароитларида яшашга мажбур бўлмаслиги;

б) ногиронлар уйда, яшаш жойи бўйича ва маҳаллий ҳамжамият томонидан кўрсатиладиган турли хил бошқа ёрдамчи хизматлардан, жумладан, маҳаллий ҳамжамиятда ҳаётни қўллаб-қувватлаш ва унга қўшилиш, шунингдек яққалаб қўйишга ёки маҳаллий ҳамжамиятдан чиқариб юборишга йўл қўйилмаслиги учун зарур бўлган шахсий ёрдамдан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши;

с) умумий аҳолига мўлжалланган жамоавий фойдаланиш хизматлари ва объектлари ногиронлар учун ҳам тенг даражада фойдаланиш имкони мавжуд бўлиши ҳамда уларнинг эҳтиёжига жавоб бериши.

20-модда. Шахсий ҳаракатчанлик

Иштирокчи-давлатлар ногиронларнинг индивидуал ҳаракатчанлигини улар мустақиллигининг энг юқори имконияти даражасида, шу жумладан, қуйидагилар орқали таъминлаш учун самарали чоралар кўради:

а) ногиронларнинг ўзи танлаган усулда, ўзи танлаган вақтда ва мақбул нархда индивидуал ҳаракатчанлигига кўмаклашиш;

б) ногиронларнинг ҳаракатчанлигини энгиллаштирадиган сифатли воситалар, қурилмалар, ёрдамчи технологиялар ҳамда ёрдамчилар ва воситачилар хизматларидан, жумладан, уларни мақбул нархларда тақдим этиш орқали фойдаланишини энгиллаштириш;

с) ногиронларни ва улар билан ишлайдиган мутахассис кадрларни ҳаракатчанлик кўникмаларига ўқитиш;

д) ҳаракатчанликни энгиллаштирадиган воситалар, қурилмалар ва ёрдамчи технологиялар ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган корхоналарни ногиронлар ҳаракатчанлигининг барча жиҳатларини ҳисобга олишга даъват этиш.

21-модда. Фикр ва эътиқодни ифода этиш эркинлиги ва ахборотдан фойдаланиш имконияти

Иштирокчи-давлатлар ногиронлар фикр ва эътиқодларини эркин ифода этиш ҳуқуқини, жумладан, ушбу Конвенциянинг 2-моддасида белгилаб қўйилган муомаланинг барча шаклларида ўз танлови бўйича фойдаланган ҳолда ахборот ва ғояларни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради, хусусан:

а) ногиронларни фойдаланиш имконияти бўлган шаклда ва ногиронликнинг турли шаклларида ҳисобга оладиган технологиялардан фойдаланиб, ўз вақтида ва қўшимча тўловларсиз кенг оммага мўлжалланган ахборот билан таъминлаш;

б) расмий муомалада ишора тили, Брайль алифбоси, муомалани кучайтирадиган ва муқобил воситаларидан ҳамда ногиронларнинг танлови бўйича муомаланинг бошқа фойдаланиш имконияти бўлган барча воситалари, усуллари ва шаклларида фойдаланишларига ёрдам кўрсатиш;

в) кенг оммага, шу жумладан, Интернет орқали хизмат кўрсатадиган хусусий корхоналарни ногиронлар учун фойдаланиш имконияти бўлган ҳамда яроқли шакллардаги ахборот ва хизматларни тақдим этишга даъват этиш;

д) оммавий ахборот воситаларини ногиронларнинг ахборотдан, шу жумладан, Интернет орқали тақдим этиладиган хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишини таъминлашга даъват этиш;

е) ишора тилларидан фойдаланишни эътироф этиш ва рағбатлантириш.

22-модда. Шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги

1. Бирорта ногирон, яшаш ёки турар жойи шароитларидан қатъи назар, ўз шахсий ҳаёти, оиласи, турар жойи ёки ёзишмалари ва бошқа муомала турларининг дахлсизлигига ўзбошимчалик билан ёки ноқонуний тажовузларга ёхуд унинг шаъни ва обрўсига ноқонуний ҳужумларга дучор бўлмаслиги керак. Ногиронлар бундай тажовузлар ёки ҳужумлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

2. Иштирокчи-давлатлар бошқаларники каби ногиронларнинг шахси, соғлиғининг ҳолати ва реабилитацияси тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини муҳофаза қилади.

23-модда. Уй ва оилани ҳурмат қилиш

1. Иштирокчи-давлатлар ногиронларга нисбатан бошқалар билан тенг равишда никоҳ, оила, оталик, оналик ва шахсий муносабатлар билан боғлиқ барча масалаларда камситишларни бартараф этиш учун самарали ва тегишли чоралар кўради, шу билан бирга, қуйидагиларни таъминлашга интиладилар:

а) никоҳ ёшига етган барча ногиронларнинг никоҳланувчиларнинг эркин ва тўлиқ розилиги асосида никоҳдан ўтиш ва оила қуришга бўлган ҳуқуқининг тан олиншини;

б) ногиронларнинг болалар сони ва уларнинг туғилиши орасидаги интервал тўғрисида эркин ва масъулиятли қарор қабул қилиш ҳамда репродуктив хатти-ҳаракатлар ва оилани режалаштириш масалаларида ёшга мос ахборотдан фойдаланиш имконияти ҳамда билимга эга бўлиш ҳуқуқининг эътироф этилишини, шунингдек уларга ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш имконини берадиган воситаларнинг тақдим этилишини;

с) ногиронлар, шу жумладан, болалар бошқалар билан тенг тарзда ўз фертилликларини сақлашларини.

2. Иштирокчи-давлатлар миллий қонунчиликда васийлик, ҳомийлик, васийлик қилиш, фарзандликка олиш ёки шунга ўхшаш институтлар сингари тушунчалар мавжуд бўлганда ногиронларнинг ушбу тушунчаларга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлайди; барча ҳолатларда боланинг олий манфаатлари биринчи даражали аҳамиятга эга. Иштирокчи-давлатлар ногиронларга болаларини тарбиялаш бўйича мажбуриятларини бажаришларида тегишли ёрдамни кўрсатади.

3. Иштирокчи-давлатлар ногирон болаларнинг оилавий ҳаётга нисбатан тенг ҳуқуқларга эга бўлишини таъминлайди. Иштирокчи-давлатлар ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш ҳамда ногирон болаларни яшириш, уларни ташлаб кетиш, парвариш қилишдан бош тортиш ва сегрегациясига йўл қўймаслик учун аввалбошдан ногирон болалар ва уларнинг оилаларини ҳар томонлама ахборот, хизматлар ва қўллаб-қувватлаш билан таъминлаш мажбуриятини олади.

4. Иштирокчи-давлатлар бола ўз ота-онасидан уларнинг иродасига қарши ажратилмаслигини таъминлайди, суд томонидан назорат қилинадиган ваколатли органлар қўлланиладиган қонунлар ва тартиб-таомилларга мувофиқ бундай ажратиш боланинг олий манфаатлари учун зарур эканлигини белгилаган ҳолатлар бундан мустасно. Ҳеч бир вазиятда бола ўзининг ёхуд ота-онасидан бирининг ёки иккаласининг ногиронлиги сабабли ота-онасидан ажратилиши мумкин эмас.

5. Иштирокчи-давлатлар ногирон болани, унинг энг яқин қариндошлари парвариш қилишга қодир бўлмаган ҳолатларда узоқроқ қариндошларини жалб қилиш орқали, агар бундай имконият бўлмаса, боланинг маҳаллий ҳамжамиятда яшаши учун оилавий шароитларни яратиш орқали муқобил парвариш қилишни ташкил этиш мақсадида барча саъй-ҳаракатларни қилиш мажбуриятини олади.

24-модда. Таълим

1. Иштирокчи-давлатлар ногиронларнинг таълим олиш ҳуқуқини эътироф этади. Иштирокчи-давлатлар ушбу ҳуқуқни камситишларсиз ва имкониятлар тенглиги асосида амалга ошириш мақсадида барча даражаларда инклюзив таълимни ҳамда бутун умри давомида ўқитилишларини таъминлайди, шу билан бирга қуйидагиларга интилади:

а) инсон салоҳиятини, шунингдек кадр-қиммат ва ўзини ҳурмат қилиш ҳиссининг тўлиқ ривожланиши ҳамда инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари ва инсоний турфа хилликни ҳурмат қилишни кучайтириш;

- б) ногиронларнинг шахси, истеъдоди ва ижодкорлигини, шунингдек уларнинг ақлий ва жисмоний қобилиятларини тўла ҳажмда ривожлантириш;
- с) ногиронларга эркин жамият ҳаётида самарали иштирок этиш имкониятини яратиш.

2. Иштирокчи-давлатлар ушбу ҳуқуқни амалга оширишда қуйидагиларни таъминлайди:

а) ногиронлар ногиронлиги сабабли умумий таълим тизимидан, ногирон болалар эса бепул ва мажбурий бошланғич таълим ёки ўрта таълим тизимидан чиқарилмаслиги;

б) ногиронлар бошқалар билан тенг равишда ўз яшаш жойларида инклюзив, сифатли ва бепул бошланғич таълим ва ўрта таълимни олиш имкониятига эга бўлиши;

с) шахсий эҳтиёжларни ҳисобга оладиган оқилона мослаштириш таъминланиши;

д) ногиронлар умумий таълим тизимида, уларнинг самарали ўқитилишини енгиллаштириш учун талаб этиладиган қўллаб-қувватлашга эга бўлиши;

е) тўла қамраб олиш мақсадига мувофиқ билимларни ўзлаштириш ва ижтимоий ривожланишга имкон қадар ёрдам берадиган вазиятда индивидуал қўллаб-қувватлашни ташкил этиш бўйича самарали чоралар кўрилиши.

3. Иштирокчи-давлатлар ногиронларнинг таълим жараёнида ҳамда маҳаллий ҳамжамиятнинг аъзолари сифатида тўлиқ ва тенг иштирок этишларини енгиллаштириш учун уларга ҳаётий ва ижтимоий кўникмаларни ўзлаштириш имкониятини беради. Иштирокчи-давлатлар ушбу йўналишда тегишли чораларни кўради, шу жумладан:

а) Брайль алифбоси, муқобил шрифтларни, мулоқотни кучайтирадиган муқобил усуллари, восита ва шакллари, шунингдек мослашиш ва ҳаракатчанлик кўникмаларининг ўзлаштирилишига ҳамда тенгдошлари томонидан қўллаб-қувватланишига ва мураббийликка кўмаклашади;

б) имо-ишора тилини эгаллашга ва карларнинг лингвистик ўзига хослигини рағбатлантиришга ёрдам беради;

с) шахсларни ўқитиш, хусусан, кўзи ожиз, қар ёки кўзи ожиз ва қар бўлган болаларни ўқитиш ҳар бир шахс учун қулай бўлган тил ва усулларда, мулоқот воситаларида ҳамда билимларни ўзлаштириш ва ижтимоий ривожланишга имкони борича ёрдам берадиган вазиятда амалга оширилишини таъминлайди.

4. Иштирокчи-давлатлар ушбу ҳуқуқнинг амалга оширилишини таъминлашга кўмаклашиш учун ўқитувчилар, шу жумладан, имо-ишора тилини ёки Брайл алифбосини ўзлаштирган ногирон ўқитувчиларни ишга жалб этиш ҳамда таълим тизимининг барча даражаларида ишлайдиган мутахассислар ва ходимларни ўқитиш учун тегишли чораларни кўради. Бундай ўқитиш ногиронлик масалаларида ўқитишни ҳамда ногиронларни қўллаб-қувватлаш учун тегишли мулоқотни кучайтирадиган ва муқобил

усуллари, воситалари ва шакллари, ўқув услубиётлари ва материалларидан фойдаланишни камраб олади.

5. Иштирокчи-давлатлар ногиронларнинг камситишларсиз ва бошқалар билан тенг равишда умумий олий таълим, касбга ўқитиш, катталар учун таълим ва бутун ҳаёти давомида ўқитилиш имкониятига эга бўлишларини таъминлайди. Иштирокчи-давлатлар шу мақсадда ногиронлар учун оқилона мослашишни таъминлайди.

25-модда. Соғлиқни сақлаш

Иштирокчи-давлатлар ногиронларнинг ногиронлик белгиси бўйича камситишларсиз эришиш мумкин бўлган энг юқори даражадаги соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқини эътироф этадилар. Иштирокчи-давлатлар ногиронларнинг гендер хусусиятини ҳисобга оладиган соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлардан, шу жумладан, соғлиғининг ҳолати бўйича реабилитациядан фойдаланиш имкониятига эга бўлишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўради. Иштирокчи-давлатлар, хусусан:

а) ногиронларга бошқа шахслар қатори соғлиқни сақлаш, шу жумладан, жинсий ва репродуктив соҳадаги саломатлик ҳамда аҳолига таклиф этилаётган давлат соғлиқни сақлаш дастурлари бўйича бепул ёки қиммат бўлмаган хизматлар ва дастурларнинг турлари, сифати ва даражасини таъминлайди;

б) ногиронларга уларнинг ногиронлиги сабабли бевосита зарур бўлган соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматларни, жумладан, эрта ташхис қўйишни, тегишли ҳолатларда – коррекция ва, хусусан, болалар ва катта ёшдагилар ўртасида ногиронликнинг кейинчалик пайдо бўлишини камайтириш ва унинг олдини олишга даъват этилган хизматларни тақдим этади;

с) соғлиқни сақлаш соҳасидаги ушбу хизматларни иложи борича мазкур одамлар бевосита яшайдиган жойларга, шу жумладан, қишлоқ жойлари яқинида ташкил этади;

д) соғлиқни сақлаш мутахассисларидан ногиронларга бошқа шахсларга бўлгани каби, шу жумладан, эркин ва хабардорлиги бўйича розилиги асосида ўқитиш ҳамда давлат ва хусусий соғлиқни сақлаш учун ахлоқ стандартларини қабул қилиш ҳисобига инсон ҳуқуқлари, кадр-қиммати, мустақиллиги ва ногиронларнинг эҳтиёжлари тўғрисидаги хабардорлигини ошириш орқали сифатли хизмат кўрсатилишини талаб қилади;

е) тиббий суғурталаш ва ҳаётни суғурталашни тақдим этишда, агар кейингиси миллий қонунда рухсат берилган бўлса ҳамда у адолатли ва оқилона асосда тақдим этилишини назарда тутса, ногиронларга нисбатан камситишни тақиқлайди;

ф) ногиронлиги сабабли соғлиқни сақлашда ёки ушбу соҳадаги хизматлар ёхуд овқат ёки ичимликларни олишда камситадиган рад этилишларга йўл қўймайди.

26-модда. Абилитация ва реабилитация

1. Иштирокчи-давлатлар, шу жумладан, бошқа ногиронлар томонидан қўллаб-қувватланишида, ногиронларга иложи борича мустақилликка, тўла жисмоний, ақлий, ижтимоий ва касбий қобилиятларга эришишлари ва уни сақлаб қолишлари ҳамда ҳаётнинг барча жабҳаларида тўла қўшилиш ва жалб қилиниш имкониятини яратиш учун самарали ва тегишли чораларни кўради. Иштирокчи-давлатлар шу мақсадда, айниқса, соғлиқни сақлаш, бандлик, таълим ва ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаларида комплекс абилитация ва реабилитация хизматлари ва дастурларини ташкил этади, мустаҳкамлайди ва кенгайтиради, шу тарзда ушбу хизматлар ва дастурлар:

а) уларни иложи борича эрта амалга ошириб борилиши ҳамда ногиронларнинг эҳтиёжлари ва кучли жиҳатларини кўп томонлама баҳолашга асосланган бўлиши;

б) маҳаллий ҳамжамиятга ҳамда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида жалб этилиш ва қўшилишга ёрдам бериши, ихтиёрий хусусиятга эга бўлиши ҳамда ногиронлар учун иложи борича бевосита яшаш жойларига яқин, шу жумладан қишлоқ жойларида фойдаланиш имконияти бўлиши.

2. Иштирокчи-давлатлар абилитация ва реабилитация хизматлари соҳасида ишлайдиган мутахассис ва ходимларнинг бошланғич ва кейинги ўқитишни ривожлантиришини рағбатлантиради.

3. Иштирокчи-давлатлар ногиронлар учун мўлжалланган абилитация ва реабилитацияга тааллуқли ассистив (ёрдамчи) қурилмалар ва технологияларнинг мавжудлиги, билими ва улардан фойдаланишни рағбатлантиради.

27-модда. Меҳнат ва бандлик

1. Иштирокчи-давлатлар ногиронларнинг бошқалар билан тенг равишда меҳнат қилиш ҳуқуқини эътироф этади; бу меҳнат бозори ва ишлаб чиқариш муҳити ногиронлар учун очик, инклюзив ва иштирок этиш имконияти бўлган шароитда ногирон ўзи эркин танлаган ва эркин рози бўлган меҳнат қилиш орқали ҳаёт кечиришига пул ишлаб топиш имкониятига эга бўлиш ҳуқуқини қамраб олади. Иштирокчи-давлатлар меҳнат қилиш ҳуқуқини, айниқса, меҳнат фаолияти давомида ногирон бўлган шахсларнинг, жумладан, қонун ҳужжатлари тартибида, хусусан, қуйидагиларга йўналтирилган тегишли чораларни кўриш орқали меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишни таъминлайди ва рағбатлантиради:

а) бандликнинг барча шаклларида, жумладан ишга қабул қилиш, ёллаш ва бандлик, иш жойини сақлаб қолиш, хизмат лавозимида кўтарилиш, хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларига тааллуқли барча масалаларда ногиронлик белгиси бўйича камситишни тақиқлаш;

б) ногиронларнинг бошқалар билан тенг равишда адолатли ва қулай меҳнат шароитларига, жумладан, тенг қийматдаги меҳнат учун тенг имкониятлар ва тенг рағбатлантирилиш, хавфсиз ва соғлом меҳнат

шароитлари, хусусан, хужумлардан ҳимоя қилиниш ва шикоятларнинг қондирилишига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

с) ногиронларнинг бошқалар билан тенг равишда ўзларининг меҳнат ва касаба уюшмасига бўлган ҳуқуқларини амалга оширишларини таъминлаш;

д) ногиронларга умумий техникавий ва касбий йўналтириш дастурлари, ишга жойлаштириш хизматлари, касбий ва узлуксиз таълимдан самарали фойдаланиш имкониятларини яратиш;

е) меҳнат бозорида ногиронларнинг ишга жойлашиш ва хизмат лавозимида кўтарилиш, шунингдек иш излаш, ишга эга бўлиш, сақлаб қолиш ва қайтадан бошлаш учун ёрдам бериш имкониятларини кенгайтириш;

ф) шахсий меҳнат фаолияти, тадбиркорлик, кооперативларни ривожлантириш ва ўз бизнесини ташкил этиш имкониятларини кенгайтириш;

г) ногиронларни давлат секторига ёллаш;

һ) ногиронларни тегишли стратегиялар ва ижобий ҳаракатлар дастурлари, рағбатлар ҳамда бошқа чораларни қамраб олиши мумкин бўлган чора-тадбирлар ёрдамида хусусий секторда ишга ёллашни рағбатлантириш;

и) ногиронларга иш жойларига оқилона мослашишни таъминлаш;

ж) очик меҳнат бозори шароитларида ногиронларнинг иш тажрибасига эга бўлишларини рағбатлантириш;

к) ногиронлар учун касбий ва малакавий реабилитация, иш жойларини сақлаб қолиш ва ишга қайтиш дастурларини рағбатлантириш.

2. Иштирокчи-давлатлар ногиронларнинг қулликка ва эрксиз ҳолатга тушиб қолмасликларини ҳамда бошқалар билан тенг равишда мажбурий ёки бажарилиши шарт бўлган меҳнатдан ҳимоя қилинишини таъминлайди.

28-модда. Етарли турмуш даражаси ва ижтимоий ҳимоя

1. Иштирокчи-давлатлар ногиронларнинг ўзлари ва оилалари учун етарлича озик-овқат, кийим-кечак ва турар жойни ўз ичига олган турмуш даражасига ва турмуш шароитлари узлуксиз яхшиланиб боришига бўлган ҳуқуқларини эътироф этади ҳамда ушбу ҳуқуқларнинг ногиронлик белгиси бўйича камситишларсиз амалга оширилишини таъминлаш ва рағбатлантиришнинг тегишли чораларини кўради.

2. Иштирокчи-давлатлар ногиронларнинг ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқларини ва бу ҳуқуқлардан ногиронлик белгиси бўйича камситилмасдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини эътироф этади ҳамда ушбу ҳуқуқни амалга оширишни таъминлаш ва рағбатлантириш учун тегишли чораларни кўради, жумладан, қуйидаги чораларни кўради:

а) ногиронларнинг тоза сувга эга бўлишнинг тенг имкониятларини ҳамда ногиронлик билан боғлиқ эҳтиёжларни қондириш учун тегишли ва қиммат бўлмаган хизматлар, қурилмалар ва бошқа ёрдамдан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш бўйича;

б) ногиронларнинг, хусусан, ногиронлиги бўлган аёллар, қизлар ва кекса шахсларнинг ижтимоий ҳимоя дастурлари ва қашшоқлик кўламларини қисқартириш дастурларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш бўйича;

с) кашшоқлик шароитларида яшаётган ногиронлар ва уларнинг оилаларини ногиронлик билан боғлиқ харажатларни, жумладан тегишли таълим, маслаҳатлашиш, молиявий ёрдам ва вақтинча патронаж парваришини қоплаш мақсадидаги давлат томонидан ёрдам олиш имкониятини таъминлаш бўйича;

д) ногиронларнинг давлат уй жой дастурларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш бўйича;

е) ногиронларнинг пенсия нафақалари ва дастурларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш бўйича.

29-модда. Сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш

Иштирокчи-давлатлар ногиронларнинг сиёсий ҳуқуқларини ва улардан бошқалар билан тенг равишда фойдаланиш имкониятини кафолатлайди ҳамда қуйидаги мажбуриятларни олади:

а) ногиронлар бошқалар билан тенг равишда сиёсий ва ижтимоий ҳаётда тўғридан-тўғри ёки эркин сайланган вакиллари орқали самарали ва ҳар томонлама иштирок этишлари, шу жумладан овоз бериш ва сайланиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлишларини, хусусан, қуйидагилар орқали таъминлаш:

i) овоз бериш тартиб-таомиллари, бинолари ва материаллари англаш ва фойдаланиш учун мос, очиқ ва осон бўлишини таъминлаш;

ii) ногиронларнинг сайловларда ва оммавий референдумларда яширин овоз беришда қўрқитилмасдан иштирок этиш ҳамда сайловларда давлат ҳокимиятининг барча даражаларида лавозимларни амалда эгаллаш ва барча оммавий функцияларни бажариш учун – керак бўлганда, ассистив ва янги технологиялардан фойдаланишга кўмаклашиш орқали ўз номзодларини кўрсатиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш;

iii) ногиронларнинг сайловчилар сифатида хоҳиш-иродаларини эркин ифода этишини кафолатлаш ва шу мақсадда, зарур бўлганда, уларнинг ўз танлови бўйича бирор бир шахс томонидан овоз беришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосларини қондириш;

б) ногиронларнинг камситишсиз ва бошқалар билан тенг равишда давлат ишларини бошқаришда самарали ва ҳар томонлама иштирок этишлари мумкин бўлган муҳитни яратишга фаол кўмаклашиш ҳамда уларнинг давлат ишларида иштирок этишларини рағбатлантириш, жумладан:

i) фаолияти мамлакатнинг давлат ва сиёсий ҳаёти билан боғлиқ бўлган ноҳукумат ташкилотлари ва бирлашмаларида, шу жумладан сиёсий партиялар фаолияти ва уларга раҳбарлик қилишда иштирок этиш;

ii) ногиронлар ташкилотларини тузиш ҳамда ногиронларни халқаро, миллий, минтақавий ва маҳаллий даражада кўрсатиш учун уларга аъзо бўлиш.

30-модда. Маданий ҳаётда бўш вақтни ўтказиш, дам олиш ва спорт билан шуғулланишда иштирок этиш

1. Иштирокчи-давлатлар ногиронларнинг бошқалар билан тенг равишда маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқини эътироф этади ва ногиронларга қуйидагиларни таъминлаш учун барча тегишли чораларни кўради:

а) мавжуд шаклларда маданият асарларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш;

б) мавжуд шаклларда телевидение дастурлари, фильмлар, театр ва бошқа маданий тадбирлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши;

с) театрлар, музейлар, кинотеатрлар, кутубхоналар ва туризм хизматлари каби маданий тадбирлар ўтказиладиган ёки хизматлар кўрсатиладиган жойлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши, шунингдек миллий маданий аҳамиятга эга ёдгорлик ва объектлардан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш имкониятига эга бўлиши.

2. Иштирокчи-давлатлар ногиронларнинг ижодий, бадиий ва интеллектуал салоҳиятларини – нафақат ўз манфаатлари учун, балки бутун жамиятни бойитиш мақсадида ривожлантириш ва бу улардан фойдаланиш имкониятини бериш учун тегишли чораларни кўради.

3. Иштирокчи-давлатлар интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар ногиронларнинг маданият асарларидан фойдаланиш имкониятларига асоссиз ёки камситувчи тўсиқ бўлиб қолмаслигини таъминлаш учун халқаро ҳуқуққа мувофиқ тегишли чораларни кўради.

4. Ногиронлар бошқалар билан тенг равишда уларнинг алоҳида маданий ва тил жиҳатдан ўзига хослиги, шу жумладан, имо-ишора тиллари ва қарлар маданияти эътироф этилиши ва қўллаб-қувватланиши ҳуқуқига эга.

5. Иштирокчи-давлатлар ногиронларга бошқалар билан тенг равишда бўш вақтларни ўтказиш, дам олиш ва спорт тадбирларида иштирок этиш имкониятини бериш учун қуйидаги тегишли чораларни кўради:

а) ногиронларнинг барча даражадаги умумий йўналишдаги спорт тадбирларида иложи борича тўлиқ иштирок этишини рағбатлантириш ва тарғиб этиш;

б) ногиронларнинг ногиронлар учун махсус спорт ва бўш вақтни ўтказиш тадбирларини ташкил қилиш, уларни ривожлантириш ва уларда иштирок этиш имкониятларига эга бўлишини таъминлаш ҳамда шу муносабат билан уларга бошқалар билан тенг равишда тегишли ўқитиш, тайёрлов ва ресурслар тақдим этилишига кўмаклашиш;

с) ногиронларнинг спорт, рекреация ва туризм объектларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишларини таъминлаш;

д) ногирон болаларнинг бошқа болалар билан тенг равишда ўйинларда, бўш вақтларини ўтказишда, дам олиш ва спорт тадбирларида, шу жумладан, мактаб тизими доирасидаги тадбирларда иштирок этиш имкониятига эга бўлишларини таъминлаш;

е) ногиронларнинг бўш вақтни ўтказиш, туризм, дам олиш ва спорт тадбирларини ташкил этиш билан шуғулланадиганлар хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишини таъминлаш.

31-модда. Статистика ва маълумотларни тўплаш

1. Иштирокчи-давлатлар ушбу Конвенция ижросини таъминлаш мақсадида стратегиялар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини берадиган

зарур ахборотларни, шу жумладан, статистика ва тадқиқот маълумотларини тўплаш мажбуриятини олади. Ушбу ахборотни тўплаш ва сақлаш жараёнида қуйидагилар зарур:

а) ногиронларнинг шахсий ҳаёти махфийлиги ва дахлсизлигини таъминлаш учун юридик белгиланган кафолатлар, жумладан, маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш;

б) статистика маълумотларини тўплаш ҳамда улардан фойдаланишда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилишга тааллуқли халқаро эътироф этилган нормаларга, шунингдек ахлоқ принципларига риоя этиш.

2. Ушбу моддага мувофиқ тўпланган ахборот тегишли тарзда рўйхатга олинади ҳамда иштирокчи-давлатлар мазкур Конвенция бўйича ўз мажбуриятларини қандай бажараётганини баҳолаш, шунингдек ногиронлар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда дуч келадиган тўсиқларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун фойдаланилади.

3. Иштирокчи-давлатлар ушбу статистика маълумотларини тарқатиш масъулиятини ўз зиммасига олади ҳамда ногиронлар ва бошқа шахсларга улардан фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

32-модда. Халқаро ҳамкорлик

1. Иштирокчи-давлатлар ушбу Конвенциянинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш бўйича миллий саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш учун халқаро ҳамкорлик ва уни рағбатлантиришнинг муҳимлигини эътироф этади ҳамда шу муносабат билан, мақбул бўлганда, тегишли халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти, хусусан, ногиронлар ташкилотлари билан шерикликда давлатлараро алоқалар бўйича тегишли ва самарали чораларни кўради. Ушбу чоралар, хусусан, қуйидагиларни қамраб олиши мумкин:

а) халқаро ҳамкорлик, шу жумладан, халқаро ривожланиш дастурлари ногиронларни қамраб олишини ва уларнинг фойдаланиш имкониятларини таъминлаш;

б) мавжуд имкониятларни мустаҳкамлашни, шу жумладан ахборот, тажриба, дастурлар ва илғор ишланмалар билан ўзаро алмашиш орқали энгиллаштириш ҳамда қўллаб-қувватлаш;

с) тадқиқотлар соҳасида ҳамкорлик ва илмий-техникавий билимлардан фойдаланишга кўмаклашиш;

д) керак бўлганда, техник-иқтисодий, шу жумладан, очиқ ва ассистив технологиялардан фойдаланиш имкониятини осонлаштириш ҳамда уларни ўзаро алмашиш йўли билан, шунингдек технологияларни узатиш орқали ёрдам кўрсатиш.

2. Ушбу модданинг қоидалари ҳар бир иштирокчи-давлатнинг мазкур Конвенцияга кўра ўз мажбуриятларини бажариш бўйича мажбуриятларига таъсир қилмайди.

33-модда. Миллий амалга ошириш ва мониторинг

1. Иштирокчи-давлатлар ўзларининг ташкилий тузилишига мувофиқ ҳукуматда ушбу Конвенцияни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни назорат қилувчи бир ёки бир нечта инстанцияларни тайинлайди ҳамда керакли тарзда, турли секторлар ва турли даражаларда тегишли ишларда кўмаклашиш учун мувофиқлаштирувчи механизмни таъсис этиш ёки тайинлаш имкониятини ўрганади.

2. Иштирокчи-давлатлар ўзларининг ҳуқуқий ва маъмурий тузилишига мувофиқ ушбу Конвенцияни амалга оширишни рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва мониторинги учун, керак бўлганда, бир ёки бир нечта мустақил механизмларни қамраб оладиган тузилмани қўллаб-қувватлайди, мустаҳкамлайди тайинлайди ёки таъсис этади. Иштирокчи-давлатлар бундай механизмни тайинлаш ёки таъсис этишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш билан шуғулланадиган миллий муассасаларнинг мақоми ва амал қилишига тааллуқли принципларни эътиборга олади.

3. Фуқаролик жамияти, хусусан, ногиронлар ва уларнинг ваколатли ташкилотлари кузатиш жараёнига тўлиқ жалб этилади ҳамда унда иштирок этади.

34-модда. Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмита

1. Қуйида кўзда тутилган функцияларни бажарадиган Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмита (кейинги ўринларда – “Қўмита”) таъсис этилади.

2. Ушбу Конвенция кучга кирган пайтда Қўмита ўн икки экспертдан иборат бўлади. Конвенцияни яна олтимишта давлат ратификация қилган ёки унга қўшилганидан кейин Қўмита аъзоларининг сони олти нафарга кўпайиб, энг юқори даража – ўн саккиз аъзога етади.

3. Қўмита аъзолари шахсан ўз номидан иш кўради ҳамда юксак ахлоқий фазилатларга ва ушбу Конвенция қамраб олган соҳада эътироф этилган чуқур билим ва тажрибага эгадир. Иштирокчи-давлатларга ўз номзодларини кўрсатиш пайтида ушбу Конвенциянинг 4-моддаси 3-бандида белгиланган қоидаларни тегишли тарзда ҳисобга олиш таклиф этилади.

4. Қўмита аъзолари иштирокчи-давлатлар томонидан сайланади, бунда эътибор адолатли жўғрофий тақсимотга, цивилизацияларнинг ва асосий ҳуқуқий тизимларнинг турли шакллари вакилликка, жинсларнинг мувозанатли вакилликка ва ногирон экспертларнинг иштирок этишига қаратилади.

5. Қўмита аъзолари иштирокчи-давлатлар томонидан ўз фуқаролари орасидан кўрсатилган номзодлар рўйхатидан Иштирокчи-давлатлар конференцияси йиғилишларида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Иштирокчи-давлатларнинг учдан икки қисми кворумни ташкил этадиган ушбу йиғилишларда иштирокчи-давлатлар вакилларининг ҳозир бўлган ва овоз беришда иштирок этаётган энг кўп ва мутлақ кўпчилик овозни олган номзодлар Қўмита таркибига сайланган ҳисобланади.

6. Дастлабки сайловлар ушбу Конвенция кучга кирган кундан кечи билан олти ой ўтгандан сўнг ўтказилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош

котиби ҳар бир сайлов санасидан камида тўрт ой олдин иштирокчи-давлатларга икки ой мобайнида номзодларни тақдим этишини таклиф қилган ҳолда хат билан мурожаат қилади. Шундан сўнг, Бош котиб шу тарзда кўрсатилган барча номзодлар рўйхатини уларни илгари сурган иштирокчи-давлатларни кўрсатган ҳолда алифбо тартибида тузади ва ушбу рўйхатни Конвенциянинг иштирокчи-давлатларига юборади.

7. Қўмита аъзолари тўрт йил муддатга сайланади. Улар фақат бир марта қайта сайланиш ҳуқуқига эга. Бироқ биринчи сайловларда сайланган олти аъзонинг ваколат муддати икки йиллик давр охирида тугайди; биринчи сайловлардан кейин дарҳол ушбу олти нафар аъзонинг исмлари мазкур модданинг 5-бандида қайд этилган йиғилишларда раислик қилувчи томонидан қуръа ташлаш орқали аниқланади.

8. Қўмитанинг олти нафар қўшимча аъзосини сайлаш мазкур модданинг тегишли қоидалари билан тартибга солинадиган одатдаги сайловларга тўғрилаб белгиланади.

9. Агар Қўмитанинг бирон бир аъзоси вафот этса ёки истеъфога чиқса ёхуд бошқа бирор бир сабабга кўра ўз мажбуриятларини бажара олмаслигини эълон қилса, ушбу аъзонинг номзодини кўрсатган иштирокчи-давлат ваколатнинг қолган муддатига малакага эга бўлган ҳамда ушбу модданинг тегишли қоидаларида назарда тутилган талабларга жавоб берадиган бошқа экспертни тайинлайди.

10. Қўмита ўзининг тартиб-таомиллари қоидаларини ўрнатади.

11. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Қўмита томонидан ушбу Конвенцияга мувофиқ ўз вазифаларининг самарали амалга оширилиши учун зарур ходим ва моддий воситаларни тақдим этади ҳамда унинг биринчи йиғилишини чақиради.

12. Ушбу Конвенцияга мувофиқ таъсис этилган Қўмита аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан тасдиқланган мукофотни Қўмита мажбуриятларининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, Ассамблея томонидан ўрнатиладиган тартиб ва шартларда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маблағларидан оладилар.

13. Қўмита аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Имтиёзлар ва иммунитетлар тўғрисидаги конвенциясининг тегишли бўлимларида мустаҳкамланган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ишлари бўйича хизмат сафарларидаги экспертларнинг енгилликлари, имтиёзлари ва иммунитетларига бўлган ҳуқуқига эга.

35-модда. Иштирокчи-давлатларнинг маърузалари

1. Ҳар бир иштирокчи-давлат Қўмитага Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби орқали ушбу Конвенция бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун кўрилган чоралар ва тегишли иштирокчи-давлат учун мазкур Конвенция кучга киргандан кейин икки йил давомида бу борада эришилган ютуқлар тўғрисида кенг қамровли маърузани тақдим этади.

2. Иштирокчи-давлатлар шундан сўнг навбатдаги маърузаларни камида тўрт йилда бир марта, шунингдек Қўмита бу ҳақда улардан сўраганда тақдим этади.

3. Қўмита маърузалар мазмунини ифодалайдиган дастуриламал принципларни белгилайди.

4. Қўмитага дастлабки кенг қамровли маърузани тақдим этган иштирокчи-давлат кейинги маърузаларида аввал тақдим этган ахборотни такрорлашининг зарурати йўқ. Иштирокчи-давлатларга Қўмитага маърузани тайёрлашни очик ва ошкор жараёнга айлантириш ҳамда тегишли тартибда ушбу Конвенциянинг 4-моддаси 3-бандида ифодаланган қоидаларни ҳисобга олиш тўғрисида ўйлаб кўриш таклиф этилади.

5. Маърузаларда ушбу Конвенция бўйича мажбуриятларни бажариш даражасига таъсир қиладиган омиллар ва қийинчиликлар кўрсатилиши мумкин.

36-модда. Маърузаларни кўриб чиқиш

1. Ҳар бир маъруза Қўмита томонидан кўриб чиқилади ҳамда у маъруза бўйича ўринли деб билган таклифлар ва умумий тавсияларини беради ҳамда уларни тегишли иштирокчи-давлатга юборади. Иштирокчи-давлат Қўмитага жавоб сифатида ўз танлови бўйича ҳар қандай ахборотни юбориши мумкин. Қўмита иштирокчи-давлатлардан ушбу Конвенцияни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қўшимча ахборотларни сўраши мумкин.

2. Иштирокчи-давлат маърузани тақдим этишни жиддий равишда кечиктираётган бўлса, Қўмита тегишли иштирокчи-давлатни хабарнома орқали, агар ушбу хабарномадан сўнг уч ой мобайнида тегишли маъруза тақдим этилмаса, мазкур иштирокчи-давлатда ушбу Конвенцияни амалга ошириш ҳақидаги масала Қўмита ихтиёрида бўлган ишончли ахборотлар асосида кўриб чиқилишини талаб этиши тўғрисида хабардор қилиши мумкин. Қўмита тегишли иштирокчи-давлатга ана шундай кўриб чиқишда иштирок этишни таклиф қилади. Агар иштирокчи-давлат жавоб тариқасида тегишли маърузани тақдим этса, ушбу модданинг 1-банди қоидалари қўлланилади.

3. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби маърузаларни барча иштирокчи-давлатлар ихтиёрига тақдим этади.

4. Иштирокчи-давлатлар ўзларининг мамлакатларидаги жамоатчилик учун ўз маърузаларидан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлайди ҳамда ушбу маърузаларга тааллуқли қоидалар ва умумий тавсиялар билан танишишни енгиллаштиради.

5. Қўмита буни ўринли деб билганида, у иштирокчи-давлатларнинг маърузаларини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослаштирилган муассасалари, жамғармалари ва дастурларига, шунингдек бошқа ваколатли органларга улар ушбу маърузаларда техник маслаҳат ёки ёрдам тўғрисидаги илтимосларга ёхуд охиргиси зарурлиги бўйича кўрсатмага эътибор қаратишлари учун Қўмитанинг ушбу илтимослар ёки кўрсатмалар бўйича таклифлари ва тавсиялари (агар мавжуд бўлса) билан бирга юборади.

37-модда. Иштирокчи-давлатлар ва Қўмита ўртасидаги ҳамкорлик

1. Ҳар бир иштирокчи-давлат Қўмита билан ҳамкорлик қилади ва унинг аъзоларига ўз мандатларини бажаришда ёрдам беради.

2. Қўмита иштирокчи-давлатлар билан ўз муносабатларида ушбу Конвенцияни амалга ошириш бўйича, шу жумладан халқаро ҳамкорлик ёрдамида миллий имкониятларни кучайтириш йўллари ва воситаларини тегишли тарзда ҳисобга олади.

38-модда. Қўмитанинг бошқа органлар билан муносабатлари

Ушбу Конвенцияни самарали амалга оширишга кўмаклашиш ва у томонидан қамраб олинмаган соҳаларда халқаро ҳамкорликни рағбатлантириш:

а) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослаштирилган муассасалари ва бошқа органлари ушбу Конвенциядаги ўз мандатларига тааллуқли бўлган қоидаларни амалга ошириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишда вакил бўлиш ҳуқуқига эга. Қўмита бундан ўринли деб ҳисоблаганда, у ихтисослаштирилган муассасалар ва бошқа ваколатли органлардан уларнинг тегишли мандатларига кирадиган соҳаларда Конвенцияни амалга ошириш бўйича эксперт хулосасини беришни таклиф қилиши мумкин. Қўмита Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослаштирилган муассасалари ва бошқа органларига уларнинг фаолияти доирасига тааллуқли соҳаларда Конвенцияни амалга ошириш ҳақидаги маърузаларни тақдим этишини таклиф қилиши мумкин;

б) ўз ваколатини амалга оширишда Қўмита, зарур ҳолларда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар асосида таъсис этилган бошқа тегишли органлар билан маърузаларни тақдим этишнинг тегишли дастуриламал принципларини, шунингдек улар томонидан киритилган таклифлар ва умумий тавсияларида мувофиқликни таъминлаш ҳамда уларнинг ўз вазифаларини амалга оширишда бир-бирини қайтариш ва параллелликдан қочиш масаласида маслаҳатлашади.

39-модда. Қўмита маърузаси

Қўмита икки йилда бир марта Бош Ассамблея ҳамда Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга ўзининг фаолияти тўғрисида маъруза тақдим этади ҳамда иштирокчи-давлатлардан олинган маърузалар ва ахборотларни кўриб чиқишга асосланган таклифлар ва умумий тавсияларни бериши мумкин. Бундай таклифлар ва умумий тавсиялар Қўмита маърузасига иштирокчи-давлатларнинг изоҳлари (агар мавжуд бўлса) билан бирга киритилади.

40-модда. Иштирокчи-давлатлар конференцияси

1. Иштирокчи-давлатлар ушбу Конвенцияни амалга оширишга тааллуқли ҳар қандай масалани кўриб чиқиш учун мунтазам равишда Иштирокчи-давлатлар конференциясига тўпланади.

2. Ушбу Конвенция кучга киргандан сўнг олти ойдан кечиктирмай Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Иштирокчи-давлатлар

конференциясини чақиради. Кейинги йиғилишлар Бош котиб томонидан икки йилда бир марта ёки Иштирокчи-давлатлар конференцияси қарори билан чақирилади.

41-модда. Депозитарий

Ушбу Конвенциянинг депозитарийи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Котиби ҳисобланади.

42-модда. Имзолаш

Ушбу Конвенция барча давлатлар ва минтақавий интеграция ташкилотлари томонидан имзолаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги Марказий муассасаларида 2007 йил 30 мартдан очик.

43-модда. Мажбуриятга розилик

Ушбу Конвенция уни имзолаган давлатлар томонидан ратификация қилиниши ҳамда уни имзолаган минтақавий интеграция ташкилотлари томонидан расман тасдиқланиши керак. У ушбу Конвенцияни имзоламаган ҳар қандай давлат ёки минтақавий интеграция ташкилотларининг унга қўшилиши учун очик.

44-модда. Минтақавий интеграция ташкилотлари

1. “Минтақавий интеграция ташкилоти” муайян минтақанинг суверен давлатлари томонидан ташкил этилган, унга аъзо-давлатлар ушбу Конвенция билан тартибга солинадиган масалалар бўйича ваколат берган ташкилотни англатади. Бундай ташкилотлар ўзларининг расмий тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатларида ушбу Конвенция билан тартибга солинадиган масалаларга нисбатан ўз ваколатлари ҳажмини кўрсатадилар. Кейинчалик улар депозитарийни ўз ваколатлари ҳажмидаги ҳар қандай жиддий ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилади.

2. Ушбу Конвенциядаги “иштирокчи-давлатлар”га ҳаволалар бундай ташкилотларга уларнинг ваколоти доирасида тааллуқлидир.

3. Ушбу Конвенциянинг 45-моддаси 1-банди ҳамда 47-моддаси 2 ва 3-бандлари мақсадлари учун минтақавий интеграция ташкилоти томонидан сақлаш учун топширилган бирорта ҳужжат ҳисобга олинмайди.

4. Минтақавий интеграция ташкилотлари ўз ваколатларига тааллуқли масалаларда Иштирокчи-давлатлар конференциясида ушбу Конвенциянинг иштирокчилари бўлган иштирокчи-давлатларнинг сонига тенг овозлар сони билан овоз бериш ҳуқуқини амалга оширишлари мумкин. Бундай ташкилот, агар унинг қайсидир бир аъзо-давлати ўз ҳуқуқини амалга ошираётган бўлса, ўзининг овоз бериш ҳуқуқини амалга оширмайди ва аксинча.

45-модда. Кучга кириш

1. Ушбу Конвенция йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилганидан кейин ўттизинчи куни кучга киради.

2. Ушбу Конвенция уни ратификация қиладиган, уни расман тасдиқлайдиган ёки унга йигирманчи ҳужжат сақлаш учун топширилгандан кейин қўшилган ҳар бир давлат ёки минтақавий интеграция ташкилоти учун улар ўзининг ана шундай ҳужжатини сақлаш учун топширилганидан кейин ўттизинчи куни кучга киради.

46-модда. Қўшимча шартлар

1. Ушбу Конвенциянинг объекти ва мақсадига мос келмайдиган қўшимча шартларга йўл қўйилмайди.

2. Қўшимча шартлар исталган вақтда олиб ташланиши мумкин.

47-модда. Тузатишлар

1. Ҳар қандай иштирокчи-давлат ушбу Конвенцияга тузатиш таклифини киритиши ва уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этиши мумкин. Бош котиб таклиф киритилган ҳар қандай тузатишларни иштирокчи-давлатларга маълум қилади ҳамда улардан ушбу таклифни кўриб чиқиш ва бу тўғрисида қарор қабул қилиш учун Иштирокчи-давлатлар конференциясини ўтказиш тарафдори эканликлари тўғрисида хабардор қилишларини сўрайди. Агар бундай хабар етказилган санадан бошлаб тўрт ой мобайнида иштирокчи-давлатларнинг камида учдан бир қисми бундай Конференция ўтказишни билдирса, Бош котиб бу Конференцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида чақиради. Конференцияда ҳозир бўлган ва овоз беришда иштирок этаётган иштирокчи-давлатларнинг учдан икки қисмининг кўпчилиги томонидан маъқулланган ҳар қандай тузатиш Бош котиб томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясига тасдиқлаш учун, ундан сўнг барча иштирокчи-давлатларга қабул қилиш учун юборилади.

2. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ маъқулланган ва тасдиқланган тузатиш сақлаш учун топширилган қабул қилиш тўғрисидаги ҳужжатларнинг сони ушбу тузатиш маъқулланган санадаги иштирокчи-давлатлар сонининг учдан икки қисмига етганидан кейин ўттизинчи куни кучга киради. Кейинчалик тузатиш ҳар қандай иштирокчи-давлат учун ўзининг қабул қилиш тўғрисидаги ҳужжатини сақлаш учун топширилганидан кейин ўттизинчи куни кучга киради. Тузатиш фақат уни қабул қилган иштирокчи-давлатлар учун мажбурийдир.

3. Агар Иштирокчи-давлатлар конференцияси консенсус асосида тегишли қарорни қабул қилса, ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ маъқулланган ва тасдиқланган, фақат 34, 38, 39 ва 40-моддаларга тааллуқли бўлган тузатиш барча иштирокчи-давлатлар учун сақлаш учун топширилган ҳужжатларнинг сони ушбу тузатиш маъқулланган санадаги

иштирокчи-давлатлар сонининг учдан икки қисмига етганидан кейин ўттизинчи куни кучга киради.

48-модда. Денонсация

Иштирокчи-давлат ушбу Конвенцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибини ёзма равишда хабардор қилиш орқали денонсация қилиши мумкин. Денонсация Бош котиб томонидан ана шундай билдирги олинган санадан бир йил ўтгандан кейин кучга киради.

49-модда. Фойдаланиш имконияти бўлган формат

Ушбу Конвенция матни фойдаланиш имконияти бўлган форматларда бўлиши таъминланиши керак.

50-модда. Аутен (аслига тўғри) матнлар

Ушбу Конвенциянинг инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларидаги матнлари аслига тўғри.

СУД ОРГАНЛАРИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

*БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича еттинчи конгрессида қабул қилинган,
Милан, 1985 йил 26 август – 6 сентябрь*

*БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/32-сон
резолуцияси билан маъқулланган*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги
508–I-сон Қарорига мувофиқ қўшилган*

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставида дунё халқлари, хусусан, ҳеч бир фарқларсиз, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига ҳурматни рағбатлантириш ва ривожлантиришда халқаро ҳамкорликни таъминлаш учун адолатга риоя этилиши мумкин бўлган шароитларни яратишга қарор қилганликлари тўғрисида баён этилганлигини *ҳисобга олиб*,

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, хусусан, қонун олдида тенглик, айбсизлик презумпцияси принциплари ҳамда қонунга мувофиқ таъсис этилган ваколатли, мустақил ва холис суд томонидан адолатли ва ошқора судда муҳокамага бўлган ҳуқуқи қайд этилганлигини *ҳисобга олиб*,

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ушбу ҳуқуқларнинг амалга оширилишини ва бундан ташқари, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт асоссиз кечикишларсиз судланиш ҳуқуқини ҳам қафолатлашини *ҳисобга олиб*,

ушбу принциплар ҳақидаги тасаввур ва ҳақиқий аҳвол ўртасида ҳанузгача номувофиқлик мавжудлигини *ҳисобга олиб*,

ҳар бир мамлакатда одил судловни ташкил қилиш ва амалга оширишда ушбу принципларга амал қилиш лозимлигини ҳамда уларнинг ҳаётга тўлиқ жорий этилиши учун ҳаракат қилиш лозимлигини *ҳисобга олиб*,

судьянинг функциясини амалга оширишга оид нормалар судьяларга ушбу принципларга мувофиқ ҳаракат қилиш имконини таъминлашга қаратилган бўлиши кераклигини *ҳисобга олиб*,

судьяларга фуқароларнинг ҳаёти ва ўлими, эркинлиги, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва мол-мулклари масалалари бўйича қатъий қарор қабул қилиш мажбурияти юкланганлигини *ҳисобга олиб*,

БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича олтинчи конгресси ўзининг 16-резолуциясида Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича қўмитасидан биринчи навбатда бажарилиши керак бўлган вазифалар қаторига судьялар мустақиллиги ҳамда судьялар ва прокурорларни танлаш, касбий тайёргарлиги ва мақомига оид раҳбарий принципларни ишлаб чиқишни киритишни сўраганлигини *ҳисобга олиб*,

шу муносабат билан, биринчи навбатда, судьяларнинг одил судлов

тизимдаги роли ҳамда уларни танлаш, тайёрлаш ва уларнинг ахлоқи тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш кераклигини *ҳисобга олиб*,

хукуматлар суд органларининг мустақиллигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал қилишда аъзо-давлатларга ёрдамлашиш учун баён этилган қуйидаги асосий принципларни ўзларининг миллий қонунчилиги ва амалиёти доирасида эътиборга олишлари ва ҳурмат қилишлари, судьялар, адвокатлар, ижро этувчи ва қонун чиқарувчи органларнинг ходимлари ва кенг жамоатчилик эътиборига етказишлари лозим. Принциплар асосан профессионал судьялар учун мўлжалланган, аммо зарур бўлганда, уларни профессионал бўлмаган судьяларга, агар улар бор бўлса, тенг равишда қўлланилиши мумкин.

Суд органлари мустақиллиги

1. Суд органларининг мустақиллиги давлат томонидан кафолатланади ва мамлакат конституцияси ёки қонунларида мустаҳкамлаб қўйилади. Барча давлат органлари ва бошқа муассасалар улар мустақиллигини ҳурмат қилишлари ва унга риоя этишлари шарт.

2. Суд органлари ўзларига топширилган ишларни холисона, фактлар асосида ва қонунга мувофиқ равишда, ҳеч бир тараф томонидан ва ҳеч бир сабабсиз, бевосита ёки билвосита чеклашларсиз, ғайриқонуний таъсир кўрсатишларсиз, ундашлар, мажбурлашлар, таҳдидлар ёки аралашувларсиз ҳал қилади.

3. Суд органлари суд хусусиятига нисбатан барча масалалар бўйича ваколатларга эгадирлар ва уларга топширилган иш қонун билан белгиланган ўз ваколатга кириши ҳақида узил-кесил қарор чиқариш ҳуқуқи берилган.

4. Одил судлов жараёнига ғайриқонуний ёки рухсат этилмаган аралашувлар бўлмаслиги керак ҳамда судлар чиқарган қарорлар қайта кўрилмайди. Ушбу принцип судлов органлари чиқарган ҳукмларнинг қонунга мувофиқ равишда суд тартибида қайта кўрилиши ёки жазонинг энгиллаштирилишига монелик қилмайди.

5. Ҳар бир инсон ишнинг белгиланган юридик чоралар қўлланиладиган оддий судлар ёки трибуналларда суд тартибида кўрилиши ҳуқуқига эга. Оддий судлар ёки суд органларининг ваколатларини алмаштириш мақсадида белгилаб берилган юридик чоралардан талаб даражасида фойдаланмайдиган трибуналлар тузилмаслиги керак.

6. Суд органларининг мустақиллиги принципи уларга қатор ҳуқуқлар беради ва улардан судлов ишини адолатли олиб боришни ва томонлар ҳуқуқлари тенглигига риоя қилинишини талаб этади.

7. Ҳар бир аъзо-давлат суд органларига талаб даражасида ўз вазифаларини бажаришларига имкон берувчи тегишли воситаларни таъминлаб беришга мажбур.

Сўз ва уюшмалар эркинлиги

8. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясига мувофиқ, бошқа фуқаролар каби, суд органлари аъзолари ҳам сўз, диний эътиқод, уюшиш ва

аъзо бўлиш эркинликларидан фойдаланадилар; бироқ мазкур ҳуқуқлардан фойдаланиш давомида судьялардан ўз лавозимларига бўлган ҳурматни таъминлаш ва суд органларининг дахлсизлиги ва мустақиллигини сақлаб қолиш талаб этилади.

9. Судьялар судьялар уюшмасини ёки бошқа ташкилотларни тузиш эркинлигига ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, касбий малакасини такомиллаштириш ва дахлсизлигини сақлаб қолиш мақсадларида уларга аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

Малака, танлов ва тайёргарлик

10. Судьялик лавозимига танлаб олинган шахслар юқори ахлоқий сифатлар ва қобилиятларга ҳамда ҳуқуқ соҳасида тегишли тайёргарлик ва билимларга эга бўлишлари керак. Судьяларни танлаб олишнинг ҳар қандай усули ғайриқонуний далиллар бўйича судьяларни тайинлашдан ҳимояни кафолатлаши лозим. Судьяларни танлаб олишда мазкур шахс ирки, терисининг ранги, жинси, дини, сиёсий ва бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, моддий, табақавий ёки бошқа ҳолатларига боғлиқ равишда камситилмаслиги керак; бироқ юридик лавозимга номзод тегишли давлат фуқароси бўлиши кераклиги ҳақидаги талабга камситилиш сифатида қаралмаслиги лозим.

Лавозим шартлари ва ваколат муддатлари

11. Судьяларнинг ваколат муддатлари, уларнинг дахлсизлиги, хавфсизлиги, муносиб тақдирланишлари, хизмат шартлари, нафақа ва нафақага чиқиш ёши тегишли тарзда қонун билан белгиланиши ва кафолатланиши керак.

12. Танлаб олинган ёки сайланган судьялар мажбурий пенсияга чиққунлари ёки ваколатларнинг белгиланган муддатлари тугагунга қадар кафолатланган ваколатларга эга бўладилар.

13. Судьяларнинг мансаб поғоналаридан кўтарилишларини, агар шундай тизим мавжуд бўлса, объектив омиллар, хусусан, уларнинг қобилияти, ахлоқий сифатлари ва тажрибасига асосланиб амалга ошириш талаб этилади.

14. Судларда ишларни судьялар орасида тақсимлаш суд маъмуриятининг ички иши ҳисобланади.

Касбий сир ва дахлсизлик ҳуқуқи

15. Судьялар ишлари бўйича касбга оид сирларни ва ўз мажбуриятларини бажариш мобайнида олинган махфий маълумотларни сир сақлашлари керак, фақат бундан очиқ судда кўриладиган ишлар мустасно ҳамда улар бундай масалалар бўйича кўрсатмалар беришга ҳам мажбур қилинмасликлари лозим.

16. Қайсидир интизомий тартиблар ёки миллий қонунчиликка мувофиқ равишда давлат томонидан апелляция ёки товон ҳуқуқларини бузмаган ҳолда, судьялар ўз фаолиятларига доир вазифаларини амалга оширишлари чоғида нотўғри ҳаракатлар ёки камчиликларга йўл қўйишлари оқибатида

келтирилган молиявий зарар учун фуқаролик даъволарига нисбатан шахсий дахлсизликдан фойдаланишлари лозим.

Жазолаш, лавозимдан четлатиш ва бўшатиш

17. Судьянинг хизмат юзасидан судлов ёки касбий мажбуриятларини бажариши давомида унинг устидан тушган айблов ёки шикоят аризаси тегишли чора-тадбирларга мувофиқ, зудлик билан одилона кўриб чиқилиши шарт. Судья жавоб бериш ва ҳаққоний текширув ўтказилиши ҳуқуқига эга. Агар судьянинг бошқа талаби бўлмаса, дастлабки босқичда шикоят аризасини кўриб чиқиш махфий равишда амалга оширилади.

18. Судьялар ўз мажбуриятларини бажаришга лаёқатсиз, деб топилса ёки эгаллаб турган лавозимига ахлоқий жиҳатдан зид бўлган ҳаракатларни қилса, лавозимдан вақтинчалик четлаштирилиши ёки бўшатилиши мумкин.

19. Жазолаш, лавозимдан четлатиш ёки бўшатиш бўйича барча чоралар судьянинг ваколатларини тўхтатиш ҳамда муддатидан илгари тугатиш асослари ва тартибига мувофиқ белгиланади.

20. Маъмурий жазолаш, лавозимдан четлатиш ёки бўшатиш ҳақидаги қарор мустақил текширув предмети бўлиши лозим. Мазкур принцип олий суд қарорларига ёки қонун чиқарувчи органларнинг ишларни импичмент тартибида кўриш ёки шунга мувофиқ чораларга риоя этиш давомида қабул қилинган қарорларига нисбатан қўлланилмаслиги мумкин.

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ
ТРАНСМИЛЛИЙ УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ
КОНВЕНЦИЯСИНИ ТЎЛДИРУВЧИ ОДАМ САВДОСИНИНГ,
АЙНИҚСА, АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР САВДОСИНИНГ ОЛДИНИ
ОЛИШ ҲАМДА УНГА ЧЕК ҚЎЙИШ ВА УНИНГ УЧУН
ЖАЗОЛАШ ҲАҚИДАГИ БАЁННОМА**

*БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги 55/25-сон
резолуцияси билан қабул қилинган*

*Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июлдаги
ЎРҚ-160-сон Қонунига мувофиқ ратификация қилинган*

МУҚАДДИМА

Ушбу Баённоманинг Иштирокчи давлатлари,

одам савдосининг, айниқса, болалар ва аёллар савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш юзасидан самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун бундай савдонинг олдини олиш, у билан шуғулланаётган шахсларни жазолаш ҳамда бундай савдо қурбонларини ҳимоялашга қаратилган чораларни ўз ичига олувчи, шунингдек улар халқаро тан олинган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўли билан амалга оширувчи, кенг қамровли халқаро ёндашув зарурлигини *маълум қилиб,*

одамлар, айниқса, аёллар ва болалардан фойдаланишга қарши курашиш бўйича амалий чоралар ва нормаларни назарда тутган бир қатор халқаро ҳужжатлар бўлишига қарамай, одам савдосининг барча жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган универсал ҳужжатнинг йўқлигини *эътиборга олиб,*

бундай ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги одам савдоси нуқтаи назаридан чорасиз аҳволга тушган шахсларнинг етарли даражада ҳимояланмаслигига олиб келиши мумкинлигидан *ташвишланиб,*

Бош Ассамблеянинг 1998 йил 9 декабрдаги 53/11-сонли резолюциясида баён қилинган Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кенг қамровли халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш ҳамда аёллар ва болалар савдосига қарши курашиш бўйича халқаро ҳужжатни ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш учун очиқ таркибдаги ҳукуматлараро махсус қўмита таъсис этиш тўғрисидаги қарорига *ҳавола қилиб,*

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясига қўшимча – одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва тўхтатиш, бу жиноятлар учун жазо тайинлаш бўйича халқаро ҳужжат сифатида бундай жиноятларнинг олдини олиш ва улар билан курашишда ёрдам беришига *ишонч билдириб,*

қуйидагилар тўғрисида битим туздилар:

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси билан алоқадорлик

1. Мазкур Баённома Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдиради. У Конвенция билан биргаликда шарҳланади.

2. Конвенция қоидалари мазкур Баённомага, агар унда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, “mutatis mutandis” тартибида қўлланилади.

3. Мазкур Баённоманинг 5-моддасига мувофиқ шундай эътироф этилган жиноятлар Конвенцияга мувофиқ эътироф этилган жиноятлар деб тан олинади.

2-модда. Мақсадлари

Мазкур Баённома мақсадлари қуйидагилардан иборат:

а) одам савдосининг олдини олиш ҳамда аёллар ва болаларга алоҳида эътибор берган ҳолда у билан курашиш;

б) бундай савдо қурбонларини, уларнинг инсон ҳуқуқларини тўла ҳурмат қилган ҳолда ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш;

с) бу мақсадларга эришишда Иштирокчи-давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш.

3-модда. Атамалар

Мазкур Баённома мақсадларида:

а) “одам савдоси” – фойдаланиш мақсадларида куч ишлатиш хавфи ёки уни қўллаш ёхуд мажбурловнинг бошқа шакллари кўллаш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни ёки қарамлик ҳолатини суиистеъмол қилиш ёхуд тўловлар ёки фойда кўринишида сотиб олиш ёхуд шахсни назорат қилувчи бошқа шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки фойда кўринишида сотиб олиш йўли билан инсонларни ёллаш, ташиш, бериш, яшириш ва одамларни қўлга киритишни англатади. Фойдаланиш камида бошқа шахсларнинг фоҳишабозлигидан фойдаланиш ёки шахвоний мақсадларда фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш урф-одатларни, тутқунлик ҳолатини ёки инсон тана аъзоларини ажратиб олишдан иборат бўлади;

б) ушбу модданинг “а” кичик бандида айтиб ўтилган одам савдосидан жабрланганларнинг ўзидан режалаштирилган фойдаланишга розилиги, агар ушбу кичик бандда кўрсатилган ҳар қандай таъсир этиш чорасидан фойдаланилган бўлса, эътиборга олинмайди;

с) фойдаланиш мақсадларида болани ёллаш, ташиш, бериш, яшириш ёки топшириш ушбу модданинг “а” кичик бандида кўрсатилган таъсир этишнинг бирон-бир воситасини қўллаш билан боғлиқ бўлмаса ҳам “одам савдоси” деб ҳисобланади;

д) “бола” – 18 ёшга етмаган ҳар қандай шахсни англатади.

4-модда. Қўлланиш соҳаси

Мазкур Баённома, агар унда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу Баённоманинг 5-моддасига мувофиқ шундай деб эътироф этилган жиноятлар билан боғлиқ ҳолда, агар бу жиноятлар трансмиллий характерга эга бўлса ва уюшган жиноий гуруҳ иштирокида содир этилган бўлса, уларнинг олдини олиш, тергов қилиш ва жиноий таъқиб қилишда, шунингдек бу жиноятдан жабрланганларни ҳимоя қилишда қўлланилади.

5-модда. Криминаллашув

1. Ҳар бир Иштирокчи-давлат ушбу Баённоманинг 3-моддасида кўрсатилган ҳаракатлар қасддан содир этилганда жиноий жазога лойиқ деб тан олиш учун талаб этилиши мумкин бўлган қонунчилик ва бошқа чораларни кўради.

2. Ҳар бир Иштирокчи-давлат, шунингдек қуйидаги ҳаракатларни жиноий жазога лойиқ деб тан олиш учун талаб этилиши мумкин бўлган қонунчилик ва бошқа чораларни кўради:

а) ўз ҳуқуқий тизимининг асосий принципларига риоя қилиш шarti билан мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ шундай деб эътироф этилган бирон-бир жиноятни содир этишга суиқасд қилиш;

б) мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ шундай деб эътироф этилган бирон-бир жиноятни содир этишда шерик сифатида қатнашиш;

с) мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ шундай деб эътироф этилган бирон-бир жиноятни содир этиш мақсадида бошқа шахсларни ташкиллаштириш ёки уларга бошчилик қилиш.

II. ОДАМ САВДОСИДАН ЖАБРЛАНГАНЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

6-модда. Одам савдоси қурбонларига ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш

1. Ҳар бир Иштирокчи-давлат тегишли ҳолларда ва имкон қадар, ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ, жумладан, бундай савдо билан боғлиқ ишлаб чиқариш (фаолият)нинг сир сақланиши хусусиятини таъминлаш йўли билан одам савдоси қурбонларининг шахсий ҳаёти ва шахсини ҳимоя қилишни таъминлайди.

2. Ҳар бир Иштирокчи-давлат, ўзининг ички ҳуқуқий ёки маъмурий тизими, тегишли ҳолларда одам савдоси қурбонларига қуйидагиларни амалга оширишга имкон берадиган чораларни назарда тутишини таъминлайди:

а) ишларни тегишли суд ва маъмурий тартибда кўриш тўғрисидаги ахборотлар.

б) жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноий иш юритишнинг тегишли босқичларида ҳимоя ҳуқуқларига зарар етказмаган ҳолда уларнинг фикрлари ва хавотирланишларини баён қилиш ҳамда кўриб чиқишга имкон берувчи ёрдамни олиш.

3. Ҳар бир Иштирокчи-давлат одам савдоси қурбонларининг жисмоний, руҳий ва ижтимоий реабилитациясини таъминлаш, шу жумладан, тегишли

ҳолларда, ноҳукумат ташкилотлари, бошқа тегишли ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа элементлари билан ҳамкорликни таъминлаш бўйича, хусусан, қуйидаги чораларни амалга ошириш имкониятини кўради:

а) керакли бошпана;

б) одам савдоси қурбонларига тушунарли бўлган тилда, айниқса, уларнинг юридик ҳуқуқлари билан боғлиқ консультатив ёрдам ва маълумот;

с) тиббий, руҳий ва моддий ёрдам;

д) иш билан таъминлаш, таълим ва касбий тайёргарлик соҳасидаги имкониятлар.

4. Ҳар бир Иштирокчи-давлат ушбу модда қоидаларини қўллашда одам савдоси қурбонларининг ёши, жинси ва алоҳида эҳтиёжларини, хусусан, болаларнинг алоҳида эҳтиёжларини, шу жумладан, керакли бошпана, таълим ва парвариш олишга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олади.

5. Ҳар бир Иштирокчи-давлат ўзининг ҳудудида одам савдоси қурбонлари бўлган даврларида бундай қурбонларнинг жисмоний хавфсизлигини таъминлашга интилади.

6. Ҳар бир Иштирокчи-давлат, ўзининг ички ҳуқуқий тизими одам савдоси қурбонларига етказилган зарар учун компенсация (товон) олиш имкониятини тақдим этиш чораларини назарда тутишини таъминлайди.

7-модда. Қабул қилувчи давлатларда одам савдоси қурбонларининг мақоми

1. Мазкур Баённоманинг 6-моддасига мувофиқ қўлланиладиган чораларга қўшимча сифатида ҳар бир Иштирокчи-давлат одам савдоси қурбонларига тегишли ҳолларда ўз ҳудудида вақтинча ёки доимий асосда қолишларига имкон берадиган қонунчилик ёки бошқа керакли чораларни қабул қилиш имкониятини кўриб чиқади.

2. Ушбу модданинг 1-бандида баён қилинган қоидаларни амалга оширишда ҳар бир Иштирокчи-давлат инсонпарварлик мулоҳазаларини лозим даражада ҳисобга олади ва раҳм-шафқат кўрсатади.

8-модда. Одам савдоси қурбонларини репатриация қилиш

1. Иштирокчи-давлат, одам савдоси қурбони унинг фуқароси бўлган ёки бундай шахс қабул қилувчи Иштирокчи-давлат ҳудудига кириш пайтида доимий яшаш ҳуқуқига эга бўлган бўлса, бу шахснинг қайтишига қўмаклашади ҳамда бу шахснинг хавфсизлигини таъминлаш масалаларини лозим даражада ҳисобга олган ҳолда, уни асоссиз ёки нооқилона кечиктиришларсиз қабул қилади.

2. Иштирокчи-давлат одам савдоси қурбонларини – бундай шахс унинг фуқароси бўлган ёки қабул қилувчи Иштирокчи-давлат ҳудудига кириш пайтида доимий яшаш ҳуқуқига эга бўлган Иштирокчи-давлатга қайтарилишини бу шахснинг хавфсизлигини, шунингдек шахснинг одам савдоси қурбони бўлиши билан боғлиқ ҳолатларда ҳар қандай иш юритиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширади, бундан ташқари, бундай қайтариш асосан ихтиёрий ҳисобланади.

3. Қабул қилувчи Иштирокчи-давлат илтимосига кўра, мурожаат қилувчи Иштирокчи-давлат асоссиз ёки оқилона бўлмаган кечиктиришларсиз одам савдоси қурбони бўлган шахс унинг фуқароси бўлганлигини ёки бундай шахс қабул қилувчи Иштирокчи-давлат ҳудудига кириш пайтида доимий яшаш ҳуқуқига эга бўлганлигини текширади.

4. Тегишли ҳужжатларга эга бўлмаган одам савдоси қурбони бўлган шахсни қайтаришга кўмаклашиш мақсадида унинг фуқароси бўлган ёки бундай шахс қабул қилувчи Иштирокчи-давлат ҳудудига кириш пайтида унинг ҳудудида доимий яшаш ҳуқуқига эга бўлган Иштирокчи-давлат қабул қилувчи Иштирокчи-давлатнинг илтимосига кўра бу каби кириш-чиқиш ҳужжатларини ёки бу шахсни ўз ҳудудига қайтариш учун талаб этилиши мумкин бўлган бошқа рухсатномаларни беришга розилик билдиради.

5. Ушбу модда қабул қилувчи Иштирокчи-давлат ички қонунчилигининг ҳар қандай қоидасига асосан одам савдоси қурбонларига берилган ҳуқуқларга зарар етказмайди.

6. Ушбу модда одам савдоси қурбонларини қайтариш масалаларини тўлиқ ёки қисман тартибга солувчи ҳар қандай амалдаги икки томонлама ёки кўп томонлама битим ёки келишувларга зарар етказмайди.

III. ОЛДИНИ ОЛИШ, ҲАМКОРЛИК ВА БОШҚА ЧОРАЛАР

9-модда. Одам савдосининг олдини олиш

1. Иштирокчи-давлатлар қуйидаги мақсадларда сиёсат, дастурлар ва бошқа чораларни мажмуавий асосда ишлаб чиқадилар ва қабул қиладилар:

а) одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш;

б) одам савдоси қурбонларини, айниқса, аёллар ва болаларни ревиктимизациядан ҳимоя қилиш.

2. Иштирокчи-давлатлар одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган тадқиқотларни, ахборот компанияларини, жумладан, оммавий ахборот воситаларида ўтказиш, шунингдек ижтимоий-иқтисодий ташаббусларни амалга ошириш каби чораларни кўришга интиладилар.

3. Ушбу моддага мувофиқ ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинадиган сиёсат, дастурлар ва бошқа чоралар тегишли ҳолларда, ноҳуқумат ташкилотлар, бошқа тегишли ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа элементлари билан ҳамкорликни ўз ичига олади.

4. Иштирокчи-давлатлар икки томонлама ёки кўп томонлама ҳамкорлик йўли билан одамлар, айниқса, аёллар ва болаларнинг одам савдоси нуқтаи назаридан ночор ҳолатга тушиб қолишларига олиб келувчи қашшоқлик, ривожланишнинг паст даражаси ва тенг имкониятларнинг йўқлиги каби омиллар таъсирини камайтиришга қаратилган чораларни кўрадилар ёки такомиллаштирадилар.

5. Иштирокчи-давлатлар одамлар, айниқса, аёллар ва болаларни эксплуатация қилишга олиб келадиган ҳар қандай шаклда фойдаланиш одам савдосига олиб келгани учун унга нисбатан бўлган талабни йўқотишга

қаратилган таълим, маданият ёки ижтимоий соҳада икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича қонунчилик ёки тегишли бошқа чораларни кўрадилар ёки такомиллаштирадилар.

10-модда. Ахборот алмашинуви ва кадрларни тайёрлаш

1. Иштирокчи-давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, миграция ва бошқа тегишли органлари тегишли ҳолларда бир-бирлари билан ўзларининг ички қонунчилигига мувофиқ қуйидагиларни аниқлашга имкон берувчи ахборот алмашинуви йўли билан ўзаро ҳамкорлик қиладилар:

а) кириш-чиқиш ҳужжатларисиз ёки бошқа шахсларга тегишли шундай ҳужжатлар билан халқаро чегарани кесиб ўтаётган ёки кесиб ўтишга уринаётган шахслар одам савдогарлари ёки бундай савдо қурбонлари бўлиб ҳисобланишлари;

б) одам савдосини амалга ошириш мақсадида халқаро чегарани кесиб ўтиш учун бундай шахслар томонидан фойдаланилган ёки фойдаланишга уринган кириш-чиқишга бўлган ҳужжатлар турлари;

с) одам савдосини амалга ошириш мақсадида уюшган жиноий гуруҳлар томонидан қўлланиладиган усуллар ва воситалар, шу жумладан, жабрланганларни ёллаш ва ташиш, бундай савдо билан шуғулланувчи алоҳида шахслар ва гуруҳлар ўртасидаги йўналишлар ва алоқалар, шунингдек бу гуруҳлар ўртасидаги алоқалар ҳамда уларни аниқлаш бўйича қўлланилиши мумкин бўлган чоралар.

2. Иштирокчи-давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, миграция ва бошқа тегишли органлар ходимларининг одам савдосининг олдини олиш масалалари бўйича тайёргарлигини таъминлайди ёки такомиллаштиради. Кўрсатилган тайёргарлик бундай савдонинг олдини олиш, у билан машғул бўлган шахсларни жиноий таъқиб этиш ва жабрланганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жумладан, уларни бундай савдо билан шуғулланувчи шахслардан муҳофаза қилиш методларига асосланиши лозим. Тайёргарлик кўриш жараёнида, шунингдек инсон ҳуқуқларини, болалар ва гендер муаммоларини ҳисобга олиш зарурлигига эътибор қаратиш лозим; тайёргарлик давлатга қарашли бўлмаган ташкилотлар, бошқа тегишли ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа элементлари билан ҳамкорликни амалга оширишга кўмаклашиши керак.

3. Ахборотни олувчи Иштирокчи-давлат уни тақдим этган Иштирокчи-давлатнинг ундан фойдаланишга нисбатан чекловлар қўйиш билан боғлиқ ҳар қандай илтимосини бажаради.

11-модда. Чегара назорати чоралари

1. Иштирокчи-давлатлар одамларнинг эркин кўчиб юришига оид халқаро мажбуриятларга зарар етказмаган ҳолда, имкон қадар одам савдосининг олдини олиш ва аниқлаш учун талаб этиладиган чегара назорати чораларини белгилайдилар.

2. Ҳар бир Иштирокчи-давлат мазкур Баённоманинг 5-моддасига мувофиқ шундай деб эътироф этилган жиноятларни содир этишда тижорат юк

ташувчилари томонидан фойдаланиладиган транспорт воситаларидан иложи борича фойдаланишни олдини олиш учун қонунчилик ёки бошқа тегишли чораларни кўради.

3. Тегишли ҳолларда ва амалдаги халқаро конвенциялар учун зарар етказмаган ҳолда бундай чоралар тижорат юк ташувчилари, шу жумладан, ҳар қандай транспорт компанияси ёки ҳар қандай транспорт воситасининг эгаси ёхуд оператори учун ҳамма йўловчиларнинг қабул қилувчи давлатга кириши учун зарур бўлган кириш-чиқиш ҳужжатларига эга эканлигига ишонч ҳосил қилиш мажбуриятини назарда тутади.

4. Ҳар бир Иштирокчи-давлат ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ ушбу модданинг 3-бандида белгиланган мажбуриятни бузганлик учун санкцияларни назарда тутиш учун зарур чораларни кўради.

5. Ҳар бир Иштирокчи-давлат ўз ички қонунчилигига мувофиқ мазкур Баённомага кўра шундай деб эътироф этилган жиноятларни содир этишга алоқадор бўлган шахсларнинг ҳудудига киришини рад этиш ёки уларнинг визаларини бекор қилишга имкон берадиган чораларни қўллаш имкониятини кўриб чиқади.

6. Иштирокчи-давлатлар Конвенциянинг 27-моддасига зарар етказмаган ҳолда чегара назорати органлари ўртасида ҳамкорликни, жумладан, тўғридан-тўғри алоқа йўллари жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш орқали мустаҳкамлаш имкониятини кўриб чиқади.

12-модда. Ҳужжатларнинг ишонарлилиги ва уларни назорат қилиш

Ҳар бир Иштирокчи-давлат мавжуд имкониятлар доирасида қуйидагилар учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради:

а) уларга берилган кириш-чиқиш ҳужжатлари ёки шахсни тасдиқловчи гувоҳнома ҳужжатларининг улардан ноқонуний фойдаланиш ва уларни сохталаштириш ёки қонунга хилоф тарзда ўзгартириш, қайта тиклаш ёки беришни максимал даражада қийинлаштирадиган сифатда бўлишини таъминлаш;

б) ушбу Иштирокчи-давлат томонидан ёки унинг номидан берилган кириш-чиқиш ҳужжатлари ёки шахсий гувоҳномаларнинг ҳимояланганлик ва ишонарлилик даражасини, шунингдек ноқонуний тарзда тайёрлаш, бериш ва улардан фойдаланишнинг олдини олишни таъминлаш.

13-модда. Ҳужжатларнинг қонунийлиги ва ҳақиқийлиги

Иштирокчи-давлат бошқа Иштирокчи-давлатнинг илтимосига кўра, ўз ички қонунчилигига мувофиқ, оқилона муддат ичида унинг номидан берилган ёки берилиши мумкин бўлган ҳамда одам савдоси учун фойдаланишда гумон қилинаётган кириш-чиқиш ҳужжатлари ёки шахсий гувоҳномаларнинг қонунийлиги ва ҳақиқийлигини текширади.

IV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

14-модда. Истисно этувчи қоидалар

1. Мазкур Баённомадаги ҳеч нарса халқаро ҳуқуқ, халқаро гуманитар ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқ ва, хусусан, қўллаш мумкин бўлганда, 1951 йилги Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенция ва 1967 йилги Баённома ҳамда уларда мустаҳкамланган мамлакатдан чиқариб юбормаслик принципига мувофиқ давлатлар ва алоҳида шахсларнинг жавобгарлиги, мажбуриятлари ва бошқа ҳуқуқларига дахл қилмайди.

2. Ушбу Баённомада назарда тутилган чоралар одам савдоси қурбонлари бўлганлари учунгина камситилишга асос бўлмайдиган тарзда талқин этилади ва қўлланилади. Бу чораларни талқин этиш ва қўллаш халқаро эътироф этилган камситилмаслик принципларига мувофиқ амалга оширилади.

15-модда. Низоларнинг тартибга солиниши

1. Иштирокчи-давлатлар мазкур Баённомани шарҳлаш ёки қўллашга оид низоларни музокаралар йўли билан тартибга солишга ҳаракат қиладилар.

2. Икки ёки ундан кўп Иштирокчи-давлатлар ўртасидаги Баённомани шарҳлаш ёки қўллашга оид низоларни оқилона вақт ичида музокаралар йўли билан тартибга солиш мумкин бўлмаса, бу Иштирокчи-давлатлардан бирининг илтимосига кўра, арбитраж муҳокамасига берилади. Агар ҳакамлик ҳақида илтимос билан мурожаат қилингандан сўнг олти ой мобайнида ушбу Иштирокчи-давлатлар уни ташкил этиш тўғрисида келиша олмасалар, бу Иштирокчи-давлатлардан бирон бири Халқаро судга Суд Статутига мувофиқ ариза билан мурожаат қилиш орқали низони тақдим этиши мумкин.

3. Ҳар бир Иштирокчи-давлат мазкур Баённомани имзолаш, ратификация қилиш, қабул қилиш ёки уни тасдиқлашда ёхуд унга қўшилишда ўзини ушбу модданинг 2-банди қоидалари билан боғлиқ эмаслиги тўғрисида маълум қилиши мумкин. Бошқа Иштирокчи-давлатлар шундай изоҳ билдирган бирон бир Иштирокчи-давлатга нисбатан мазкур модданинг 2-банди қоидалари билан боғлиқ бўлмайдилар.

4. Ушбу модданинг 3-бандига мувофиқ қўшимча шарт қўйган ҳар қандай Иштирокчи-давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига билдиришнома юбориш йўли билан исталган вақтда бу шартни олиб ташлаши мумкин.

16-модда. Имзолаш, ратификация қилиш, қабул қилиш, тасдиқлаш ва қўшилиш

1. Мазкур Баённома барча давлатлар томонидан имзоланиши учун 2000 йилнинг 12 декабридан 15 декабрига қадар Палермо, Италияда, сўнг Нью-Йоркдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида 2002 йилнинг 12 декабрига қадар очик.

2. Мазкур Баённома, шунингдек иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилотларининг, агар камида бундай ташкилотга аъзо давлатлардан бири

ушбу Баённомани мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ имзолаган бўлса, имзолаши учун очикдир.

3. Мазкур Баённома ратификация қилиниши, қабул қилиниши ёки тасдиқланиши керак. Ратификация ёрлиқлари ёхуд қабул қилиш ёки тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатлар сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширилади. Иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти ўзининг ратификация ёрлиғини ёхуд қабул қилиш ёки тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжати, агар камида аъзо-давлатлардан бири шундай иш тутган бўлса, сақлаш учун топшириши мумкин. Бу ратификация ёрлиғида ёхуд қабул қилиш ёки тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатда бундай ташкилотнинг ушбу Баённома билан тартибга солинадиган масалалар бўйича ўз ваколати соҳаси тўғрисида маълум қилади. Бу ташкилот, шунингдек депозитарийга ўз ваколати соҳасининг ҳар қандай ўзгариши тўғрисида ҳам хабар қилади.

4. Мазкур Баённома ҳар қандай давлат ёки иқтисодий интеграция бирон бир минтақавий ташкилотининг, энг камида аъзо давлатнинг бири ушбу Баённома Иштирокчиси бўлганда қўшилиш учун очикдир. Қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатлар сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига топширилади. Қўшилишда иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти ушбу Баённома билан тартибга солинадиган масалалар бўйича ўз ваколати соҳаси тўғрисида баёнот беради. Бу ташкилот, шунингдек депозитарийга ўз ваколати соҳасининг ҳар қандай ўзгаришлари тўғрисида хабар қилади.

17-модда. Кучга кириши

1. Мазкур Баённома қирқинчи ратификация ёрлиғи ёхуд қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатлар сақлаш учун топширилган санадан сўнг тўқсонинчи кунда кучга киради, бироқ у Конвенция кучга киргунга қадар кучга кирмайди. Ушбу банд мақсадлари учун иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти томонидан сақлаш учун топширилган ҳар қандай бу каби ёрлиқ ёки ҳужжат бундай ташкилотнинг аъзо давлатлари томонидан сақлаш учун топширилган ёрлиқ ёки ҳужжатларга қўшимча сифатида қаралмайди.

2. Мазкур Баённомани ратификация қилувчи, қабул қилувчи ёки тасдиқловчи ёхуд унга қирқинчи ратификация ёрлиғи ёки бундай ҳаракат тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилганидан кейин қўшилувчи ҳар бир давлат ёки иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти учун ушбу Баённома бундай давлат ёки ташкилот томонидан тегишли ёрлиқ ёки ҳужжат сақлаш учун топширилган санадан сўнг ўттизинчи кунга ёхуд кейинчалик нима бўлишига қараб мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ ушбу Баённома кучга кириш санасида кучга киради.

18-модда. Тузатишлар

1. Мазкур Баённома кучга киргандан кейин беш йил ўтгач, ушбу Баённоманинг Иштирокчи давлат тuzатиш киритишни таклиф қилиши ва

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига бориши мумкин, сўнгра таклиф қилинган тузатишни кўриб чиқиш ва у бўйича қарор қабул қилиш мақсадида Иштирокчи-давлатларга ва Конвенция иштирокчиларининг конференциясига юборади. Иштирокчилар конференцияда қатнашаётган мазкур Баённоманинг Иштирокчи давлатлари ҳар бир тузатишга нисбатан консенсусга эришиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширадilar. Агар консенсусга эришиш учун барча саъй-ҳаракатлар амалга оширилган ва келишувга эришилмаган бўлса, унда охирги чора сифатида тузатишни қабул қилиш учун мазкур Баённома Иштирокчи давлатларининг Иштирокчилар конференциясида ҳозир бўлган ва овоз беришда қатнашаётган учдан икки қисмининг кўпчилиги овози талаб этилади.

2. Ўзларининг ваколат доирасига кирадиган масалаларда иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилотлари ушбу моддага мувофиқ ўз овоз бериш ҳуқуқини мазкур Баённома иштирокчиси бўлган аъзо-давлатлар сонига тенг овозларга эга бўлган ҳолда амалга оширадilar. Бундай ташкилотлар, агар уларнинг аъзо-давлатлари овоз бериш ҳуқуқини амалга оширса ва аксинча бўлса, ўз овоз бериш ҳуқуқини амалга оширмайди.

3. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ қабул қилинган тузатиш Иштирокчи-давлатлар томонидан ратификация қилиниши, қабул қилиниши ёки тасдиқланиши керак.

4. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ қабул қилинган тузатиш Иштирокчи-давлатга нисбатан улар томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига ратификация ёрлиқлари ёхуд қабул қилиш ёки тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатлар сақлаш учун топширилган санадан тўқсон кун ўтгач кучга киради.

5. Тузатиш кучга киргандан сўнг, унга риоя этишга ўз розилигини билдирган Иштирокчи-давлатлар учун мажбурий ҳисобланади. Бошқа Иштирокчи-давлатлар мазкур Баённома қоидалари ва улар томонидан аввалроқ ратификация қилинган, қабул қилинган ёки тасдиқланган ҳар қандай тузатишларни бажаришда давом этадилар.

19-модда. Денонсация

1. Иштирокчи-давлат ушбу Баённомани Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига ёзма билдиришнома юбориш орқали денонсация қилиши мумкин. Денонсация Бош котиб томонидан хабарнома олинган санадан бир йил ўтганидан сўнг кучга киради.

2. Иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти мазкур Баённоманинг барча аъзо-давлатлари ушбу Баённомани денонсация қилганларида унинг Иштирокчиси ҳисобланмайди.

20-модда. Депозитарий ва тиллар

1. Мазкур Баённоманинг Депозитарийси этиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби тайинланади.

2. Мазкур Баённоманинг инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилидаги матнлари айнан бир хил бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилади.

СУД ТАЪҚИБИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ШАХСЛАРНИНГ РОЛИГА ТААЛЛУҚЛИ РАҲБАРИЙ ПРИНЦИПЛАР

*Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг
Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш
бўйича саккизинчи конгрессида қабул қилинган,
Гавана, 1990 йил 27 август – 7 сентябрь*

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича саккизинчи конгресси,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича еттинчи конгресси томонидан консенсус асосида қабул қилинган ҳамда Бош Ассамблеянинг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/32-резолюциясида тасдиқланган Милан ҳаракатлар дастурига *таяниб,*

шунингдек, еттинчи Конгресс Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича қўмитасини суд таъқибини амалга оширувчи шахсларга тааллуқли раҳбарий принципларни ишлаб чиқиш зарурлигини қўриб чиқишга даъват этадиган 7-резолюцияга *таяниб,*

қайд этилган резолюцияга мувофиқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича саккизинчи конгрессига Қўмита ва минтақавий тайёргарлик йиғилишлари томонидан қилинган ишларни *мамнуният билан таъкидлаб,*

1. ушбу резолюциянинг иловасида келтирилган суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг ролига тааллуқли Раҳбарий принципларни қабул қилади;

2. ҳар бир мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий хусусиятлари ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда, қарор қабул қилиш ва миллий, минтақавий ва минтақалараро амалга ошириш учун Раҳбарий принципларни тавсия қилади;

3. аъзо-давлатларга ўзларининг миллий қонун ҳужжатлари ва амалиёти доирасида Раҳбарий принципларни эътиборга олишни ва ҳурмат қилишни таклиф қилади;

4. аъзо-давлатларга, шунингдек Раҳбарий принципларни суд таъқибини амалга оширувчи шахслар ва бошқа шахслар, хусусан, судьялар, адвокатлар, ижро этувчи ва қонунчилик органлари ходимлари ҳамда аҳоли эътиборига етказишни таклиф қилади;

5. Раҳбарий принципларни амалга оширишда жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш масалалари билан шуғулланувчи минтақавий комиссия, минтақавий ва минтақалараро муассасаларни, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослаштирилган муассасалари ва тизимнинг бошқа органлари, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ҳузуридаги маслаҳатлашув мақомига эга бўлган бошқа манфаатдор

ҳукуматлараро ташкилотлар ва ноҳукумат ташкилотларни фаол иштирок этишга қатъий чақиради;

6. Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича қўмитасини ушбу резолюцияни амалга ошириш ҳақидаги масалани биринчи навбатда кўриб чиқишга чақиради;

7. Бош котибдан Раҳбарий принципларни имкон қадар кенгроқ оммалаштириш, жумладан, уларни ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотларига ҳамда бошқа манфаатдор томонларга юбориш учун тегишли чораларни кўришни сўрайди;

8. Бош котибдан, шунингдек 1993 йилдан бошлаб беш йилда бир марта Раҳбарий принципларни амалга ошириш ҳақидаги маърузани тайёрлашни сўрайди;

9. кейинроқ Бош котибдан аъзо-давлатларга уларнинг илтимосларига кўра Раҳбарий принципларни амалга ошириш ва Қўмитага ушбу масала бўйича доимий равишда маъруза тақдим этишда ёрдам беришни сўрайди;

10. мазкур резолюция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча манфаатдор органлари эътиборига етказилишини сўрайди.

СУД ТАЪҚИБИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ ШАХСЛАРНИНГ РОЛИГА ТААЛЛУҚЛИ РАЎБАРИЙ ПРИНЦИПЛАР

Жаҳон халқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида, хусусан, адолатга риоя этиш мумкин бўладиган шарт-шароитлар яратишга қарор қилганликларини ҳамда ирки, жинси, тили ва динидан қатъи назар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига бўлган ҳурматни рағбатлантириш ҳамда ривожлантиришда халқаро ҳамкорликни амалга оширишни асосий мақсадларидан бири сифатида эълон қилганликларини *эътиборга олиб*,

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида қонун олдида тенглик, айбсизлик презумпцияси принциплари ҳамда иш мустақил ва холис суд томонидан очиқ ва адолатнинг барча талабларига риоя этган ҳолда кўриб чиқирилиши ҳуқуқи қайд этилганлигини *эътиборга олиб*,

кўп ҳолларда ҳали ҳам ушбу принциплар асосини ташкил этган мақсадлар ва реал воқелик ўртасида номувофиқлик мавжудлигини *эътиборга олиб*,

ҳар бир мамлакатда одил судловни ташкил этиш ва амалга ошириш ушбу принциплар асосида қурилиши кераклиги ҳамда уларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш мақсадида чоралар кўрилиши зарурлигини *эътиборга олиб*,

суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг адолатли суд қилишда ҳал қилувчи роль ўйнашини ва уларнинг муҳим вазифаларни бажаришларини тартибга солувчи нормалар улар томонидан юқорида баён этилган принципларнинг ҳурмат қилиниши ҳамда уларга риоя этилишига кўмаклашиши, шу билан адолатли ва тенг ҳуқуқли жиноий одил судлов ва фуқароларни жиноятчиликдан самарали ҳимоя қилишга ёрдам бериши кераклигини *эътиборга олиб*,

суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг ўз вазифаларини бажаришлари учун зарур бўлган тегишли касбий тайёргарликка эга бўлишларини таъминлаш муҳим эканлигини, бунга кадрларни ёллаш ва профессионал юридик тайёргарлик услубларини такомиллаштириш орқали ҳамда улар томонидан жиноятчиликка, айниқса, унинг янги шакллари ва кўламларига қарши кураш билан боғлиқ ўз вазифаларининг тегишли равишда бажарилиши учун барча зарур чораларни таъминлаш орқали эришилишини *эътиборга олиб*,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича бешинчи конгрессининг тавсиясига кўра Бош Ассамблея ўзининг 1979 йил 17 декабрдаги 34/169 резолюциясида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш юзасидан мансабдор шахсларнинг ахлоқ кодекси қабул қилганлигини *эътиборга олиб*,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича олтинчи конгресси 16-резолюцияда Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича кўмитасини судьяларнинг мустақиллигига ҳамда судьялар ва суд

таъқибини амалга оширувчи шахсларни танлаш, касбий тайёргарлиги ва мақомига оид раҳбарий принципларни ишлаб чиқишни ўзининг биринчи навбатдаги масалалари жумласига киритишга даъват этганлигини *эътиборга олиб*,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича еттинчи конгресси Бош Ассамблеянинг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/32 ва 1985 йил 13 декабрдаги 40/146-резолюциялари билан маъқулланган Суд органларининг мустақиллигига тааллуқли асосий принципларни қабул қилганлигини *эътиборга олиб*,

жиноятлар ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш қурбонлари учун Одил судловнинг асосий принциплари декларациясида жиноят қурбонларига одил судловнинг очиқ бўлиши ва адолатли муомала, реституция, зарар ўрнини қоплаш ҳамда ёрдам кўрсатиш соҳасидаги вазиятни яхшилаш мақсадида халқаро ва миллий даражаларда чоралар кўриш тавсия этилганлигини *эътиборга олиб*,

7-резолюцияда еттинчи Конгресс Қўмитани суд таъқибини амалга оширувчи шахсларни танлаш, касбий тайёргарлиги ва мақомига, хусусан, уларнинг тахмин қилинган мажбуриятлари ва хулқ-атвори, жинойий одил судлов тизимининг мукамал ишлашини таъминлашдаги ҳиссасини ошириш йўллари ва полиция билан ҳамкорлигини кенгайтиришга, ихтиёрий ваколатлари доираси ва жинойий суд ишларини юритишда уларнинг ролига тааллуқли раҳбарий принципларни ишлаб чиқиш заруратини кўриб чиқишга ҳамда ушбу масала бўйича маърузаларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг келгуси конгрессларига тақдим қилишга чақирганлигини *эътиборга олиб*,

қуйида келтирилган аъзо-давлатларга суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг самарадорлиги, мустақиллиги ва адолатлилигини таъминлаш ва ошириш вазифаларини ҳал этишда ёрдам кўрсатиш учун ишлаб чиқилган Раҳбарий принципларга жинойий иш юритишда риоя этилиши ҳамда ҳукуматлар томонидан ўзларининг миллий қонунчилиги ва амалиёти доирасида эътиборга олиниши ҳамда прокурорлар, шунингдек судьялар, адвокатлар, ижро этувчи ва қонунчилик органларининг мансабдор шахслари каби бошқа шахсларнинг ва умуман, аҳолининг эътиборига етказилиши керак. Мазкур Раҳбарий принциплар жамоат айбловчиларига мослаб ишлаб чиқилган, бироқ улар тегишли ҳолларда тенг даражада махсус асосда тайинланган айбловчиларга нисбатан қўлланилади.

Малака, танлаб олиш ва касбий тайёргарлик

1. Суд таъқибини амалга ошириш учун танлаб олинган шахслар юксак ахлоқий сифатлар ва қобилиятга, шунингдек тегишли тайёргарлик ва малакага эга бўлишлари керак.

2. Давлатлар қуйидагилар бўйича таъминлайдилар:

а) суд таъқибини амалга оширувчи шахсларни танлаш мезонлари адолатсизлик ёки нотўғри қарашларга асосланган тайинлашга қарши

кафолатларни ва бирор-бир шахсга нисбатан унинг ирки, танасининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқоди, миллий, ижтимоий ёки этник келиб чиқиши, мулкӣй, табақавӣй, моддий ёки бошқа ҳолатлари белгисига кўра ҳар қандай камситишни истисно қилиш, шу билан бирга, суд таъқибини амалга оширишни назарда тутадиган лавозимга муайян мамлакат фуқаросини номзод қилиб тайинлаш талаби камситиш сифатида кўрилмаслигини ўз ичига олишини;

б) суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг тегишли таълим ва тайёргарликка эга бўлишини, ушбу лавозимга хос идеал ва этика нормаларини англашларини ҳамда айбланаётган шахслар ва жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича конституциявий ва норматив чоралар, шунингдек миллий ва халқаро ҳуқуқ томонидан эътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида хабардор бўлишларини таъминлайди.

Хизмат мақоми ва шартлари

3. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар жиноий одил судловни амалга ошириш тизимининг жуда муҳим вакилларидан бири бўлиб, ўз касбларининг обрўси ва кадр-қимматини доимо сақлайдилар.

4. Давлат суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг ўз касбий мажбуриятларини тажовузлар, қаршилиқлар, кўрқитишлар, кераксиз аралашув ёки асосиз равишда фуқаролик, жиноий ёхуд бошқа жавобгарликка тортишдан холи бажаришларини таъминлайди.

5. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар ва уларнинг оилалари суд таъқибини амалга ошириш бўйича ўз вазифаларини бажаришлари натижасида уларнинг хавфсизлигига таҳдид мавжуд бўлган ҳолларда ҳокимият томонидан жисмоний ҳимоя билан таъминланади.

6. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар хизматининг оқилона шартлари, уларни тегишлича мукофотлаш ҳамда бу қўлланиладиган жойда, уларнинг ваколат муддати, пенсия таъминоти ва пенсияга чиқиш ёши қонун ёки эълон қилинган нормалар ёхуд қоидалар билан белгиланади.

7. Шундай тизим мавжуд бўлганда, суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг лавозимини ошириш объектив омилларга, хусусан, уларнинг касбий малакасига, қобилиятига, ахлоқий хислатлари ва тажрибасига асосланади ҳамда бу тўғрисидаги қарор адолатли ва одилона тартиб-таомилларга мувофиқ қабул қилинади.

Эътиқод ва уюшмалар эркинлиги

8. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар бошқа фуқаролар каби фикр билдириш, эътиқод, уюшмалар ва йиғилишлар эркинлиги ҳуқуқига эга. Хусусан, улар ҳуқуқ, одил судловни амалга ошириш ва рағбатлантириш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларининг оммавий муҳокамасида иштирок этиш, ўзларининг қонуний хатти-ҳаракатлари ёки қонуний ташкилотга аъзолиги оқибатида ўз касбий фаолиятларида чекловларга дучор бўлмаган ҳолда маҳаллий, миллий ёки халқаро ташкилотларга кириш ёхуд

бундай ташкилотлар тузиш ва уларнинг йиғилишларида қатнашиш ҳуқуқига эга. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар мазкур ҳуқуқларни рўёбга чиқарар экан, ўз фаолиятида доимо ҳуқуққа ҳамда ўз касбларининг эътироф этилган нормалари ва этикасига амал қиладилар.

9. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи, касбий тайёргарлигини оширувчи ва ўзларининг мақомини ҳимоя қилувчи касаба уюшмалари ёки бошқа ташкилотлар тузиш ёки уларга қўшилиш ҳуқуқига эга.

Жиноят муҳокамасидаги роли

10. Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг лавозими суд вазифаларини бажаришдан қатъий ажратилади.

11. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар жиноят муҳокамасида, шу жумладан, иш қўзғатишда ва агар бунга қонунда рухсат этилган бўлса ёки маҳаллий амалиётга мувофиқ бўлса, жиноятни тергов қилишда, бундай терговларнинг қонунийлигини назорат қилишда, суднинг ҳал қилув қарорларининг бажарилишини назорат қилишда ва бошқа вазифаларни давлат манфаатларини ифодаловчи вакиллар сифатида амалга оширишда фаол роль ўйнайдилар.

12. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар ўз мажбуриятларини қонунга мувофиқ адолатли, изчил ва жадал бажарадилар, инсоний кадр-қимматни ҳурмат қилади ва ҳимоя қиладилар ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладилар, шу билан жиний одил судлов тизимининг тегишли жараёнини ва узлуксиз ишлашини таъминлашга кўмаклашадилар.

13. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар ўз мажбуриятларини бажаришда:

а) ўз вазифаларини беғараз бажарадилар ҳамда сиёсий эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ирқи, маданияти ва жинсига асосланган ҳар бир камситишларга ёки бошқа ҳар қандай шаклдаги камситишларга йўл қўймайдилар;

б) давлат манфаатларини ҳимоя қиладилар, холисона ҳаракат қиладилар, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг аҳволини лозим даражада ҳисобга оладилар ҳамда ишга алоқаси бўлган барча ҳолатларга, улар гумон қилинувчи учун фойдали ёки фойдали эмаслигидан қатъи назар, эътибор берадилар;

с) агар ўз мажбуриятларини бажариш ёки одил судлов нуқтаи назаридан бошқача талаб бўлмаса, касбий сирни сақлашга риоя этадилар;

д) жабрланувчиларнинг шахсий манфаатларига дахл қилинганда уларнинг фикрлари ва ташвишларини кўриб чиқадиладар ҳамда жабрланувчиларнинг Жиноятлар ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш қурбонлари учун одил судловнинг асосий принциплари декларациясига мувофиқ ўз ҳуқуқлари билан танишишларини таъминлайдилар.

14. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар одилонга тергов айбловнинг асоссиз эканлигини кўрсатган ҳолларда суд таъқибини қўзғатмайди ёки уни давом эттирмайди ёхуд суд муҳокамасини тўхтатиш учун имкон қадар барча

ҳаракатларни қилади.

15. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар давлат хизматчилари томонидан содир этилган жиноятлар, хусусан, коррупция, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилиши ва халқаро ҳуқуқда эътироф этилган бошқа жиноятлар учун суд таъқибига ҳамда агар бунга қонунда рухсат этилган ёки маҳаллий амалиётга мувофиқ бўлса, бундай ҳуқуқбузарликларни тергов қилишга алоҳида эътибор қаратадилар.

16. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар ихтиёрига гумонланувчиларга қарши ўзларига маълум бўлганидек ёки улар гумонланувчининг ноқонуний усуллар ёрдамида инсон ҳуқуқлари қўпол равишда бузилишини, айниқса, қийноқлар ёхуд муомала ёки жазолашнинг шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситиш ёхуд инсон ҳуқуқларининг бошқа бузилишларини қўллаш билан боғлиқ деб ҳисоблаши учун оқилона асосга эга бўлган далиллар келиб тушганда, улар бу каби далиллардан бундай усулларни қўллаганлардан ташқари, ҳар қандай шахсга қарши фойдаланишни рад этадилар ёки тегишли равишда судни хабардор қилади ҳамда бундай усулларни қўллашга масъул бўлган шахсларнинг судга жалб қилинишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрадилар.

Ихтиёрий вазифалар

17. Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларга ихтиёрий вазифаларни бажариш бўйича ваколатлар берилган мамлакатларда қонун ёки эълон қилинган нормалар ёхуд қарорлар суд таъқибини, жумладан, суд таъқибини қўзғатиш ёки бекор қилиш жараёнида қарорлар қабул қилишда адолат ва изчилликни ошириш учун раҳбарий принципларни таъминлайди.

Суд таъқибига муқобил усуллар

18. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ, шу билан бирга гумонланувчи (гумонланувчилар) ва жабрланувчи (жабрланувчилар) нинг инсон ҳуқуқларини тўлиқ ҳурмат қилган ҳолда, суд таъқибини бекор қилиш, муҳокамани шартли ёки шартсиз равишда тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги ёки жиноят ишларини одил судловнинг расмий тизимидан олиб ташлаш тўғрисидаги масалани тегишли тарзда кўриб чиқадилар. Ушбу мақсадларда давлатлар нафақат судларнинг ҳаддан ташқари иш ҳажми юкланганлигини камайтириш учун, балки судга қадар ушлаб туриш, айблаш ва ҳукм қилиш билан боғлиқ бўлган шармандаликнинг, шунингдек қамоқ жазосининг эҳтимол тутилган салбий оқибатларини олдини олиш учун ишларни бекор қилиш дастурларини қабул қилиш имкониятини тўлиқ ўрганишлари керак.

19. Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларга вояга етмаганларга нисбатан иш қўзғатиш ёки қўзғатмаслик тўғрисида қарор қабул қилишга доир ихтиёрий вазифаларни бажариш бўйича ваколатлар берилган мамлакатларда ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва жиддийлиги, жамиятни ҳимоя қилиш фикр-мулоҳазалари ҳамда вояга етмаганнинг характери ва ривожланиш даражаси алоҳида кўриб чиқилади. Ушбу қарорни қабул қилишда суд

таъқибини амалга оширувчи шахслар тегишли қонунлар доирасида мавжуд бўлган суд таъқибига муқобил усулларни ва вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишнинг тартиб-таомилларини алоҳида кўриб чиқади. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар вояга етмаганларнинг суд таъқибига фақат қатъий зарур доираларда ўтиши учун барча имкониятлардан фойдаланади.

Бошқа ҳукумат органлари ёки муассасалари билан алоқалар

20. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар суд таъқибининг адолатли ва самарали бўлишини таъминлаш учун полиция, судлар, юристлар, жамоат қораловчилари ва ҳукуматнинг бошқа органлари ёки муассасалари билан ҳамкорлик қилишга ҳаракат қиладилар.

Интизомий жазолар

21. Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларга нисбатан интизомий жазони қўллаш тўғрисидаги муҳокама қонун ёки норматив ҳужжатларга асосланади. Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларнинг ўз хатти-ҳаракатлари билан касбий стандартларни очиқ-ойдин бузганлигини тасдиқловчи шикоятлар тегишли тартиб-таомилга мувофиқ дарҳол ва ҳаққоний равишда кўриб чиқилади. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар адолатли муҳокама ҳуқуқига эга. Чиқариладиган қарор мустақил томон текширувидан ўтказилади.

22. Суд таъқибини амалга оширувчи шахсларга интизомий жазони қўллаш тўғрисидаги муҳокама объектив баҳолаш ва объектив қарор қабул қилишни кафолатлайди. Муҳокама қонун, Касб ахлоқи кодекси ҳамда бошқа белгиланган мезонлар ва этика нормалари ҳамда ушбу Раҳбарий принципларга мувофиқ ўтказилади.

Раҳбарий принципларга риоя этиш

23. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар ушбу Раҳбарий принципларга риоя этади. Улар, шунингдек имкон қадар Раҳбарий принципларнинг ҳар қандай бузилишининг олдини олади ва бундай бузилишларга қарши фаол курашади.

24. Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар ушбу Раҳбарий принципларнинг бузилиши содир бўлган ёки тез орада содир бўлиши мумкин деб ҳисоблаш учун асосга эга бўлса, бу ҳақда ўзларининг юқори турувчи бошлиқларига ва зарур ҳолларда, бундай бузилишларни муҳокама қилиш ёки тузатиш бўйича ваколатлар юклатилган бошқа тегишли органлар ёки ҳокимиятларга хабар беради.

ИНСОН ҲУКУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР ТЎПЛАМИ

Муҳаррир: Талипова М.
Мусахҳиҳ: Турсунова И.
Саҳифаловчи: Ҳайдаров Б.

Босишга рухсат этилди 05.11.2023. Бичими 60x84 ¹/₁₆.
Офсет қоғози. Афсет босма усулида босилди.
«Cambria» гарнитураси. Шартли босма табоғи 10,0.
Нашр босма табоғи 8,1.
Адади 100 нусха. Буюртма №21-1
«IMPRESS MEDIA» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди
Манзил: 100007. Тошкент, Қушбеги кўчаси, 6-уй.